

**МАКТАБ КУТУВХОНАСИ**

**ОЙБЕК**

**ҚУЁШ  
ҚОРАЙМАС**

**«УЎҚИТУВЧИ» НАШРИЯТИ**

**Тошкент — 1977.**

Тошкент, Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан босиб чиқарилган 1971 йилги нашрига мувофиқ редактор У. Нишонов кузатуви остида қайта нашр қилинди.

*На узбекском языке*

Школьная библиотека

**АЙБЕК**

**СОЛНЦЕ НЕ ПОМЕРКНЕТ**

*Издательство «Уқитувчи»*

*Ташкент — 1977*

Муқова расоми *В. Ф. Ворохов*

Бадий редактор *П. Бродский*

Техн. редактор *Т. Золотилова*

Корректор *Ж. Нуриддинова*

Теришга берилди 26/VII-1976 й. Босишга рухсат этилди 18/I-1977 й. Қоғоз № 1. 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Физ. б. л. 6,5. Шартли б. л. 10,92. Нашр л. 11,15. Тиражи 120000.

«Уқитувчи» нашриёти. Тошкент — 129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 214-76. Баҳоси 36 т. Муқоваси 9 т.

УзССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент полиграфия комбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1977 й. Зак. № 902.

Ташполиграфкомбинат Государственного Комитета Совета Министров УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, Навоий, 30.

© «Уқитувчи» нашриёти, 1977.

А 70803—№ 111  
353 (06)—77 253-77

## БИРИНЧИ БОБ

Тим қоронғи изғиринли кеча. Ёмғир худди жонга игна санчигандай эзиб, муттасил саваларди. Урмон бўйлаб чўзилган катта йўлда, жиққа ҳўл бўлган батальон лой сачратиб, мудроқ ҳолда оғир одим отарди. Олдинги қаторда Асқар полвон билан Бектемир; энг охиригида, ҳамма вақтдагидек, сафдан узилмасликка тиришиб, чатаногини кериб, Али тажанг судраларди.

Бектемир, Полвоннинг баъзан зарда билан пишқириб қўйишидан ёки оғир хўрсинишидан, унинг шу тонда дилгир ва қайфсиз эканини пайқади, лекин чурқ этишга тоби йўқ. Бу ёлғиз ҳорғинликдан эмас, икки кун ичида кўрганлари уни қандайдир ўйчан, камгап қилиб қўйганди.

Кичкина станцияда батальон поезддан тушишга улгурмасданоқ бомбардимонга учради. Вагонларнинг гулдурос билан ағдарилиши, парчаланган рельсларнинг чиллакдай учиши, дод-вой, тутун, тупроқ — Бектемирнинг илк «томошаси» бўлди. У бузилган бинонинг гишт деворлари орқасидан соғ чиқар экан, ҳаммани нобуд бўлган деб ўйлади. Йўқ, ўн чоқли одам ўлган, ундан ортиқроғи ярадор. Ҳамқишлоқларидан эса, ёлғиз Сафар чўтирнинг бир бармоғи енгил ярадор бўлган эди.

Батальон пиёда йўлга тушди.

У йўл устида, уюм-уюм гишт ва тупроқ бўлган шаҳарчаларни, тутунга чулғанган хароба қишлоқларни, пачақланган, куйган юзларча машиналарни кўрди. Кутилмаганда осмондан гувиллаб бало шўнғийди. Кундуз батальонга бир неча бор човут салади. Одамлар жон ҳовучлаб ўзларини ўрмонга урадилар. Ҳаводан жаҳаннам ёғилади.

Урмон даҳшатли шовқинга тўлади. Йиқилган дарахтларнинг қарсиллаши, гўё уларнинг ям-яшил, беозор жонлари нафрат ва аламдан кўтарган фарёд каби туюлади...

Батальон ярим кечада хароба бир қишлоққа келиб тўхтади. Қишлоқда ҳаёт асари йўқ. Ҳатто ит ҳам акилламайди. Ёмғир яксанов, зериктиргич шувиллайди. Аллақайда, узоқда, тўпларнинг ўқтин-ўқтин оғир «гупиллаган» садоси эшитилади. Кўзлар зим-зиё қоронғилиқда беихтиёр бошпана қидиради. Оёқлар гиштларга, ёғочларга, эшикларга ва дераза ромларига қоқилади. Лабларда махорка чўғи йилтиллайди, чекка-чеккада маъноси англашилмаган қандайдир гурун...

Бектемир йўл четидаги дарахтнинг йўғон танасига орқасини суяб чўққайди. Қорни очган бўлса ҳам, лекин маҳкам боғланган халтани ечиб, увиган нонни олиб ейишга эринди. Қора, қуюқ қошлари остидаги йирик, тийрак, болаларникидай соф, содда кўзлари билан узоқларга тикилди. У юзидан, бўйнидан оқиб, ғашини келтирган сувни, намат ҳиди келаётган эски, ҳўл шинелининг енг учи билан артди-да, бошини ҳорғин қўйи солди. Қандайдир узуқ-юлуқ фикрлар, кўнғлини ғаш қиладиган сезгилар уни чулғаб олди. Улар беш оғайни эди. Оға-инилар ўзларининг аҳиллиги, бир-бирига меҳри-шафқати билан ҳамманинги диққатини жалб этар, ҳавасини келтирар эди. Катта акаси — Тоҳир кўп йиллардан бери шаҳарда яшаб, совет, партия идораларида хизмат этар, иккинчи акаси — Қодир колхозда бригадир; укаси — Камол эса Тошкентда олий мактабда ўқирди-ю, бироқ ўтган йил у ҳам армияга олинди, ўн етти яшар арзанда Зайнабой колхоздаги бодалар боғчасида мураббия эди. Камол кейинги хатларининг бирида артиллерияни яхши кўргани, ҳозир Латвияда турганини билдирган эди. Бектемир шу тобда кучли соғинч туйди. Узи билан бўйин тенг, бирга юмалаб-сумалаб ўсган Камолнинг болаликдаги ўйинлари, қилиқлари унинг кўз олдидан жонли, ёрқин ўтди. «Нима бўлди экан, укам бояқиш? Балки у ҳам шу ерга яқин жойда, Москва ёнида жанг қиляётгандир, балки... эҳтимол, ўлгандир...» деб ўйлади, ранг-қути оқариб.

Унинг қалбида соғинч ва турли хотиралар тўлиб-тошарди. У ўзида яқинларни кўрмоққа, сўзлашмоққа аллақандай ички эҳтиёж сезар, сўзлашиб негадир қониқмаганини ҳис этар эди. «Охиратим қўямасин» деб беш ўғлининг ҳаммасига ҳам бирдек ғамхўрлик, бирдек меҳри-

бонлик билан қарайдиган ажойиб онасини чуқур миннатдорлик ва ўғиллик севгиси билан узоқ эслади: «Қайтиб кўраманми, йўқми?» деган фикр бошидан ўтди-да, аллақандай мубҳам ва оғритувчи сезгининг турткиси билан оғир хўрсиниб қўйди.

Мана унинг қаршисида забардаст, башижоат отаси гавдаланди. У гўё кечагина отасининг доно, ақлли сўзларини эшитгандай бўлди. У яқинда «Суягим ишда қотган, худога шукур, белимда куч-қувват, ғайрат бор, модомики йиғитларга сафар йўли очилибди, улар ўт кечиб, сув кечиб, қон ичида сузганда, мўйсафидларнинг ҳузур-ҳаловат қидириши иисофдан эмас. Эл қатори мен ҳам куйманай. Тегирмоннинг тақир-туқури ҳам бир эрмак, ўзи хайрли касб», деб тегирмончи Мирза Аҳмадни чопиққа ўтказиб, унинг ишини ўз зиммасига олган эди. У сўзамол, диловар, шер юрак киши. Қани энди шу топда отасини қучоқлаб соқолларидан ўпса. Ҳасрат билан соғинди уни.

Бектемирнинг бошидан гала-гала фикрлар, ранг-баранг хотиралар кечарди. Боболардан қолган қўрғондай катта чорхари ҳам, уч йил бурун солинган рамлари, айвон, янги хоналар ҳам, ғарқ пишганда лазиз ва шифокор мевасининг суви чак-чак томишга тайёр турган ҳовли ўртасидаги шотут ҳам, пахса деворлардаги ғуж-ғуж таппилар ва чамбараклардаги, қовоқлардаги сут-қаймоқлар ҳам кўзларига кўриниб кетгандай бўлди. Гўё ўсиб-унган уйнинг жонли гўзаллигини, рўзгор буюмларининг илиқлигини сезгандай, у ўзини акасининг шўх болаларининг чуввоси билан тўла ҳовлида ҳис этди.

Бектемир ҳозир ўзини бутун борлиғи билан ўз қишлоғида, кенг дала, худудсиз қирларда кўрарди. У аввал колхозда пахтада ишларди, тахминан, икки йил илгари тоғларда юраман, деб ҳавас билан чўпонликка ўтган эди. Унга бу ишни ҳеч ким мажбуран берган эмас — ўзи танлади. Бектемир ерга, далага, меҳнатга серҳавас бўлиб ўсган эди. У ўз қишлоғидаги мактабда еттинчи синфни битириб, дала ишига берилиб кетди. Шаҳардаги катта акаси уни ўқитиш учун ўз ёнига олдирганда, бир йилдан кейин қишлоғига қочиб келганди. Одамлар кулишиб: «Томошанинг кони — Тошкентдай шаҳри азимдан нега қочдинг?» деб сўраганларида, Бектемир катталардай қўлини силкиб: «Сиқилиб кетдим. Яхши шаҳар-у, бироқ кўчалари шовқинсурон. Акамнинг ҳовлиси худди қафасдай, ҳамма ёғи имо-

рат, саҳнида гиёҳ йўқ. Темир қувурдан сув ичишади. Шамол гивир этмайди», деганди. Отаси: «Қалин-қаттиқ, деҳқонбоп бола бу...» деб ортиқ ўқишга қистамади. Бектемир шу хилда хотираларга ғарқ бўлиб хомуш ўтираркан, бирдан атрофини ҳамқишлоқлари ва батальондаги бошқа бир қанча йигитлар ўради. Батальонда аксарият руслар бўлиб, йигирма-ўттиз чоқли ўзбеклар ҳам бор эди. Қачон ва қасрда бўлмасин, ҳамқишлоқлар ҳамма вақт бир-бирини қулайгина топиб олардилар. Элатлар фронтнинг яқинлиги тўғрисида сўзлашдилар. Табиати мулоғим, бироқ кечаси ёлғиз юришга қўрқадиган Сафар чўтир йиғламсираган товуш билан «Эртага ким бор, ким йўқ!» деди. Бектемирнинг ўзи ҳам шу фикрга ишонса-да, лекин нечундир, бепарво, йигитона овоз билан:

— Таваккал! Қирқ йил қирғин бўлса ҳам, ажал етган ўлади, биродар. Олдиндан аза очишнинг ҳожати йўқ!— деб қўйди.

— Тўғри, Бектемир ака,— дея гапга аралашди тошкентлик бир йигитча.— Ҳар ерда бир ўлим бор. Аммо мен бошқа нарса демоқчиман: биз ҳаммамиз бир отанинг боласимиз, яъни ўзбеклармиз. Шунинг учун ҳар маҳал бир-биримизни қўллаб-қўлтиқлашимиз, бир-биримизга жонимизни фидо қилишимиз керак. Яна жасадларимиз итнинг ўлигидай, оёқ остида қолиб кетмасин.

— Йўқ, сен ўзбекларни ажратма, бутун совет аскарлари бир оила, аҳил, меҳрибон ва қалин дўстмиз,— деди Бектемир ранжиган оҳангда.

— Балли, бу гап маъқул,— деди Асқар полвон енгиланиб.

— Отанга раҳмат, лекин агар биронтамиз балойи ноғиҳонга учрасак, худо кўрсатмасин, бошқаларимиз дарров чуқур қазиб, албатта юзини қиблага қаратиб, ерга жо қилайлик. Жаноза йўқ, кафан йўқ, шам йўқ. Яна бунинг устига бир парча чуқурдан четда қолмайлик. Суяк тинч, арвоҳ тинч...— деди Али тажанг. У сариқ тукли, оққиндидай чувак юзли, кичик гавдали, кўримсиз эди. Арзимаган нарсага ичи жуда тез пишиб кетар, дилгир, хуноб бўлар ва шундай пайтларда у ингичка бўйнини жўжа хўроздай чўзиб сўкинар, қизғиш мўйлови асабий титраб кетар эди.

— Оталаринг темирчи ўтганми?— деди Бектемир бўғилиб,— Минг марта қайтардиларинг. Лагерда ҳам бошларинг мазор қайғусидан бир зум бўшамади...

— Хумсалар, эсон-омон юртга қайтайлик, бола-чақа, ёр-оғайниларнинг дийдорини кўрайлик, деб яхши тилак қилсанглар-чи. Тилакли йигит — қанотли йигит, — деди Асқар полвон салмоқданиб. У узунчоқ юзли, қарчиғай бурунли. Бектемирдан икки ёш катта, бўйи ундан кўра хийла узун, лекин гавдаси сал хипчароқ кўринар эди. Қари полвонлар унга яхши разм солиб, шундай хулоса чиқарибдилар: «Гўшти пай, яъни нуқул куч берадиган ҳам то қаригунча тўзмайдиган гўшт, аммо ҳали тобига келинқирамаган...»

Қаердандир елиб-югуриб Аҳмедов келди. У ҳар вақтдаги каби тетик ва шўх эди.

— Не гап, оғайнилар? Ёмғирда бўкиб-сасиб ўтирасанларми? — деди у. — Мана қаршиларингда, йўлнинг нариги бетида катта сарой бор — кирмабсанлар! Мен Миша Васильев билан қишлоқни айланиб чиқдим. Сволочь фашистлар бомба билан ҳамма ёқни тит-питини чиқариб юборибди. Бир вайронада қўлимга ярим қулоч колбаса илинди. Миша Васильев чала бузуқ бир уйдан менга хуштак чалди — борсам обедга чақарибди. Уйнинг ўртасидаги катта столда лим тўла овқат. Яна олмалар, қиёмлар... Хўжайинлари, мазмуни пиширишибди-ю, қочибди-да. Қоронғида апир-тапир туширдик. Қани, кимга олма? Ҳа, бировга оғиз оча кўрмаларинг. Командир онамни учқўрғондан кўрсатади-я! Хўш, сенларда нима ҳангома?

— Кишининг ҳақидан ҳазар қилмаса булар, тавба! — дея Бектемир жаҳл билан пўнғиллади.

— Эртага ҳолимиз нима бўлади-ю, ўлигимиз қаерда қолади. Мана гапнинг пўсткалласи... — деди Сафар чўтир.

— Ҳайронман, жонларингда бир нима борми ўзи?! — деди Аҳмедов кулиб. — Жон азиз, у кетдими — тан ўтга ёқиладими, итга ташланадими — барибир. Фашистни ур, абжағини чиқар, у ёғи билан ишинг бўлмасин. Мардлик билан жанг қилсанг, мардга ўлим йўқ.

— Эркакнинг гапини қилдинг, шунинг учун яхши кўраман-да, сени, Аҳмедов укам. Жангдан номард қолади. Лекин ўртоқлар бир-биримизга қанот-қуйруқ бўлайлик, дейишяпти... Бу ҳам соз... — деди Асқар полвон.

— Гап одамнинг қадр-қиммати тўғрисида, Аҳмедов, — деди Бектемир, — йигитнинг суягини ҳам олтиндай азиз билишимиз керак.

Шу чоқ капитан Стекловнинг шамоллаган ҳирқи овози гуриллади. Жангчилар бирпасда сафга тизилдилар. Батальон вазмин одим билан илгарилаб кетди.

Кун бўйи давом этган шиддатли жанг кечга бориб тинди. Душман беҳисоб танклар ҳимоясида батальон позициясини бир неча бор ёриб ўтишга уринди, бироқ солдатларимизнинг матонати ва фидокорлиги билан ҳар гал улоқтириб ташланди.

Қоронғи тушди. Жаҳаннамга айланган жанг тингандан сўнг, тилка-пора бўлган ер ҳам, дуд босган осмон ҳам гўё ҳорғин, маъюс нафас оларди.

Батальон мудофаа қилиб турган позиция армия мудофаа линиясининг энг муҳим участкаларидан бири бўлгани туфайли, батальондан хабар олиш учун дивизия командири генерал-майор Александр Васильевич Соколовнинг шахсан ўзи келди. Генерал бошқа бир неча командирлар билан комбат ертўласига кирди. Капитан Стеклов батальон штабининг бошлиғи старший лейтенант билан бу кунги жангнинг оқибати тўғрисида гаплашиб ўтирарди. У генерални кўрибоқ, сапчиб ўрнидан турди-да, рапорт бериш ниятида қўлини чаккасига олиб борган эди, уни генерал тўхтатди.

— Баракалла, капитан, фашистларни мана шундай уриш керак!— деди генерал, капитан билан кўришаётиб. Кейин у ертўлани кўздан кечирди, негадир шифтга қараб қўйди-да, калласини қимирлатиб туриб:— Талафот кўпми?— деб сўради.

Капитан Стеклов ўткир кўзларини чақнатиб:

— Кўп, ўртоқ генерал,— деди ғамгин овоз билан, лекин дарров қўшиб қўйди,— душман биздан ўн баробар ортиқ талафот берди.

Генерал папирос чекаркан, оғзидан паға-паға тутун чиқариб туриб:

— Жангчиларнинг кайфи қалай?— деб сўради.

— Яхши, ўртоқ генерал,— деб жавоб берди старший лейтенант капитан ўрнига.

Генерал ўзи билан бирга келган майор қулоғига алланима деб шивирлади-да, кейин капитан Стекловга қараб:

— Қани, окопга йўл бошланг-чи,— деди.

Булар куни билан бетўхтов давом этган жангдан сўнг, ҳар қадамда қўнишиб ётган аскарлар олдига киришди. Окопга генералнинг ўзи келгани ҳақидаги хабар оний бир



лаҳзада шивир-шивир билан қулоқдан-қулоққа ўтди ва шу заҳотиёқ солдатлар ўринларидан туриб, генерални зўр мамнуният билан кутиб олишди.

Генерал, биринчи дуч келган солдат олдида тўхтаб, унинг елкасига қўлини қўйиб:

— Хўш, азамат, ишлар қалай? Қўрқинчли эмасми?— деб сўради.

Солдат, бодом қовоқлари остида чақнаб турган қоп-қора кўзларини жаланглатиб:

— Жойида, ўртоқ генерал, кўникиб қолдик,— дея даядил жавоб берди. Лекин шу ондаёқ:— Баччағарнинг танки билан самолёти кўп экан. Шуниси жонга тегди, бўлмаса-ку, фрицнинг додини берамиз-а,— деди.

Генерал:

— Сизлар сабот ва матонат билан яхши жанг қилдинглар, раҳмат. Аммо душман кўпгина талафот берса ҳам, танклар ҳимоясида бир оз олдинга силжишга муваффақ бўлди.

— Аҳвол оғир ва жиддий,— деди капитан Стеклов ташвиш билан.

Генерал хаёлчан кўзлари билан солдатларни бир қур сузиб чиқди-да, кейин дона-дона қилиб:

— Орқамизда Москва, қаршимизда ёвуз ёв. Тўғри, хавф зўр, аммо рус солдати мағлубиятга чидамайди. Ҳозирча душман техникадан устун. Бироқ ҳадемай бизнинг зарбимизга душман дош беролмай қолади. Аҳиллик билан бутун кучимизни, газабимизни, оловимизни душман бошига ағдармоғимиз лозим. Ана шунда, марра бизники. Лекин фашистлар ҳийла ва найрангга уста. Бунга ниҳоятда ҳушёр бўлиш керак. Ватан бизга ҳар қандай қуролни етказиб беради, бунга амин бўлинглар. Душманни албатта тор-мор қиламиз,— деди.

Шу чоқ генерал атрофига йиғилиб қолган жангчилардан бири:

— Албатта енгамиз, ўртоқ генерал, ёвни улоқтириб ташлаймиз,— деди.

Генерал солдатлар билан фронт ҳаёти, камчиликлар ҳақида гаплашди-да, хайрлашиб кетди. Солдатлар суҳбатидан жонланиш ва кўтаринки руҳ пайдо бўлди. Бир чеккада қисилиб, хаёлчан ўтирган Бектемир бир рус солдатдан сўради:

— Ҳозир келган ким эди?

— Генерал,— дея жавоб берди солдат махорка ўраб.

— Ақлли, ҳушёр одамга ўхшайди, сўзлари маъноли, пишган.

— Парень ничего...— деди солдат бошини қимирлатиб.— Уруш билимини яхши билади... Зўр генерал.— деди да, ҳузур билан махорка сўра бошлади.

## ИККИНЧИ БОБ

Рус ўрмони, ҳудудсиз далалар, кенг ва гўзал манзаралар ҳозир маънос, паришон эди.

Солдатлар асосан, руслар бўлиб, булар орасида украинлар, озарбайжонлар, қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар ҳам бор эди. Булар бир оила болаларидай бири-бирига яқин, меҳрибон, жуда тотув эдилар. Лекин шу кунлари бутун совет солдатлари, бутун совет халқи ғазабнок, киндор эди. Танклар, самолётлар, турли қуроолар билан тиш-тирноғигача қурооланган душман ҳадеб Москвага интилар эди. Совет жангчиларининг бирдан-бир шиори «Ғалаба ё ўлим!» эди. Улар Совет Ватанига, партияга содиқ эдилар. Жанг тиниб, оқшом қоронғиси тушгач, кўкда юлдузлар чарақлаганда, жангчилар гармонь чалиб мунгли, дардчил, бироқ юракдан қайнаб чиққан қўшиқларни куйлардилар.

Фронт Бектемирга дастлаб унча ваҳимали кўринмади. Окоплар, блиндажлар, тиканли симлар унга, томошага арзийдиган, ғалати нарсалар каби туюлди. Қаердадир тўплар шошилмасдан, вазмин гумбурлайди, ора-сира пулемётлар асабий такиллаб қўяди. Бектемир кўзларини ҳар ёққа аланглатади. Айниқса, олдинги томонга қарамоқчи бўлади. Лекин эҳтиёт тўғрисида кўп гаплар эшитганидан, ботинмади. Ниҳоят, сабри тугаб, гўё сирли бир воқеага девор орқасидан мўралагандек, бўйнини резинкадай чўзди. Сўлгин, сариқ ўт билан қопланган далада қоп-қора иккита танкни кўрди — бири қийшайган, иккинчиси эса тумшугини ерга қадаган. Кейин бир қадар жасурланиб, худди баъзан балиқ сувдан «шўп» этиб бош чиқариб яна ғойиб бўлганидек, бошини бир-икки марта кўтариб қўйган эди — каскасининг ёнидан визиллаб ўқ учди. Бектемир, «кўзингга сени...» деб сўкиб, шошиб чўққайганда, орқадан, камаридан кимдир силтаб тортди.

— Саған не бўлди, эсингни жийдинг-ба?— деди ёш

қозоқ йигит ва уни анча нарига тортди-да, ҳалиги жойга душман мина ташлаши мумкинлигини тушунтирди. Бектемир қорачадан келган, кенг яғринли, чаққон қозоқ йигитга кулиб деди:

— Фашист қаёқда, башарасини бир кўрсам?..

— Бети қурсин, не қиласен кўриб, чўчқага ўхшайди.

— Орамиз узоқми?— сўради Бектемир.

— Тўрт юз одим,— жавоб берди қозоқ жангчиси, гўё ўзи ўлчаб чиққандай иккиланмасдан.

Бектемир кейин унинг чимкентлик эканлиги билиб: «Кўлингни бер, киндигимиз бир экан», деб уни гапга солди. Кулумет (оти шундай эди) қисик кўзларидаги соғинч билан овули, колхозни тўғрисида сўзлади. Кейин бир ойдан буён мутасил фронтда эканлиги, даҳшатли жанг, қон, ўлим ва ҳоказолар ҳақида гапирди-да, чўнтагидан турли ипаклар билан гуллар тикилган кичкина қизил шойи халтани чиқариб Бектемирга тутди:

— Чек!

— Халтанг соз — лоладай экан,— деди Бектемир, юмшоқ шойини бармоқлари билан ушлаб кўриб, йўғонгина ўраш учун махоркадан чимдиб.

— Эллاردан совға келиб туради. Сулув қиз тиккан-ку буни,— деди хўрсиниб Кулумет.— Меники қолди. Хат ҳам йўқ, хабар ҳам йўқ.

— Хотининг борми?

— И-я. Бироқ борлиги учоқ тун қўйнимда ётди. Кўз ёши билан бўйнимга осилиб, бўзлаб қолди. Менда кўнглим бузилиб, эс-ҳушимни йўқотиб, йўлга чиқдим.

— Қўявер, жўлдас,— деди Бектемир унга ачинганини билдирмасликка тиришиб,— эсон қайтсанг, гунчанг очилиб ҳидга, ҳуснга тўлишиб қаршинга чиқади.

— Қайтиш қийин. Бу ерда ўлимнинг ўроғи камалакдай катта.— Кейин тутунни ерга пуфлаб, жиддий деди:— Лекин ботирдан ўлим ҳам қочади!

— Тўғри айтдинг, Кулумет,— деди Бектемир,— хўш, менга айт, нега бизникилар бостириб бормайдилар?

— Командирлар билади,— жавоб берди Кулумет,— бу ерда приказ худодан ҳам кучли... Сўнг, атака ясаш унча қулай иш эмас. Вой-бўй, сен ҳали немиснинг ўтини кўрмагансан!

Бектемирга окоп юмронқозиқнинг ини каби тор кўринди. Бироқ қаердандир сийрак гумбурлаётган тўпларнинг садоси ва сержаҳд кучукбаччадай пулемётларнинг ақлла-

ши ниҳоят, «фронт» деган сўзнинг ўзи унинг кўксини но-  
тинчлатарди.

Бектемир жуда откиси келди. Милтиқни енги билан  
артиб, пуфлаб, затворини шақиллатиб ҳам қўйди. Лекин  
кўнгли бир лаҳза ғалати бўлиб кетди: «Нима, умрим-  
нинг косаси тўлганми, шошпман?...» деган фикр юрғи-  
ни пармалади.

Ҳаво борган сари кучайган гулдуросга тўлди. Бекте-  
мир пешанани сиққан, оғир каскани сал кўтариб, кўз-  
ларини осмонга тикди. Шимол қуёши эрка ва меҳрли эди.  
Осмоннинг майин, тиниқ зангорисиди, колхоз хирмонига  
уюлган пахталар каби, кўма-кўма, оппоқ булутларни кўр-  
ди. Улар тутундай енгил сузиб бир онда турли шакллар  
оларди. Узоқда тутунланган ўрмонлар орқасидан самолёт-  
лар пайдо бўлди. Улар кўп эди. Улар сичқонга югурган  
мушукдай, ўзларининг даф этилмас кучларини намойиш  
қилган каби, ишонч билан келарди. Қора қанотлар ўсиб,  
ҳавони қопларди... Бектемир ғайри шуурий равишда окоп-  
нинг деворларига ёпишмоққа тиришди. Шу ондан бошлаб  
у кузатишдан, ўйлашдан, тушунишдан ожиз қолди — юрак-  
ни узиб оладигандек машъум «ув...» билан бомбалар уч-  
ди. Ер зилзиладай титради. Ҳавони туташ, қандайдир  
вахший, даҳшатли гулдурама қоплади. Гўё аллақандай  
сирли куч, тоғларни бир-бирига уриб ағдаргандай... Ер  
уюмлари фиғон билан чирпираб, гирдоб каби кўкка  
кўтарилди. Бектемирнинг гўё нафаси ўчган, юракнинг  
болғадай кўкракда урганини ҳам сезмайди. Чақчайган  
кўзлари олдида ёлғиз тутун, тупроқ, ўлим, ҳаммани коми-  
га тортмоқчи бўлиб қутурган, увиллаган бир бўрон гирдо-  
бини кўрди.

Ногоҳ Бектемир даҳшатли тушдан уйғонгандек бўлди.  
Ҳансираб нафас олди. Қаердадир, узоқда, шовқин солган  
зениткалар, пулемётлар, гўё тарновдан «тик-тик» томиб  
кеча сукутини чуқурлаштиришган томчилардек туюлди.  
Ўзидан нарироқда тупроққа қоришган гавдаларга томон  
эмаклади. Ҳали у билан гаплашиб турганда, уларга ма-  
роқ билан кулиб қараган ва кейин гугурт чақиб берган ёш  
руснинг башарасини базўр таниди—бошининг бир бўла-  
ги учиб кетганди. Яна нарироқда ҳиқиллаб ётган бир  
жангчига томон эмакларкан, ҳавони тагин моторларнинг  
бўрони тутди. Яна кўкдан жаҳаннам қуйилди. Бектемир  
ерни кучоқлади-да қотди. Лекин хиёл ўтмасдан, яқин-  
гинада нимадир даҳшатли садо билан портлади. Кучли

денгиз тўлқини чўмилувчини қирғоққа отгани каби, қандайдир зарбали тўлқин Бектемирни ердан узиб кетди...

Йигит ҳеч нима сезмади. Кўзларини очган вақтда тўпроққа кўмилиб ётганини пайқади. Момақалди роқдай кўкни силкитиб гумбурлаётган тўп отишмасини эшитди. Тепадан руҳни суғуриб олаётгандек хунук инграб учган снарядлар атропода ёрилмоқда. Бектемир тупроқ остидан эмаклаб чиқди. Оғзидан лой тупурди. Юзига чаплашган лойни кир панжаси билан артди. Теварагида узук-юлуқ тиканли симлар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Бу фавқулодда тиканзордан юлиниб-юлқиниб ўтди. Бош яланг эди. Қўлига илинган бир каскани кийиб олди, қўлини бўш сезиб, милтиқни эслади. Нариди ётган милтиққа кўзи тушди, аниди — ўзиники. Маҳкам ушлаб, дарров энги билан тозалади. Қаёққадир огаётган бир тўда рус жангчиларга томон сурилди. Улим сепиб, атропода снарядлар ёриларди. Шу топда унинг бошида ўй йўқ, сезгилари қандайдир гаранг, юраги совуқ-бепарво эди. Шу вақт у капитан Стекловни кўрди. Стекловнинг башараси қаҳрли, кичик кўзлари фавқулодда жиддий, серташвиш. У даҳшатли ёнғин ичида эҳтиёткор, лекин ўз кучига ишонган, жасур ўт ўчирувчидай дадиллик билан юриб, қўлларининг қатъий ҳаракати билан жангчиларга алланималарни қисқа тушунтирди-да, дам эмаклаб, дам сакраб кўздан ғойиб бўлди. Бектемир ичида: «Бақироқлиги бежиз эмас экан — юраги қичқирар экан!» деб қўйди. У серсоқол, тунд рус жангчиси яқинида ўзига ўнғай ўрин танлаб, пусиб ётди. Ногоҳ снарядлар, миналарнинг портлаши орасида Асқар полвоннинг бақирган овозини эшитди. Қулоқлари диккайди, атропога аланглади. Тутун, олов ва ҳавога сачраган қалин тупроқдан бошқа ҳеч нарса кўрмади. Бир зумдан кейин ҳамқишлоқларининг гавғоси аниқ эшитилди. Илдам эмаклаб кетди. Яхши эмақларди. Уликлар устидан сакради.

Ҳамқишлоқлари кимнингдир устида мукка тушиб йиғлашарди. Бектемир ҳаллослаб етиб келди-да, орага тикилди.

— Азимжондан айрилдик. Оҳ, шўримиз қурсин! — деди Сафар чўтир йиғи билан.

— Оҳ, навқирон иним, меҳрибоним! — дея қичқирди Полвон, азамат гавдасини силкитиб.

Азимжоннинг кўкрагини мина парчаси чуқур юлиб

кетганди. Унинг тўзон босган, совуқ, ўчиқ юзидан Бектемир қайноқ кўз ёшлари, тўлқин меҳри билан ўпди, бошини аста қучоқлади-да, элатларига:

— Командир кўрса хафа қилади. Жойларингга боринглар!—деб қичқирди-да, зўр билан тарқатди. Кейин ўзи Азимжоннинг жасадини дам орқасига олиб ўрмалаб, дам эҳтиёт билан судраб кетди. Юз қадамча нарига, шох-шаббалари дабдала бўлган бир туп япасқи дарахтнинг орқасига, сарғайган қуюқ ўт устига ётқизди. Унинг тириклигидаги ўзига хош қилиқлари бир дақиқа ичнда йигитнинг фикридан ўтди. Кошқийди, аҳвол мусоида<sup>1</sup> этса-ю, элатига бир чеккада чуқур қабр қазиб, жанозасиз бўлса ҳам, дуонофотиҳа қилиб, ўз қўли билан ерга топширса! Бир минутча мурдага тикилиб, ярасидан ва жонсиз, қора шишадой йилтираб турган кўзларидан юраги алланечук увишиб кетди-да, оғир хўрсиниб, кўкрак билан ўрмалаб қайтди...

— Яна, «Юнкерс»лар! Тфу, сволоч!—деди ўз-ўзи-ча серсоқол рус жангчиси хўмрайиб.

Бектемир осмонга тикилди: «Уч, тўққиз, ўн бир, ўн етти, йигирма икки, йигирма...» саногидан янглишиб кетди. Чуқурга кўпроқ тиқилди. Қора балоларнинг қанотлари онсари ўсди, осмонда машъум садоларнинг тўлқини зўрая борди.

Бектемир қўшнисидан жаҳл билан:

— Бизнинг самолётлар қаёқда?— қичқириб сўради.

— Чораги ерда дабдала бўлди. Чораги осмонда куйди. Яرمىси бошқа жойларда фашистни уряпти,— дея жавоб берди у.

— Жаҳаннамга ҳайдасин-а!— деди тишларини қисирлатиб Бектемир.

Рус жангчиси томоғини қириб алланималар деди. Бектемир гулдуросдан ҳеч нима эшитмади. Самолётлар қора бўрондай тепада гир айланиб, ажалкор қонда ва тартиб билан шўнғидилар. Яна ер фигон кўтариб титради, ҳавога тупроқлар минораси юксалди. Иложи бўлса чуқурга бутунлай сингиб кетмоқчи бўлган Бектемирнинг жавдираган кўзларига тупроқ ва дуд урарди.

Бектемир учун бу қанотли балолар, тамоман даф этилмас, ёвуз куч каби туюлди. Мардликни севган, мағрур йигит ўзини ожиз, забун, ихтиёрсиз сездди. Унинг борлигини ғазаб эгаллаган, кўзларида нафрат ёнди. Бу ғазаб

<sup>1</sup> Мусоид — ёрдам этувчи.

ва нафратнинг кучи бениҳоя эди. Аммо бу куч ўз иложсизлигини сезиб, руҳи қийнарди.

Самолётларнинг узоқлашган ғувури ҳали самода тинмай туриб, жуда олисдан қандайдир қора шакллар кўзга чалинди. Улар катталашди. Уларнинг тўлқини оғир, салмоқдор ва ёвуз эди.

Терлаб-пишган, сержаҳл, сердағдаға Стеклов бақириб-чақириб, сўкиш ва дўқ билан вазиятни тушунтирди. Бронейбойшчиклар узун қуроллари билан олдинга ўтиб, буталар, тупроқ уюмлари орқасига пусиб олдилар.

Душман танклари қалин саф билан оғир темир қўрғонлар каби шитоб келарди. Уларга қарашдан кўзлар чўчир, юрак сиқилиб кетарди. Танклар унча-мунча тўсиқни назар-писанд қилмай, даҳшат ва ишонч билан масофани қамрарди. Улар ҳаракатини тезлатди. Ҳамма ёқни темирнинг шақир-шуқур садоси қоплади. Душман снаряд, миналарни бир зум ҳам тиндирмасдан, омонсиз ёғдирар эди.

Бектемир танклар панасида югургилаб келаётган душман автоматчиларини кўрди. Улар кўп эди. Улар, машиналардан сакраб, бу темир махлуқлар паноҳида илгарилашарди. Танклардаги тўпларнинг узун стволлари олов пуркай бошлади. Бу уларни мужассам балога, мужассам ваҳимага айлантирарди. Далани таърифга сизмас қўрқинчли шовқин, портлаш, олов, дуд, ўлим бўрони қоплади... Жангчиларимиз душман пиёдаларини милтиқлардан, автоматлардан ялпи ўққа тутди. Бектемир ҳам отди. Лекин у ўзини ҳар қанча тутишга, ғазабли кучларини йиғиб, мўлжаллаб отишга тиришса ҳам, ерни титратиб, гулдурос билан жаҳаннам ёғдириб келаётган темир деворларнинг ваҳмидан бош кўтариш амримаҳол эди. Мана, темир деворларни танкотар тўплар, бронейбойшчиклар туташ рус олови тўлқини билан қаршиладилар. Олдиндаги бир-икки танк бирдан қоқилди, у отди, тебранди, лекин силжишга мажолсиз қолди. Бир зумдан кейин қора, қуюқ тутун чулғаб олди. Шу вақт ўнгда учта катта танк ерга тумшуғини тикиб қотди. Сўлда эса битта ўрта танк ёниб кетди. Лекин орқадагилар ўжарлик билан олдинга интилди. Унларча қутурган темир махлуқлар тўп ва пулемётларидан отиб югурди. Аммо улардан тўрттаси ғазабли ларза билан тўхтади. Экипажлари жон талвасасида ўзларини ерга отиб, қоча бошлади. Баъзиларининг кийимлари ёнмоқда эди. Олдинга югураётган танклар кескин бурилиб, пулемётдан ота-ота, узоқлашиб кетди. Орқадагилар ҳам бир зум тўхтаб,

кейин қайрилди. Бу темир деворлардан учтаси қийшайиб жим қотди. Биттаси бир лаҳзада ичидан олов тутақтирди. Фақат шу топда Бектемирнинг қовжираган кўзи сўл томонда ўзидан юзларча одим нарида, ўқ сочиб гулдурос билан илдам келаётган оғир танкка тушди. Юраги «шиғ» этиб кетди. У жангчиларга шундай яқинлашган эдики, бир зумдан кейин, тоғ гавдаси билан тирикларни шиллиқ қуртдай ерга қапиштириб, ёриб ўтади! Бироқ шу аснода танкнинг қаршисида, гўё ердан отилиб чиққандай, ёш рус жангчиси пайдо бўлди. У совуққонлик билан қулоч ёйиб, граната отди — танкнинг башнясида портлади. Иккинчи гранатани Аҳмедов гусеницани мўлжаллаб улоқтирди-да, ўзини тошдай ерга ташлади. Бектемир, кўкрагига сигмаган ҳаяжон ва меҳрни ифодалагандек, ғайри шуурий равишда бақириб юборди:

— Аҳмедов! — танк бирпасда тутун булутига ўралди.

Овига эриша олмай, ғазаб ўти пуркаб ўз ўтида ўзи куйган аждаҳолардек танклар ёнарди. Ҳаво аччиқ ҳидга тўлди. Ҳар ерда душман ўликлари дўппайиб кўзга ташланарди. «Меники ҳам текканмикан?» — деди Бектемир ичидан, кейин, «йўқ, худди ёввойи чўчқадай кўзим олдида қулағаса, ҳисоб эмас!» — дея жавоб берди у ўзига. Бектемирнинг лаблари қовжираган, нафаси ҳалқумига тикилган, оғир ҳансирарди. Сувдонни лабга тутди, ҳеч нима йўқ; бошини орқага ташлаб, сувдонни кўтарди — бирон томчи бўлса-чи! Ҳайрон бўлиб сувдонга тикилди. У ковак эди — ўқ тешиб ўтибди. Уни жаҳл билан улоқтирди-да, қўшнисидан — серсоқол русдан сув тилади.

— Чего, жарко? — деб сўради рус жангчиси сувдонини узатиб.

Бектемир бошини лиқиллатиб:

— Давай, давай, немножка пиюм! — деди.

Эгаси гўё огзидан юлиб олаётгандек, гарчи пақирлаб сув ичганда ҳам чанқови босилмаслигини сезса ҳам, шошиб икки қултум ютди-да, қайтариб берди. У сувнинг роҳатини, мазасини бир онда ёлғиз бутун гавдасинигина эмас, руҳининг қаърида ҳам равшан сизди. Упкасига ҳаво тўлди, кўзлари ҳам ёришиб кетди. Лабларини ялаб, милтиққа узанди. Танклар кўздан ғойиб бўлиши билан уфқни яна қора қушлар галаси тутди. Бирпасда қора гирдеб ~~каби~~ тепада айланди. Баҳайбат бомбардимончилар орасида ҳавода зулукдай биланглаган кичкина, тез самолётлар ҳам бор эди, бомбалар узилди. Ҳаво ингради, ер



қақшаб, тұзон бұлиб кўтарилди. Бомбаларнинг портлаши тинмасдан дарров ўқлар дўли селдай ёғилди.

Бектемир гужанак бұлиб, яна чуқурга қисилди. Унинг устида ўлим қуюни ҳукмрон. «Энди тамом! Суягим шу чуқурда қоладиганга ўхшайди. Узинга омонат!» — деди ичида у. Осмон балосининг узоқлашганини сезгач, бошини кўтариб, атрофга қаради. Узоқда яна қалин саф билан душман танклари югуриб келаётганини кўрди. Бошидан яна снарядлар даҳшатли садо билан уча бошлади. Танклар орқасидан гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб, ҳужум қилиб келаётган пиёдаларни пайқади. Отди. Ҳансиради. Нафаси қуриди. Бутун гавдасини қандайдир иситма қоплаб, суякларигача ёндиргандай бўлди. Ен-верига қаради. Унг томонидаги жангчи эса бошини ташқарига, тупроққа қўйиб қонга беланиб ётарди. Сўл томонида серсоқол кўринмади. Танклар далага ёйилиб, ўт пишқириб, ҳар ёқдан ўрмалаб келарди. Унг қанотда, бу ердан анча нарида, бир неча душман танки орқага ёриб ўтди. Шу он душман пиёдаларининг алланечук маст ҳайқириғи эшитила бошлади. Автоматлар, пулемётлар тўхтовсиз ўқ сепди. Миналар ҳар қадамга тушиб, ерни гажий бошлади. Шу чоқ Бектемир, сўл томонда, пастликда, ўнлаб жангчиларимизнинг олдинга қараб югурганини кўрди. У ҳеч қандай команда эшитмаса ҳам, ғазаб, нафратига чидамасдан, уни обдақ шу жаҳаннамда қовуриб, кейин бўғмоқчи бўлган ўлимга жаҳл қилгандек, чуқурдан сакраб чиқди-да, олдинга томон отилди. Лекин тұзондан, дуддан, гулдуросдан, чигирткадай қалин учган ўқлардан боши гангиди. Ғайри ихтиёрий равишда, чок-чок бўлган ерга ўзини ташлади. Оғзи тўла тупроқ. Нима қилсин, қаерга бош урсин! Танклар уни ерга анжирдай эзиб кетаверадими! Бектемир гранаталарни олиб тайёрламоқчи бўлди. Қўли билан камарини пайпаслади. Ҳеч нима йўқ. Тушиб қолган! «Лаънат!» деди-да, жаҳлидан, иложсизликдан қалтираб кетди. Шу вақт кимдир унинг устидан босиб ўтди-да, бирдан тўхтаб, елкасидан тортди. Бектемир бошини кўтариб, серсоқолни кўрди. Унинг чакагидан қон оқарди.

— Тур, назад! — деди у бўғилиб.

Бектемир йиқилиб, ўликлардан ҳатлаб, снарядлар, бомбалар ясалган чуқурларга шўнғиб, яна юқорига эмак-лаб, парчаланган тўплар, пулемётларга қоқилиб-суқилиб чопди...

У икки томони қалин ўрмон, қатта йўлга чиқаркан,

ҳансираб, шошқин кетаётган бир гуруҳ рус, қозоқ, армени ва ҳоказо жангчиларга қўшилди. Лой ва тупроққа қоришган жангчиларни танимоқ қийин эди. Бир тўп ярадор жангчилар, яраларни қўпол-сўпол боғлаб олиб, оғриқни ичга ютиб, соғлардан қолишмаслик учун бор кучлари билан югуришга тиришардилар. Баъзиларининг яраларидан қон тийилмаган эди. Командир Стеклов оқсарди. У баъзан беихтиёр равишда тиззасини чангаллаб, юзлари, гўё аламғижимлагандай, бир он буришиб кетарди. У дамбадам кўкка шубҳа билан қарарди. Орқада миналар гумбурларди. Қаердадир ўрмонлар қасирларди. Бектемир бу гуруҳ ичида элатларидан Сафар чўтир билан Али тажангни кўрди. Сафар чўтир бўйини қалин боғлаган, рангида қон асари йўқ. Али тажанг бел ва милтигини шақиллатиб, каскасини қошигача тушириб ҳорғин борарди.

Бектемир Сафарнинг елкасига секин уриб:

— Қани, улар?— деб сўради.

— Қосимжон бояқиш ўлди... Дабдала бўлиб кетди. Кўзим олдида...

— Бошқалар-чи?

— Тирик. Полвон олдинда,— қўллари билан узоқни ишора қилди Сафар.

— Сизга нима қилди?— сўради Бектемир.

— Шилиб ўтди,— жавоб берди Сафар, қуруқ лабини ялаб.

— Бу билан ўлим ҳазилвон бўлиб қолди,— деди Али тажанг.

— Ҳазили қурсин. Бу аҳволдан кўра, роса уриб, ерга жо қилгани яхши,— деди Сафар.

Бектемирнинг ёнидан шошиб, судралиб кичкина жангчи ўтди. Унинг елкасидаги оёқлари ерга тегаёзган, боши қалин боғланган ярадорга кўзи тушиши билан «Аҳмедов!» деб қичқариб юборди ва тўхтади. Аҳмедовнинг ранги докадай оқ-сариқ эди. Пешанаси танғилган, қалин дока остидан унинг кўзлари хира, кучсиз ва аламлаи жавдираб турарди.

— Қалайсан, яраиғ оғирми?— сўради Бектемир.

— Оғир. Ёмон...— дея жавоб берди Аҳмедов лабларини базўр қимирлатиб.

Бектемир камарини қисиб боғлади-да:

— Менга бер!— деди.

— Ничего я сам,— деди рус жангчи ҳаллослаб.

Бектемир унинг ғоят ҳорганини сезиб, эътирозига қу-

лоқ солмади ва елкасини тутди. Сафар ва Али тажанг ёрдами билан Аҳмедовни елкасига опичди-да, физиллаб жўнади—гўё касални яқиндаги уйга элтиб ётқизмоқчидай...

Йўллар кесишган жойда ногоҳ катта машина тўхтади. Ичи тўла ярадорлар қалашиб ётарди. Машинанинг бортлари қон, Бектемир командирнинг буйруғи билан Аҳмедовни машинага ётқизди, унинг совуқ қўлини аста сиқди ва юзини силади-да, хўрсиниб четланди. Ҳали машинанинг қораси кўздан ўчмасдан — бирдан икки самолёт пастланди. Ҳамма ўрмонга сочилди.

Бектемир қалин ўт орасига, катта, адил қарағай орқасига яширинди. Самолётларнинг машъум садоси юракни суғуриб олгудай таъсир қиларди. Мана, узоқда бомбалар олдин-кетин портлади. Бир зумда қора қушлар Бектемирнинг тепасида чарх ура бошлади. Қарамади. У дам қалин япасқи чангаллар орасига суқулди, дам дарахтни қучоқлади. У гўё бошқаси нажот бағишлашга ишонгандай, бирдан иккинчи ва учинчисига ўтиб паноҳ қидирарди.

Самолётлар жуда паст учиб, ўқ ёғдира бошлади. Урмон садоларга тўлди. Бектемирнинг бошига шох-шаббалар тўкилди. Атрофдан оғочлар, ўтлар, тўқайзорлар орасидан у қичқириқ, дод, инграш эшитди—ниҳоят, бирдан чуқур жимлик чўкди. Бектемир эшитгиси келмай, гарангланиб ўрнидан турди.

Батальон яна йўлга тушди, у хийла сийраклашган эди. Энди инграган ёки мадорсиз бўлса ҳам, умумдан ажралмаслик учун, чала-чулпа ўралган яраларидан қон оқизиб, судралиб бораётган ярадорлар кўпгина эди. Стекловнинг кир юзи Бектемирга жуда ориқ, лекин ҳиссиз, қаттиқ ва унинг зангори йирик кўзлари қисик, изтиробли кўринди. У чўлоқланар, аммо чўлоқлик ва оғриқни жаҳл билан енгмоқчи бўлгандай, тўғри босишга тиришар, лекин зардаси бир неча қадамга етар эди, холос... Фронт бузилди. У даҳшатли қуюндан ярим-ёрти саломат қолган пароканда карвонни тартибга солди. Аввалгидай ҳар нарсага бақиравермаса ҳам, ўз одатича, қовоғини осилтириб, сўкиниб кўярди.

Икки юз қадам юрмасдан, батальон йўл ўртасида тўхтади. Парчаланган машина билан лахта-лахта одам жасадлари сочилиб ётарди. Бу — оғир ярадорларни ортган ҳалиги машинанинг ҳаво балосидан кейинги манзараси эди. Одам қиёфатини сақлаган биронтаси йўқ. Ҳаводан шўнғи-

ган балонинг чангалини кўп дафъа кўрган эски жангчилар хўмрайиб, лекин совуққонлик билан боқардилар. Бектемирнинг оёқлари титраб кетди. Тупроққа қоришган калалар, узилган қўллар, ерда чўзилган олачипор ичакларни кўраркан, унинг кўзлари қинидан чиқа ёзди. Бектемир Аҳмедовни қидирди. Унинг оёқсиз гавдаси устида энкайиб, қотиб қолди. Кейин бирдан кўзлари қайнаб ёшга тўлди.

— Яхши бола эди, ўт эди...— деди Стеклов бошини силкиб.

Батальон тез юриб кетди, гўё ғазаб янги куч қўшди. Йўллардан ўрмонга, ўрмондан ботқоққа, ботқоқдан очиқ, йўлсиз далага — экинзорга ўтиб, узоқ юрди, тунда ҳам қўнмади. Тонгга яқин, тўплар, машиналар, танклар қаланган, жангчилар қайнаган катта манзилнинг қўйнига кирди...

## УЧИНЧИ БОБ

Давомли, оғир жанглардан кейин Асқар полвон билан Али тажанг батальондан беихтиёр узилиб, ўзларини қандайдир қалин ўрмонга урган эдилар. Полвон ўзининг табиий бепарволиги орқасида бунга сира эътибор қилмади.

— Сўраб-сўраб Маккани топганлар. Оёқ бутун, аста жилаверамиз,— деди у, чанг ва ис билан қопланган мўйловини бураб.

Али тажанг ичида суюнди. «Ҳайтовур, жаҳаннамнинг қирғоғига чиқиб олдик. Ҳар қадамда балодан узоқлашамиз!»— ўйларди у.

Асқар полвон бошини қуйи солиб, қўллари орқада, бир вақтлар даладан уйга қайтаётгандагидек аста, салмоқдор одим отар ва ўз-ўзи билан сўзлашгандек, ранжиб, ҳорғин дерди:

— Ҳайронман. Ақл бовар қилмайди. Ҳим... Занжирнинг ҳалқаларидай бир-бирига боғланган одамлар сочилдик. Эҳ, пешана! Тақдир шундай кучлики, тошдан бўлсанг ҳам бир чертиб ёради сени! Урушда Азроил ҳам жуда бераҳм, азиз жонингни алдаб-сулдаб суғурмайди. Бир уриб қўл-оёқларингни учиради. Бир зарбаси билан бошинг дарахт тепасида...

— Кўзларинг узилган танангга қараб бақрайди!— қўшиб қўйди Али тажанг хириллаб.

— Иммм...— ичидан ингради Асқар полвон.— Бектемир қаёқда? Сафарга нима бўлди? Улим тўзони кўзларимизни кўр қилди.

Бектемирдан кўнглим тўқ,— деди Али тажанг.— калласи ишлайди. Аммо Сафар чўтир — ҳам қўрқоқ, ҳам аммамнинг бузоғи.

— Калла дейсан-а!— деди Асқар полвон жеркиб,— ҳамма ваҳима каллада. Анави муаллим Абдужалил нима бўлди? Ҳалиги рус бола-чи? Тўрт ёшимда китоб ўқишга бошлаганман дерди. Бир ўқ билан ёнимда ер тишлади, бояқиш. Тақдир дегин!

— Ростини айтсам, полвон, тақдир ҳам чиппакка чиққан!— деди Али тажанг жаҳл билан.— Тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ барабар... Мина билан снаряд деган бало тақдирнинг темир қўрғонини ҳам ёриб ўтади. Ҳув, биз қаёққа кетяпмиз? Командирникига ўхшаш қибланоманг!<sup>1</sup> борми?

— Кўзим қибланома. Юравер.

Улар қалин дарахтлар орасида уриниб борардилар. Ўрмоннинг борган сари чуқурлашган азамат сукунати уларнинг руҳини юпатарди. Кўп ўтмасдан жангчиларнинг бошидан ҳалиги оғир ўйлар учди. Бокир, соф, яшил табиат юракларга куч бағишлади. Ўрмонсиз диёрнинг ўғиллари учун сон-саноқсиз дарахтлар манзараси айниқса, мароқли, гўзал, ҳайратбахш туюлди. Элатлар жанг тўполонида турли ўрмонларда кўп кезган эдилар. Лекин шу топда гўё илк марта кўргандек, суқланиб томоша қилдилар. Адил, бақувват қарағайлар кўзларни беихтиёр ўзига тортди. Али тажанг жуда тўғри ўсган, йўғон ва баланд қарағайни суюб қучоқлади. Бинокорликдан пича хабардор эди у.

— Колхоз отхонасидаги узун сарров эсингдами?— сўради Али тажанг шавқланиб.

— Акангизнинг елкасида томга қўнган у,— жавоб берди Асқар полвон.

— Шу дарахтнинг укаси у,— деди Али тажанг.— Қани, буларни кесиб, ойнадай силлиқлаб, иморат қурсанг... Томда етти филни ўйнат — қимир этмайди...

Юксак дарахтларнинг учлари қучоқлашиб, муаззам яшил чодир ясаган. Уфққа оққан қуёш нурларида ёнувчи кўм-кўк соя орқали зангори само табассум қиларди. Жангчилар унда-бунда учраган ўрмон меваларидан тотиниб, гўё

<sup>1</sup> қибланома — компас.

сайр қилгандек, аста борардилар. Ширин меваларга ўрганган оғизларига у ернинг нордон неъматлари ёқмади. Асқар полвон кир юзини буриштириб, тишларини қисирлатди: «Қамашди!»

Кир кўпикли кўлмак суви тўпланган кичкина жар йўлиқди. Жарга қулаган дарахт устидан Али тажанг милтигини лангардай тутиб, дорбозларча пилдираб ўтди. Асқар полвон бесўнақай лапанглаб шаппа йиқилди. У ярим белдан сув кечиб, сўкина-сўкина қирғоққа чиқди-да, этикларини шўқиллатиб тепаликка тирмашди.

Тепалик нуқул қайинлар билан қопланган эди. Али тажангнинг кўзлари яна ўйнаб кетди. Қани, қўлида ўткир болтаси бўлса-ю, энг адил бир дарахтни кесиб, елкага олиб жўнаса!

— Бу бизнинг теракмонан. Лекин буни теракнинг қизчаси деса бўлади — силлиққина, текисгина. Оҳ, бўйини кўр, шамдай чўзилган. Танасининг тўнини кўр, худди шойидай майин, қандай ялтирайди.

— Агар шу дарахтларнинг мингдан бири олма, нок бўлсами, Русиянинг ери жаннат бўларди, — деди Асқар полвон салмоқланиб ва пастга югура кетди.

— Ҳей, овсар, қаёққа? — қичқирди Али тажанг. — Бу ерларга одамзод қадам қўймаган-ку.

— Йўлгами, қишлоққа чиқиб оламиз ахир, дарахт бутун оламни қоплаган дейсанми? — жавоб берди Полвон беғамлик билан ва индамай кетаверди.

Пича юришгач, уларнинг кўзларига қалин ўт ва сийрак буталар ўсган катта сайхонлик очилди. Катта курашларда майдонни қуршаган қалин халқ каби, ўрмон сайхонликни ҳар ёқдан ўраб олганди.

— Ҳей, адашмас қибланом! — қичқирди Али тажанг киноя билан кулиб, — ўнг билан сўлнинг фарқига бормайсан-у, яна йўл билар бўлганингга ҳайронман!

Асқар ўт устига оғир ўттирди:

— Кун чиқиш ёқни мўлжаллаб кетяпман-ку, яна нима? — деди Асқар ҳансираб ва бошдан каскасини олиб ерга тўнгарди. — Манглайини эзиб юборди бу чўян қалпоқ!

— Керакли тошнинг оғири йўқ, — деди Али тажанг ўтга ёнбошлаб. — Тошбақанинг косасидай жуда иш берадиган нарса экан бу. Ахир, кеча қаршимда мина ёрилди. Билсанг, бир мина «тақ» этиб бошимга тегди, йўқ, бошим ғурра бўлди-ку, лекин соғ қолдим. Мана, кўрдингми буни,

колхоз темирчиси Азим Охуннинг юзидай қийшайиб кетибди:— Али тажанг бир томони ичига ботган каскасини кўага олдида, бошининг гуррасини силаб-силаб, яна уни кўзигача бостириб кийди. Кейин қорнини ушлаб, нохуш вайсади:

— Вой-бўй, ичимни бир нима ачитиб сўряпти.

— Меники-чи? Нафасим оғзини карнай қилиб, нима бўлса ҳам ташла деб турибди.— Асқар полвон уфққача туташиб, қандайдир кўкимтир тутун илашган ўрмонга кўзларини сузди. Нарироқда бирдан ўт шитирлади, атрофга «шиқ-шиқ» қилиб нимадир туша бошлади.

— Эҳе, бунда ҳам чўқилагоқчи бўладилар,— деди Полвон атрофга аланглаб,— ёпирай! Бу ерда немис тезак ейдими? Ё партизанлар бормикан? Аста бориб учрашсак... Овқат сўрардик. Ҳам бехатар йўлга чиқариб қўярди улар... Хўш, нима дейсан?

— Ана холос! Худо сенга бир ботмон куч берган-у, бир мисқол ақлни аяган!— дея қичқирди Али тажанг бўғилиб.— Немис тўғонни бузиб ўтдим, энди ҳар ерда кўраверасан уни. Тур ўрнингдан!

Асқар полвон бепарволик билан кўзгалди. Орқага илдам жўнади. Лекин кўп ўтмасдан кундузнинг кўзи юмилди. Ўрмон ичи бирпасда қоронғилашди. Элатлар қалин ўтга ёнбошладилар. Очлик ва ҳорғинликка қарамай, узоқ вақт ухлай олмадилар. Шамол ўрмонни сирли, ваҳимали садолар билан тўлдирди. Баланда, юлдузли кўкда, қаёққадир самолётлар учиб ўтди.

Тонгда жангчилар оч қоринни камар билан маҳкам сиқиб, йўлга тушдилар. Эртаси, кун тик келганда, улар тасодифан катта йўлга чиқишди.

— Энди ҳеч қаёққа четланмаймиз!— деди Али тажанг севиниб,— ўлсак ҳам йўл устида ўлайлик. Эгам ҳеч кимни ўрмонда саргардон қилмасин!

Йўлда ҳарбий юк ва асқар ортган машиналарнинг кети қарийб узилмас эди. Уларнинг ҳаммаси шоҳлар билан жуда моҳирона ниқобланган. Чанг ва шовқин орасида аста судралган ҳорғин граждон аҳоли—аёллар, болалар, чоллар ҳам кўп эди. Икки томонида дарахтлар яшил девордек чўзилган йўлнинг четида оғир, лекин дов қадам ташлаган ўмровли Асқар полвон ва шеригидан ортда қолмаслик учун чатаноғини кериб пилдираётган кичкина Али тажанг унчалик кўзга ташланмади. Чунки уларга ўхшашлар сийрак эмасди.

Туганмас каби кўринган изтиробли, суронли йўл кечга яқин шаҳарчага туташди. Бу — кичкина, доза, сердарахт, ширингина манзил эди. Кўчаларда асқарлар, ҳар ёқда физиллаган ҳарбий машиналар кўп бўлишига қарамай, бу ерда урушнинг қора ваҳимаси оз сезиларди. Шаҳарчанинг гавдасини уруш тирноғи ҳатто тирнаган ҳам эмас. Дераза ойналарига турли шаклда қийиқ қоғозлар ёпиштирилган; онда-сонда янги қазилган хандақлар учрайди. Кўчаларда қизлар мўл. Уларнинг аксари енг шимарган, юзлари серташвиш, қаёққадир зарур ишга ошиқаётган кўринсалар ҳам, асқарларнинг самимий, лекин дағал, мардона ҳазилларига гўё: «Сиз нима десангиз ярашади», дегандай, қизлик латофатларини очадиган нозик ҳаракатлар билан кулиб ўтардилар. Баъзан ўткир жавоб билан ҳазилкашларни қаҳ-қаҳ кулдираддилар.

Али тажанг бир зум ҳанг-манг бўлиб тўхтади-да, физиллаб югурган ишчи қизга бирон сўз айтгиси келиб, очликдан, ҳорғинликдан гезарган лабларини очди-ю, яна жим қолди. Асқар полвон ўқрайиб:

— Қариб қуйилмаган, ачиб суйилмаган! Модабозликни сизга ким қўйибди — дея жеркиди.

— Узинг-чи? Гулзорга бўйин чўзган туядай, ҳар аёлга суқланасан! — деди Али тажанг жаҳл билан.

— Хўп, юр, бу ёққа, анави текин томошани кўрайлик.

Шаҳарчага худди узукнинг кўзидай ярашган ва қоқ ўртасига куз нафаси билан ранги ўчган кичик гулзорли майдонда бир тўда жангчилар давра қуриб, хурсандчилик қиларди. Ўртада бир неча қизлар рақс тушмоқда — жонли, шўх, тетик рақс. Кўкраклар оёқларнинг оҳангдош учишига мос диркиллайди. Оқ, қизил, кўк береткалар остидан тошган олтин сочлар майин ҳилпирайди.

Лабларида махорка тутатиб, шўх қийқирган азамат асқарлар орасига Асқар полвон билан Али тажанг ҳам суқилди. Полвоннинг рапидадек кенг кафтларидан чиққан қарс — чапак кўп кишиларнинг диққатини жалб этди. Мана, бир неча жангчи ҳам ўртага тушди. Улар қўпол этикли бақувват оёқлари билан асфальтни гумбурлатиб тепадилар, дастпанжалари билан тиззаларини уриб, чўккалаб айланадилар, қулоқини йиртадиган қилиб ҳуштак чаладилар. Гармончи ҳам шавқидан беихтиёр ўртага тушиб, ўйин айни доли-ғулига келганда, майдон гумбурлаб кетди. Шу чоқ артиллерия қисмлари офир тўплари билан ўта бошлади. Қизгин кўча базми узилди...



Элатлар роса ойққан эди. Полвон ҳар ёққа югуриб, бир буханка нон топа олди. Али тажанг ўзида йўқ қувонди. Нонни дундан қўлтиққа суқди-да, катта бурда ушатиб, оғзига тикиди у. Асқар полвон сийрак мўйловини бураб, кўзларини айёрча қисиб, деди:

— Бу ерларда шўртумшуқлик кетмайди, элат!  
Нондан лунжи гуваладай қаварган Али тажанг!

— Чой-чой-чойхона...— деди.

Улар бир неча кўчани қунт билан қараб чиқиб, чойхона тополмадилар. Али тажанг хуноб бўлди:

— Шаҳарнинг фасонига зўр беришибди-ку, чойхонани унутишибди-да.

— Рус халқи чойни уйда, самовар қўйиб ичади,— деди Полвон афсусланиб.

— Чойхонасиз жой — енгсиз чопондай хунук...— деди Али тажанг ва муюлишда турган ўн-ўн бир яшар болага югурди, боланинг елкасига қўлини қўйиб, мулоимлик билан:

— Чойхона есть?— деб сўради.

Бола ҳадиксирагандай орқага тисланиб, таажжуб билан русчалаб деди:

— Что сказали?

— Чойхона... Большой самовар, сидишь чай пиёш,— деди Али тажанг кулиб, дудуқланиб.

Бола ҳар икки жангчига бошдан-оёқ тикилди-да, айёрча кулиб қўйди.

— Чай? Юринглар мен билан,— дея қўли билан имлади у.

Йигитлар югургилаган боланинг орқасидан кичкина кўчага қайрилишди. Лекин улар чойхўрлар тўла чойхонага эмас, қоронғи бир уйга киришди. Бола уларни қақир-қуқурлар билан тўла, примус вағиллаган даҳлиздан олиб ўтиб, стулларга ўтқазди-да, ҳансираб, онасини ташқарига имлади. Бир минутдан кейин қайтиб кирди, хона ўртасидаги катта стул устида электр чироқ порлади. Асқар полвон чироқдан кўзларини сал қисиб, уй бекасига — сочлари сариқ, баланд бўйли, кўкракдор, ўрта ёшли хотинга миннатдор кулиб қаради, лекин унинг ташвишдан сўлинқираган тўла юзларида қандайдир ички ҳаяжон ва қўрқув аломатини сизди.

— Яхши. Раҳмат. Чой бор?— Асқар полвон, ҳам қўнжидан ўзининг қадрдон йўлдоши — ўткир пичоғини олди-да, нонни кесаверди. Аёл дам сопи гулдор пичоққа, дам

кутилмаган ғалати меҳмонларга разм солиб, гўё ҳазар қилгандек, четланиб даҳлизга чиқди.

Али тажанг оғзига нон тўлдириб, зўр иштаҳа билан чайнарсан, кўзларини худди қўғирчоқ ўйнаган қизларнинг ўйинчоқ молларидай тигиз, бежирим жойлаштирилган жиҳозларга қадарди.

— Ана, патифон ҳам бор экан,— деди у қўли билан ишора қилиб.—Чойдан кейин бир эшитсак... Бирдан Халимаҳоним қулинг ўргулсин бир ашулани куйлаб юборса-я!

Асқар полвон чуқур хўрсинди:

— Бир вақт «Рўмолим» деган талинкани икки юз элик сўлкавойга сотиб олибман-а. Ана қизиқиш, ана замон! Ҳаммаси ўтди-кетди.

Уй бекаси, катта мис чойнакни ва стаканларни столга қўйди-да, нотинчлангандай ташқарига қаради.

— Маржа, ўтир нон ол!— деди Али тажанг астойдил.

Асқар полвон қайноқ стаканни лабига аста тутаркан:

— Эр бор? Фронтда? Ҳа, скучна-а?— деди.

Аёл индамасдан ўтирди-да, бегона тилда гаплашувчиларга тикилиб, ранги ўчиб ўрнидан турди. Йигитлар бир-бирларига маънодор боқишди:

— Бу дўндиқчанинг кўзига чўп бўлди,— деди Асқар, иймангандай қизариб.

— Тез ич, кетамиз. Қўрқяпти биздан,— деди Али тажанг.

Лекин аёл уларнинг ошиққанларини пайқаб, бирдан муомалани ўзгартиришга киришди, бемалол ўтириб истироҳат қилишлари мумкинлигини уқтирди ва девордаги суратларни олиб столга ёйди-да, бир-бир кўрсатишга, тушунтиришга бошлади. Лекин серташвиш кўзлари бенктиёр равишда тез-тез деразага учарди. Йигитлар ҳали чойни тугатганича йўқ эди, ногаҳон даҳлизда зарбали қадамлар эшитилди. Эшикда икки милиционер пайдо бўлди. Биттаси — қовоқлари шишган, шоп мўйлов, юмалоқ, кекса; иккинчиси — новча, қотма, ёш эди. Қаттиқ югургандан ҳар иккиси ҳам, айниқса, кексаси қаттиқ ҳарсилларди. Бола уйнинг тўрига дадил ўтиб, катталардек, жиддий, мағрур турди ва кўзлари столга ёйилган суратларга тушиши билан онасига қаттиқ хўмрайди.

Кекса милиционер, пинғирлаб йигитларга ҳужжатларини кўрсатишни қатъий ва қўполгина буюрди-да, синовчан кўзлари билан уларга бошдан-оёқ разм солди. Асқар, ўтирган жойида ҳужжатларини қидириб, бепарволик би-

лан қўл сиқди. Али тажанг лабларини асабий буруштириб ўрнидан турди. У деворга суялган милтиқни олиб елкасига осмоқчи бўлганда, ёш милиционер унинг қўлидан милтиқни юлиб олди, кейин ҳар икки милтиқни синчиклаб кўздан ўтказди.

— Бу ёққа бер милтиқни! Давай! Эй, сани қара-ю,— қичқирди Али тажанг.

— Бақирма!— газаб ва нафрат билан қаради ёш милиционер.

Кекса милиционер ҳужжатларни чироққа тутиб қайта-қайта кўздан ўтказди-да, бўшанқираб, йўлдошига берди. У эса дам қоғозларга, дам эгаларига қараб, кейин столга ташлади. Юмалоқ кекса энди стулга оғир чўкиб, йигитларни гапга сола бошлади... Гумонсираганларини пайқагач, йигитлар гоҳ мулойимлик, гоҳ зарда аралаш ўзларини танитишга тиришдилар. Саргузаштларини аңлатмоқ беҳад оғир эди. Аксига шу топда, улар билан рус сўзлари, гўё қудуқда бирон чангакка илинган пақирдек ичларидан куч билан чиқарди. Али тажанг ўзининг «Қизил юлдуз» колхозидан эканлигини уқтирмаққа тиришиб терлаб кетди. «Қизил»ни билса ҳам, «Юлдуз»ни русча гапиролмади. Ниҳоят, каскасини олиб, унга қадалган юлдузни кўрсатди. Кекса милиционер қорнини силкитиб қаттиқ кулди ва бўшашган болага шоп мўйловини силаб туриб:

— Ҳа, азамат! Мана, фрицларни ёқаладик! Буюр, нима қилайлик уларни? — деди.

— Уйимизда икки жосус ўтирибди, деб айтди, биз юғурдик, ҳазил гапми? Фриц-а! — деди ёш милиционер.

Бола айбдорларча кўзларини яширди, лекин бўш келмасликка тиришди:

— Яхшилаб суриштириш керак. Балки ким билади ҳали...

— Қўй, бўлмоғур шубҳангни, — деди онаси нафасини ростлаб, — булар ўзимизники. — Бошларига қара, булар Осиедан. Биламиз. «Тошкент — город хлебный». Сен ўқи-маганмисан у китобни.

Йигитлар шу вақтгача бу воқеани уруш замонасидаги оддий текширишлардан деб ўйлаган эдилар. Энди парда кўтарилди. Полвон хахолади. Али тажанг тиржайиб жаҳл билан бошини чайқади.

Милиционерлар, кимки қитдай шубҳа туғдирса, дарров кўз остига олмоқ кераклигини, шаҳарда ва атрофда турли-турли қиёфада тентираган жосуслар сийрак эмаслигини

болага ва унинг онасига тушунтирдилар, йигитлардан афв сўрадилар. Кейин папиросни тутатиб, чиқиб кетдилар.

Уй бекаси ўзининг асл руҳига кирди, жангчиларни қийм ва печенье билан меҳмон қилди. Утириб ўзи ҳам чой ичди, еди. Меҳмонларни бемалол ётишга қистади.

Аёл урушга кетган эри, ўзининг иши, турмуши ва ҳоказолар ҳақида гапирди. Йигитларни жосус деб тушунтирганда юраги тошдай қотиб, оёқларининг мажолсизланганини, ҳар эҳтимолга қарши, даҳлизда болта тайёрлаб қўйганини сўзлаб, энтика-энтика кулди. Дастлаб ўзини айбдор сезиб, шумшайиб ўтирган бола секин-секин тетикланди. Уларга ўзининг сабоқларини ва дадасининг қалин китобларини очиб, суратларини кўрсатди. Уруш тўғрисида сўради. Унингча, урушни фақат танкистлар олиб борар эди. Узи ҳам иложи бўлса, танкка ўтирса-да, ерни титратиб фронтга жўнай қолса! Шунинг учун у, танкистлар тўғрисида кўп сўради ҳам танкистларнинг ботирлиги тўғрисида ўқиган ва эшитганларини жонли ҳаракат ва руҳ билан артистлардек сўзлаб берди. Йигитлар чала-ярим тушунсалар-да, зийрак боланинг кўзларидаги олов уларни қизиқтирди.

Девордаги катта, серҳашам соат тоза ва вазмин садо билан ўрни чалганда, Полвон йўлдошига кўзи билан ишора қилиб ўрнидан турди. «Спасибо!» Уй бекаси бу ерда қўнишлари мумкинлигини самимий билдиргач, улар қандайдир иккиланиш билан бир-бирларига қарашди. Бека уларнинг ийманганларини сезгач, дарров стол-стулларни бир чеккага қалаштириб полга жой солди. Йигитлар ечинмасдан ўзларини ўринга таппа ташладилар. Чироқ ўчди...

Тор уйни тўлдирган аҳил, тинч уйқу оғушидан ҳам-малари бир зумда, гўё тўшакни олов қамрагандай, сакраб турдилар. Полвон қоронғида гандираклаб бошини шкафга уриб олди. Али тажангнинг оёғи стулларга чаллашиб қалтиради. Асқар полвоннинг бош томонида кичкина каравотда ётган қизча чинқириб йиғлади. Уй бекаси телба бир товуш билан қичқириб, хона ичида уринарди:

— Миша лампани, штепсель... аҳ, лаънати итлар, ахир бизга келдилар... Шаҳарни... Миша, Маруса холангникига югур, ертўлага...

Қайдадир кўкда фашист моторларининг машъум садоси. Қайдадир бомбалар ёрилади. Қаттиқ титраган дераза орқали узоқда ўт-бўронлар кўринади. Асқар чинқирган қизчани олиб, эсини йўқотган онага тутқизди.

Миша, катталардек ғазаб билан фашист калхатларни сўкиб, қизчани бағрига босган бош яланг, яланг оёқ она-нинг қўлидан судраб ташқарига югурди.

Йигитлар милтиқларини пайпаслаб топиб, елкага осдилар ва кўчага отилдилар. Тутуң ва оловга чулғанган самода яримта ой, гўё изтиробдан юзи қийшайгандай, мунгли йилтирарди. Бомбалар даҳшатли садо билан шўнғир, портлар, ер силкинар, бинолар қулар, эшиклар, деразалар қанотлангандай сачраб учар, ойналар қум каби тўкиларди... Одамлар жон қафаслари бўлган уйларидан аждарнинг оғзидан қочган каби жон ҳовучлаб югурардилар. Гўё ўз эгаларидан қолмасликка интилгандай, уй жиҳозлари, деразалар ўзларини кўчага отиб шовқин кўтардилар. Ерларда юмалаб ётган болаларнинг чинқириғи, йиқила-йиқи-ла югурган аёлларнинг телба фарёди, харобазор орасида тирманган ярадорлар ва майибларнинг инграши... Ҳавода фашист калхатларининг машъум садоси тинмайди. Бомбалар шаҳарнинг азамат гавдасини, миллионларча қўллар ва бошларнинг кучи, тери, меҳнати билан қаддини кўтарган муаззам ҳаётни беомон ғажийди. Прожекторлар ҳар ёқдан гигант нур парчаларини узатиб, чексиз кўкни пий-паслайди. Зениткалар осмонга металл ва ўт бўронини пиш-қирадилар. Бомбалар гўё бутун-бутун кўчаларни, майдонларни таг-туғи билан ҳавога улоқтиргандек, тавсифга сифмас бир ваҳм билан портлайди. Шаҳар олов гирдобида— ёнғин унинг суякларини кемириб, тўймаган каби, кўкни ҳам қамрамоқчидай юксакка ҳамла қилади. Дуд, чанг, ис, олов...

Асқар полвон билан Али тажанг ўлим ва бало бўрони ичида хатарсиз бир парча жой топиш умидида ҳолсиз югурдилар. Дам дуч келган дарахтни қучоқладилар, дам уйларининг тош-деворларига, гўё улар емирилмас тоғ эканига ишонгандай астойдил суқилдилар.

Икки элат офат тўлқинида юмалаб кечқурун олов базми қайнаган майдонга чиқиб қолишди. Бу ерда ёнғин даҳшатли эди. Бу вақт ҳавода душман садоси ҳам ўтган эди. Оломон офатга қарши, ҳаёт учун жонбозлик қила кетди.

Икки йигит ҳам бир оз тараддуланиб, ичидаги қандайдир муқаддас бурчнинг даъвати билан курашга шўнғиди. Асқар полвон туташ ўтдан иборат уйларга кирди, қандайдир ўзига хос бўлмаган ажойиб эпчиллик билан зина-поялардан пилдираб юқори қаватларга кўтарилди, ўнларча чала жон бола ва аёлларни қутқарди. Аччиқ дуд, заҳарли

ҳидларга бўғилиб, терга ботиб, оғир болталарни сардона зарби билан уриб, офатнинг оёқларини қирқди. Унинг узоқ юртида, қуёш ва гуллар диёри Ўзбекистонда қолган дуоғўй камшир онаси уни — ёлғиз ўғлини эркалар экан, ҳар вақт: «Рустам тойим! Арслон тойим!» деб атамасмиди! Али тажанг ҳам кичкина чайир гавдасидаги меҳнатда қайрилган кучни аямасдан ишга солди. Юзларча азаматлар билан бирга харобалар ичида қўлларини қонатиб, куйдириб, харсанг, темир ғишларни тирмалаб отди, бел билан тупроқ уюмларини ағдариб, кўмилган инсонларни қидирди. Лекин кетмон йўқлигига хуноб бўлди. Кетмон қадрини билмайдиган бу ернинг одамларини койий-койий ишларкан, у муқаррар бир ўлимдан, нодир бир тасодиф орқасида сақланиб қолди: олов қуюни чирмаган саройдан кўзларини пиёладай-пиёладай чақчайтирган бир от шаталоқ отиб чиқиб, нақ Али тажангнинг устидан сакраб ўтди-да қоронғиликда ғойиб бўлди. Али тажанг бирдан ерга чўккалаб қолмаса мажақланарди!

Тонг ёришди. Бурқиган тутун ва чанг орқали шаҳарнинг хароб гавдаси аста-секин намоеън бўлди. Кўчалар ғишт, тупроқ, темир-терсак, кўмирланган ёғоч, жингиртоб симлар билан тўла эди. Ҳар ерда синиқ-миниқ идишлар, тақир-туқурлар, ҳар хил жиҳозлар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Шамол исланган китобларни варақлар, осилиб қолган вивескаларни тебратарди. Ҳар ёқда биноларнинг шикастланган тош қовурғалари, ўпирилган томлар, қаққайган мўрилар, чучаладек қорайган уйларнинг синиқ деразалари тешилган кўзлардек қўрқинчли боқарди. Айрим жойларда ёнгин қутуриб, ўз ўлжасини катта иштаҳа билан ютмоқда. Ранги қум ўчган, изтиробдан қалтираган одамлар ўз харобалари олдида тишларини қисиб жим уйнардилар.

Икки элат ҳорғин, бедармон судралиб, бир чеккага қовжираган дарахт остига чордона қуришди-да, ўқчиб кўмир тупуришди.

— Шум кеча!— деди Полвон, алланечук қизарган, куюк кўзлари билан фаже манзарага қараб.— Тангри бундай кунни асло кўрсатмасин!

— Жанг бошқа гап,— деди Али тажанг.— Лекин бутинч аҳолига мунча азоб? Бу шаҳарнинг гуноҳи нима? Фашистлар худодан беҳабар, лаънати махлуқлар экан!

Йигитлар бир-бирларига бир лаҳза тикилиб, беихтиёр хахолашди. Уларнинг юзлари ис ва гарддан таниб бўлмас

ҳолга келганди. Анҳорга боришди. Суст оққан сувда ҳар хил буюмлар сузарди. Қум ва лой билан қўлларини ишқалаб, кенг юзлари ва бошларини обдон ювдилар.

— Энди қалай?— сўради Полвон кулиб.

— Энди ўзимизнинг росмана кўмирчилардай бўбсан, соз!— жавоб берди Али тажанг.

Совуқ сув яхши таъсир қилди — улар хийла енгиллашиб, аста тентирашди. Бомбалар очган катта, қора чуқурлар орасидаги бир йиғин тупроқ ва кул қаршисида бир бола билан бир аёл бошларини оғир эгиб кўтарди. Полвон боланинг сариқ олтин сочини аста силади. Миша бошини кўтарди. Унинг пешанаси буришган, кўзларида чуқур қайғу ёнарди. У индамади. Бош яланг, оёқ яланг, кўйлаги йиртиқ хотиннинг юзига изтироб шундай чанг солган эдики, йигитлар уни Мишанинг онаси, кечаги кўрмак ҳуснали аёл эканини базўр фарқ қилдилар.

— Уйинг қалай?— сўради Полвон.

— Мана!— лаблари базўр очилди аёлниг ва тепа тупроққа ишора қилди. Уй мукка йиқилибди. Йигитлар у ёқбу ёққа қараб кечаги кўчани сира танимадилар. Туташ ҳароба...

Титраган лаблари билан:

— Қизчамни йўқотдим. Ҳалок бўлди,— дейди аёл йиғлаб.

— Как? Сапсем прапал бил?— сўради Али тажанг ҳаяжонланиб.

— Қоронғида, тунги тўполонда йўқотдим.

Аёлниг тош қотган кўзлари қайғу тешди. Юзларидан томчилар юмалади.

— Йиғлама, йиғлама!— деди Полвон майин ва мунгли товуш билан.— Ёлғиз сен эмас, офат ҳамманинг бошида... Фашист ҳам жазосини тортар бир кун.

Аёл қўлларини қисиб, дард билан қичқирди:

— Қиринглар итларни, битта ҳам қолмасин, қиринглар!

— Уругини қуритамиз лаънатининг!— деди Полвон ерга қараб.

— Маржа,— деди Али тажанг аёлниг елкасини қоқиб, овитиб,— бир худо бор, кўради, у ҳеч кечирмайди фашистни. Негаки, фашист ёмон! Жуда ёмон!

Йигитлар хароб станциянинг кенг цемент зинасида нон кавшаб ўтиришаркан, тасодифан таниш лейтенант, бухоролик йигит келиб қолди. У лагерда бир оз вақт аскарларга таълим берганди.

— Ҳа, элатлар, аҳвол қалай?— деди лейтенант кулиб ва кўришгани қўлини узатди. Жангчилар ўзбекчасига кенг қучоқ очиб кўришдилар.

— Қани, Қурбон ака, ўтиринг, нонга қаранг,— деди Полвон севиниб.

— Хўш, бу ерда нима қилиб юрибсизлар? Фронт қаёқда? Ут ўчиргани келдингларми?— деди лейтенант киноя билан.

Полвон лейтенантга саргузаштларини айтиб берди. Али тажанг ўзи учун инжиқроқ бир юмуш тўғрисида аста гап очди. Лейтенантнинг қорамтир, ориқ юзидан кинояли табассум учди. У, папиросини ғалати зажигалка билан ёндириб, бир зумдан кейин қатъий товуш билан интизом ҳақида гапирди. Бу ҳолда юрилса, оқибат ўзлари учун ёмон бўлишини уқтирди.

— Биз қочоқ эмасмиз, ўртоқ лейтенант!— деди Полвон ерга қараб.

— Хўп, юринглар, ишим зарур бўлса ҳам, аввал сизларни ўз қисмларингизга юборай...

Икки новчанинг орқасидан Али тажанг пилдираб югурди.

## ТҮРТИНЧИ БОБ

Милтигини тиззасига қўйиб, қуш мизғигандек, озгина мудраган Бектемир энкайган калласини бирдан кўтариб кўзларини очди. Унинг кўксига оний бир оғриқ, дард чайқалди: юртидаги ҳар бир ваҳший тош, ҳар бир сўқмоқ йўл унга таниш, ўсиб-унган тоғларни, хушбўй, ўйноқ шамоллар макони олчазорларни, думбаси серкиллаган колхоз қўйларини тушида кўрган эди у. Қуёшда олтинланиб тошдан-тошга сакраган сувларнинг шовқинини қулоқларида сездди. Чўпон йигит узилган ширин тушни яна бир он бўлсин кўриш умидида кўзларини юммоқчи бўлди, лекин бирдан илжайди: «Тушида хўрозини сотолмай доғда қолган Хўжа Насриддинга ўхшаб кетдим-ку!»— деди ичида. Кейин қошига қадар тушиб, пешанасини сиққан оғир қаскани кўтарди, уйқусизликдан қовжираган кўзлари билан атрофга қаради — туманли, булутли, хўмрайган совуқ куз тонги... Шох-шаббалари учган, ёнгиндан қорайган ўрмонлар туман орасида ваҳм бир сукут сақларди. Узоқда, кўзга хира чалинган тепаликнинг орқасида қора, қуюқ тутун бурқиб



ҳавода оғир кезарди. У — бутун кеча ёниб, кўкни олов билан қоплаган қишлоқ ёки шаҳарча эди. Тунда катта ёнғин Бектемирга жуда яқин кўринган эди. «Ҳар тун неча неча қишлоқ кулга айланади!» Йигит елкадан қопчасини ечиб, яримта гиштдай нон, икки катта чақмоқ қанд, бир қаричча йўғон колбасани олди. У колбасадан ҳазар қиларди — фронтга илгарироқ келган ўзбек жангчилар, колбасани худди қази-қарта егандай, иштаҳа билан чайнаб, уни ҳам емоққа қистар, гоҳ масхара қилишарди. Лекин бу тўғрида у ўжар эди. Бектемир ёнида махорка тутатиб ўтирган ёшгина рус жангчисини туртди:

— Ма, ўзбек законида бу йўқ.

Рус колбасани ишонқирамаган бир тур билан олди:

— Законинг бўлмайди. Тезда ташлайсан буни. Солдатча яшашга ўрган!

Бектемир, сеники маъқул дегандай, қўлини силкиди-да, бақувват тишлари билан қандни қасирлатиб, устидан нонни тушира бошлади. Қани шу топда бир чойнак қуюққина кўк чой бўлса! У чойхўр эди. Ёз кунлари чўпон тоғда мол боқаркан, сут-қатиққа қарамас, лекин кичкина қора қумғон тагида олов узилмас эди. Шишадай тиниқ тоғ сувини обдон шарақлатиб қайнатар, чойни эзиб-эзиб дамлар, майсага ёнбошлаб, завқ билан ичарди. Бектемир сувдонни кўтариб бир неча қултум ютди-да, яна лўки билан оғзини маҳкамлаб қўйди — сувни тежарди у.

— Фрицдан ҳеч қулатдингми? — сўради рус йигити, тиниқ зангори кўзларидаги қув табассум билан.

— Йўқ, — жавоб берди Бектемир хўрсиниб, ерга қараб.

— Қўрқасан-а?

— Сеники қўрқади! — деди Бектемир қоп-қора, йирик, қийғоч кўзларини олайтириб.

Рус жангчиси унинг ҳалигина болаларниқидай мулойим, содда юзида бирдан жаҳл ва ғурур тошганига таажжубланиб, бу миқти гавдали, бақувват йигитга бошдан-оёқ тикилди, айбдорларча кулиб деди:

— Ранжима. Мен анчик гапирдим, — кейин аскарчасига бир сўкиб қўйиб, давом этди. — Биламан, сенларнинг ораларингда яхши болалар бор. Қамбаров деган бир элатинг Смоленск олдида фрицларнинг онасини... ўхў!

— Қаерда у ҳозир? — сўради Бектемир бутун гавдасини ҳаракатга солиб қизиқув билан.

— Ҳлди. Чинакам бургут эди!

Бектемир ачиниб, бошини дард билан оғир чайқаб қўй-

ди. Индамасдан милтиғини тозалашга бошлади. У, милтиқни эринмасдан, ҳар вақт зўр ҳафсала билан тозалар, уст-бошининг кир-чирлигига унча эътибор қилмаса ҳам, қуролни ярақлатиб қўярди.

Шинели товонигача тушган, кўримсизгина жангчи — Али тажанг ҳам, бел, милтиқ ва бошқа жангвор буюмларни эплай олмасдан қийналувчи баҳайбат Асқар полвон ҳам келиб ўзбекча чўққайишди. Бектемир ўзи билан келган ҳамқишлоқларидан кечани қандай ўтказганликларини сўради.

— Кўкда момақалди роқ тинмасаям, пича-пича ухлаб олдик,— деди Асқар полвон салмоқланиб.

— Қандай уйқу дейсан!— лабини буриштирди Али тажанг.— Уқ-дорининг бари фашист занғарда экан, гумбурлатгани-гумбурлатган.

— Бизникилар отса ҳам фашистларники деяверади бу!— кўзини қисиб тегишди Асқар полвон.

— Қаердан билимдон бўлиб қолдинг, ҳафтафаҳм!— Али тажангнинг сарғиш мўйлови титраб кетди. Қўлтиғидан қорозга ўралган, қуриб талқонланган носини олиб, тил остига отди.

— Агар бир ботмон келтирган бўлсангиз ҳам, тежаброқ чекинг,— деди Бектемир кулиб.

— Чекканим ғанимат...— деди Али тажанг ямланиб, сўлагини оқизиб.— Атрофим нуқул ўлим: ҳозир борман, балки бир минутдан кейин нариги дунёга сафар қиларман.

— Тўғри,— деди Бектемир ўйланиб,— ўлимнинг бозори қизгин. Лекин худога шукур, мана икки ҳафтадан буён тирикмиз.

Али тажанг умидсизларча қўлини силқиб, туриб кетди. Бектемир унинг орқасидан хомуш қараб қолди.

— Болаларини эслаб, кечаси роса йиғлади...— деди секингина Асқар полвон.

— Осон эмас!— боши билан таъкидлади Бектемир.

Асқар полвон ҳам юрагини очди — ёлғизгина қизчасини соғинганини, у ҳар қачон эшикдан кирса, «ада, ада!» деб атрофида пилдираб юурганини сўзлади.

— Дўстим, қизчагининг суратини юборишсин. Тез ёз!— юпатмоққа тиришди Бектемир.

— Биласан-ку, бизнинг тарафларда сураткаш топилармикин?

— Топилар!— деди Бектемир ишонтириб.

Асқар полвон сизилангандай, қудратли қаддини кў-

тарди. Кейин икки дўст урушнинг бориши ва жанглар ҳақида сўзлашди. Бектемир шу қунгача қўли ишга тегмаганидан афсусланди.

— Бу қанақа жанг, тушуниб бўлмайди,— деди Асқар полвон калласини қуйи солиб.— Яланг минабозлик, тўпбозлик. Яна осмондан ҳам портиллашиб туради. Жанг рўйирост бўлса!

— Ҳа, сен гитлерчилар билан кураш тушгани келган-мидинг?— кулди, Бектемир.

— Йўқ, масалан, қиличбозлик, пичоқбозлик ҳам жанг. Ҳозир одам бамисоли чумолидай бўлиб қолди-ку.

— Тўғри шу темир жаҳаннамида иш кўрсатган азаматлар ҳам бор, бунинг ҳикмати нимада?

Асқар полвон ўйлиниб, ҳали жавоб бергунича йўқ эди, оғир булутли ҳавони артиллерия даҳшатли гумбуралиб юборди. Бектемир ғайри шуурий равишда милтигини маҳкам сиқиб, окопчасига узала тушиб ётди. Тўплар наъраси он сари кучайди. Ерни, кўкни қамрагундай титратган бу садо олдида табиатнинг ҳар қандай даҳшатли қалдироғи ҳам ожиз бўлиб қолади. Тепада зинғиллаб учган снарядлар, миналарнинг бад садоси, олов ва тутун аралаш ер уюмларини кўкка яргитиб тўкилади. Бектемир нима қилсин, кимга отсин! У тишларини қисирлатиб, бўғилиб ётди. У ҳамма ёқни олов бўрони билан қоплаган фашистларга ўлим тилади. Қани энди уларни қандайдир бир бало-офат қазойи ногихондек бир зумда ютиб, ҳамма ёқни тип-тинч қилиб қўя қолса! Бектемир атрофга кўз ташлаб, дуд ва тўзон орасидан тупроққа қоришган, парчаланган гавдаларни кўрди. У яқиндаги қора чуқурлардан бирига ўтиб олди. Энди миналар ундан анча нарида портлай бошлади. Узоқда қора танклар пайдо бўлди. Танклар ўқ ёғдириб, тез келарди. Орқадан танкка қарши совет тўплари даҳшатли олов очди. Олдинги темир совутли бало махлуқлардан учтаси фалаж бўлгандай далада чўкиб қолди.. Бектемир севинганидан бошлаб сўкиб қўйди. Танкларга тўплардан, пулемётлардан, милтиқлардан рус солдатлари ўқларни дўлдек ёғдирдилар. Мана бирдан генерал Соколовнинг буйруғи билан ўрмон ичидан йигирмага яқин совет танклари қаттиқ сурон билан югуриб чиқди. Бу — душман учун кутилмаган эди. Хийла ўтмасдан етти душман танки дуд ва оловга чулғанди. Танклар орқасида пусиб келаётган гитлерчилар саросимага тушди, улар йиқила-қўпа чекинардан. Бектемир ўқни шигаб отди, илгари босиб боргиси келди.

Аммо буйруқ йўқ ҳали. Шу вақт душман танкларининг тўдаси худди Бектемир рўпарасидан югурди. Йигит бир зум титраб, бўшашиб кетди. Чекинсинми — йўқ. Гурури йўл бермади. Темир қўрғонни милтиқ билан қандай тешсин? Гранаталарни тайёрлашга команда берилди. У шундагина танкка қарши ишончли қурол бор эканини эслади, дарров икки гранатани тайёрлади. Лекин у ҳовлиқди. Ҳар икки гранатани шошиб улоқтирди. Бор кучи билан отса ҳам, улар анча берида портлади. Бектемир ўз-ўзига жаҳл қилди, бўғилди. Энди нима қилсин? Аммо унинг чиниққан рус жангчи ўртоқлари ёвни совуққонлик билан қутиб, нақ палласида иноқлик билан қаршиладилар. Гранаталар узлуксиз учди. Сибирлик дов жангчи — Дубов рўйи рост туриб улоқтирарди. У гўё ўқни писанд қилмайдиган қоя... Гитлерчилар отган гранаталардан иккитасини олдин-кетин ҳавода илиб олиб, ўзларига совға қилди: «Коптовдек илиб отиш деган ҳунар ҳам бўлар экан! Қойилман!» — деди ичида Бектемир.

Душман танкларининг олдинчилари ерга қоқилиб, бошқалари орқага бурилиб кетгач, ҳужум командаси янгради, Бектемир олдинда капитан Стекловни кўрди. Найзадай ўткир, кескин «ура!» садоси ҳавони титратаркан, Бектемир ўрнидан ирғиб турди-да, тутун, олов ва даҳшатли қалдироқ ичида олдинга югурди. Шу топда унинг бутун вужудини чексиз ғазаб эгаллаган эди. Бектемир бутун кучи билан югурди. Гўё қудратли «ура» садоларининг тўлқинида учарди. Аммо қочаётган душманнинг оёқлари яна югурикроқ эди. Бектемир ҳансираб атрофга қаради. Маст кўзлари билан ов қидирди. Катта далада, ўнгда ҳам, сўлда ҳам найзабозлик қизиган. Йигирма-ўттиз қадам нарида бақувват, эпчил, юмалоқ ёш қирғиз бир фашист билан олишар эди. Фашист қочишни мўлжаллади-ю, лекин қирғиз бола қўймади, фашист автомат ила урмоқчи бўлганда қирғиз ҳалқумига чанг солиб, қаттиқ олишди, бўғиб ерга улоқтирди, милтиқ қўндоғи билан бошини пачақлади, ҳарсиллаганича яна бир фашистни қувиб кетди. Нарироқда шоп мўйлов бир рус жангчисининг ёлғиз ўзи уч гитлерчи билан олишарди. Бектемир унга ёрдамга югурди. У яқинлашаркан, бири вақтни ғанимат билиб, қочиб қолди. Бектемир етгунча шоп мўйлов бирини алла қилиб қулатди-да, сўнгисига ҳамла қила бошлади... «Мўйлов бунини албатта ейди!» — ўйлади йигит ичида ва биринчисини, қочганини қува кетди. Душманнинг буруқ-

саб ёнаётган оғир танки орқасида фрицнинг нақ рўбарўсидан чиқди. Фриц кутмаган эди, у бир зумгина қотиб, кўзларини чақчайтирди-да, бошини мажақлашни мўлжаллаб, автоматини икки қўлда қисиб баланд кўтарди. Бектемир бўғилиб, қутуриб кетди: ё ўл, ё, ўлдири! Иккиланиш — ҳам ўлим, ҳам номардлик... Бектемир бургутдай сапчиб, душман қорнига найза урди, зарб билан урди... Немис муккаси билан йиқилди. Унинг автомати Бектемирнинг қўлига қаттиқ тегди. Душманни ўлдириш, яна узоқдан ерга пусиб отиб эмас, рўйирост ўлдириш, бу қандай завқ! Бектемирнинг юрагини эзган қандайдир бир тош гўё эриб кетди. У қовжироқ лабларини ялаб, ҳансираб, олдинга чопди. Уликлардан, чуқурлардан, пачоқ мотоциклардан сакраб, ёнган машиналар, танклар орасидан жанговар отделение билан сурон кўтариб чопди. Чекинаётган душман энди узоқда эди. Уларни милтиқ ва пулемётлар ўти қира бошлади.

Кичкина жарликдан ўтилгач, батальон кутилмаганда қаттиқ оловга тутилди. Бектемир ёвни қувиш нашъаси билан чинакам маст бўлган — у гўё бешикдаги болани чайнаб қочган оч бўрини қувиб бораётгандай учиб борарди. Бирдан орқадан товуш эшитди: «Ложись!» Бу нидо Бектемирнинг шуурига бориб етмади. У терлаб, бўғилиб чопаркан, яна ҳалиги сўз қулоқларида қайта-қайта янгради. Атрофга аланглаб, хийла орқада, ҳар ерда сочилиб чўзилган рус дўстларини кўргач, ўзини таппа ерга ташлади. Ҳалқуми қуриган, кўз олди қоронғилашган эди. Бошидан, ёнларидан чийиллаб ўтган ўқларнинг ўлим нафаси уни сергаклаштирди. Бир оздан кейин Бектемир ер остидан атрофга назар солди. Ҳеч қандай душман қораси кўзга илинмади. «Яхши биқинибди итлар!» — ўйлади ичида, ўқлар гўё ҳид билгандай он сари кўпроқ унинг атрофида гингшимакка бошлади. Бектемир жойини ўзгартиришга қарор қилди. Қорин ва кўкрак билан силжиб, ўзини дарахтнинг сал кўтарилган, устини тупроқ босган тўнкаги орқасига олди. Ун беш-йигирма қадамга силжиш — ҳар қаричи ўлимдан оғир. Бектемир бир қултум сув ютди-да, кўзлари аллақандай ёришиб кетди. Нам ерга энгагини тираб, бир оз ётди. Кейин душман томонга кўзини овчидай ўткир қадади. Ўзича шубҳали туюлган нишонларни пойлаб ўқ узаверди. Узоқ ётди. Душман олови қалинлашди. Мана сарғайган ўт қимирлади: «Шамолми?» — Йўқ, атрофдаги ўтлар, илдиздан ўсган новдачалар

жим. Лекин Бектемир ўша ердан кўзини узмади. Ана қўпол эмаклаган фашист қораси кўринди. Бектемир ўқ узди. Қора ўчди. Утлар, новдачалар орқасида бошқа қораларнинг шошқин ҳаракати ғира-шира кўрина бошлади, йигит тинмасдан отаверди. У ёқдан ўт чиқмади. Новдачалар яна жим қотди. Бектемир мерганликнинг натижасини кўрмаса ҳам, севинди: «Лоақал биттанг қон бўлдинг!»

Энг муҳим пайтда, фашистлар кучли тўп ва миномёт ўти паноҳида олдинга аста юра бошлаганда, Бектемирнинг ўқи тамом бўлди. Сўраса, қачон етиб келади? Кутиш мумкин эмас. Ўқсиз солдат — қиличсиз қин. Бектемир орқага қаради. Нарироқда думалаб ётган икки жасадга эмаклаб кетди.

Улганларнинг бири ёш, жуда шўх рус снайпери эди. Дам оғзи билан ҳуштак чалиб ўйинга тушар, дам хўроз бўлиб қичқирар, айниқса, буни бекам-кўст бажарар эди. Иккинчиси, қозонлик татар дўсти эди. Бектемир билан учрашганда, одатда: «Эй молай, ҳоллар ничик?» деб қўярди. Бектемир уларнинг ёнидан анча ўқ олди ва яна аввалги жойига қайтди.

Икки соат давом этган чидамли бўғишишдан кейин душмanning ўт очиш нуқталари бирин-сирин янчилди, Артиллериянинг қудратли ҳимояси остида жангчиларимиз олдинга юрди. Гитлерчилар, найзаларга дучор бўлмаслиқ учун тез чекинди.

Кечга яқин катта қишлоқ олдида қонли, беҳад золим жанг рўй берди. Фақат қоронғилик тушиши билан аста-секин қизғин сурон тинди.

Бектемирга ногоҳ ҳаво фавқулодда ёқимли, роҳатбахш туюлди, гўё уни дим, сассиқ ўрадан тортиб олдилар. Унинг бақувват, кенг кўкраги текис нафас ола бошлади. Енбошидаги тақир ер ҳам унга юмшоқ, меҳрли кўринди. Бу ер унга кўпроқ азиз, соғинчли эди. Бу ер душмanning кир оёғидан тозаланган, кўп қонлар, ғазаб, уқубатлар билан беомон жанг орқасида ёвдан қайтариб олинган Ватanning бир парчаси эди.

## БЕШИНЧИ БОБ

Шохлари юлинган дарахтлар тепасида, баланд, сийрак юлдузлар кўзларини ҳорғин очдилар. Бектемир уларга узоқ тикилди. Унинг шуурида урушнинг қонли, даҳ-

шатли рўёси бир зумгина йўқолди. Юрак қандайдир но-  
зик дард ва кечинмалар билан тўлди. Лекин бирдан унинг  
димоғини содда аскар таомининг ҳиди қитиқлади. Оч қо-  
рин дарров шилиниб кетгандай бўлди, оғиз сўлакланди.  
Ипдай ингичка бўлганидан жуда новча кўринувчи стар-  
шина дудуқ Яшкин (ўзбеклар уни ўзаро «Лайлак» деб  
атардилар) нон ва каша улаша бошлаганди. Бектемир  
котелогини кўтариб, дарахтларга югурди. Ҳамиша кулар  
юз, юмалоқ, сергап рус ошпазининг чўмичи қоронғида  
ҳам янглишмади — худди «норма»ни солди. Бектемир  
ҳамқишлоқларининг овозини яқиндан эшитди, уларнинг  
ёнига чордона қурди-да, этик кўнжидан қошиқни олиб  
котелокка ботирди.

— Уч кундан буён қўлга сув тегмади! — деди Бекте-  
мир нон ушатаркан, нохушлик билан.

— Таянмум қилавер. Кўнгил ёришади... — деди кулиб  
Асқар полвон.

— Жуда кир-чир бўлиб кетдик... — деди Сафар чўтир  
одатича секин ва мулойим, кейин хўрсиниш аралаш хи-  
тоб қилди, — тақдир!

Қошиқларни котелокка уриб, иштаҳа билан овқатлан-  
дилар. Шавла жуда тотли туюлди, ошпазни мақтадилар.  
Али тажанг котелокни ялаб, кейин Яшкинни сўқди:

— Хумпар старшинанинг қўли бебарака!

— Унинг шу феъли ёмонки, — деди Асқар полвон  
салмоқланиб, — сал айирмачиликка боради у...

— Тўғри, дудуқнинг шу касали бўлмаса, ўзи олтин  
йигит-а, — гапга аралашди Бектемир.

— Мана, командир Стеклов бошқача... У сержаҳл  
одам. Сал нарсага ранжийди, оғзидан боди кириб, шоди  
чиқади.

— Нуқул онадан... — қистириб қўйди Сафар чўтир ха-  
фаланиб.

— Аммо, шуниси яхшики, — давом этди Бектемир, —  
ҳеч вақт айирмага бормайди. Ҳаммага баб-баравар.

— Инсофи бор уни... — маъқуллади Асқар полвон.

Элатлар махорка ўраб, ҳузур билан торта бошладилар.  
Ора-сира бугунги жанглارнинг даҳшати ҳақида сўз  
борарди. Бектемир қисқа найзабозликда бир фашистни  
найза билан қандай ўлдирганини айтди. Элатлар ўз за-  
фарлари каби қувондилар.

— Бугун қишлоғимизнинг ови юрган экан. Сўзла,  
Полвон! — деди Сафар чўтир.

— Хўш? Яна қандай хушхабар?— қизиқди Бектемир, Асқар полвон ўз муваффақиятларини сўзлашни истамасди. Катта курашларда елкаси ер ўпмай, халқнинг олақишига сазовор бўлганда ҳам бошини қўйи солиб, жимгина уйга қайтарди. Элатларнинг қистови билан гапиришга мажбур бўлди:

— Жар ёқасига келганда нафасим ҳалқумимга тиқилди. Уқчидим. Тутун. Бир қатра сув қани?— деди Полвон гап орасида махоркани сўриб.— Бирпас ўтирдим. Бир вақт қарасам, нариги томонда, япасқи дарахтлар орасида биттаси эмаклаб юрибди. Кейин тўхтаб, пастга, бизникиларга автоматдан патирлатиб қолди. Йўқ, шу ондаёқ бир ўқ билан урдим, коптокдек юмалади пастга.

— Тутдек тўкиш керак. Шунда аламдан чиқасан,— деди Бектемир тишини қисирлатиб.

— Мен ҳам роса оддим. Лекин ўқлар қаёққа кетди, кафилини ололмайман,— деди Али тажанг.

— Бошни қўлтиққа олиб отгансиз-да,— деди Бектемир гўнгиллаб.

— Бўлмаса-чи! Бурним билан ер ковлдим,— деди кулиб Али тажанг.— Жаҳонни дўзах қилиб юборди-ку. Лаънати минани ўйлаб чиқарган одамнинг оғзига...

— Шу дўзахда ҳам, Али ака,— деди Асқар полвон,— дадил иш қилганлар оз эмас. Марусяни кўрдим — ўқ дўли орасида ярадорларни олиб чиқди. Қиз бўлса ҳам, аммо юрагида ўнта эркакнинг ўти бор...

— Пулемётчилардан Кашкаров-чи?— деди Бектемир ёқасини ушлаб.— Шундай жойга ўқ ташиб турдики, у ёққа ер остидан боришга ҳам юрагинг дов бермайди. Пешиндан кейин душман автоматчилари ўртасига тушиб қолди. Қутқариш учун сержант иккаламиз ўт очиб, олдинга босдик. Йўқ, икки гранатани улоқтириб, ўзи қутулиб чиқди. Мен уни бугун неча марта ўлдига чиқардим, Йўқ, ҳар сафар, бир оздан кейин, ўнқир-чўнқирда сакраб юрганини кўриб қоламан. Ҳа, ботирликнинг яна бир қизиқ нусхасини кўрдимки...

Бектемирнинг сўзи кесилди, дарахтлар устидан мина машъум садо билан учиб, хийла узоқда портлади. Ёлғиз Сафар чўтир чўчиб Бектемирнинг орқасига ўзини олди. Ҳаммалари кулишди. Сафар чўтир ўзини оқлашга тиришиб:

— Фалокат-да. Ҳазилинг кетмайди!— деди.

— Қулоғингга осиб қўяй, фашист тик этган товушни



эшитоди-ю, сабил минани тўғрилайверади,—дея Али та-  
жанг сўкиниб ўрнидан турди.

— Узоқда, тусмол билан отяпти...— деди Асқар пол-  
вон салмоқланиб...

Миналар тез ва яқин туша бошлади. Йигитлар бу ерни тарк этишди. Позицияни маҳкамлашга буйруқ берилди. Жангчилар қоронғида туртиниб окоп қовлай бошладилар. Бу вилоятнинг самоси ғалвирдай сув тутмас бўлганидан, ёмғир ёз бўйи роса қуйди. Ер юмшоқ ва ботқоқсимон эди. Жангчиларнинг ҳаракатида ҳорғинлик сезиларди. Окопни ҳамма вақт тез ва зўр қунт билан қазийдиган, доим ўртоқларига ёрдамлашадиган Бектемир бу ғалхоҳланқирамай ишлади, ора-сира дам олиб, ҳансираб, узоқ қазиди. Али тажанг дам белга ёпишган лойни, дам ўзининг «шўр пешана»сини сўка-сука хуноб бўлди. Ҳаммадан кейин элатлари қошига келиб ёнбошлагач, унинг эски сусткашлиги тўғрисида ҳазил қилишди. Али тажанг ҳазилни пайқамай, бирдан ёниб кетди-да, Катта Фарғона каналини эслади:

— Учқўрғонда ер метин. Ҳапқат кетмонни ураман, ер тошдай, сачраб кетади. Йўқ, бари бир сал вақтда нормани бажариб, яна бир неча кубометр оширмага уриниб қўяман. Ана иш-у, ана куч.

Каналда қатнашувчилар ўша хушхандон кунларни, кўкни янгротган карнай-сурнай, қудратли меҳнат сурони, ўйин-кулгилар, қийқириқли базмларни ёдладилар. Ватаннинг ширин-шарбат оққан боғларини, танти қуёшини ёдладилар. Улар билардиларки, пахта майдонларида ҳозир чуввос терим кетяпти. Лекин улардан ҳеч бири ўз оилаларидан ҳануз хат олмаганидан, колхозда ишнинг қандай бораётгани, агар кўп азаматлар армияга чақирилган бўлса, пахта плани бажарилмай қолиши аҳтимоли, бола-чақанинг қийналиши ва ҳоказолар ҳақида жиддий суҳбатлашдилар. Ҳаво совиди. Ернинг захи шинелдан ўтиб, баданни увуштирди. Узоқда артиллерия отишмаси бошланди. Унг томонда, қўшни участкада қўққисдан ғавғо кўтарилди. Пулемётларнинг чакаги очилиб кетди. Кичик командирлар ҳар ёққа серташвиш югуришиб, кейин жангчиларга сергак туришни таъкидладилар. Бироқ бир оздан сўнг яна тинчиди. Фақат, узоқдаги артиллерия отишмаси кучайди. Душман ракеталари, сеҳргарнинг машъум ўйинидай, олов қанотлари билан ҳавога юксалар, атрофни кўз қамаштирувчи, ваҳимали, сариқ, совуқ нур

билан ёритиб тоборарди. Узоқда, кечанинг қора чодиринга бурканган дарахлар устидан мингларча рангли ўқлар — қизил, сариқ, кўкимтир — ҳавода олов ип чизиб учардилар. Аллақандай хаёлий, кўрқинчли, босриқли кеча.

Бектемир қўлларини энгагига тираб ётган ҳолда узоқ томоша қилди. Агар мўъжиза тариқида ўз элига саломат қайтиш унга nasib бўлса, бу хотиралар умрбод эсда сақланажагини, ҳам бир кун ўз дўстлари, яқинлари орасида шу кўрган ажойиботларини ҳикоя қилиб берса, улар ишонмасликлари мумкинлигини ўйлади. Сафар чўтир ўрмонлар орқасидан кўтарилган ракеталарни ва ҳавода учган ранг-баранг «чўғлар»ни биринчи дафъа кўрганда, ажиналар базми деб гумон қилгани ва ҳар хил дуоларни пичираб тонг оттирганини сўзлади.

— Дев, ажинанинг ўзи ҳам иштонини бошига илиб бу томошадан қочади!— деди бўғилиб жангчилардан бири.

Тепада самолётларнинг бир текис, вазмин садоси эшитилди. Бектемир бошини кўтарди, ҳеч нима кўрмади.

— Бизникилар!— деди Васька Семёнов, ротада энг ёш кўринган, чиройли, хушмуомала москвалик жангчи.— Ҳозир фашистнинг орқасини ўпирадилар...

Осмон тез тинчиди. Бир неча вақтдан кейин ғарб тарафда осмон худди кун ботиш вақтидаги сингари шафақланди. Лекин ўт денгизи тўлқинланиб, он сари кўпроқ юксалди. Олидан бу ёнғин гўё бир зумда ҳамма ёқни қамраб оладигандай, кўзларини катта очиб, нафасини ичига ютаркан, Васька Семёновнинг:

— Аҳа! Соз! Азаматлар, лочинлар! Душманга тинч уйқу йўқ бизнинг еримизда!— деб қичқирган қувончли овозини эшитди.

— Биласанми, қай шаҳар ёняпти?— сўради Бектемир шошиб.

— Шаҳар эмас, фашист аэродроми, омборлари...— жавоб берди Васька Семёнов худди аниқ билгандай ишонч билан.

— Бир ҳафта бурун у жойлар бизники эди!— деди Бектемир куюниб.

— Уруш! Чидаймиз. Лекин бир кун фрицнинг ҳам уйини ёндирамиз!— деди Васька Семёнов сўзни пухта лаб.

Бектемирни уйқу қаттиқ босиб кетди. Бироқ ўзини вўрлаб, тез-тез уйғониб кетарди. Оёқлари жонсиз, увушган; совуқ нам ҳаво суяқларини ниналарди. Бироқ ҳор-

гинлик уни яна уйқунинг унуттирувчи қўйнига итаради, Ниҳоят, сўнг дафъа кўзларини очгач, уйқуни қочиришга, ўзини тетик тутишга тиришди. Кир қўллари билан юзига ёпишган ҳўл тупроқни артди. Қўпол этик устидан оёқларини уқалади. Совуқ туман орасидан қилтириқ ой хира, мунгли, алланечук хунук боқарди. Бектемир, кўзлари очиқ бўлишига қарамай, гўё қандайдир нохуш тушдан айрилмагандек, атрофда ҳамма нарса аллақандай бемаъно, ноўрин, робитасиз туюларди. У бир қанча вақтдан сўнг ижирғаниб қашиниб ётган, шумшайиб ўтирган, ундамунда ҳаракат қилган жангчи ўртоқларини туман ичида аранг фарқ этди. Шу вақт кимдир унинг елкасига қўлини қўйди.

— А, Дубовми? Ўтир,— деди Бектемир тамшаниб.

Дубов ўтирди, ҳўл мўйловини йўғон, кир бармоқлари билан силаб қўйди. Йўқотган оиласини тасодифан топган одамдек, унинг кўзлари беқарор, хурсанд ва ҳаяжонли эди.

— Қаерда эдинг? Ухламадингми?— деб сўради Бектемир.

— Ковакка тикилиб сичқонлар ухлайди...— дея жавоб берди Дубов.— Разведкага бордик.

— Хўш, қалай?— сўради Бектемир жонланиб.

— Э, ўлим жарига қулашга сал қолдим. Ўзим ҳам ишонмайман, қандай тирик қайтдим!

Бектемир тафсилотини сўрамади. Чунки урушда умрининг ипи ҳар он узилишга тайёрлиги унга яхши маълум эди.

— Қуруқ қайтмаган бўлсанг, бас!— деди Бектемир.

— Емон эмас. Фрицнинг нақ қўйнига қўл солдик ва бирисини юлиб келдик!— деб жавоб берди Дубов, туман орасида ғира-шира милтиллаган узоқликларга тикилиб. Кейин у катта қишлоқ остонасида турганликларини, орқасида муҳим темир йўл станцияси борлигини сўзлади... «Белингни маҳкам боғла, ўзбек!» дегандай муғамбирона илжайиб қўйди. Яна нимадир айтмоққа чоғланди-ю, негадир иккиланиб, сукут қилди. Ҳаво туманли ва нам қоронғи бўлишига қарамай, махорка тутунини ерга пуфлаб, кейин сирни ичига сиғдира олмади шекилли, Бектемир томон энгашиб деди:

— Мени медалга тақдим этмоқчилар...

Бектемир панжасини ўртоғининг қўлига қўйиб:

— Қутлайман. Тўғри, қанақа медалъ?— деб сўради.

— Албатта, «Мардлик учун»,— мўйлови орасидан сепкингина жавоб берди Дубов.

Бектемир катта қизиқиш билан унинг жангдаги муваффақиятларидан сўради.

— Бир танкни ёндирдим, ўзинг биласан буни. Тўққизта фрицни жаҳаннамга юбордим, яна бир неча разведка...

— Ҳисобинг, дўстим, салмоқсиз эмас.

Болаларни қувонтирадиган ҳисоб!— деди Дубов бошини нохуш қимирлатиб.— Уйла, икки ой ичида! Ҳолбуки келган куниёқ жангга бир шўнғиб, Ленин ордени тақиб чиққанлар бор... Шундай лочинлар борки, кўкракларига қарасанг, туташ орден ва медаль... Кўзинг қамашади. Тўғриси, гап орденларда эмас. Мен узоқ Сибирдан болачақам, хотиним билан хайрлашиб чиққанамда, орденни ўйлабманми? Мен ёлғиз ўз еримизни, Совет ерини ўйлагандим. Душманга бир ҳовуч тупроғимни раво кўрмагандим. Мен истамасдимки, ботқоғимизнинг бир парча лойи фрицнинг пошнасида кетсин! Ҳозир аҳвол ўзингга маълум. Душман бутун-бутун дарёларимиздан ҳатлаб, шаҳарлар ва қишлоқларимизни ютиб келмоқда. Унинг нияти ёмон, Москвага кетаётир. Биласанми, юракка чангал солмоқчи... Москва — руснинг юраги-я.

— Тўхта, Дубов,— деди Бектемир хўмрайиб.— Нега русники? Ўзбекни нега четга қоқасан? Москва — ўзбекнинг ҳам онаси!— Бектемир яқинда тасодифан қўлга тушган ўзбекча бир газетадаги «Москва — онамиз» номли шеърнинг мазмунини тушунтиришга тиришди.

— Хўп, сен билан талашмайман. Кремль — ҳаммамизга бош. Ленин Россиядаги халқларнинг қўлларини бир-бирига жиплаб кетган...— деди кулиб Дубов.— Руснинг феъли кенг... Англадингми, яъни хасис эмас. Лекин бу нима ахир, гўё оёқларимиз ёлғиз орқага юриш учун яратилгандай. Бу — шармандагарчилик! Ахир, Ватанинга энг ашаддий ўғри, сволочь бостириб кирсин, уйингни кул қилсин, болаингнинг чатаноғини йириб ўтга отсин, онангни оқ сочидан дорга оссин, қизингни, хотинингни булғасин—қай бирини айтмай. Жинояти беҳад ва беҳисоб. Аммо баъзи бир аҳмоқлар борки (Дубов бир нарсадан жиркангандек тупурди) уларнинг назарида бошлари шундай азизки, бўйнидан узилса, гўё жаҳон ост-уст бўлади. Тўғриси, Бектемир, орамизда қўрқоқлар, ифлос махлуқлар ҳам бор.

— Шундайлар бор,— жавоб берди Бектемир.— Ўзбек-

лар айтади: «Ифлос бузоқ подани булғатар» (бу мақолни жуда қийнаиб, тахминан тушунтирди). Тўғри, уруш қийин. Азобнинг кони, Жон ширин, аммо душмандан қочмоқ йигитга ўлимдан оғир эмасми? Ҳайронман, нега шу нарсани баъзилар англамайди? Мана мен, тоғда яшардим, колхознинг минглаб қўйи ихтиёримда эди. Оғзим мой, қўлим мой. Сут—судан ҳам қадрсиз. Яна шамолдай эркин эдим. Ҳозир ҳаммаси тушдек кўринади. Бу ерларнинг нашъаси бошқа. Қаёққа қарасанг, қарағайзор, қалин ўрмон, рус ери гўзал. Лекин фашистлар ёқиб, емириб келяпти... Улим орасидамиз. Аммо мен чидайман. Нега? Буюк партия тарбиялади мени. Совет халқлари бир зўр оила. Қуёнга ўхшаган одамларни ёмон кўраман. Бу—бир. Давлат тинч — халқ тинч.

Дубовни шу вақт взвод командири чақирди. Янги кашанда Бектемир унинг махоркасини оғзидан юлиб қолдида, бошини эгиб, лабини куйдиргунча сўрди ва Дубовнинг деганларини ўйлаб ўтирди.

Тонг қоронғисида тинчликни совет артиллерияси бузиб юборди. Уруш худоси — тўпларнинг садосидан — Исрофил сури каби бутун мавжудотни ост-уст қилгудай қудратли гумбурлашдан ҳамма ёқ ларзага тушди. Узоқда, душман тарафида қора, дудли тупроқ миноралари ҳавога кўтарилди. Жангчилар атакага тайёрлана бошладилар. Нафас олишлар тезлади. Юзлар ташвиш ва қандайдир мажҳулият ҳисси билан буришди. Дубовнинг қовоғи солиқ, лекин одат бўйича мўйловини силаб-силаб қўярди. Сафар чўтир Бектемирга ёндашиб, ҳаяжон билан деди:

— Тезроқ окопдан чиқсак эди!

— Нега ҳовлиқасиз?— сўради Бектемир унга тикилиб.

— Билмадим, бу гал нима бўлади, сабрим қолмади.

Юрагим алланечук қисилиб кетяпти,— жавоб берди Сафар чўтир.

— Узингизни босинг.

— Менга яқинроқ юр, ука!— деди Сафар чўтир аланглаб.

Бектемир бошини кескин қимирлатиб тасдиқлади.

Кундуз кирганга хийла вақт бўлса-да, қуёш ўз қизи — ернинг изтиробли юзини кўрмоққа чўчигандек, булутлар қўйнидан чиқмаган эди. Бирдан командирларнинг: «Ватан учун!» деган ишончли, кескин садолари жангчиларни атакага кўтарди. Тўпларнинг ўт бўрони аввалги куч, ғазаб ва

қаҳр билан самода ҳукмрон эди. Гулдурос билан келаётган танклар орқасидан пйёдалар югурди. Бу шниелли, каскали одамлар ерни титратиб, жаҳаннам пишқирган темир махлуқлар ва тепада чинқириб учган металл қуюнлари ўртасида бениҳоя кичик, ҳам булутлар галасига кириб қолган жўжалардек ожиз, нотавон кўринди Бектемирга. Лекин уларнинг газаб ва нафрат билан сугорилган иродаси ва жасорати темирни, мегинни, ўлимни қайира олишига энди ўз руҳида ишона бошлаган эди... Бектемир бу гал ҳовлиқмасдан, довидрамасдан жангчи ўртоқлари билан иноқ ҳаракат қилишга тиришди ва дадил кетди. Лекин нима бўлса ҳам, қандайдир шарпа қучгандек, юрак ўқтин-ўқтин тирчиллаб қўярди... Душманга яқинлашиш! Орадаги масофа — тамом бошқача масофа. Бу на душманга, на бизга тегишли. Бу ўлим майдони, бунинг самоси ҳам, ери ҳам ўлим билан нафас олади. Бу ердан одам денгизи қутуриб оқади. Унинг гирдоблари тўймас, золим, беомон иштаҳа билан ҳаётни ютади. Бу ерда ҳаёт ҳаётни бўғади, темир темирни ғажийди, ўт ўтни сўндиради — ҳамма нарса мавҳиётга интилади. Мингларча чақирим шимолга юр, мингларча чақирим жанубга юр — одам салтанатидасан... Бироқ бу муаззам майдоннинг мутлақ ҳоқими — ўсал, ёвуз, бузғунчи куч учун ўз соҳаси гўё торлик қилади. Тинимсиз ютдиги дарё-дарё қонлар гўё унинг жаҳаннам чанқови учун бир томчи; ғажидиги шаҳарлар унинг тишлари орасида қолган... Янги луқмалар қидирадики, мана бешакл, бераҳм ва бениҳоя оч, ажива махлуқ қора қўлларини ҳеч вақт — на кечаси, на кундузи йнгиштиради. Юзларча чақирим узоқда тинч, беозор, бой қишлоқлардан ҳаётнинг золим кўргилиги бир ҳовуч кул ясайди.

Бектемир ўлим даласида боради — кўзларида газаб яшини, оқарган юзида пўлатнинг қаҳри ва қаттиқлиги. У ўлимга ем бўлмоқ учун эмас, балки ўлимни енгмоқ учун боради, муборак тупроқни қонли этиги билан топтаган, кучли, айёр, маккор, такаббур, ваҳший душманга қарши боради... Лекин душман Ватаннинг кўксига темир чангали билан ёпишиб олган. Уни суриш учун олов деворидан ўтиш, қон селидан кечиш керак. Ҳар қаричи даҳшатдан зир титраган, куйган, тутаққан ердан одим отиш керак.

Бектемир газабдан бўғилиб, тутақиб югурди. Уқлар қалин учарди. Атрофида жангчи ўртоқлари йиқилар, баъзилари мук тушиб, жим қотар, баъзилари ажалнинг қўлида тўлганар, баъзиларини мина пора-пора учиради эди. Бекте-

мир взвод командирига кўзи тушиши билан ўзини ёрдамга отди. Кеча жангда ҳалок бўлган мийқисиз йигитча, Кондратовнинг ўрнини олган барваста қомат, деҳқонларча камтар, содда қиёфали рус йигити младший лейтенант эди. У командирни гоҳ елкасидан тортиб, гоҳ бир қўли билан белидан қучиб яқин орадаги чуқурга туширди-да, унинг мажақланган, қон тирқираган болдирини илдам ва пишиқ боғлади. Ярадор рангсиз лабларини тишлади, қатордан чиққанлигидан афсусланиб, жаҳл билан:

— Лаънати, бахтсизлик мунча тез!— деди лаблари титраб.

Бектемир узала ётиб қичқирди:

— Мининг, олиб чиқаман.

— Раҳмат! Керак эмас. Олға!..— жавоб берди младший лейтенант.

Бектемир кўзларини катта очиб таажжубланди. Қайта-қайта қистади.

— Олға бор! Бир илож қилиб ўзим...— деди командир буйруқ йўсинида қатъий товуш билан.

Бектемир энди ўзини дам ерга ташлаб, дам яна туриб югураркан, бирдан кўз олдида мина портлади, у ерга отилди. Бир зумдан сўнг қора дудли тупроқ уюми орасидан ғайри шуурий равишда учиб чиқди. Ҳеч нарса кўрмасдан, ҳеч нарса сезмасдан хийла чопди, яна аллақандай англашилмас ички қувватнинг ихтиёри билан йиқилди. Оғзи тўла тупроқ эди. Уқчиди, тупурди. Қўллари беихтиёр сувдонни қидирди. Қулоқларига кимнингдир овози туюлди. Бектемир гаранганиб бошини бурди. Ёнгинасида бир жангчи ётарди. «Яраланибсан. Қара!» дея у ўз тирсағига уриб ишора қилди. Бектемир сўл қўлига — елкадан пайжагача қаради. Кейин ўнг қўлига кўз ташлади. Тирсагининг юқорирогидан қон сизарди.

Бектемир дўнгликнинг орқасига суриланб борди. Қўлини авайлаб енгидан чиқарди. Яранинг кўриниши ваҳимали эди — эти ўйнаб кетган. Қўлини қимирлатди — оғрийди-ю, ишлайди. Суяк шикаст топмаган. Соғ қўл билан ярани қийин бўлса ҳам пухта боғлади.

Ҳозир Бектемир йўл топиб жанг майдонидан астагина чиқиб кетиши мумкин эди. Ҳатто унинг ҳаққи ҳам бор. Ёмонми? Санбатга борса, докторлар дарров ярани даволашга киришадилар. Овқат, ётиш-туриш жойида. Яна ўлим кўрқувси мутлақо йўқ. Ҳатто бирон госпиталга юбориларди. То яра тузалгунча, у эрка ва иззатли меҳмон. Синча-

лоқдан томчилаган қонни баҳона қилиб санбатга югурувчи жангчилар учрамайдими? Бектемир пешанасини тириштириб ўйлади. Бирзум иккилангандан сўнг, қатъий қарорга келди: «Йўқ, қаллобнинг юзи қора. Қўлим отишга ярайдими—бас! Юравер, номарднинг бети қурсин!»— деди-да, илгари сурилди ва бошқалар каби қазина бошлади.

Танклар жанги авжга минган эди. Душман танклари дарахтлар орасидан, тепаликлар орқасидан, жарликлардан ўрмалаб чиқиб, кескин, шиддатли ҳужумга ўтди. Улар кўп эди. Бизнинг олдинги тўрт танк кўққисдан душманнинг беш танкини ерга қоқиб қўйди. Темир махлуқларнинг ғазоби гўё ҳаддига етди. Улар гоҳ девлардай югуриб, гоҳ гулдурос билан айланиб, бир-бирини ғажигга бошладилар. Иккита ўртача танк бир-бирига яқиндан, нақ тўғридан отиб, айни вақтда иккиси ҳам оғир силкинди ва бир-бирининг темир «жони»ни узди. Аммо иккисининг ҳам экипажи сабрсизлик билан ташқари отилиб чиқди-ю, бири бирини ўтга тутиб, бирпасда қизгин ўлим билан ҳалок бўлишди. Улардан ёлғиз биргина совет танкисти тирик қолган эди. Лекин у ерга суришиб четга интиларкан, ногаҳон бошқа бир танкнинг гусеницаси остида эзилиб кетди...

Дала «жонли» темирларнинг наъраси, бурққан дуд ва алангаси билан қопланди. Бир неча душман танки чап бериб, ўқ ёмғири сеп-сеп ниҳоят ичкарилашганда, уларни бор жангчиларнинг ғазоби қаршилади. Ёндирувчи бутилкалар, гранаталар жонли қўрғонларнинг темир-суягини емирди. Украиналик Радченко югуриб келаётган танкнинг тепасига қушдай учиб чиқиб олди-да, ёниги билан бирзумда ёндириб юборди. Чуқурда ётган Дубов эса, бошқа битта ўртача танкни устидан ўтказиб юбориб, орқасидан устма-уст икки гранатани дадил ва моҳирона отди. Танк қақшаб-қалтираб қота қолди...

Узоқни равшан кўришга имкон берадиган ўринни ишғол этган Бектемир секинча ва ҳаяжондан титраб кетди ва нарироқдаги бир жангчига томоғини қириб, «Дубовнинг мўйловидан ўпамиз!»— дея қичқирди.

Бу гал ҳам мудофаа линиясини ёриб ўтолмай орқасига некинган душман танклари кўздан ғойиб бўлгач, қуюқ тун билан қопланган ва аччиқ ҳидга тўла майдонни яна жимжитлик босди.

Бектемир душман мудофаасига яқин жойдан ўрмалаб



келган бир танкистнинг бетига қарашга ботина олмади. Унинг қуюк сочсиз боши, яримта юзи жизганак бўлиб, шалвираб турар ва гўшти шилинган қўллари хунук ва фоже эди. Шинели билан этиги ҳануз тутаб турарди. Унга ҳамширалар илдам кўмаклашди, кейин шинелига ётқизиб аста судраб олиб кетдилар. Фақат, жимжитлик қуш уйқуси каби тез учди. Узоқда қорайган ўрмонлар устида самолётлар кўринди. Бир лаҳзадан сўнг улар жангчилар тепасидан олов қуюни сочиб ўтди. Самода бомбаларнинг инграши, портлашлар, учган ер кўмалари... Самолётлар, бу олов бўронини мунтазам суратда бир неча бор такрорлаб яна узоқлашди. Лекин ҳали уларнинг садоси ўчмасдан, қанотли офатларнинг янги тўлқини келиб етди. Яна айни қиёмат! Жаҳдан, алам ва изтиробдан Бектемирнинг юзлари хунук қийшайиб кетди. Не қилсинки, у қанотсиз. Бўлмаса, шу онда учиб фашистларнинг кўзларини юлиб олмоққа тайёр эди!

Жангчилар янги ҳужумни кутиб чуқурроқ қазинишга, ўзларини яхшироқ яширишга уриндилар. Тўзон, тутун орасида душман танклари яна атакага ўтди. Энди улар анча зич-тиғиз қаторлар билан, гўё ҳаракатчан, оғир, яклит темир қуюмлар каби илгариларди. Оралиқ икки-уч юз метр қисқаргач, улар қалин ўт деворига урилди. Олдинроқда жуда моҳирона ниқобланган бронейбойшчиклар узун қуроллари билан шиғаб ўт очдилар. Орқадан танкка қарши тўплар уриб берди. Ўтнинг шиддатидан душман танклари пароканда бўла бошлади. Олдингиларнинг бир қанчаси қийшайиб чўкди. Бир неча танк гўё ўтнинг, сувнинг фарқига бормаёй, ўзини олдинга урди. Улар окоплардан оғир лўкиллаб ўтиб, гусеницалари билан жангчиларни стволлари чўғдай қизиган танкка қарши тўпларни чўнг гавдаси билан эзиб ташлашга интилдилар. Бироқ тўпларнинг оғзи бениҳоя шиддатли ўт очаркан, тўпчилар сўнгги нафасигача, кучнинг, имкониятнинг сўнгги томчисигача ишга солиб душманга қарши отдилар ва парчаланган жонажон тўпларнинг темир уюмлари орасида қонга беланиб ҳалок бўлдилар. Жангчилар, гранаталар ёндирувчи бутилкалар билан душман танкларини мажақладилар. Улар тевааракларида қутурган ажалга тик қарадилар ва ўзларининг муқаддас бурчларини виждон билан бажариб ҳалок бўлдилар. Лекин йиқилган бир марднинг орқасидан қўлида гранатаси билан иккинчи ботир рўйи рост кўтарилди. Қон ёнди, ўлик ёнди, темир ёнди...

Ваҳимали тиржайган «ўлик бош» суратли катта душман танки сўл ёқдаги тепаликка юрди. У ис босган йиртқичдай ишонч билан тирмашарди. Бектемирга у ерда команда пункти жойлашгани маълум эди. Бирдан йигитнинг юраги сиқилиб кетди: «Бутун командани тоғдай босса-я!» Бир нафас диққат билан кузатди. Танк пулемётидан ўт сочиб тўппа-тўғри югурарди. Тепада таниш гавда — ювош хушсурат ўспирин, контузиядан боши сал титрайдиган лейтенант кўтарилди. Граната отмоқ учун қўлини кўтарган он, яшин урган бутоқдай йиқилди... Бектемир шу пайт, «қимирлаш — ҳалокат» деган синалган дастурдан воз кечди-да, оқондан ирғиб чиқди ва гоҳ эмаклаб, гоҳ сакраб чопди. Бир гранатани анча яқиндан отди. Айни вақтда кимнингдир тепада қораси кўзга чалинди. У танкнинг мотор қисмига ёндирувчи бутилка ташлади шекилли, ловиллаган темир рўдапонинг қорнидан офицер ўзини улоқтирди-да, тўппончасини тепадаги аллакимга бурди. Аммо у ўқ чиқаргунча, Бектемир милтиғидан отиб уни пастга қулатди. Тутун орасида қочаётган иккинчи фашист танкчини ҳам икки ўқ билан ағдарди. Қолган фашистлар чиқдими ё ичкарида кўйдими — аниқлай олмади. Энди жуда эҳтиёт билан эмаклаб ўз окопига келди, яхшилаб ўрнашиб, ковагидан мўралаган сергак юмронқозиқ каби ҳар ёққа кўз ташлади. Душманнинг сийраклашган танклари узоқда — ўз тарафига ошиғич қочмоқда эди. Бектемир ҳарсиллаб, ҳаяжонланиб, таассуротини айтмоқ учун қўшни жангчига мурожаат этганди, бирдан чўчиб тушди: қўшнис тилини тишлаб, қонга беланиб ётарди. «Тушуниб бўлмайди: қимирламасанг ҳам ўласан!» — деди ичида у.

Ботирларнинг ғазаб тошида ушалган танк ҳужуми битар-битмас, душман яна ҳужумга ўтди. Бомбалар ердан тупроқ минораларини кўтарди. Бироқ самолётлар балодор юкларини аниқ «тартиб» ҳам «вази» билан ағдариб, янги юк учун балаңдлашиб жўнаркан, ноғиҳон қандайдир қизил юлдузли самолётлар ўқдай учиб келди. Улар душманникига нисбатан оз эди. Бектемир ётган ерида кўкдан кўз узмади, лекин юраги аллақандай ташвиш, сабрсизлик ва ғашлик билан ура бошлади.

Фашистлар гўё чумчуқлар галасига учраган калхатлар каби дастлаб катта иштаҳа билан жангга киришдилар. Ҳатто узоқлашган икки калхат ҳам илдам қайрилди. Кўкда машина-қушларнинг жанги қизиди. Улар кўпроқ бир-бирларининг думларига чағ солишни мўлжаллаб, чарх

уришарди. Ҳавода пулемётлар тариллади, снарядлар ёрилди... Мана, бир калхат тутунланди-ю, бир зумда қора-қизил оловга чўлганиб, ерга шўнғиди. Иккинчи калхатни ҳам бир нафасда ўт қамраб олди. Бектемир, учинчи ва тўртинчи калхатларнинг жангини эмас, фақат узоқдаги кучли алағасинигина кўриб қолди. Қизил юлдуз қанотлилардан иккитаси оловланиб тушди. Калхатларнинг галаси илдам тўзиди. Улар энди думларига ёпишган ажалдан қутулиш учун айлана-айлана шох ташлаб, катта суръат билан узоқлашдилар. Шунқорлар жангчилар тепасида меҳрибонлик билан мағрур айландилар. Кейин учта учбурчакка тизилиб, шарққа учдилар. Қувончдан Бектемирнинг кўзлари ёниб кетди. Тўғриси, совет шунқорларининг мамлакат самосидаги донгли ишлари ҳақида ҳар куни фронт бўйлаб учган хабарларда у пича муболаға кўришга мойил эди. Гарчи у самода калхатлар бир-икки марта зирқиратиб қувилганини кўрган бўлса ҳам, лекин унчалик таъсирланмаган эди. Ҳозир совет самолётларидан ва самолётсозларидан ҳам мамнун бўлди.

Уша куни душманнинг бир неча бор қилган ҳужуми аскарларимизнинг фидокорлиги орқасида ҳар гал қайтарилиб турилди. Тит-пит бўлган, куйган, бужрайган далага совуқ қоронғилик чўкканда ҳам жанг тинмади. Пулемёт ва миномётлардан отишма давом этиб турди. Лекин қуюқ қоронғилик ҳаракатга имкон бермади. Жангчиларга қаттиқ нон, консерва улашдилар. Кейин у окопда қаттиқ нонни қусирлатиб чайнаб, консерва билан қўшиб, маза қилиб еди. Агар яраси оғримаса нақадар завқ эди. Оғриқ уни бетоқат қилди. Докаси бўшаб кетган — қайта боғлаши керак. Аммо алам баттарроқ санча бошлади.

Бектемир рухсат олиб, бир неча ярадор билан саибатга жўнади.

Урмон ичидаги кенг ертўла жуда ёруғ эди. Қуюқ қоронғиликдан кирган Бектемирнинг кўзлари қамашиб, ёшланиб кетди. Одамлар, нарсалар аста-секин гавдаланди. Ярадорлар кўп. Аксари енгил. Бир нечаси инграр, икки-учтаси оғир ва ҳароратнинг зўридан алаҳсирар, алланималар деб жаврарди. Оппоқ кийимли докторлар ва ҳамширалар жуда тез ва жиддий ишлардилар. Уларнинг ҳаракатларидан, юзларидан бениҳоят чарчаганликлари сезилиб турса ҳам, лекин довдираш, ҳовлиқиш, паришонлик қатъиян кўринмасди. Улар ўз ишларини тиб аҳлига хос тартиб, интизом билан фидокорона бажарардилар. Қонга,

ярага, инграшларга шундай одатланган эдиларки, уларни ҳеч нарсга таажжублантирмасди.

Бектемир хийла кутишига тўғри келди. Чироқда олтинланган сочлари қирқиқ, лекин сиқиб ўралган оқ рўмолча тагида икки чаккасида соч толалари кўркам салқиб турган семиз, дўндиққина бир қиз у билан овора бўлди. Бектемир уни гапга солмоқ ниятида бир нима дейишни истади. Бироқ қизлар билан гаплашишни билмайдиган, содда йигит сўзни нимадан бошлашга ҳайрон эди.

Фақат шу топда қизнинг ўзи гўё бола билан гаплашгандек, қандайдир мулоим, юпатувчи оҳанг билан сўзлаб қолди. Йигитнинг миллати ва қаердан эканлиги ва ҳоказо ҳақида сўради. Бектемир оловдай ёниб, катта қизиқиш билан мумкин қадар (русча сўзлари етганича) батафсил жавоб берди. Шундай қилиб, яра ювилиб, тозаланиб, қайта боғланганини ҳам сезмади. Қиз қаддини ростлаб, йирик, юмалоқ кўзларини ўйнатиб деди:

— Мана тамом. Энди секин ичкарига кетасиз, у ерда яхшилаб қарайдилар.

— Нега, ярам енгил-ку, жангга бораман,— дея жавоб берди Бектемир ғурур билан.

— Богатырь!— деди қиз табассум билан,— менимча ҳам мумкин. Ёлғиз, ҳамшираларга тез-тез қаратиш керак бўлади.

Қиз индамасдан бурилиб кетди-да, ишига киришди. Бектемир чиқиш учун қўзғаларкан, қулоқларига ўзбекча сўзлар туюлди. Катта очилган кўзлари, бир қозоқ жангчига нимадир тушунтираётган баланд бўйли, ингичка, қора, ўсиқ сочли йигитга тушди. Она юртдан узоқда ўз тилинг, ўз элатларинг кўзингга жуда илиқ кўринади.

— Сиз ўзбекми?— сўради Бектемир унга яқинлашиб.

— Ҳа,— жавоб берди у ва ўткир кўзларини бир югуртиб олиб, сўради.— Сен-чи?

— Э, асил ўзбекмиз-да, ака.

— Хўп, мен бу ерда докторман, хўш, нима арзинг бор? Ярангни боғладиларми?— деди доктор.

— Ҳаммаси жойида, доктор ака... Яқинда келдингизми? Ўзбекистонда не гаплар бор? Фронгда юраклар қон бўлиб кетди, кеча-кундуз қулогимизда гумбур...

— Ҳи-ҳи-ҳи,— кулди доктор.— Бир қизиқ «афандим» бор эди, лекин айтишга вақт йўқ-да,— деди-да, кейин урушнинг иккинчи куни Тошкентдан йўлга чиққанини, ҳозиргача биронта хат олмаганини билдирди ва бош

қашигани вақти бўлмаса ҳам, самимий меҳр ва биродарона садоқат билан кўзларини жавдиратган элатнинг кўнгли учун, унинг қачон ва қаердан келгани ҳам фронтдаги аҳволи тўғрисида сўради. Бектемир сўзини қисқа қилишга тиришса ҳам, лекин баъзи тафсилотдан қочолмади. Доктор бирдан қошини чимириб сўради:

— Уринбоевни танийсанми? Қишлоғингдан...

— Мен Уринбоев.

— Тўпчи.

— Укам,— ҳовлиқиб деди Бектемир.— Қирғий бурун, чувак юз, ориққина... Қаерда у?

Доктор у билан анча вақт бирга бўлганини, лекин ҳозир қайси участкада эканини аниқ билмаслигини, ёлғиз шу теваарақда хизмат қилса керак, деб фараз этганини сўзлади. Фронтда хабардек катта совға йўқ. Бектемир ўз укасини кўргандек бўлди. Узини гўё ўз уйида кўрди, юрагида ғусса чанги қолмади... У худди укаси ташқарида кутиб тургандек қушдай учиб чиқди. Ёмғир ёғарди. Совуқ томчилар унинг юзига, бўйнига томиб ғашини келтирди. Совуқ шамол шинелининг этакларини учирди, баданини увиштирди. Урмон сирли, ҳазин шовқинга тўла. Баргларнинг кўшиғидан айрилиқ фарёд янграйди. Бектемир қоронғида кўр сингари тусмол билан юриб, дарахтга бошини қаттиқ уриб олди. Йўл қаерда? Қай томондан келган эди? Ёмғирлик тунда йўлсиз туртинишдай қийноқ борми? Бу ерда ҳамма ёқ ниқоб остида. Тунда эмас, кундуз ҳам базўр фарқ қилади киши. Йигит бу ерга келгани учун ўз-ўзини койиди. Аста-секин қора гирдобдан нарсалар мўралай бошлади. Кейин йўлни ҳам топди. Лекин шу топда қисмга қайтишдан воз кечди: адашиб ўз оёғи билан немис ичига бориб қолса, нима бўлади?! Дарахтга суялиб, кўзларини юмди. Бошида узук-юлуқ хаёллар, ўйлар ва хотиралар кечди. У ҳорғинлик ва дилғирликни, ёмғир ҳам шамолнинг совуқ, нохуш товушини унутиш учун кечинмаларга чуқурроқ ботишга, руҳнинг илиқлиги билан тетикланишга тиришди. Бу ғалати ички ҳолат уни элитгандек уйқуга кетди...

Шовқиндан бошини кескин силкиб уйғонди. Хиралатилган чироғи билан йўлнинг қора, лой бетини йилтлатиб катта машина келди-ю, хийла нарида тўхтади, мотор бир гуриллаб жим бўлди. Ярадорларни тушира бошладилар. Шофёр ҳамшира билан анча жиддий ва қизғин жанжаллашиб олди. Машина кетидан аравалар та-

қирлаб келиб етди. Отлар кучли пишқириб сувлиқларини чайнашарди...

Бектемирнинг жиққа ҳўл бўлган, наमतдай қалин шинели оғир ва сиқувчи эди. Каскасидан сув шовилларди. У бирон пана жой топиш мақсадида, у ёқ-бу ёққа лой кечиб, чодирларга дуч келди. Биттасига бош суқди. Қўпол сўкишлар, инграш ва нидо эшитди —булар оғир ярадорлар... У ҳўл брезентга суялиб бир оз қаққайиб турди-да, кейин ора-сира оддий, аскарча ҳангама ва кулги эшитилган чодирга ўтди. Ҳўл, лекин хушбўй пичанга чордона қуриб олди. Латифа, эслаш, соғиниш, жанг... гурунгнинг мазмуни бу. Кафтларда махорка ўчмайди. Баъзилар ўтирган ҳолда хуррак отадилар, пишиллайдилар. Узоқда тўплар салмоқдор гумбурлайди. Ора-сира пулемётлар чакаги-чакагига тегмаган ғазабли лайчадай акиллаб қўяди. Бу жуда яқиндек туюлади.

Дарахтлар тепасида булутли само бўзаргач, Бектемир юмшоқ лойга тизгача ботишига қарамай, кучли ғайратли отдай илдам жўнади. Ёмғир энди аста, эзиб саваларди...

Окопда бағрини балчиққа қўйди. Балчиқдан чирик, нохуш ҳид димоққа уради. Қўл лой, юз лой, нон лой. Қон лойга оқади. Улик эмас, тирик ҳам лой тишлайди.

Иккинчи куни пешиндан кейин, қайта-қайта қилинган ҳужум ва қарши ҳужумлардан сўнг, батальон қатъий илгари кетди. Душман ўликларини ҳам, далада айқаш-уйқаш ётган синиқ, пачоқ техникасини ҳам босиб жангчилар қишлоққа отилди. Фақат, катта йўлга яқинлашганда бирдан кучли ўт билан қаршиланди. Батальон ётишга мажбур бўлди. Йўл орқасига яширинган фашистлар бош кўтаришга имкон бермай қўйдилар. Бектемир ноқулай ерда узала тушиб ётар ва тинмасдан отар эди. Тевараққа миналар туша бошлади. Мана бир жангчининг қора лой билан бирга учирди. Йигит астагина жойини ўзгартирди. Шу он унинг ҳаракатини сезиб қолдилар шекилли, бирдан унинг атрофига милтиқ ва автоматлардан ўқлар ёрилди. Бектемир бир зумгина лойни ёриб ётди. Яқинда мина портлади. Унинг устига лой сачради. Бектемир гаранг ланиб, ғайри шуурий равишда ўзини кечаги ёмғир суви йиғилган катта кўлобга отди — бошқа иложи йўқ эди. Сув жуда совуқ эди. Лекин Бектемирга бу ер дастлаб қулай кўринди. У энтикиб, кўзларини катта очиб тураверди. Аммо беш-ўн минутдан сўнг баданини муз кесганини сез-

ди. Теваракда ўт ҳам сийраклашди. Бектемир сакраб чуқурдан чиқиб, сув масканини тарк этди.

Узоқда машҳур пулемётчи Абдуллаев, унинг орқасидан Асқар полков пулемётни судраб борарди. «Расчёт ҳалок бўлибди шекилли»,— дея ўйлади Бектемир ичида. Қориндан яраланган жангчини шинелга ётқизиб судраб кетаётган ҳамширага ёрдамлашди. Ярадорнинг милтигини олди. Қўнжи тўла сув, ҳўл кийим-бош гавдага ёпишиб қийнарди. Эсан салқин шамолдан қўллар унча қовушмай, лаблар гезариб титрайди. Мана Абдуллаевнинг пулемёти янги жойдан шиддатли ўт очди. Бектемир, пулемётнинг тариллаган оҳангига сезгир қулоқ соларкан, отувчисининг эскимми, устами, нўноқми эканини дарҳол пайқарди. Ҳозир бир зум диққат билан тинглади — элати Абдуллаевга қойил қолди — у пих ёрган пулемётчидек отарди...

Бектемирга бир жангчи эмаклаб келди. Уни озарбайжонлик деб ўйлади шекилли: «йўлдош!» деб мурожаат қилди-да, душман орқасига ўтиш ҳақида командирнинг буйруғини билдирди. Бир взводга яқин жангчи уруш даврида беш еридан ўқ еганига қарамай, соғлом, ғўлабир, соддадил старший сержант Красновнинг орқасидан ер бағирлаб кетишди. Душман яқин эди. Ҳавода ўқ қалин учарди. Кенг доира бўйича бориларди. Йўлда уч тўрт жангчи ҳалок бўлди, бир нечаси ярадор бўлиб қолди. Взвод жар ёқалаб юрди, кейин, қарийб юриб бўлмас ботқоқликлардан, халқоблардан, одамзод кирмаган ваҳший, чигал тўқайлардан ўтиб, қалин дарахтли майдонда тўхтади. Ғўлабир, сариқ Краснов олдинлашиб, бинокль билан узоққа қаради, сўнгра, ҳарсиллаб-гурсиллаб дарахтга чирмашди-да, теваракни кузатди. Дарахтдан тушганда, сариқ-қизғиш тукли юзида ишонч барқ урарди. Бу — жангчиларни тетиклантирди. Бектемир йўлда учраган қийинчиликларни унутди, уни қандайдир қизиқ можаро кутгандай юргиси келди. Бу ҳаяжонда аллақандай ташвиш ва безовта қилувчи ҳислар ҳам бор эди. Краснов душмани яқиндан ва қўққисдан чинакам рус «ура»си билан босиб, тамом яксон қилмоқ кераклигини тушунтирди.

Взвод яқинлашиш учун кетди. Узоққа эмаклаш жуда қийин эди, яна ўзни билдириб қўймаслик андишаси, катта эҳтиёт қийнарди. Ҳайтовур, ўрилмай қолган, босилган экинзор учради, бунинг паноҳида жангчилар анча енгил ва тез ҳаракат қилдилар. Душманга юз қадамча қолганда

гранаталарни тайёрлаб, белга қистирдилар ва Красновнинг қомандаси билан «ура» дея қичқириб кўтарилишди. Жангчиларни оёқлар эмас, гўё аллақандай бурон элтарди!

Немислар учун бу кутилмаганда чақилган даҳшатли яшин таъсир қилди. Кўзлари оловланган, лаблари қаҳрли қисилган Бектемир бор кучи билан чопаркан, пароканда бўлиб, тумтарақай қочаётган душманни кўрди. Лекин баъзилари охиригача бўғишишга жазм қилгандай, саросимага тушмасдан, катта ўсаллик билан, милтиқ ва автоматлардан отишга киришдилар, гранаталар улоқтирдилар. Аммо кучли тошқин сесканмади. Улар бир неча минут ичида найзалардан ўтказилди. Жангчиларнинг нафрат ва ғазаби душман қони билан унча қониқмаган каби тева-ракда ов қидириб изгишарди... Ҳатто юз-кўзи, мўйлов-лари лой бўлиб кетган Али тажанг ҳансираб туриб Бектемирга: «Ит бўлиб кетдим ҳозир. Яна бир парча фриц гўшти бўлса эди!»—деди.

Қишлоққа йўл очик. Взвод илдам кетди. Жангчилари-миз узокда дам юмалаб, дам туриб қочаётган фашистларни ўқ билан қулатиб, ё найза ва ё қўндоқ билан ағдариб югуришди. Йўлларда синиқ, бут-бутун қурооллар, сувдон, халта-хулта каби солдат буюмлари сочилиб ётарди. Ҳеч ким уларга эътибор қилмасди.

Фақат қишлоқнинг четида, биринчи уйлар бошланган жойда, қўққисдан пулемёт шиддатли акиллади. Жангчилар бир зумда таралиб, ерни қучдилар. Душман бузилган деворнинг уйилиб ётган гишталари орқасидан отарди. «Дарвозага бир кўппакни ўтқазиб, муттаҳамлар ўзлари қочибдилар!»—деди ичида Бектемир ҳамда шу вақт чаққон ва дадил эмаклаб бораётган жангчига кўзи тушди. Унинг москвалик чиройли, кичкина ўспирин — Смирнов эканини гумон қилди. У яширин пулемётга қарши борарди. Уртоқнинг тақдири учун Бектемирнинг юраги ўйнаб кетди. Диққат билан кузатди. Жангчи оралиқнинг қарийб ярмини ўтгач, тўхтади-да, секин атрофга кўз югуртди. Кейин, сал кўтарилган дўнглик орқасига ўтишга ҳаракат қилди, лекин бир зумда бошини оғир ташлаб жим ётиб қолди...

Бектемирнинг юрагида гўё бир нима узилгандай бўлди. Ҳеч нимани ўйламасданоқ у сўлга, йигирма қадамча нарида ётган Красновга қаради ва унинг ташвишли кўк кўзларини илиб, боришга тайёрлигини қўллари билан ишора



қилди. Командир бир оз тараддулланиб, кейин лабини қи  
мирлатди: «Мумкин!»

Бектемир, иккита гранатани маҳкам қўлда сиқиб, даст  
лаб бир чуқурчадан ҳамма ёққа, йиртқич тоғ қуши боққан  
каби назар солди ва ишонч билан бирдан эмаклаб кетди.  
У ернинг паст-баландликларидан, паналовчи ҳар ўт, ҳар  
чўп-хасдан яхши фойдаланди — энг хавфли жойда чувал  
чангдек ерга қапишиб ўрмалади. У йўл четида, куйиб бир  
уюм қора чучала бўлиб ётган машинанинг орқасига ўтди.  
Душман билан ораси 30—40 қадам эди — астагина мўра  
лади — фашистнинг каскасини кўрди. Шу топда унда қит  
дай қўрқув ва андиша йўқ, лекин ҳаяжондан қўллари  
сезиларли титрарди. Бектемир ўзини тутишга тиришиб,  
мўлжаллаб граната отди: портлаш, тутун ва олов... Пулемёт  
жим бўлди. Йигит иккинчи гранатани қўлида сиқиб, ранги  
ўчган ҳолда қаради. Дуд орасидан чалқамча чўзилган фа  
шистни кўрди. Яна бир зум, эҳтиёт учун кутди-да, кейин  
энкайиб югурди ва ғиштлар устига чиқди. Иккита фашист  
қўрқувдан эсини йўқотгандек, йиқила-қўпа қочиб борарди.  
Бектемир милтиқдан ўқ узди: бири бир лаҳза қотиб сўнг  
қулади. Иккинчиси, наридаги бузилган кўприкнинг ёғоч  
лари орасида ғойиб бўлди. Бектемир пулемёт ёнида ага  
наб ётган душманга тикилиб, кейин милтигини ҳавода  
силкиб ўртоқларига ишора қилди.

Қишлоққа қадам қўйиш билан Краснов, ўз одатича,  
шошмади. Асосий кучлар келиб етиб, бундан кейинги ҳа  
ракат ҳақида қўмондонлик йўл кўрсатгунча кутишга, қиш  
лоқни пусиб қолган немислардан тозалашга қарор қилди.  
Дастлаб қаердандир бир қанча болалар пайдо бўлиб қол  
ди. Шодликдан уларнинг ҳаммасининг кўзларида ўт ва  
ҳаммаси фавқулодда ҳаяжонли эди. Болаларнинг кўзларида  
қариларча донолик ва ҳаракатларида офат кўрганларнинг  
қатъийлиги очиқ кўринарди. Уларнинг ҳаммаси оёқ яланг,  
кийим-бошлари юпун, жулдур эди. Болалар бир-бирларига  
гал бермай, бу фалокатли ерларнинг ёлғиз жонкуярлари  
каби, жиддий тур ва мағрурлик билан аҳволни тушунтира  
бошладилар. Уларнинг сўзига қараганда, қишлоқда фрид  
қолмаган эди. Бу кичкина, вафодор, самимий чопарларнинг  
хабарига ишонмаслик мумкин эмасди. Шундай бўлса ҳам,  
Краснов қишлоқни синчиклаб оралашга қарор қилди. Бу  
қарорни унинг кўзларида ёнган ғазаб буюрган эди. Одат  
дагича ертўлаларга, чердакларга яширинган душман авто

матчиларини, «сафар қочди» қилинган кучуқлардек, қувиб ўлдириш орузи унинг қалбини қамради.

Жангчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, қишлоқ оралаб кетдилар. Бектемир кичкина гуруҳ бошида ҳаракат қилди. Катта йўл устидаги уйларга, қўраларга эҳтиёт ва андиша билан кирди. Аксар уйлар хароб ва кимсасиз эди — эшиклар кўчирилган, деразалар синиқ; ҳовли юзида ҳар хил қақир-қуқурлар сочилиб ётарди... Бир тўп қўралар гўё қадим харобалар каби туюлди унга. Али тажанг баъзи буюмларга тама билан қўл узатди. Аммо Бектемирнинг кўзларидаги дўқ билан у қаддини ростлади-да, гўё анчайин қизиқиб қараганини кўрсатишга тиришиб, ўзини бепарволикка солди...

Қишлоқда қолган бир ҳовуч аҳоли кўчаларга тўкилган эди — болалар, аёллар, чоллар... Уларнинг бутун сиймосида, ҳаракатларида худди дор остига келтирилиб, бўйинларига сиртмоқ солинаётган пайтда, кутилмаганда афв этилган одамларнинг ҳаяжони ва ҳушсиз саросимаси туюларди. Улар жангчиларни қучоқлаб, йиғи билан ёки шодликдан энтикиб, фашистлар зулми остида кечирган қора кунларининг даҳшатини баён қилишга ошиқардилар.

Бектемир емирилган мактаб биносининг харобасига беихтиёр кўз ташлаб, хўмрайиб бораркан, уни бир кампир маҳкам қучоқлади. Йигит унинг букилган қаддида, буришиқ юзларида оддий қариланк ожизлигини эмас, балки қуллик изтиробини ва синган ғурурининг забунлигини кўрди. Кампир йиғи аралаш инграб нималардир сўзлади. Бектемир унинг ориқ суяк елкасини силаб, титраган лаблари билан:

— Бабушка, все будет хорошо, плакать не надо! — деди.

Кампир бир неча қотирма кулчани зўрлаб Бектемирга тутқазди-да, қалтироқ қўллари билан мактаб харобасини кўрсатди. Пахмоқ сочли бошини дард билан қимирлатиб:

— Лаънатилар, худодан қайтганлар! Уларга мактаб ҳам, отхона ҳам бир... Қандай кўркам, тоза бино эди. Яп-янги эди. Утган йил қурган эдилар-а. Ҳамма вақт бу ердан болаларнинг шовқин-сурони эшитиларди. Қандай яхши эди-а. Лаънатиларнинг қўллари чирисин! — деди қақшаб.

Бектемир худди болага сўз уқтиргандек, қайта-қайта такрорлади: «Эгрига-эгримиз, ёмонга-ёмон! Фашистнинг тумшуғини эзамиз!»

Бектемир қишлоқда бир-икки соат ичида болалардан, аёллардан, чоллардан бир-биридан фоже воқеаларни эшитди. Боши тарс ёрилгудей бўлди. Қишлоқда ҳар қарич ер фашистлар жабр-зулмининг гувоҳи эди. Унга ёш муаллимнинг осилган жойини кўрсатдилар. Кечаси эшиги тасодифан очиқ қолгани учун партизанлар билан алоқада айбланиб, отилган айбсиз чолнинг мазорини, активистканинг бола-чақаси билан бирга куйдирилган уйнинг кул ва кўмирини кўрсатдилар. У етим болаларни, таёқланган чолларни, хўрланган қизларни кўрди... Қишлоқ четида, қалин дарахтзорда ўнлаб қизил аскарнинг қиймаланган гавдаларини кўрди. Йигитнинг юраги қотди, оёқлари титради. Лекин кўз олдини ғазабнинг қора дуди босди...

Чарчаган, жангларда юлиниб-юлқинган батальон қисқа истироҳатга чиқиши керак эди. Кечга яқин жангчилар шу қишлоқда турли уйларга тарқалди. Бектемир дўстлари Дубов, Асқар полвон ва бошқа бир неча жангчилар билан икки хонали бир уйга жойлашди. Уй бекаси бомбадан қулоғи хийла кар бўлган, юм-юмалоқ, сергап, сербола аёл эди. Чурвақаларнинг ёшларида гўё йил эмас, балки ойлар фарқи бўлгандек, бир-биридан ажратиш қийин эди. Бектемир учун, пилдирашган болалар, ҳурпайган ола мушук юрган, бу камбағал, лекин иссиққина хона бахт маскани каби туюлди. Бека, умрида энг азиз ва кўнгли нозик меҳмонларни кутган каби катта шодлик ва довдираш билан хизмат қила бошлади. Унинг қўл-оёғи тинмагандек, оғзининг муруввати ҳам ҳаракатдан бир зум тўхтамасди — урушнинг учинчи кунидек аскарга олинган ва дом-дараксиз кетган эри, танкист қайнағаси, Ленин ордени билан мукофотланган учувчи укаси, ҳам, партизанларга қўшилиб кетган ғайратли чол — қайнатаси ва ҳоказо ҳақида гапирар, гитлерчиларнинг ва уларга сотилган хоинларнинг зулми тўғрисида сўзлаб, қўллари билан бошини сиқиб қарғар; фрицларнинг одатлари, юриш-туришларини артистдек ҳаракатлар билан жонли тақлид этиб масхара қилар эди... Жангчиларнинг кўпи овқатланишни ҳам унутиб, қалин пичан устига юмлаб ухлаб қолишди. Бектемир печка ёнида чўққайиб этикларини, кийимларини бирин-кетин қуритишга киришди. Қайин ўтин чарсиллаб, хушбўй ис таратиб, тоза, чиройли аланга билан гуриллаб ёнаркан, йигит бутун вужудида уйқу каби элитувчи, май каби сафобахш, тотли ором сезарди. Ташқарида шамол гувиллаб кичкина, пастак дера-

заларни чертарди. Унинг совуқ нафаси эшик очиларкан, ўрмонларнинг шовқини билан оқиб кириб, йигитни бир зум ҳушёрлантирарди. Бектемир ҳомуза тортиб, калласини оғир қўйи солган ҳолда ўй ўйларди. У узоқ Ватани, ота-онаси, сермеҳнат, серташвиш, ҳамма вақт болаларнинг қий-чуви билан тўлган катта оилани ва колхозни эсларди. У бир неча бор хат ёзган бўлса ҳам, лекин шу топгача биронтасига жавоб олмаган эди. Деразада хира йилтираган чироқ ёнига ўтиб, хат ёзишга қарор қилди. Лекин ҳарғиналик ва олов шу вақтда унда эринчоқликни кучайтирган эди. Қимирлагиси келмади — хатни эртага қолдирди. Асқар полвон уйғониб, уйқу аралаш сўради: «Ош пишдими?»

— Калланг пишгандир, кел бу ёққа!— қичқирди Бектемир.

Полвон индамасдан бошини қўйди-да, яна хуррак ота бошлади.

Даҳлизда Али тажаннинг овози эшитилди. У қар қулоқ бекага алланимани тушунтира олмай хуноб бўларкан, Бектемирга илжайиб қичқирди:

— Келаверинг, ота ўғли!

Али тажанг эшикни қаттиқ очиб кирди: «Ўзларинг-ни олиб қочаверинглар! Яна киндигим бир дейсанлар-а?»— деди.

Бектемир кулиб, ўтиришга имо қилди.

— Зерикдингизми?

— Йўқ. Бизда ҳам тўполон. Нуқул руслар ичида қолибман. Гармонь, ашула,— жавоб берди Али тажанг.— Аммо сенларни кўрмасам носвойдай хумор қиласанлар, азбаройи худо!

— Оғамизсиз-да...

Али тажанг бу сўздан яшнаб кетди. Оловда йилтираган қизғиш мўйловини силади ва чўнтагидан ихчам жажжигина, позик носқовогини олиб Бектемирга узатди:

— Укажон, бир отим от. Ўзим ясадим. Қулинг ўргилсин нос чиқди.

— Қандай ясаддингиз?— қизиқди Бектемир.

— Махоркани толқон қиламан. Жиндек оҳак ёки кул билан хурушга келтираман. Урисларга маъқул бўлди. Бошини чархпалак қиладиган бўлибди, деб кулишди.

Бектемир қўлбола носдан бир чимдим тил тагига ташлаб, кейин тупурди.

— Тезакнамо-ку,— деди Бектемир хахолаб.

— Чўпонсан-да. Тушингда ҳам қўйнинг қумалоғини кўрасан...— койиди Али тажанг. Кейин оиласини ёдлади, Ерга қараб огир-огир хўрсинди. Сўз бугунги жангларга кўчгач, Али тажанг гурур билан деди:

— Одам ўлдириш осон бўлар экан. Шу шартки, агар қўрқмасанг... Мана бугун ўлик-тириклигимга қарамай отилган эдим, бафармони худо, фашистни қандай қилиб ғажиб ташлаганимни ҳам билмай қолдим.

— Қизиқ, ўлимни писанд қилмасанг, тирик қоласан, ҳам қуруққа чопмайсан.... Кўп синадим. Қосим мироб айтарди: агар қўрқмасанг, энг одамхўр дарё ҳеч нима қилмайди — сувнинг ўзи қирғоққа чиқариб қўяди...

— Қосим миробми? Ҳа, у балиқ эди. Кўрганман,— деди Али тажанг, сўнг бирдан Бектемирнинг елкасига бир тушириб,— сенга орден беришлари керак. Чакана иш қилмадинг. Пулемётдай ўқ бўрон фалокатини енгдинг ахир. Орденнинг каттасини сўра. Ҳа, бўш келма!

— Билмадим, командирлар не деб баҳо беришар экан?— деди Бектемир иккиланиб.

— Бу катталарнинг баъзи вақтда ҳаққониятдан чизиб тойиб кетади,— деди Али тажанг жиддий,— қани, кўрамиз.

Бектемир махорка ўраб, жимгина сўра бошлади. Али тажанг қўлтиғидан гижимланган ҳар хил қоғозларни чиқарди-да, авайлаб текислаш, тахлаш билан овора бўлди. Печка устида учта котелок буғ буруқтириб, шақирлаб қайнарди. Уй бекаси тинмас— ўтин ёрар, сув келтирар, болаларига қарар, аскарларнинг кийим-бошларини тозалар, яна айланиб Бектемирни гапга ундар эди: «Сизларнинг юртингизда мева жуда кўп бўлармиш. Тарвузларни одам ердан узолмасмиш-а. Бироқ жуда иссиқ дейдилар. Шундайми? Мен ҳаммасини эшитганман. Ёзда, фрицлар ҳали бу ердан узоқлигида, қўшнимизни-кида бир ўзбек командир турган эди. Жуда чиройли эди у. Русчани мендан яхши биларди... Уқиган, не-не қизларни шайдо қилди... Аммо сен ҳам ёмон эмассан. Кўзинг ўткир. Гавданг бақувват. Анча фрицни ўлдирган бўлсанг керак...»

Али тажанг қоғозларидан бирини олиб, Бектемирга узатди.

— Ўқи, буни,— деди у паст товуш билан,— нима дебди? Тунов куни осмондан фашист хазондай ёғдирган эди,

Уз тилимизда латинча қилиб ёзибди.. Немис фалокат латинчани ҳам, ўзбекчани ҳам билар экан! Уқи!

Бектемир қоғозни ёйиб, печка алангасига яқин тутди-да, хўмрайиб кўз югуртди. Али тажанг оғзи қулоғида — дам Бектемирнинг сакиси орқали ёзувга, дам элатининг бетига қарарди. Бектемирнинг юзи аллақандай қийшайиб кетди. Кейин лабларидан заҳарли табассум учди. Қоғозни қаттиқғижимлаб печкага отди. Аланга лоп этиб қоғозни қамради.

— И-я! Тўнкадан ҳам қўполсан-да! — қичқирди бўғилиб Али тажанг. — Маънисини чақиб бер энди.

— Нимасига қизиқасиз, хўш?

— Ахир, бунга сенга, менга, Эшмат-Тошматга қаратиб ёзибди, — кучаниб гапирди Али тажанг. — Билиш керак нима деганини...

— Бадрафда ишлатишга ҳам арзимади... — ерга қараб тўнғиллади Бектемир.

— Сенинг бир шингил саводинг бор, — деди Али тажанг, — мен саводи роса одамдан эшитдимки, бу ёзувда қизиқ гаплар бор экан...

— Масалан, қандай гаплар?

— Ўзбекларга сал бошқа кўз билан қарармиш-ку...

— Балли-э! Бош деб хом қовоқни кўтариб юрган экансиз-да! — деди Бектемир унга жиддий тикилиб. — Озмунча қон ва ёнги кўрдингизми? Тўрт томонга минглаб чақирим юринг, ҳамма ёқда қон ва кулга дуч келасиз. Руснинг боласини ўтга отган фашист, ўзбекка шафқат қиладими? Шайтонни авлиё, илонни беозор, бўрини қўйга дўст, деб билсангиз, у вақт фашистан марҳамат кутасиз, қоғозга ёзаверади-да. «Елғон!» дейишга қоғознинг тили борми? Душманингиз маккор бўлса, заҳарни шарбатдек ичиради... Тўғри, дастлаб мен фашистларнинг жаллодлиги тўғрисидаги гапларга лоф-қоф деб қарадим. Йўқ, таърифдан ташқари жаллодлик экан. Бу ёввойилик, жаллодликнинг кўп томонларини ҳали кўрганимиз йўқ. Кўрганларимиз — бир учигина... Фашист бейнсоф экан, жуда тирриқ экан... Модомики, уруш очибсан, майдонда қир, қирил. Аяма ҳеч! Азалдан буён уруш — хунрезлик. Лекин бола-чақа, хотин-халаж, қари-қартаглар бошидан нега ўқ ёғдирасан, тинч халқнинг уйига ўт қўйиб хон-монини кўкка совурасан!

Али тажанг эзилиб, бўзариб ерга тикилган ҳолда, қимирламай қолди. Лекин у қийиқ одам бўлганидан, ҳар

қандай бўлмасин, бирон эътироз устида ўйларди. Бектемир унинг ниятини билгандек, печка оловини ковлаб бепарволик билан деди.

— Қалай, оға, нотўғри гапирдимми?

— Сўзингда туз бор, Нафсиламрда, фашист баччагар жуда беннсоф,— жавоб берди Али тажанг.— Лекин шунини унутмаки, Ўзбекистон узоқ, дунёнинг нариги четида...

— Балли, узоқ,— деди Бектемир қалин махорка тутуни орқали қараб.— Мана бу ерларда қиш қирыпти. Бизнинг юртда шу паллада токда узум, полизда қовун, боғда анор... Гап масофада эмас. Гитлер совет дарахтини қулатмоқчи. У болтани нақ туп илдизига ураётир. Илдиз рус халқи. Биз мана шу илдизни сақлашимиз керак. Шунда бу совет дарахтининг катта, кўркам, сермева бутоғи бўлган Ўзбекистонни офатдан асраган бўламиз. Фашистлар бизни руслардан айирмоққа тиришадилар. Улар сиёсатда бениҳоя доғули. Совет муштумининг маҳкамлиги шундаки, бу муштда жуда кўп халқларнинг кучи бирлашган. Гитлер, аскарлар орасига айирмачилик солиб, муштумимизни бўшаштирмоқчи. Сиёсатда фашист эски тулки...

Али тажанг қаддини бирдан ростлаб, янги эътирозининг кучига ишонч билан деди:

— Хўп, илдизни сақлайлик! Сен урушда ақл орттириб, сўзга чечан бўлаётирсан...— кинояли илжайди Али тажанг ва давом этди.— Майли, биз ўзбеклар бу тўқайларда, ботқоқларда қонимизни тўқайлик. Бундан бизга нима фойда?! Ахир эски замонда бизни чор ҳукумати роса эзиб келган...

Бектемир яраланган тирсагини авайлаб ушлаб, кўзларини юмди. Унинг мардона очиқ пешанаси, қуюқ, эгилмас қошлари чуқур ўйни ифодалар эди. Али тажанг энди уни мот қилганига шубҳа қилмади-да, унинг сукути билан қаноатланиб, гапни бошқа ёққа буришга тиришди. Аммо Бектемир ҳар нав кечинмалар, сезгилар тумани орасидан фикрининг учини чиқара олгач, яна аввалгидай сокин ва аста гапира кетди:

— Тўғри, Николай кўп зулм қилган. Қариялардан эшитганмиз. Бироқ ҳаммаси ўтмишда бўлган... Утмишда қандай номаъқулчиликлар рўй бермаган? Шаҳар — шаҳарга, қишлоқ — қишлоққа қарши туриб, дарё қонлар оққан эмасми? Ҳозирги руслар тамом бошқа тонфа рус... Булар Ленин ишчи-деҳқонлари авлодлари. Совет мамлакатадаги барча халқлар учун бир хил турмуш, бир хил

закон, бир жыл мақсадни булар ўйлаб чиқарди, амалга қам оширди. Мана немисларни олайлик: катта халқ. Илми баланд, иш биладиган халқ. Ясаган хил-хил машиналардан ҳам билиш мумкин. Лекин Гитлер нима дейди? У дейди: Ҳамма халқларга, ҳамма давлатларга ёлғиз ўзим хўжайин бўламан. Менга тиз чўк! Алай-балай десанг, оғзи-бурнингни қон қиламан. Фашист ҳаддан ошган оч офат. Босган ерини чигирткадек қуритади. Русларнинг йўли-чи? Руслар дейди: Ҳамма халқлар барабар — оғанини. Бошқа сендан ёрдам сўраса, қўлингни чўз, лекин бостириб кирма! Ернинг асл фарзанди — меҳнатқаш. Текинхўрлар, сояпарлар бизга арқоқ-ариш бўла олмайди! Чиндан, ўйлаб қарасанг, ҳаққоний йўл. Ўзбек халқи ҳам шу йўлни маҳкам ушлаган. Сиз билан биз — колхозчи, яъни худди шу йўлнинг посбонларимиз...

Али тажанг бурушиқ пешанасининг ислаб, лаб-лунжини тутолмай кулиб юборди. Гўё унинг юрагини ўрган булут таралгандай юзи ёрқинлашиб кетди.

— Эсинг бутун, бегим,— деди у баланд овоз билан.— Юрагингда Уринбой отанинг ўгити бор-да. Даданг пок одам. Қишлоқнинг авлиёси у. Ишонаман.

Бектемир, худди отасининг соғинчи билан кўкси тўлгандек хўрсиниб, ўрнидан турди. Мойли сўк бўтқани, лабини куйдириб, татиб кўрди-да, «гатоп» деди ва Дубов билан Асқар полвонни уйғотди. Дўстлар тревогадаги каби сачраб туришди. Полвон азамат қулочларини ёйиб оғир керишди-да, кўзларини уқалаб, буғи бурққан бўтқадан бир қошиқни оғзига солиб бай-байлади. Кейин норозиланиб деди:

— Тузи қани?

— Туз конидамизми?— жавоб берди Бектемир.— Ҳеч нозинг қолмайди-да,— деди-ю, лекин уй бекасидан бир кафт туз сўради.

Уй бекаси дарҳол туз келтириб котелокка солди ва яхшилаб бўтқани аралаштирди. Дубов сувдондаги арақни диққат билан учта кружкага қуйди-да, тантана билан кўтарди, кейин Бектемирга сўзи ўткир дўстнинг туби билан:

— Сенинг муваффақиятинг учун ичайлик!— деди.

— Ҳа, ҳа, ич!— қистади Полвон.

— Биламан, томоғинг тақиллаяпти,— деди Бектемир кружкани аста қўлига олиб. У ичмас эди. Чекишга ўрганганига баъзан афсуслангани учун, ичишдан тортинар,



аксар нақт ўз улушини Полвонга берарди. Икки дўст унинг соғлиғи учун кружкаларни кўтариб, унга астойдил тикилганлари учун Бектемир бу гал ўжарлик қилолмади. Арақни чорасиз худди заҳри қотил ичмоққа мажбур бўлган бемор сингари лабига яқинлаштирди-да, «қўйинглар!» десаидек, бир зум ўртоқларига қаради.

— Жангда қанча иш кўрсатма, агар ичмасанг, бари бир сени солдат ҳисобламайман!— деди Дубов дўстона ўқрайиб.

Бектемир оқизиб-томизиб, катта қултумлар билан смирди. Шинель сини билан лабларини артди, қаттиқ пуф-лади.

— Бас! Бундан кейин обизамзамни қидираверасан!— деди Асқар полвон кулиб.

Овқатни аскарларча, бирпасда ошаб қўйишди. Дубов дудланган чироққа бориб, ичида хат ўқий бошлади. Эски, титилган, мойланган кир қоғозга узоқ тикилди, кўркам мўйловларига табассум ёйилди.

— Ёмон эмас. Болалар ўқишда. Хотиним ишда. Сигир бор,— деди ўз-ўзига Дубов, ҳам қоғозни қўпол қўллари билан вҳтиёт қилиб тахлаб, дафтарчага солиб, қўлтиққа тикди.

— Неча марта ўқидинг?— сўради Асқар полвон.

— Саноқсиз,— деб жавоб берди Дубов пичанга ён-бошлаб.— Хат фронтда улуғ иш. У бамисоли вино. Вино қанча эскиса, мазаси шунча ошади. Хат ҳам эскирган сари маъноси қуюқлашади...

Асқар полвон бармоқлари билан ойларни санаб, мўлжалича шу кунларда сигири туғиши кераклигини гапирди. Бектемир ундан Абдуллаевнинг қандай ўлганини сўради.

— Абдуллаев ёлғиз қолган экан,— ҳикоя қила бошлади Полвон салмоқлаб.— Мен ёрдамга бордим. Уч марта жойнимизни ўзгарттирдик. Охирида икки дарахт орасида жуда бошлаб ниқобланиб ётдик. Бир талай фашист орқа томонимизга ўтишни мўлжаллаб кўзгалди. Дадил ва тез юрди. Лаънатилар жуда яққол кўринди. Абдуллаев жим...

— Лентани бўшат. Нақ пайти-я!— дедим унга. Йўқ, у пипагини бузмайди. Сабрим тугаб, юрагим тарс ёрилиб кетаёзди. Душман ҳамон яқинлашиб келмоқда — пулемёт соқов. Абдуллаевни туртаман. Хўмрайиб лабини қисади. Ниҳоят, душман нари борса юз қадам яқинлашганда, Абдуллаев ўқни бир қўйиб берди — олдингилари бир лаҳза-

да тутдек тўкилди. Бошқалари ердан бош кўтарсин-чи! «Ур!— дейман,— отанга раҳмат!» Абдуллаев жилмаяди, отади. Мен лентани дам-бадам етказиб турибман. Йўқ, даюслар дарров миномётга хабар қилди шекилли, мина увиллаб нақ ёнига тушди. Бутун елкасини ўпириб кетди. Жон ҳолатда пулемётга ўзимни ташладим. Қани, ишласа! Бузилибди. Ғазабдан қорилдим. Нарироққа силжиб милтиқдан шиғаб отавердим. Бир нечтаси ўрмалаб келаётган эди, граната билан солдим. Ҳа, икки учи ҳаром қотди. Орқадагиларнинг, чамамда тарвузи қўлтиғидан тушди. Шу вақтда рус солдатлари етиб кўпайишиб қолдик-да, бирдан суриб ташладик. Абдуллаевнинг орденини, қорғозларини олиб, командирга топширдим. Эсиз йигит. Олтин эди у. Эй, қўй, ўйлама дўстим. Ҳозирги пайтинг ғанимат. Эртага нима бўлади — суриштирама. Тирик қайтиш йўқ — саноқли соат, куннинг қадрига ст...

Асқар полвон ўзини пичанга ташлади. Бектемир бошини қўллари орасига олиб, столга энгашган ҳолда уйқуга кетди. Бир оздан кейин чўчиб уйғонди, дўстининг ёнига чўзиларкан, алоқачи уни йўқлаб келди.

Кескин, совуқ шамол дарахтларни шовиллатиб эсарди. Ҳаво қандайдир рутубатли ва чирик. Осмонда ундамунда юлдузлар жуда хира йилтирайди. Узоқда тўпларнинг вазмин гумбури... Қишлоқ қандайдир ҳувиллаган, ваҳимали... Бектемир, қатқалоқларга қоқилиб-суқилиб, штабга келди. Қора чиरोқ тутаб турган пастак оддий қишлоқ уйда бир неча командирлар ўтирарди. Бектемир старший лейтенант қаршисида тик қотиб, буйруғи билан келганини айтди. Стеклов, одатича, ўткир кўзларини чақчайтириб, генералга мурожаат қилишни буюрди. Бектемир бу хатоси учун бирпасда қизариб, саросимага тушди-да, генералга мурожаат қилди, лекин сўзлари аскарча очиқ ва дона-дона янграмади. Еш, қорамтир, ингичка капитанга нималар тўғрисида ҳикоя қилаётган генерал Соколов ўрнидан туриб, йигитнинг ёнига келди ва кулиб қўлини маҳкам сиқди.

— Молодец, Уринбоев,— деди генерал бир қадам орқага чекиниб ва қўлларини камарга тираб.— Бугун ажойиб мардлик кўрсатибсан. Совет жангчиси, ўзбек халқининг ўғли ана шундай бўлмоғи керак. Фрицни ур, ўлдира, аяма! Бу кунги ишинг катта иш! Аммо бундан кейин яна яхшироқ жанг қил. Ҳамма сендан ибрат олсин. Бир кун қарабсанки, Совет Иттифоқининг Қаҳрамонисан. Номинг

бутун Совет мамлакатида, бутун Ўзбекистонда муҳаббат билан айтилади. Халқ раҳмат дейди!

— Уртоқ генерал,— деди ҳаяжонланиб Бектемир,— ҳеч нарса қилмадим ҳали. Бу — планинг бир проценти...

Генерал хаҳолаб кулди. Йигитнинг елкасига қўлини қўйиб деди:

— Бир процент! Планинг жуда яхши! Жуда яхши айтдинг. Бир процент! Қани, Ҳамроқулов, элатинг билан гаплаш,— деди капитанга мурожаат қилиб генерал.

Капитан Ҳамроқулов жангчи билан ўзбекчасига салмоқдор кўришиб, ёнидан жой берди.

— Хўш, йигитча, аҳволлар қалай? Бардаммисиз? Уруш қандай бўлар экан?— деди капитан дўстона суҳбат оҳангида.— Мен бугун йўлакай меҳмон эдим бу ерда. Сиз катта совға тайёрлаб қўйган экансиз. Хурсанд бўлдим. Кўкрагим тоғдек кўтарилди.

— Русча гапир, Ҳамроқулов!— деди генерал.

— Ўзбекчани соғиниб қолганман, ўртоқ генерал,— деди-да, Ҳамроқулов давом этди.— Ўзбеклар бу урушда ўзларини кўрсатишлари керак. Чунки бу уруш ҳаёт-мамот уруши. Гитлерга қул бўлганимиздан кўра, майдонда мардларча ўлганимиз дуруст. Шундай эмасми?

— Албатта шундай...

— Ўзбек халқи,— давом этди капитан,— энди қанотини роса ёза бошлаган эди. Ўзбек халқи эндигина қуёшли йўлга чиққан эди. Гитлер ана шу қуёшни қора булутдай ўрамоқчи. Йўқ, чучварани хом санайди, хом калла! Фашистларнинг бўйинтуруғини судрамаймиз. Совет халқининг шарафи учун, бахти учун жонни, қонни фидо қиламиз... Тўғри, шу кунгача фронтларда ишларимиз, ўзингизга аён, ўзбекча қилиб айтганда, чатоқроқ. Лекин бари бир, бизники устун чиқади. Немис-фашистларни қириб-суриб ҳайдайдиган кунлар келади.

— Шундай кунларга тезроқ етишмоқ керак эди...— деди Бектемир.

— Балли, сиз билан биз қанча яхши жанг қилсак, зафарга ҳам шунча тез эришамиз,— деди Ҳамроқулов.

Элатлар узоқ ва самимий суҳбатлашдилар. Капитан урушнинг биринчи кунларидан қатнашар экан. Ўз саргузаштининг баъзи саҳифаларини, қизиқ жанг манзараларини айтиб берди. Бектемир бу ўқимишли, содда, очиқ-ойдин командир элатни севиб қолди. У билан танишлардек сўзлашди. Ниҳоят, капитан гоҳо кўзлари қисилган, гоҳо

ҳомуза тортган йигитнинг чарчаганини сезиб, ётиб дам олишга таклиф қилди. Бектемир рухсат сўраб штабдан чиқди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

Қуёш булутлар орасидан ора-сира мўралар, сарғайган дарахтларни бир зумгина олтинлатиб, эрингандек, яна булут кўрпасига чулғанади. Асқар полвон ўзи қўнган уйнинг қаршисида йиқилиб ётган дарахтда ўсиқ қошларини чимириб ўтирарди. Унинг юраги қандайдир мажҳул, ташвишли ҳислар қучоғида эди. Хароб, юпун, таланган қишлоқнинг изтироббахш манзараси гўё Полвоннинг кўксига ўз дардини қуярди.

Атрофдаги ўрмонларда яшириниб ётган деҳқонлар бола-чақаларини орқалаб ўзларининг таланган инларига бирин-кетин қайта бошлаган эдилар. Баъзилари ўзлари туғилиб ўсган ерга, етти бобосининг суяги ором олган манзилга, гўё ҳар бурчагида аждаҳо пусиб ётгандек, ҳадиксираб, аланглаб киришарди. Катта йўлда эса болалар тўкилган ўқ, гильза ва ҳар хил бузилган қурол қисмларини териб, ўйнаб юрардилар. Баъзан унинг атрофига тўпланиб, бу дов жангчининг узоқ Осиёнинг қизгин қуёшида қорайиб пишган, энди жанглarda қаҳрли тобланган юзига мароқ билан тикилиб, чувиллаб, амакини гапга солардилар. Уткинчи аёлларнинг кўзларида ҳам Полвон миннатдорлик ифодасини ўқирди. Полвоннинг юраги аста ёришиб, кўкси енгилланди. Махоркани бежаб ўраб, сал эшитиларли товуш билан қурама ашулаларни гингиллай бошлади.

Кичкина фронт газетасини шамолда ҳилпиратиб Сафар чўтир келди. У аввалгидай мулойим, тавозели, юввош эди. Унинг шинели, аскарний буюмлари худди бир минутлик роль учун артистга нари-вери кийдирилгандек сезиларди.

— Бектемир тўғрисида ёзишибди. Сенинг тўғрингда ҳам яхши сўзлар бор эмиш,— деди Сафар чўтир газетани Полвонга узатиб қувонч билан, ҳам одатича қўлини қовуштириб олди. Асқар полвон севиниб, гўё қоронғида марварид донасини қидирган одамдай, газета бетига энгашиб обдон кўз югуртди-да, кейин шилдираган газетани яхшилаб тахлади:

— Ұрисчага кўзимиз кўр. Абдуллаев бўлганда қулоғимизга қуйиб қўя қоларди. Эсиз йигит! Қани, бу ерга ўтиринг-чи,— хўрсиниб давом этди Полвон.— Тонгдан буён дилим сиёҳ... Ёмон туш кўрдим. Афтидан, кампирим қазо қилганга ўхшайди. Дуоғўйимдан айрилдим, элат!

— Девона бўлдингми?— деди Сафар чўтир ранги оқариб.— Сўзла тушингни!

— Тушимда энам оппоқ матога чулғанган,— деди Полвон жиддий, салмоқланиб.— Утган йил ўзимиз очган шағал йўл ўртасида қиё боқмай кетяпти. Хотиним сочларини ёйиб, эшикда шумшайиб ёлғиз ўтирибди. Маълум: энам ўлган!

Сафар чўтир тушга қаттиқ ишонарди. Уйқудан тургач, аксар вақт тушини ёдлар, тушнинг узук-юлуқ ипларини бир-бирига улаб, белгили маъно чиқаришга тиришарди. Полвоннинг тушини у чиндан ҳам машъум деб билди ичидан ва кўнгли бузилиб кетди. Аммо ўртоқни юпатиш учун лоқайдлик билан:

— Уйлашга арзимайди, ука. Кампиринг калтакдек бақувват эди. Сен сўл ёнбошинг билан ётиб қолгансан. Ажава тушлар ана шундай бўлади,— деб тушунтирди.

— Ростми?— сўради Полвон болаларча маъюслик билан.

— Бўйингдай тўппа-тўғри. Ана, Бектемирдан ҳам сўра.

Одатича, шахдам, текис қадамлар билан Бектемир етиб келди. Дўстининг ташвишини ишончсиз кулги билан йўқотишга тиришди ва қўлидан тортди.

— Ёздингми? Меники тайёр. Юр, юборамиз. Энанг кўзига суртиб-суртиб ўқийди...

— Сен ёз, Темирчам,— деди Полвон,— мен ёзсам, ҳарфлар худди найзадан қочган фашистдай сафдан чиқиб кетаверади...

Бектемир чўққайиб ўтирди, противогаз сумкасини тиззасига қуйиб: «Сўйла!»— деди.

— Меҳрибон энамга, ўртоғим Шарофатхонга, жажжи қизчам Гуландомга,— деб бошлади Полвон.— Қариндош-уруғларга, таниш-билишларга кўпдан-кўп соғинчли салом. Алҳамдулилло, мен сиҳат-саломат юрибман. Сизларни ҳам соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юришингизни (Полвон бир зум тўхтаб давом этди) табиатдан сўрайман.

— Худодан десанг-чи!..— деди Сафар чўтир ранжиб.

— Эскилар худо, янгилар табиат дейди... Иккиси ҳам бир бўлса керак. Шундай эмасми?— деди. Полвон кулиб

ва яна давом этди.— Онажон, мени йўқлаб, йиғлаб-сиқ тама. Шукур, таним соғ, кийим-бошим бут, хўрагим жо йида. Ер-биродарларим билан уруш ичида кун-тун ай ланиб юрибман. Тақдирда эгамнинг қудрат қалами билан ёзилганини кўрурмиз. Онажон, дуо қил. Ёлғиз ўғлингман, хизматингни оз қилдим... Шарофатхон! Қиз чам Гуландомни жуда соғиндим. Унинг ширин сўзлари ҳеч вақт қулоғимдан кетмайди. Аввалги хатимда мен унинг суратини сўраган эдим. Кўзим йўлда — кутмоқда ман... Шарофатхон, колхозда ғайрат билан ишланг, кол хоз тўқ бўлса, фронтда биз тўқ, рўзгорингиз ҳам мўл-кўл бўлади. Яна сиздан бир илтимос шуки, мени десангиз, кампирнинг кўнглини зарра оғритманг. Кексалар ёш бола дай эрка бўлиб қолади. Қўлдан келганча хизматини қилиб, дуосини олинг. Мен томонимдан қизчамни ўпиб-ўпиб қўйинг. Уни асло хафа қилманг. Асқар полвоннинг дунёда ягона хазинаси Гуландомдир. Бизга тез-тез хат ёзиб туринг. Хат ярим дийдордир, деб ёзувчи Асқар полвон.

Бектемир хатни конвертга солаётиб бирдан тўхтади ва газетадаги ўзлари тўғрисида ёзилган хабарни қир қиб олиб, хат билан юборишни таклиф қилди.

— Меники ҳали арзимайди. Сен юбор,— эътироз қил ди Полвон.

— Довдирама! Хамирнинг учидан патир...— деди Бектемир қатъий йўсинда.

— Жуда соз,— маъқуллади Сафар.— Колхозчи биродарларга совға бўлади.

Учинчи кун батальон кутилмаганда олдинги позиция га чақирилди. Қишлоқдан тунда чиқдилар. Илк саҳар да позицияни ишғол этиб, мустаҳкамланишга кириш дилар.

Душман муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган стан цияда жуда маҳкам ўрнашган ва уни ҳар қандай қурбон бадалига бўлса-да, қўлдан чиқармасликка тиришарди. Икки кун энг қонли, энг золим жанглар қайнади. Тўплар кеча-кундуз ўт пишқирди. Тўпчилар ҳолдан кетиб йиқил гунча отдилар, рус, украин, ўзбек, қозоқ ва бутун жангчи лар дўзахнинг ўтёқар, ўтқавлар шоввоzlари каби, фавқил башар ғайрат ва ғазаб билан ишладилар. Миналардан, снаряд ва бомбалардан ернинг кўкси мўлаининг чирман

дасидек йиртилди. Ҳамма ёқда танкларнинг қора-қизил алангаси гурилларди. Булутлар қорайди, дарахтлар кўмирланди, аскарларнинг юзлари исдан, тўзондан даҳшатли ниқоб кийди.

Икки кун ичида айрим взводлар ўн марталаб ҳужумга ўтдилар. Бектемирнинг батальони бир неча соат ичида олти марта ҳужумга борди. Окопларда, блиндажларда қизгин, омонсиз, ҳаддан ташқари қонли ва даҳшатли бўғишмалар қайнади. Бектемир душманни ўқ билан урди, найза билан санчди, гранаталар билан парчалади! Асқар полвон маст, қутурган, дарғазаб филдай эди. У қоида, усул ва тартибга риоя қилмасдан, девдек солишарди. Тиканли симлар орасида юзи, қўллари қонга беланган ҳолда уришаётганини бир зумгина, жанг сурони ичида томоша қилган Бектемир қайноқ газабдан ҳушини йўқотган бўлишига қарамай, чўчиб кетди.

Душман қалин зирҳга ўралишга тиришди. Улар танкларини подадай ҳайдадилар. Кўкда самолётларнинг машъум товуши ўчмади. Совет жангчиларининг қоядек мустаҳкам руҳини душман даҳшатли шовқин-сурон, ҳеч вақт қулоққа чалинмаган, ёввойи, манхус садолар бўронини билан ларзага солишга уринди. Ҳар ерда қайта-қайта қарши ҳужумга ташланди. Ниҳоят, руҳий атака! Кўкрагига автоматлар осган ўлчовли одимлар отиб, қора булутдек масофани қамраган қалин фашист тўлқини келмоқда. Даҳшатли, бемаъни манзара! Бу безбет, маст, қутурган ва шу билан бирга ўлимдай совуқ, газабнок, гўё даф этилмас махлуқлар девори бир зумдан сўнг ҳамма нарсани топтаб, ерга қапиштириб ўтадигандай...

Бектемирнинг кўзлари телбаларча олайиб кетди. Дубовнинг мўйловларида газаб ёнди. Асқар полвоннинг қирғий бурнининг катаклари тез-тез очилиб қисилди. Окопларда милтиққа бош қўйган бир кўп жангчиларнинг ранглари оқарган эди. Бироқ совет жангчиларининг руҳи, иродаси синмади. Фашистлар: «Ҳа, мана, олдик!» деб ўйлаганда, бирдан ўқ бўронига урилди. Гитлерчилар девори бўйлаб ўлим катта наъралар солди. Лекин қутурган, маст фашистлар ўз ўликларини босиб яна илгари юрди. Бу ҳол бир лаҳзагина юз берди холос! Совет ўқи шиддатни он сари кучайтираркан, фашистлар дастлаб саросимага тушди-да, сўнг бирдан тумтарақай қочди...

Совет жангчиларининг эгилмас ботир руҳи душманни баттароқ қутуртирди. У ҳар дўннга, ҳар тошга ёпишиб, ҳар қарич ерни тиш-тирноғи билан ушлашга уринди...

Иккинчи кун тушдан сўнг жангчиларимиз темир йўл станциясига суқулиб, душманнинг асосий кучларини улоқтириб ташладилар. Фақат, станциянинг ўзида яна қонли жанглар рўй берди. Фашистлар томлардан, уйлардан, ертўлалардан тинмасдан ўт очдилар. Фақат кечга яқин душманнинг энг сўнги ўчоқлари ўчди. Лекин хароб бўлган станция ўт ва қалин дуд ичида эди. Катта омборлар, ҳар нав юк ортилган юзлаб вагонлар жингиртоб бўлиб ёнарди. Ҳар қадамда қон ва ўлик...

Бектемир гаранганиб, ҳансираб, чеккага чиқди-да, ўзини ерга ташлади. Гўё ичини ёнғин кемиргандай бутун гавдасини қизғин иситма қоплаган эди. О, қани, бир ютум сув, бир ҳидлам муздек тоза ҳаво!.. Хийла вақтдан кейин нафаси ростланди. Лекин боши оғир ва гаранг эди. Уфққа оған қуёш, кўкни тутган ва ис орасидан гўё қора шиша орқали кўринганга ўхшарди... Қуёшга ачинди. Худди қуёшнинг ўзи тутунланиб эриб кетаётгандек туюлди. Йўқ, Русия, Украина, Кавказ, Тожикистон далаларида ва унинг юртида қуёш олтин сочларини зилол тоғ сувларида юваркан, унинг табассуми поёнсиз далалардаги гўзаларнинг қордай тоза, майин, илиқ момикларида чақнар, теримчи қизларнинг дур тишларида, қўшиқларида, олтин зиракларида ёнар эди.

Йигит узоқдан ҳайбатли темир уюмлари сингари ағаб ётган пачақ паровозларга тикилди. Уларга ҳам ачинди. Унинг учун паровозлар қудратли, ажойиб жонли махлуқлар эди. Ҳозир улар қандай аянчли ва забун!.. Кейин юзида қандайдир ёт нарсани сезиб, қўллари билан пайпаслади: сўл чаккасида ёнғоқдай гурра. Зарарсиз! Унг сонини ҳам ўқ ялаб ўтган экан. Ҳамширалар оғир ярадорларга ҳам қарашга улгура олмаганларидан, пашшани қувишга тоби келишмаса ҳам, уриниб ўзи боғлади. Бирдан ёдига Асқар полвон тушди. «Нима бўлди у?»— юраги увушиб кетди. Икки кун ичида жуда кўп ўртоқлар ё абадий, ё вақтинча кўздан ғойиб бўлган эди. Кеча команда пунктига учта душман танки бостириб келганда, юмалоқ сержант ўлган эди. Стеклов бугун эрта билан душманнинг шиддатли атакасини қайтараркан, бир неча жангчи билан қуршовда қолиб, сўнги нафасигача курашга ва ниҳоят, уни тирик тутишга астойдил интилган



гитлерчилар назарида, сўнги гранатани портлатиб ўзи парча-парча учиб кетган эди... Сафар чўтир кеча оқшом оёқдан яраланиб, госпиталга жўнатишган. Бугун эрталаб Али тажанг қўлдан яраланиб, ўрмон оралаб қаёққадир жўнаганини Бектемир кўрган эди...

Йигит ўрнидан туриб, аста юрди. Бир гуруҳ рус жангчилар ўртасида Асқар полвонни кўрди. У қорайиб униққан. Шинели бир неча еридан йиртилган, куйган, тешилган эди. Фақат манглайида янги дока қордай чақнарди.

— Хўш, бахайр?— сўради Бектемир бўғилган овоз билан.

— Ажал ўпиб ўтди. Бугун жуда ҳазилни ошириб юборди, сволоч. Думбамдан ҳам чизи мой кесиб олди-я... Э, сенгаям қичиқлик қилибди-ку.

— Бизни аста-секин чайнайдиганга ўхшайди...— деди Бектемир, ғамгин зўраки илжайиб.

Дубов қайдандир пайдо бўлди. Уларнинг иккисини имлаб, гўё аллақандай сирни баён қилмоқчидек, бир чеккага элтди-да, қўйнидан чоракта арақ чиқарди, шишанинг тагига бир уриб, элчиллик билан очди.

— Эҳ, ғамнинг арраси бу!— деб Полвонга узатди.— Янги командир— капитаннинг боши нодир бош экан. Бўлмаса, бу ерни эсэсчилардан бир ҳафтада ҳам тозалаш имконсиз эди.

— Сал хотинчалиш кўринади,— деди арақни қултулатиб ютгандан кейин Асқар полвон.

— Нозик ва олифта!— деди Дубов мўйловини бураб.

Бектемир шишани индамасдан озгига олиб борди-ю, лекин бирдан тараддудлангандек, бошини чайқади. Фақат дўстларининг ўқрайишлари билан кўтарди. Озгина ичиб Дубовга берди. Дубов бир онда шишани бўшатиб четга улоқтирди. Кир қўллари билан лабларини артди. Ҳамманинг кўзи узоқдаги осмонни ютмоқчидек қутуриб юксалган даҳшатли ёнғинда эди.

— Ён, Россия ён!— деди Дубов ғамгин товуш билан, секингина.— Сен тарихда кўп марта ёнгансан. Аммо ҳар гал оловдан пўлатдек товланиб, олмосдек ярқираб чиққансан!— Дубовнинг қаттиқ, қаҳрли кўзларидан исбосган кир юзига бир-икки томчи тиниқ ёш юмалади...

Жангчилар кечқурун Стеклов ва Красновнинг тантанали кўмиш маросимига кетдилар.

## ЕТТИНЧИ БОБ

Батальон ошиғич суратда мустақамланишга киришди. Нима бўлса ҳам бу ишғол этилган муҳим позицияни қўлдан бермаслик керак эди. Бу пунктда барқарор бўлган совет кучлари душманнинг сўл қанотини катта таҳдид остида қолдирганди. Яна янги кучлар олиб яхши тайёрлик билан бу ерда ҳаракат қилинса, ҳужумни муваффақиятли давом эттириш, кенгайтириш мумкин эди. Бутун кеча душман тўпларининг момақалдиروғи остида эртанги жангларга шошқин тайёрлик бошланди. Пиёдалар, тўпчилар, сапёрлар, танкистлар, алоқачилар ва ҳоказо — ҳамма мишжа қоқмай, фавқулодда фидокорлик билан ишлади. Душман эртаси асосан, совет кучларини синаш, пий-паслаш ниятида баъзи участкаларда озгина куч билан бир неча топқир ҳаракат кўрсатди. Кейин кун бўйи гоҳ кучли, гоҳ суст артиллерия отишмаси, разведкачиларнинг фаолияти давом этди.

Бектемирнинг кайфи дуруст эди. У энди улоқчи от сабрсизлик билан улоққа интилгандек, жанг сурониға отилгиси келарди, олдинги позицияга илк қадам қўйиб, ҳар нарсадан ҳадиксирагандай теваракка жонсарақ ва ожиз қарайдиган янги жангчилар орасида ўзини пихини ёрган хўроздай сезар ва уларга далда бериб, ўзини қандай тутиш, хавфдан қандай сақлашиш ва ҳоказони мумкин қадар ўргатишга тиришарди. Миналар ва снарядларнинг товушларига қараб фарқ қилиш ва уларнинг теваракка қиладиган таъсири ҳақида тушунтирарди. Жимжитлик вақтларида ҳам душман окопларидан кўз узмас, бирон қора кўриниб қолса дарров ўқ узарди. Баъзан фашистлар билан «ҳазиллашар эди». Биронта пачоқ касканими ёки бошқа нарсани окоп четига қўярди. Фашистлар ғазабланиб бу қорага зумда ўт очарди. Шундай пайтларда гоҳо бирон душманнинг шарпаси унинг ўткир кўзларига чалинар, Бектемир шу он милтиқ тепкисини босарди. У, батальонда снайпер деб ҳисобланмас эди-ю, лекин отишда яхши бир снайпер каби маҳоратга эгаллигини ўзи биларди. Буни кўп марта синаганди. Аммо камтарликдан бу хусусда бировга, ҳатто дўстларига ҳам чурқ этиб оғиз очмасди...

Бектемир жангчи учун ҳар хил қурооларни эгаллашнинг аҳамиятини мутлақ англаган эди. Шундай пайтлар келардики, душманни «максимка» дан ёки тўпдан урсанг

яна яхшироқ. Фақат бунинг учун билиш керак. Билсанг керакли пайтда доғда қолмайсан.

Бектемир ҳар вақт турли қурооларга зеҳн соларди. Илгари Искандарнинг тилсими каби очилмайдигандек кўринган қурооллар унинг зеҳнига таслим бўла бошлади. Бу ерда у машҳур Иван Самариндан — юзини қизғиш тук босган, ингичка товушли, кўримсизгина жангчидан душман автоматини ўрганди. Иван Самарин буни тунда «тил» тутгани борганда, постда турган фашистни ногаҳон босиб қўлларини боғлаб судраб келаркан, ўлжа туширган эди.

— Жангчиларга обед улашилган вақтда душман тўп-лар ва миномётлардан ўт оча бошлади. Қора тупроқ уюмлари учди. Бектемир катта иштаҳа билан биринчи қошиқни оғзига солган эди, окоп деворига ясалган унурга йиқилди. Баъзилар оғзидагини ютишга улгурмай қонга беланди. Отишма тингач, Бектемир унурдан аранг чиқди. Котелокка қараб, худди сичқонни панжасидан чиқариб юборган мушукдай, нохуш мингиллади: шавла юзини қалин тупроқ босганди. Қошиқ билан аста тозалашга уринди. Кейин бир қошиқни оғзига солиб, худди лой чайнагандай бўлди. Тупурди ва сўкинди. Бир жангчи ҳозиргина рўй берган шовқин-сурон тўғрисида гап сотаркан, у овқатини бемалол еб ўрнидан тургач, этигининг қўнжи қонга тўлганини пайқади. Жангчилар, дўстона кулиб ҳазил қилишди: «Қалай, шавла ширин эканми?»

Асқар полвон хўмрайиб Бектемирга деди:

— Афанди, ҳамма шовқин-сурон менинг чопоним устида экан, деганидек, ҳозирги ғалва шавла туфайлидан экан... Илиққина ҳиди ҳали димоғимга ҳам етгани йўқ эди-я, бир нима тарс этиб тегди-да, қўлимдан учиб кетди...

— Қўявер, қозончанг балога қалқон бўлибди...— деди Бектемир илжайиб.

Кечга яқин жангчилар совға олишди. Бектемир мўъжазгина халтачани, гўё муборак жойдан келган азиз дўстининг совға-саломини каби ҳаяжон билан очди. Халтада икки қути «Наша марка», бир жуфт дастрўмол, ўн икки дона печенье, бир ҳовуч шоколад конфет, тиш порошоги, чўтқаси билан, атир совун, қалам, қоғоз ва конвертлар бор эди. Қалтираган қўллари билан дастрўмолларни ёйиб кўрди: иккаласи ҳам оқ шойидан. Четларига тўқ қизил ипакдан ингичка нафис уқа чизилган. Тўрт

бурчагига кўк бинашфа, шафтоли ранг ипаклар билан гуллар тикилган. Рўмолнинг ўртасига қизил ипак билан: «Ватан учун!» деган сўзлар ёзилган эди. Бектемирнинг кўзларидан учқунлар сачраб кетди. Ипак гуллар унга тоғ чаманларининг чечаклари каби жонли, нафис туюлди. Уни завқ билан ҳидлагиси келди. Собиқ чўпон майсаларда ястаниб ётганда уни шундай жажжи, шўх, нашъа ва нур билан нафас олган гуллар қуршарди. Унинг юрагини тотли бир қайғу ва соғинч тўлдирди. Бектемир битта печеньени курсиллатиб, конвертларни титди. Биттасининг ичидан майин қоғозга ёзилган кичкина бир мактуб чиқди. Русча хатга телмура-телмура, бир рус жангчисига мурожаат этди. У титраган қўлларидаги қоғозга энкайиб, бутун борлигини унутган ҳолда берилиб ўқиди.

— Олдин мана менга келган хатни эшит,— деди жангчи ўртоғи,— ҳар бир сўзи юракни чўғдек ёндиради. Йўқ, бу сўзлардан маст бўлиш мумкин.

У ҳаяжонли товуш билан ўқиди. Бектемирга ҳам ёқди.

— Ўзини ҳам кўриб қўй. Ўзи чиройлими, хатими?— деб жангчи фотокарточкани кўрсатди. Оқ беретка остидан сочлари жингалак-жингалак осилган, юзлари тўлагина, кўзлари сузук ёш рус қиз. У худди эркалангандек, бошини ноз билан сал эгган. Унинг бежирим лабида самимий ва маъсум юракнинг жилваси бўлган майин табасум...

— Ажойиб қиз экан. Юрагинг уряптими?— деди Бектемир.

— Қани, мумкин бўлса агар. Томскка учсам-у, уч кунгина ёнида бўлсам...— деди жангчи.— Ҳозиргача хат билан гаплашиб тураман. Уруш битдими, дарров бораман. Менинг қарийб ҳеч кимим йўқ. Ассалом, деб эгиламан. Бардаммисиз, кайфингиз қалай. Тонечка, дейман. Кейин чўлп-чўлп ўпаман,— жангчи гўё жонли бўсанинг тотини туйган каби лабларини ялаб қўйди-да, хўрсиниб давом этди.— Лекин кўкрагингда шундай гўзалнинг расми билан, уни ёдлаб, жангда ўлсанг ҳам арзийди... Қани, хатингни бер-чи!

Бектемир секин-секин ўқиб, сўзларни тушунтириб беришни сўради-да, кўзларини қисиб, диққат билан тинглади. Фрунзе шаҳридап бўлган қиз шундай ёзган эди. «Салом, жангчи ўртоқ! Мен билмайман, сиз ким, русми, украинми, ўзбекми, қozoқми, қирғизми, лекин мен аниқ биламанки, сиз улуғ Ватанимизнинг асл ўғлисиз,

муқаддас совет тупроғига бостириб кирган, озодлигимиз ва бахтимизнинг ашаддий душмани бўлган гитлерчи ваҳшийларга қарши азиз жонини, ёш қонини аямай жанг қилувчи қаҳрамонсиз. Сизнинг мардона ишларингиз билан фахрланамиз. Узоқ фронт орқасида бўлсак ҳам қалбларимиз сизнинг Ватанга муҳаббат ва садоқат, ҳам қаҳрамонлик ҳислари билан тўла юрагингиз билан узилмас пайванддир. Жангчи ўртоқ, Ватанимиз ҳақиқатан катта тахлика остидадир. Қабиҳ душман мамлакатимизнинг муҳим ҳаётий ўлкаларини босиб олмоқда, қаҳрамон боболарнинг муборак суяклари ором олган, шон-шарафларнинг жонли гувоҳи бўлган маданиятимизнинг улуғвор ҳайкаллари юксалган жойларимизни ифлос оёқлари билан топтамоқда. Гитлерчи каллакесарлар панжаларини оқ соқол оталарининг, оқ сочли оналарининг, бахтли совет болаларининг маъсум қонларига ботириб илгариламоқда. Бахтсиз оналарнинг кўз ёшлари, болаларнинг қони, қизларнинг таҳқирланган номуси учун сўнгги нафасгача курашинг. Улим, тиз чўкиш йўқ!

Азизим жангчи, бутун совет кишилари, болалардан тортиб, чол ва кампирларгача — фронт учун, ғалабамиз учун фидокорона ишламоқдалар. Мен бу йил 10-синфни битирган эдим. Мақсадим олий мактабга кириб расом бўлиш эди, ўз санъатим билан Ватанимизнинг гўзаллигига янги гўзалликлар қўшиш менинг истак ва хаёлим эди. Уруш бошланди. Мен орзуларимни яхши кунларга ҳавола қилдим. Ҳеч тараддудсиз заводга ишчи бўлиб кирдим. Анча мураккаб станокда ишлайман. Киши астойдил уринса, ҳар қандай мушкулни енгар экан. Кундан-кун ишим ривож топмоқда. Заводимизда ҳар кун янги-янги меҳнат қаҳрамонлари етишаётир. Мен улардан ортда қолишни истамайман... Икки акам фронтда. Синглим алоқачи бўлиш учун ўқийтир. Фронтга жўнаш кунини сабрсизлик билан кутмоқда. Онам кўчириб келтирилган болаларни совет ватанпарварларининг меҳрибон қучоқларига жойлаштириш билан машғул. Биз кўп ишлаймиз — лекин кўзимизга яна оз кўринади. Бизга бу ҳис сиз қаҳрамон жангчилардан юқди. Чунки сизлар фашистларни кўп қирасиз, лекин қониқмайсиз, яна кўпроқ қиришга интиласиз. Шундай бўлиши керак, албатта.

Севги ва ҳурмат билан кўзларингиздан ўпаман:

*Клара Пронина.*

Бектемир оғир сўлиш олди. Юрагидаги ҳаяжондан ранги ҳам сал оқаргандай. Яна бир карра ўқитди. Узини унутиб тинглади-да, кейин бошини чайқаб, деди:

— Ақлли қиз. Юраги баланд қиз. Фашистнинг ёмонлигини тўғри айтибди, бу ерларни кўрса яна яхшироқ тушунарди. Жуда яхши йўл тутган Клара: аввал душмандан Ватанни сақлаш керак. Бунинг учун ўқ қуйиш, милтиқ, пулемёт яшаш керак. Яхши замонлар келганда ўқий-веради. Ўзбеклар айтади: ҳар ишнинг ўз вақти-соати бор...— Бектемирнинг фикрига бошқалар ҳам қўшилди. Йигит мактубни авайлаб тахлаб қўлтиққа тикди. Гўё мактуб қўйнидан учиб кетаётгандек шинели устидан бир неча бор пайпаслаб қўйди.

Кеча ғоят қоронғи ва изғиринли совуқ бўлди. Совет жангчиларининг қўққисдан бостириб келишидан ҳадиксиз раган душман бутун туни билан тартибсиз ўт очиб чиқди. Бектемир окопда нам тупроққа қоришиб, мужмайиб ўтирарди. Қалин қоронғилик унинг юрагини эзар, совуқ шамол қулоқларида ғувиллар, юзларини тирнар эди. Кеча узоқ, гўё чексиз каби. Қаердандир ярадорнинг изтиробли инграши эшитилди. Асқарнинг ўт ва қон ичида тобланган юраги нечундир оғриб кетди. Асқар полвон бир-икки марта унинг тиззасига бош қўйиб қуш уйқуси қилиб олди. Бектемир қизни — Клара Пронинани эслади, суратини юбормаганидан, ундан боладек ранжиди. Хат ёзириб юборишга қарор қилди. Фақат ҳамма сўз ўзиники бўлиши керак. Нимадан бошлашни ўйлади. Чиройли маъноли сўзлар қидирди. Дастлаб шу жумлалар унга жуда мақбул бўлди: «Фарҳод сеҳрли кўзгуда Ширинни кўриб ошиқ бўлади. Унинг юртига жўнаб, у ерда тоғларни ёриб сув келтиради. Ширин юртига қўшин тортган душман билан уришади. Мен сизнинг жамолингизни хатингизда кўрдим...» Хўш, у ёғи қандай бўлади? «Сизга ошиқ бўлдим» десинми? «Йўқ,— ўйлади Бектемир,— қўққисдан-а... У бундай гапларни сира хотирига олмагандир. Қизнинг севгилиси бордир... ҳам эртакнинг нақ ўзи...»

Бўзарган, булутли тонг ёришди. Дарахтлар устида туман тутундек бурқиди. Нам ва совуқ ҳаво ҳорғин баданнинг суякларигача оғритарди. Бектемир ҳомуза тортиб увишган оёқларини силади. Руҳни қаноатлантирувчи чарақлаган олтин тонглари эслади. Лекин улар қандайдир ёрқин хаёл ва қайта такрорланмайдиган узоқ туш каби

туюларди. Кийимлари тупроқ, кир, ювилмаган юзлари аллақандай кул тусли аскарлар хомуза тортиб, қашиниб ўтиришарди. Баъзилари хўмрайиб нон чайнашарди. Эрталаб у ёқ-бу ёққа ҳаракат кучайгани учун, одатдагича, ҳарикки томонда пулемёт ва милтиқлардан отишма бошланди. Бектемир пахмоқ сочли, семиз, ҳамма вақт юзидан табассум ўчмайдиган ёшгина ҳамширага тирсагидаги ярасини қайта боғлатаркан, Дубов пайдо бўлди. У қизнинг бурнини аста чимчилаб, қулоғидан чўзиб жиғига тегди-да, мўйловларини селкиллашиб кулди. Ҳамшира ишни битиргач, Дубовнинг мўйловини масхара қилиб ҳазиллашиб жўнади.

— Ҳазиллашиш керак,— деди у Бектемирга,— қон юришади. Фронтда ҳазил катта гап. Бўлмаса, диалгирлик кишини еб қўяди.

Дўстлар нари-вери нонушта қилиб бўлгач, жанг бошланиб кетди. Душман қаттиқ артиллерия тайёрлигидан кейин атакага ўтди. Фашистлар ҳар вақтдаги каби танклар орқасидан ўрмаладилар. Лекин ҳамма нарсани кунпаякун қилишга қудрати етадигандек кўринган қўпол, сурбет, маккор куч, совет оловига дош бера олмай, пароканда чекинар, кўп ўтмасдан яна олов бўрони билан мудофаани ёриб ўтишга интиларди.

Асқар полвон «хотинчалиш экан» деб таърифлаган янги командир — капитан Николин, ингичка, нозик юзли, кўзлари сузук, кичкина жуссали, ўттиздан ошмаган йиғит — орқага силжимасликка қарор қилди. Кўп марта ўқ дўли, миналар жаҳаннами орасида у дадил юрди, қаттиқ сиқиқ остида қолган жойларга югуриб, жангчиларга далда берди. Душман гоҳ ўнгдан, гоҳ сўлдан урушди, кутилмаган онда, гоҳ орқага сапчишга тиришиб, маккор ниятларни кўп қўллади. Бироқ Николин ҳар сафар душман планларини илк рўй берган биринчи аломатлариданоқ пайқаб олар ва қатъий, кескин тадбирлар кўриб, унинг маккор ниятини, ковакдан бош чиқарган илон бошини янчгандек янчиб ташларди. Бироқ душмanning сон жиҳатдан ортиқлиги равшан эди. Чошгоҳда фашистлар танклар ва солдатларнинг катта талафотига қарамасдан, станция тарафга силжиш учун жадал интилган пайтда, қўшни участканинг аҳволи оғирлашгани ва унга ёрдам кераклигини капитан Николинга телефонда билдирдилар. Николин учун ҳозирги пайтда ҳар бир жангчи қимматли эди, ҳар бирининг ўрни умумий мудофаанинг мувваф-

фақияти учун зарур эди. Пешанасини буриштириб, ҳансираб ўз вазияти ҳақида сўзлаш учун огиз очганда телефон ишдан чиқди. У бўғилиб, жаҳл билан муштини тиззасига урди.

Мина ва снарядлар минут сайин алоқани бузардилар. Лекин Анохин ва татар қизи Сония Ҳабибулина каби алоқачилар дўлдай ёғилган ўқлар остида ҳам фавқулодда фидокорлик билан узилган жойларни дарров топар ва ажойиб тезлик ва уқув билан тузатардилар. Икки-уч дафъа уларнинг ишига Николиннинг ўзи ҳам ҳайрон қолган эди. Улар алоқа йўли бўйлаб ҳар ерда ҳозир-нозир эдилар.

Николин сабрсизлик билан телефонни олди. Телефон яна ишларди. Унинг ташвишдан озган, тортишган юзларида алоқачилардан мамнунлик сезгиси кўринди, даҳшатли гулдурос ичида у бўғилиб, томоқ қириб вазиятнинг жиддийлигини тушунтирди. Фақат буйруқни бажаражани билдирди. Кейин йўғон гавдали, пайваста қош, қора кўз, қирғий бурун младший лейтенант — грузини бир рота билан «С» қишлоғига юборди-да, айрим бўлимларнинг командирларига чексиз сабот ва чидам билан сўнги нафасигача жанг қилишни буюрди. Ўз роталаринигина эмас, ҳар бир жангчининг жанговар ишдан хабардор бўлишга тиришди. Мардларга ташаккур билдирди. Қўрқоқларнинг жазосини берди.

Душманнинг қутурган атакалари кескин, шиддатли қарши атакалар билан қайтарилди. Совет тўплари очиқдан душман танкларини ва пиёдаларини нақ пешанасидан дангал ура бошлади.

Николиннинг қалбини янги бир қўрқинч таталарди: ўқ дори, озиқ-овқат унда чегарали эди. Йўллар қаттиқ тўпга тутулиб турилганидан юкларнинг тез етиб келишидан шубҳа қиларди. Шунинг учун ўқ-дорини мумкин қадар тежашга киришди. Душман бу қийинчиликлардан фойдаланиб, станция томон сиқиб келди. Лекин бундан нарига ўтишга мадори етмади. Николин пешиндан кейин, ўқ-дори, қурол-аслаҳа запаси келгач, шиддатли атака билан душманни суриб, йўқотган позицияни қайтаришга қарор қилди. Ўзига бўйсунган командирларга вазифани содда, равшан тушунтирди. Бу атакада шиддат ва тезлик ҳал қилажанини яхши таъкидлади. Айниқса, у команда берган ондаёқ ҳамма жангчилар ердан дадил қўзғалиб, олдинга отилишлари кераклигини уқтирди. Николин атакани ҳимоя қилувчи муҳим ўт



Очиш нуқталарини текшириб чиқди, ҳамма тадбирларни бир-бир ўйлади. Ниҳоят, оқарган юз билан ҳаяжонини босишга тиришиб, ўрнидан рўйи рост турди-да, душманнинг кучли ўти остида ингичка товуш билан команда берди. Жангчилар «ура» садоларини кўп марта қайтариб, душманга отилдилар. Николин қўлидаги тўппончасини силки-тиб олға томон югурди. Аммо душман очган ўт шундай қалин, шундай омонсиз эдики, жангчилар ерга қапишмоққа мажбур бўлдилар. Николин ҳам ўзини чуқурга отди. Ҳансираб, ўқчиб бир оздан кейин базўр нафасини ростлади. Қулоқлари том битгандек гаранг, боши қизгин ва оғир эди. Бироқ фикри равшан ва тез ишларди. Нима қилиш керак? Орқага қайтиш мумкин эмас. Ётаверсанг, душман ўти бир оздан кейин ҳаммани нобуд қилади. Энг яхши йўл — олдинга босиш. Бундай талафотнинг маъноси бор! Аммо унинг юрагини шубҳа кемирарди: «Борди-ю, жангчилар командадан сўнг ердан қўзғалмаса! Жон ширин ахир...» — ўйлади у. Лекин бўлинмасида яхши болалар сийрак эмаслигини биларди. Сўнгра, шундай оғир, масъулиятли пайтларда командирнинг шахсий жасорати ва ўрниги бир онда юзларча одамларни қанотлантирадиган қандайдир сеҳрли кучга эга эканига асло шубҳа қилмасди. Николин тетиклик учунми, ёки чанқаганидан, ғайри шуурий равишда сувга қўл чўзди. Бир неча қултум ютди-да, бирдан ўрнидан ирғиб тураркан, равшан-аниқ команда берди. Бир лаҳзадан кейин у, қонга тўлган кўзлари билан атрофга қуш боқиши қараб, яна командани такрорлади. Биринчи бўлиб, ўзидан йигирма-ўттиз қадам нарида ётган жангчи Васильев турди ва милтигини ўқталган ҳолда маҳкам ушлаб аллақандай даҳшатли, ғазабли товуш билан: «Ватан учун, ўртоқлар!» — дея қичқирди-да, олға қараб югурди. Бошқалар ҳам ўша он иноқлик билан олдинга отилдилар.

Николин мақсадга эришди — худди ўйлагани бўлди. Талафот оз. Лекин душман яна кўпроқ нобуд бўлди. Душман ўз ярадорларини ҳам ташлаб тумтарақай қочди. Николин қўлдан кетган муҳим позицияни яна қайта қарийб эгаллаган эди. Елғиз кичкина бир тепаликка фашистлар тишиб-тирноғи билан ёпишиб олишди. У ерда қизгин жанг борарди. Николин душманни ундан улоқтириб ташлашга энди имони қомил эди. У йўлда кетаётиб худди ҳозиргина пойгадан қора терга тушиб қайтган, бироқ ҳали кўзларида ғайрат ёниб турган отдай ҳарсилловчи қорамтир бир жангчига дуч келди. Бу ҳали ҳаммадан олдин кўта-

рилган жангчи эди. Николин унинг тўзон босган елкасига оғаларча қўлини қўйиб:

— Раҳмат, Бектемир. Ҳаммани ўз орқангдан эргаштирдинг. Сенга ташаккур эълон қиламан!— деди.

Довдираб қолган Бектемир шошиб:

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!— деб бақирди.

Николин завқланиб кетди. Унинг юзидан гўё ҳамма ташвиши энди бирдан йўқолди. Командир, полевоё сумкасидан бир парча қоғоз олиб, алланималарни шошиб ёзди-да, деди: «Энди сени газеталарга ёзадилар». Николин, Бектемирнинг қўлини маҳкам қисиб, уни сабрсиз кутиб турган лейтенант билан команда пунктига жўнади.

Тепалик учун кетаётган жанг борган сари шиддатли тус олмақда эди. Жангчилар бир дафъа уни эгаллаган эди, ҳадемай душман яна улоқтириб ташлади. Николин старший сержант Дьяков бошлиқ бир отделение жангчиларни ёрдамга юборди. Булар орасида Бектемир, Асқар полвон ва Дубовлар ҳам бор эди.

Старший сержант тепаликка ўнг ёқдан ҳужум қилишга қарор қилди. Пулемётни жуда усталик билан ниқоблаб муҳим жойларга ўрнаштирди. Бироқ буни пайқаб қолган душман миномёт ва пулемётлардан ўт бўрони очди. Жангчилар ўзларини пухта яшира олганлари учун талафот жуда оз бўлди. Ут тингач, Бектемир инидан мўралаган юмронқозиқдай, атрофга кўз югуртирди. У ўртоқларининг газабдан ёнган кўзларини кўрди. Ҳамширалар чаққон, дадил ўрмалаб ярадорларни ё устиларига ётқизиб, ё шинелда тортиб, гўё чумоли йирикроқ нарсани инига судрагандай, бениҳоя қийинлик билан силжирдилар. Бунинг устига душман кўпинча пайқаб қолиб пулемётдан ўқ сепарди. Ярадорлар инграр, алланималар деб бақирар, баъзилари эса изтироб ва иситманинг зўридан талваса билан бирдан сачраб турар, сўнг ҳушсиз йиқилар эди...

Иккита ўртача танк ҳимоясида тепаликка қаршидан ҳужум бошланди. Душман уни қайтаришга жон-жаҳди билан уринаркан, бу фурсатдан фойдаланиб, старший сержант жангчиларни аста-секин тепаликка яқинлаштирди. Ниҳоят, қаршидан келувчиларнинг сиқиги остида эсанкираб қолган фашистлар устига рус аскарлари ташланди.

Душман окопларига биринчи бўлиб бир неча рус солдатлари билан Асқар полвон етиб борди. Қочаётган фашистларни орқасидан ўққа тутишди. Аламдан кўзлари

хунук қийшайган душман офицери окопнинг бир бурчагида сапчиб чиқиб қулоч отди. Дубов узун қўлларини ҳавога чўзди. Шу чоқ у шунқордек гранатани ҳавода илиб олди-ю, ўша лаҳзанинг ўзида келган томонга улоқтирди — душман офицерининг узилган қўллари ҳавода учди. Дубов, одатича, бошини бир чайқаб қўйди... Бектемир тиз чўкиб, бошлаб узоққа қочаётганларга отаркан, яқиндан автомат тариллади. Теварагида ўқларнинг «чив-чив»и эшитилди. У дарҳол ерга ётиб, бошини панага олиб, атрофга аланглади. Сўлиб эгилган қалин кўкат орқасида патирлаётган душман қорасини кўрди. У, нечундир, ўзини яширишни ҳам истамасди. Бектемир ўқ узди. Қора йиқилди. Бектемир унинг қуролини олиш умидида, лекин аҳтиёт учун, эмаклаб яқинлашди. Чалқанча ётган, кўкраги қон, даҳшатли суратда юзи оқарган, ранги ҳолсиз фашист бирдан бошини кўтарди — гўё ўлик тирилгандай. У гавдали, яғриндор ёш йигит эди. У бир қўли билан бўшаган автомат дискасини чангаллади-да, Бектемирни отишга уринди. Бектемир милтиқ қўндоғи билан унинг пешанасига бир урди. Душман шилқ этиб тушди. Унинг бир оёғи тиззадан дабдала бўлган, иккинчиси ҳам қонга бўялган эди. Бектемирнинг ўқи эса, унинг ўнг кўкрагини тешганди. Душманнинг чидамлилиги Бектемирга таъсир қилди: «Ёвсан, лекин тан бермоқ керак», — деди ичида йигит. Кейин ўлжа автоматни бўйнига осди.

Аламазда бўлган фашистлар тепаликни омонсиз тўн ва миномётлар ўти билан қопладилар. Портлашлардан ҳеч нарсани кўриш мумкин эмасди. Кўп жангчилар гарангланиб оёқда тура олмасдилар. Кейин танклар ҳимоясида душман автоматчилари ҳужум қилдилар. Бизникилар қаттиқ жанглардан сўнг позицияни қолдиришга мажбур бўлишди. Тепалик учун бўлган жангда яраланган старший сержант Дьяковнинг ўрнини Дубов олди. У момақалдироқдай гуриллаган овоз билан команда бериб, жангчиларни контратакага кўтарди. Бектемирнинг ёнида ака-ука Қосимжон билан Ҳошимжон боришарди. Уларнинг бугун биринчи бор жангга киришлари эди. Улар худди эгизаклардек, чеҳралари бир-бирларига ғоят ўхшар, гавдалари қарийб фарқсиз, кўринишда ювош одамлар эди. Улкани муаллим, кичиги студент эди. Булар, тиригимиз, ўлигимиз бир дегандек, бир-бирларидан ажралмасликка тиришар, ердан кўтарилганда ҳам, ётишга тўғри келганда ҳам, ҳамоҳанг, иноқ ҳаракат қилардилар.

Қосимжон мукка йиқилди. Шу он Ҳошимжон ўзини снаряд ковлаган чуқурчага ташлади-ю, бирдан бақириб йиғлади: «Вой укажоним!» Бектемир ўзини қатқалоқ па-насига олиб муаллимга қаради. Ҳошимжон укасининг гавдасини қучоқлаб фарёд қилар, жон-жаҳди билан бақирар эди: «Ётма, тур, югур олдинга. Ҳасан!» Муаллим меҳрибонини қучоқдан қўймасди. Бектемир югуриб келиб унинг елкасидан тортди. «Қасос ол!» дея бақирди, муаллим гўё устидан қайноқ сув қуйилгандай сапчиб турди. Телба кўзлари билан Бектемирга боқди-да, укасининг қонли милтигини чангаллади ва шамолдай учиб, Бектемирдан ҳам ўзиб кетди. Бектемир уни кўздан йўқотмасликка тиришди.

Фашистлар совет жангчиларининг шиддатли контратакасидан шошиб қолишди. Лекин тезда ҳушларига келиб, қаттиқ қаршилик кўрсата бошладилар.

Муаллим Ҳошимжон ўқ бўрони ва атрофда қайнаган ажал суронини ҳам писанд қилмай, олға югурди. Яна сал югурса, фашистларнинг устига ўзини ташлашини фаҳмлаб, ҳансираб тўхтади. Лекин гранатани кетма-кет ғазаб билан улоқтирди. Кейин ётиб ота бошлади.

Душман тепадан жанг билан чекинаркан, муаллим яна ҳаммадан олдинда ўтга кириб кетди.

Қуёш булутларга қон йўллари сочиб ботди. Кўкси титилган, бутун кун ўт ва тутун бурқиратиб инграган далага қоронғилик кўча бошлади. Хўмрайган дарахтлар орқасидаги қандайдир бир бинода қора дуд аста кўтариларди. Бектемир ўликлар ҳозиргина йиғиб олинган, қонлар ҳали ерга сингмаган тепалик бағрида хорғин чўзилган эди. У оч — эртадан буён туз тотмаган. Ҳозир у халтасида озуқ борлигини ҳам билмайди. У хаёлон, ҳали ҳам қизғин суронли жанглар, қон ва ўлим орасида юрарди.

— Соғмисан, бегим? — деди Асқар полвон ўз дўстининг елкасига қўлини қўйиб. Йигит уйқудан уйғонган каби бошини кўтарди. Шундагина у жимликни сизди. Бунга ишонмагандай атрофга назар ташлади. Ёз иссиғида бирдан музхонага кирган кишидек, оқшом совуғини туйиб, бадани жунжиди. Дўстлар бир-бирларига тикилиб жим қолишди. Оғиз очмоққа хоҳиш йўқ эди. Муаллим Ҳошимжон келди. Унинг кўзларида фоже қайғу, ваҳший кин ёнарди.

— Ўтиринг, куйманг, — деди Бектемир.

— Ҳаммамизнинг жонимиз қил устида турибди. Қилингиз бугун узилмадим — хурсанд бўлинг! — дея юпатди Асқар полвон.

— Оёқсиз, қўлсиз қолса ҳам майли эди, — деди Ҳошимжон йиғлаб ва укасининг қони суртилган милтиққа тикиларкан. — Сизлар танимайсизлар, ажойиб йигит эди, истеъдоди зўр эди. Мабодо эшитса, онамнинг юраги ёрилади-да! Дўстларим, энди бориб шўрликни бир чеккага кўмайлик.

Ҳаммалари индамасдан бир онда кўзғалишди. Укасининг жасадини ўт орасига яшириб қўйган эди. Ҳошимжон дарров топди. Бектемир мурдани шинелига ўради. Кейин Асқар полвон билан авайлаб кўтариб катта йўлнинг четига, баландроқ холи жойга элтишди. Ҳошимжон булоқдай қайнаган кўз ёшлари билан чуқур қазишга киришган эди, Асқар полвон унинг қўлидан белни зўр билан тортиб олди-да, қандайдир дев ғайрат билан қабрни бирпасда ковлаб ташлади. Ҳошимжон укасини қучоқлаб, юзларидан ўпа-ўпа йиғларди. Бектемир жасадни чуқурдаги Полвонга узатаркан, ака бетоқат, ўзи ҳам бирга кўмилишга тайёрдай, хўнграб юборди.

— Қибла қаёқ? — сўради Полвон йиғламсираган товуш билан.

— Шаҳид учун ҳамма ёқ қибла. Қўявер, дўстим! — жавоб берди Бектемир.

Баландликда кичкина дўмбоқ мазор пайдо бўлди. Асқар полвон чўққайиб, ичида «Қулҳуволлоху аҳад»ни уч марта такрорлаб, фотиҳа ўқиди. Муаллим ҳам ихлос билан титраган қўлларини очди. Кейин, дўмбоқ тупроқни худди узоқ айрилиқдан сўнг ерни қучоқлагандек, чуқур меҳр билан қучди.

— Кеча, бугун ўлган ҳамма ўзбекларга бағишладим, — шивирлади Полвон Бектемирга.

Кўкда икки юлдуз чақнади — исмсиз, мажҳул аскар мазорининг шамлари! Дарахтларда шамол узоқ осиелик ёш шаҳидга мотам тутган каби ҳазин ингради.

Муаллим чуқур хўрсиниб, базўр ўрнидан турди.

— Қасос олинг. Дардга даво шу. Қонга — қон, жонга — жон!.. дейдилар-ку. Яхши шиор, — деди Бектемир.

— Қасосни бошладим, — деди муаллим бошини қуйи солиб, лекин тетик овоз билан. — Фақат ўч билан юпаниш қийин. Бунинг бир томчи қони юз фашистнинг қонига ҳайф кетади!

## САККИЗИНЧИ БОБ

Генерал ертўлада бир гуруҳ офицерлар билан суҳбатда. Ҳаммаси қуққ папирос тутунига чулганган.

— Лекин ўртоқлар, вазият ниҳоят оғир ва хавфли, — папиросни тез-тез асабий сўриб деди танбеҳловчи оҳанг билан генерал-полковник Соколов. — Ғоят масъулиятли замонлар... Ёв сиқиб келяпти. Ишқилиб, солдатни қаттиқ интизом, Ватанга муҳаббат ва эътиқод руҳида тарбиялаб, бутун кучимизни бир бақувват муштага йиғамиз. Станцияни бериш асло мумкин эмас, қадам силжимаймиз. Тўғри, солдатлар ҳорган, сийракланган, лекин тоза кучлар, қурол, аслаҳа-ағжомлар келиб турибди. Энг муҳим ва зарур нарса — солдатлар. Солдат укўвли, эпчил, ботир бўлмоғи лозим. Солдатни тарбия этар эканмиз, унинг юрагига, руҳига зийраклик, мардлик, жасорат қуйишимиз керак. Ўртоқлар, вазиятимиз хавф-хатарли, лекин ўлсак-да, одим тисланмаймиз. — Генерал бир он сукутдан сўнг, — она-Ватанни сақлаш муқаддас бурчимиз ахир, партия буюк, азамат, енгилмас! — деди ҳаяжон ила ва тахтадан ясалган омонат ўриндиққа ўтирди. — Бай-бай-бай, тоза тутунга ўралибмиз. Папирос, папирос... бас-бас, барҳам берайлик, — деди кулиб.

— Жуда оғир, она Россия мушкул аҳволда, даҳшатли зим-зиё куллар... Ичимда олов... — деди капитан куйишиб ва папиросини қаттиқ-қаттиқ сўриб кулдонга солди, узун асабий бармоқлари ила эзди.

Командирлар истеҳзоли кулишди.

— Россия боқий, у ўлмайди! — деди қатъий оҳангда подполковник.

Ҳамма бир оғиздан маъқуллади.

Аҳволнинг жиддийлиги, ҳар бир солдатнинг, офицернинг бурчи ҳақида генерал қисқа равишда гапирди ва ўрнidan қўзғалди:

— Штабга бориб аҳвол, вазият, қурол-аслаҳа ҳақида билиб келаман. Ваня, машина тайёрми, тез бўл! — деди товушини кўтариб ва чойни қулт-қулт ичди.

Командирлар дув қалқидилар ва генералдан рухсат олиб чиқиб кетдилар.

Эртаси яна бир неча топқир қисқа, лекин шиддатли қонли жанглар рўй берди. Тепалик бир неча соат мобайнида беш марта қўлдан-қўлга ўтди. Аммо Николин ўз позициясидан бир қарич ҳам орқага силжимади. Бу —

муваффақият эди. Чунки душманнинг атакаларини у ҳаводан ҳимоясиз ва танксиз қайтара билган эди. Агар умумий шаронт имкон берса, капитан ишғол этган пунктини яна узоқ сақлай олишига ишонарди.

Тун ярмидан ўтганда, Николиннинг уйқусизликдан қизариб қовжираган кўзлари, гўё кимдир манглайига тўппонча тирагандек, бирдан очилиб кетди: телефон жиринглади — генерал Соколов қатъий қаҳрли товуш билан чекинишга буйруқ берди. Николин оғиз очишга улгурмади, генерал телефон трубкасини ташлади. Чекинишга буйруқ! Ғазаб ва нохушликдан ориқ юзи қийшайди. Буйруқнинг мазмунини ўйлади. Унга бизнинг иккита ротамиз қуршовда қолган эди.

Николин бутилка — қора чироқ дуди билан қопланган ертўлада тишини қисиб бирпас айланди-да, қўл фонарчасини ёқиб, харитага энгашди. Ҳақиқатан аҳвол оғир эканига ишонч ҳосил қилди. Шошилиш ҳаракат қилмаса, душман уни эрта билан темир ҳалқа ичига қамаши мумкин эди. Душманнинг маккор ва қўрқинчли ниятини ойнадай равшан кўрсатган харитадан хўрсиниб бошини кўтарди. Дарҳол қўл остидаги командирларини тўплади, лекин улар ишомасдан, довдирамасдан пишиқ иш кўришлари учун ўзини қўлга олишга тиришди. Ҳатто товушидаги ҳаяжонини сездирамасликка уриниб аҳволни тушунтирди. Бир зумгина бошлар ўз-ўзидан эгилди. Кўзлар ер остидан туманли қарарди. Фақат лейтенант деди:

— Балки ҳозироқ биз қуршовдадирмиз. Немис ҳалқа ясашга мастер...

Николин кескин бир қадам ташлаб унга яқинлашди. Баҳайбат гавдали лейтенант олдида у боладай эди. У муштумини огригунча қисаркан, тупук сачратиб:

— Нима демоқчисан? Таслим бўлайликми! — деди.

— Уртоқ капитан, мен... демәдим... асло... — жавоб берди лейтенант титраган товуш билан.

— Сизнинг товушингиз шундайми... товушингиз! —

Николин бошқаларга кўз югуртириб чиқди-да, оёқда турган ҳолда чекиниш планини тушунтирди. Унинг планича, чекинишни қўриқлайдиган отряд ҳимоясида, аввали пиёдалар, кейин артиллерия, ниҳоят, обозлар ҳаракат қилишлари керак эди. Мумкин қадар тез, лекин душманни тамом ғафлатда қолдириш учун, беҳад эҳтиёт ва айёрлик билан бажаришни уқтирди. Кейин муҳим ҳужжатларни йиғиштириб, дуд босган илиқ ертўладан ҳаммадан кейин

чиқди... Николин олдида қўққисдан тўхтаган машинадан генерал тушди.

Саҳар чоғи эди. Қуюқ, баҳайбат, баджаҳл булутлардан йирик ёмғир томчилари савалаб турарди.

Николин дарҳол қоматини ростлаб честь бераркан, генерал қўл узатди.

— Фоже воқеа!— деди Николин ҳаяжонли товуш билан. — Лекин станциянинг мудофааси пишиқ эди...

Генерал сукут этди. Ичдан қаттиқ хафа эди у. «Рус халқи, Совет давлати, Партия нима дейди? Ватан чексиз қайғуда», — ўйларди ичида.

— Фалокат, лекин ҳечқиси йўқ, муваққат воқеа...— деди генерал папиросни асабий сўриб ва зўраки кулимсираб. — Шарафли тарихимизни унутманг. Улуғ Россия Бонапартни ҳам Москвага қадар тортиб, кейин қувган, Россиянинг ҳудудсиз қорли далалари, чексиз ўрмонлари француз аскарларига мазор бўлган. Майли, Гитлер ҳам шайкаси билан Москвага қадар ўрмаласин, остонада бўриларнинг тишини ушатамиз.

Генерал машинада, айрим жойларда пиёда юриб, чекиниш ҳақида жангчиларга йўл-йўриқ берди, қисқа, қатъий аниқ гаплар билан раҳбарлик қилди. Баъзи аскарлар хафа; хўмрайган, қовоқлари солиқ эди.

— Қани, о, тез-тез, чаққонроқ!— дерди оғир қуроларни йиғишга, чекинишга қўли бормай хомуш турган аскарларга.

Чаққон, эпчил ишлаётган аскарлар олдида тўхтаб:

— Офарин, баҳодирлар!— деб мақтаб ўтарди.

Ақрин-ақрин зўрайган ёмғир севалаб ёға бошлади.

Тўплар ва зениткаларни отлар, машиналар зўрга-зўрга тортарди. Генерал гоҳ пиёда, гоҳ машинада дивизияга ичкарилаб кетди.

Анча узоқлашган пиёда ва артиллерия қисмлари кетидан машина ва обозлар энди қўзғаларкан, душман артиллерияси қўққисдан ўт очиб қолди. Дастлаб снарядлар теваракка тушиб турса ҳам, қоронғида ошиғич чекинишга мажбур бўлган солдатларнинг асабларига қаттиқ таъсир қиларди. Шошилиш, туртиниш, йиқилиш-қўпиш кучайди. Шивирлаган товушлар ҳалқумда бўғилгандек хириллаб эшитиларди. Лекин хавф ва қийинчилик Николиннинг юрагида он сари дадиллик орттирарди. У генерал тайинлаган соатдан бошлаб, ўзини ўлимга маҳкум ҳисоблаган ва ўйлаган вақтда сочининг учидан то товонигача санчиб



Ўтадиган қўрқинчи таҳдидга бир йўлакай қўл силжитган ва ўзи тўғрисида ўйламасликка тиришарди. Бир неча снаряд бирин-кетин мўлжалда портлади. Бир машина, бир қанча арава емирилди. Ҳозиргина шошиб-пишиб астойдил ишлаган, бўғилиб сўкинган бир неча одам парчаланган, қонга беланган ҳолда абадий жим бўлди. Ярадорлар даҳшатли оғриққа чидай олмай инграшарди. Николин кимнидир сўкиб, кимгадир офарин ўқиб, портлашлар орасида дадил юрди. Ярадорларни ўт доирасидан тез олиб чиқди-да, машинага жойлаштириб илдам жўнади. Қолган машина ва обозларни кетма-кет ҳаракатга солди. Ҳавода тўп наъраси энди тинган чоқда, Николин ўқ-дори ва яшиқларга ўт кетганини кўриб қолди-ю, рота командирлари ва жангчилар билан ўзини ўтга урди. Қўл билан, шинель билан, тупроқ билан очкўз оловнинг сариқ тилларини кеса бошладилар, фалокатнинг олди олинди. Николин ачишган қўлларини пуфлаб, охириги фармонларни беришга киришди.

Кўзлари оғриқдан чақчайиб ёнган отлар ерда оғир пишқириб, одамдан ҳам маънодор инграр, бошларини дам аста кўтариб, дам совуқ ерга оғир қўярдилар.

Жангчилар оқарган саҳарда бошларини қуйи солиб жим ва тез кетардилар. Бектемир юзларни фарқ қила олмаса ҳам, лекин ҳамманинг хўмрайган, нохуш, дилгир, газабли эканини сезарди. Кутилмаган чекиниш, атроф тинч бўлишига қарамай, гўё орқадан душман қуваётгандек, кишиларда қандайдир ортиқча ҳадиксираш, эҳтиёт, яширинган саросима туйғусини уйғотарди. Кўплар гўё орқада қолиб кетаётгандек, қоқилиб-суқилиб олдинга интилар, бир-бирларига суқилишга тиришардилар. Гоҳо Бектемир баъзи жангчиларнинг узук-юлуқ жаҳлли дўнғиллашларидан уларнинг капитан Николиндан шубҳаланганликларини сездди. Аммо ўзи бир нафас ўйлаб, Николинда хиёнат доғи кўриш каби фикрдан чўчиб кетди. «Йўқ, у одамнинг кўзи тоза. Кўз пўстакнинг йиртиги эмас», — деди ичида ва шу муносабат билан дадасининг «кароматини» эслади. Бир вақтлар қишлоқда бир бегона киши пайдо бўлиб қолган эди — ёши улғайган, хуш мўйлов, яна бунинг устига ҳар хил ҳунарга фаранг: этик тикади, қулф тузатади, сувоқчилик қилади... Қишлоқлар уни азиз меҳмондек қадрлайдилар. Ёлғиз унинг дадаси, Уринбой ота, бир кўришдаёқ, ҳалиги бегонага душман бўлди. «Ёмон меҳмон, — дейди у ҳамқишлоқларига. — Одам

сўйган у. — Ҳамма таажжубланганда, Уринбой ота тушунтиради: «Ҳамма гуноҳи кўзида...» Ҳақиқатан, бирон ой ўтмасдан, Уринбой отанинг фоли тамоман тасдиқланди.

Бектемир қуршовда қолиш хавфи чекинишга сабаб эканига ишонарди. Лекин тафсилотини билмаганидан, Дубовнинг қўлини туртди:

— Айт, фриц бизни қандай қилиб қопга солиши мумкин?

— Э, наҳотки, тушунмасанг, Темирчик, — дея жавоб берди Дубов пўнғиллаб, зарда билан. — Қўшниларинг ярамас бўлса ўғриларга йўл очиқ. Куппа-кундузи кўзингни бақрайтириб талайдилар. Немис-фашистлар жанг ишини пшиқ билади. Унгдан уради, сўлдан уради, сакраб орқангга ўтади. Кейин: қани, яхшиликча қучоғимга кела қол, бўлмаса, боғичини қисавераман, дейди. Немиснинг кўпинча жангга тоби йўқ. Унинг генераллари: «Русь, сдавайся!» деб бақирингга йўл излайди. Ишқилиб, қуршов хавфидан бошимизни чиқарсак, катта иш!

— Катта иш?! — Бектемир нохушлик билан эътироз қилди. — Биз ҳар қаричи лахта-лахта қонимиз билан бўялаган ерни қолдириб, яна жуфтакни тўғрилаб қочсак — бу катта иш эмиш.

— Ҳазилми? Чекиниш учун ҳам ҳунар керак. Уқи-мишан одамларча бу ҳам санъат талаб қилади, — деди Дубов заҳарханда билан.

— Нега бизникилар немиснинг бошига шундай кунларни солмайдилар. Нега биз немисни қопқонга тикмай-миз? Ана шундай кунни кўриб, кейин ўлсам армоним йўқ эди! — деди Бектемир секин, лекин дард билан.

— Генералларимизга айт, укачам! — деди Дубов ва сўкиниб қўйди. — Сен билан менинг қўлим қисқа. Лекин керак вақтда биз ўз ишимизни дуруст бажарамиз. Биз мустақил ҳаракат қилсак, биронта пзводни хилпа бўга оламиз. Аммо генерал-чи? Душманни бутун бир армиясини индамай-синдамай ютиб юбориши мумкин. Пояси юқори — иштаҳаси ҳам катта бўлиши керак. Аммо уларнинг орасида душманни уриш эмас, ҳатто ундан қониш санъатини ҳам билмайдиганлар бор. Булар қуёндан ҳам хароб... Аммо кўп генералларимиз музыка чалишни билади. Шеър — тушунасанми, бир нав қўшиқ тўқийдиганлари ҳам сийрак эмас. Қўй, булар тўғрисида қизиқ нарсаларни биламан, кейин гапирман.

Бектемир генералларни урушнинг бутун ҳикматини биладиган бағоят ҳурматли, азиз одамлар деб тушунарди. Шунинг учун Дубовнинг фикри унга «худо йўқ» дегандек ғалати, мушкул, беодоб фикр каби кўринди. Бошини қуйи солиб, дилгир жим ўйлаб кетаверди...

Тонг ёришганда бир анҳор ёнида тўхташди. Шу вақт душман таъқиб қила бошлагани тўғрисида хабар етди. Николин душманни доводиратиш мақсадида артиллериядан шиддатли ўт очишга буюрди. Бирпасда ўнларча тўпдан бир йўла ўт очдилар. Даҳшатли гулдуросдан само титради. Вазмин тўплардан ерда, самода учган қалдироқларга қулоқ соларкан, Николин бирдан генерал Соколовни эслади: «қаерда у, омонми? Ёв қўлига тушса-я», деди ичида ва сесканиб кетди-да, оний сукутдан сўнг: «Йўғ-э, генерал ишига пишиқ, баҳодир», деди яна ўз-ўзига.

Кейин жангчилар обозни сувдан кечирингга бошлади. Машиналарни илдам ҳайдаб, узоқдаги кўприкдан ўтишга буюрди.

Жангчилар эрталабки қуюқ туман ичида ўзларини секин оқаётган зилол сувга ташладилар. Тиздан то кўкраккача муздай сувни кечиб, нариги соҳилга тирмашдилар. Фақат, соҳил тик бўлгани учун, араваларни олиб чиқиш бениҳоят қийин эди. Жангчилар ғилдиракларни кўкрак билан суриб, ҳаллослаб, отларга ёрдам беришди. Баъзи аравалардаги юкларни бўшатиб, елкаларда олиб чиқишга тўғри келди. Қўнж тўла сув, кийим-бош жиққа ҳўл, совуқдан бадан қалт-қалт титрайди, бироқ батальон яна тўхтовсиз йўл босди. Ёлғиз баъзи бир чаққонларгина, йўл устида этикларини нари-вери ечиб сувини силқитмоққа улгурдилар. Ҳамманинг кайфи ноҳуш, боши қуйи эди.

— Уша ерда қолиб немис билан қип-қизил қон бўлгунча сўқишмоқ керак эди, — деди Асқар полвон тишини шақирлатиб. — Бу кечув ҳар қанақа ўлимдан оғир бўлди-ку.

— Улишга ҳали вақт бор. Тириксан — кўрганинг ғанимат. Бу ҳам тақдирнинг бир қичиги! — жавоб берди Бектемир шумшайиб.

Мана биринчи қишлоққа киришди. Кўп жангчилар тарвузи қўлтиғидан тушиб, турган жойида қотиб уларга маъюс қараган аёлларга, болаларга, бобойларгагина эмас, ҳатто, бўш уйларнинг кичкина кўзсиз деразаларига ҳам боқишга ботинмасдилар. Улар ўз кўзларини яширингга

тиришарди. Бир аёл қўлидаги челақларини ерга қўйиб, бошини умидсиз чайқаб қичқирди:

— Азаматлар! Фрицни ҳайдаб, ғалаба билан қайтиш-япти. Эсиз, қарши олишга музикамиз йўқ!— кейин бирдан бўғилиб куйган овоз билан қичқирди. — Милтиқларни берларинг биз аёлларга!

Бектемир, бу сўзларни эшитгандан кўра қулоқларига кўрғошин қуйишга рози эди. Ер ёрилса-ю, кира қолса у! Ўз юртидан узоқда, қандайдир бир аёл томонидан ёт тилда айтилган сўзлар гўё унга ўз онасининг нидоси каби туюлди. Гўё қишлоқ кўчаси товонларини куйдиргандек жангчиларнинг одимлари ўз-ўзидан илдамлашди. Лекин Бектемир бу суръатдан ҳам уяларди. Гўё одамлар: «Ҳа, ёвинг кўринмайди-ку, нега мунча учасанлар?» деяётгандек туюларди. Оппоқ жулдур кийим устидан белини сиқиб боғлаган, чипта кавушли, кўркам соқолли бир чол, ҳаммага бир-бир тикилиб, йиғламсираган товуш билан: «Ўғилчаларим бизни кимга ташлаб кетяпсизлар? Қандай ёмон кунларга қолдик!» деркан, Николин баланд ва тетик товуш билан қичқирди: «Ота хафа бўлма, руснинг белини тоғ ҳам синдира олмайди. Биз қайтамиз. Душманнинг ўликларини янчиб ўтамиз бу ерлардан!»

Бир оздан сўнг Бектемир бир кўп одамларни кўздан кечириб, улардаги мураккаб кечинмани пайқай олди. Уларнинг Ватанга чуқур муҳаббати, душманга чексиз нафрати чекинувчи аскардан ўпкаланарди. Лекин шу билан барабар, уларнинг юраги жангчиларга меҳр ва миннатдорлик билан лим тўла. Улар душманнинг кучини, маккорлигини англайдилар. Ўғилларининг фидокорлигига ишонадилар. Чекинганлари учун кечиргилари келмаса ҳам, қучоқ очиб бағриларига босишга, бутун борлиқларини улардан аямасликка тайёр турадилар... Бироқ бу нарса Бектемирнинг кўнглини ёриштиради. У эркпарвар, содда, меҳнаткаш халқнинг бундай олижаноблиги қарши-сида ўзининг ва ҳамма ўртоқларининг масъулиятини яна чуқурроқ сезди.

Чекиниш йўли оғир ва беҳад изтиробли бўлди. Бектемир урушнинг даҳшатини шу йўлда бошдан кечирди. Душман самолётлари ҳавода тинимсиз изигани, кўринган ҳар қорага човт солгани учун, ёлғиз ўрмон паноҳида юришдан бошқа илож қолмади. Кечгача батальон аравалардан, машиналардан, тўплардан айрилди. Ёлғиз икки дүлемёт ва бир неча яшик ўқларнигина тишда сақлаб, «ке-

ракли юкнинг оғири йўқ» қабилида ботқоқлар, жарликлар, сувлар, тепаликлардан жондай азиз олиб ўтишди. Қоронғи тушиш билан Николин катта ерга олиб чиқди. Сениқ аравалар, ёнган машиналар, ўлик отлар, одам жасадлари ва ҳар нав ҳарбий буюмлар, парчаланган механизмлар тўкилиб ётган йўлда бир неча минут юрилгач, қандайдир пайдо бўлган болалар сирли товуш билан Николинни огоҳлантиришди: «Одинги қишлоқларга немис кирди. Йўл йўқ!»

Батальон ўрмонга чуқур кириб, жар бошига қўнди. Николин ҳеч нима демаса ҳам, жангчилар қуршовда қолганликларини пайқаган эдилар. Бу юракларга тошдек чўкди. Бектемир бир тўнкага бошини тираб оёқларини узатиб ўйлади: «Чекиниш албатта, жуда кўнгилсиз ҳол. Лекин урушда бўладиган гап бу. Янги позиция ишғол қиласан-да, янги кучлар билан душманни қаршилайсан, ўласан, ўлдирасан. Қўлинг баланд келса душманни зирқиратиб қувиб, чекиниш йўлини ғалаба ва қаҳрамонлик йўлига айлантирасан. Қуршовда қолиш-чи? Бу — сиртмоқ!» Дубов билан Асқар полвон унга яқин ёнбошлади. Бектемир уларга қарамасдан, секин деди:

— Қопқонга тушибмиз — бу қалай?

— Энди биз сичқонлармиз. Одамнинг фазилатини ерга урадиган нарса бу. Оғир кун... — сўкиниб жавоб берди Дубов.

— Командирда ақл кўп. Қибланомаси билан мўлжаллаб туриб, бир кичкина тешик топмасмикин — ўтардиккетардик... — уйқу аралаш сўкинди Полвон.

— Бир йўл бор: ё ўлим, ё ҳаёт, деб бирон жойдан ёриб ўтасан. Елгиз тўғри йўл шу, — деди Дубов Асқарнинг бошини ишқалаб.

— Бошқа гап йўқ, ёрамиз. Қани, тамакидан ол! — деди Бектемир бошини кўтариб.

Тун беғалва ўтди. Жангчилар шинелларига ўралиб зах ерда қумтошдай ухладилар. Тонг отиши билан батальон яна йўлга тушди. Разведкачилар теваарадаги қишлоқлар ва аҳоли яшайдиган пунктларни душман ишғол этганини билиб келдилар.

Бепоендек кўринган ўрмон ҳам энди хавфсиз эмасди — кутилмаганда, душман аскарларига тўқнашиш мумкин. Ҳеч кимда нон ушоқ ҳам йўқ. Оч жангчилар бошларини қуйи солиб ботқоқлар паст-баландликларни ошиб, чангалзорларни кесиб ўтиб, тинимсиз тентирадилар. Чеки-

ниш яна разил ёв орасида қолиш каби бахтсизлик, аскар кайфини қора, эзувчи булутдек қоплаганди. Бу туйғу очлик ва ҳорғинликдан кўра кўпроқ ўзини сездирарди. Оз гаплашиллар, кулги ва ҳазилни одамлар гўё тамом унутган эди. Ҳатто, теварақда ўлим қийнаганда ҳам, ҳазиллашиб завқланадиган жангчи Курочкиннинг ҳам шўх кўзларида чуқур қайғу ёнарди. Унинг асли табиати, баъзан фавқулодда қизиқ ҳол рўй берганда бир зумгина қинини ёрмоққа интилар, лекин биронта ўртоқнинг юзида уни қувватлаш аломатини кўрмай, аллақандай ўнғайсизлик билан бошини қуйи соларди. Совуқ, туманли, қоронги тун киргач, жангчилар нам ерга чўзиладилар. Бахтли одамлар халтачаларида кўз қорачиғидай сақлаган бир чеким-ярим чеким махоркаларини ўрай бошладилар. Тутунининг ҳиди кашаидаларни бетоқатлантиради. Ҳар бир чекувчининг атрофига «сорок»чилар йиғилади. Улар биринкетин ялинишди: «Қолдир!» Самонинг қора чодирини ҳар ёқдан ўт ямлади — узоқда қишлоқлар ёнарди. Ногоҳ қаердандир кучли миштиқ-пулемёт отишмаси бошланди. Бирон қисм жанг билан ёриб ўтишга қарор қилганини фаҳмлади. Николин уларга қўшилиш ниятида разведкачилар юборди. Жангчилар ҳам бирдан енгилланиб кетдилар. Аммо отишма кўп ўтмасдан бирдан жим бўлди. Разведкачилар узоқ тентиб, жон асарига йўлиқмай қайтдилар. Николин ухлашга рухсат берди. Қоқ ярим кечада қоровулар тревога кўтаришди. Жангчилар кўзларини роса очмасдан миштиқларига ёпишдилар. Уйқули товуш билан сўкениб, қалин дарахтлар орасида, зим-зиё тунда жангга тайёрландилар. Бироқ бир неча минут ичида аҳвол англашилди, чекиниш вақтда ўз қисмидан узилиб қолган бир взвод жангчилар йўл қидира-қидира тасодифан буларга дуч келган. Оғир ярадор бўлган младший лейтенант билан бешта жангчи қўшилди. Булар чала ўлик командирни дам плаш-палаткада, дам елкаларида тўрт кун муттасил ташиганлар. Очлик ва ҳорғинликда аксари сўзлашга ҳам дармонсиз эди. Николин қўл фонарини ёқиб, ягона ҳамшира билан бирга, ярадор командирга ёрдам кўрсатишга киришди.

Хира туманли тонг отди. Кўзлари шишинқираган, юз-қўллари кир, кайфсиз жангчилар ҳомуза тортиб керишиб, йўлга тушдилар. Кўзлари юмуқ, мурдадек рангсиз ярадор лейтенантни плаш-палаткада элтардилар. У ҳали мийиқсиз, ёш, гўзал йигит эди. Унинг ипакдек майин,

кўнғир-сарик сочини эрталабки шамол енгил тўзгитарди. Бектемирнинг юраги эзилиб ичидан уҳ тортиб қўйди. Пулемёт станогини орқалаган Асқар полвон бошини қуйи солиб, одати бўйича, оғир ва йирик одим отарди. Ҳаммадан олдинда, полевой сумкасини тиззасига тушириб, пилоткасини қийшиқроқ кийган Николин борарди. Унинг ташвиши ҳамманикидан ортиқроқ бўлишига қарамай, тетик юришга тиришар, дам-бадам аскарларни яширинча бир-бир кўздан ўтказиб қўярди.

Бутун кун қарийб тўхтовсиз юрилди — разведкачилар ҳамма йўлларда душман машиналари, тўплари, танк ва пиёда қисмлари узлуксиз ҳаракатда эканидан хабар келтирганидан, Николин ўрмондан чиқмасликка қарор қилди. У аҳоли яшайдиган қай бир пунктни, қай бир шаҳарчани мўлжаллаб, унга тўғри йўл бошламасин, бир оздан кейин иложсиз тўхтарди: унда-мунда душмандан қочиб ўрмонларда санғиб юрган хонавайрон одамлар — қарилар, аёллар, болалар қўлларини умидсиз соллаб, вазиятни тушунтирадилар.

Асқар полвон сарғайган кир, лекин қаҳрли юзидан терини артиб, Бектемирнинг қулоғига:

— Қибланомаси билан карта-мартасини командир йиғиштириб қўйсин. Энг яхши йўл бошловчи — таваккал! — деди секин.

— Бекордан-бекорга ўзни ўтга-чўққа уришдан нима фойда? Ҳозирги пайтда етти ўлчаб, бир кесиш керак, — жавоб берди Бектемир ҳорғин ва нохуш.

— Етти ўлчаш учун қорин тўқ бўлиши керак, — деди Асқар полвон. — Бўш қоп тик турмас. Эрта-индин милтиқ отишга ҳам мадор қолмайди. Унда нима?

— Айт командирга, — деди Бектемир ўйламасданоқ.

— Тилим қичиб турибди-ку... сал қўрқяпман. Бугун феъли айниб, чапақай жаҳли чиқиб турибди уни...

Асқар полвон индамасдан, милтиғи билан овора бўлди. Кечга яқин йўл устида ярадор лейтенант ўлди. Уни авайлаб ерга, қуюқ сарғайган ўт устига ётқиздилар. Жангчилар Николин буйруғи билан шу ерда чуқур қазиша бошладилар. Ҳамманинг кўнгли бузилди. Уликни кўп кўрган, ўлимни писанд қилмайдиган жанговарлар қандайдир чуқур диққат ва дард билан жасадга телмурадилар. Гўр қазилган, Николин жасаднинг бошида чўққайди, унинг кенг пешанасини, майин, кўркам сарик сочини меҳр билан узоқ силади. Гўрга қўйиш олдида у ҳорғин, бўғиқ

товуш билан қисқа гапириб охирида: «Тинч ухла, қим-матли ўртоқ. Жасур командир! Биз сен учун душмандан ўч оламиз!»— деди. Учларида ботаётган қуёшнинг шуъласи ўйнаган иккита адил оқ қайин орасида дўмбоқ пайдо бўлди.

Тунда ҳаво очиқ ва изғиринли эди. Узоқда бир-икки топқир кучли отишма эшитилди. Николин тонгда Бектемирни разведкага — узоқда, дарахтлар устида енгил кўтарилган тутун томонга юборди. Фақат, нечундир, Асқар полвон маъқулламагандай, ер остидан элатига қараб қўйди.

## ТУҲҚИЗИНЧИ БОБ

Бектемир аниқ маълумот йиғиш, батальонга тўғри истиқомат кўрсатиш ниятида узоқ тентиради. Ниҳоят, ўрмонда яширган сигирини соғиб кетаётган бир аёлдан уни-буни суриштириб қайтаркан йўлини адаштирди. Очиқлик ва ҳорғинлик билан ганграб ҳар томонга сўлоқлади. Бу орада, узоқларда қисқа, лекин кучли отишмаларнинг акси садосини эшитди. Душман тарқоқ гуруҳларни таъқиб этаётгани равшан эди. Ниҳоят, эрталаб, ўзи дидлаб қўйган баъзи аломатларга дуч келиб, тўғри йўлни топди. Бироқ манзилда ҳеч ким йўқ эди. Наридан сайхонлик бўйида, сочилган ўқлар, бир пачоқ пулемёт, унда-бунда ётган бир неча каска ва қон изларини кўрди. Демак, қисм жанг билан бу ердан узоқлашган... Бектемир теваракка эссиз ва лол қаради. Каттагина, чирик тўнғак орқасида мукка тушган гавдага кўзи тушди — югурди. Жангчининг бошини кўтарди. Ҳлик. Бўйнидан ўқ ўтган. Бу юриш-туриши дағал, бақувват, жасур рус жангчи эди. Бектемир унинг бошини ўт устига аста қўйди. Нарироқда, қуюқ ўтлар, пакана дарахтчалар орасида яна уч жасадни кўрди. Жангчи взвод командири старший сержант Степановни зўрға таниди: уни ёв қиймалаб кетган.

Кечга яқин. Ҳрмоннинг дардли суқуцати аста қораймоқда эди. Бектемир бу ерда ҳушсиз тентиради. У ҳар қандай хавфни унутган эди. Нечундир бу ер унга жозиба-ли туюлар, ҳорғин ўртоқлари суяниб, дам олган дарахтлардан узоқлашгиси келмасди. Қоронғи қуюқлашганини сезмай қолди у. Ногоҳ ҳеч ўйламасдан, ички бурчининг садоси билан, белни қўлга олди-да, нам, юмшоқ ерни қазий бошлади. Гўё тепасида кимдир қистаб тургандай,



шиддатли ва жиддий ишлади. Шаҳид дўстлари абадий маконда бемалол ётишлари учун чуқурни кенг қазишга уринди. Ниҳоят, ҳансираб, чуқурдан ирғиб чиқди. Жасадларни бир-бир қучоқлаб кўтариб келиб, қабрга қатор ётқизди. На қўли, на юраги титради. Фақат тупроқ тортигандан сўнг, қора тепача пайдо бўлгач, бирдан сесканиб кетди. Зим-зиё соқит ўрмон бепоён, сирли қабр каби туюлди. Милтиқни елкага осиб, истиқоматни тахминан бўлсин, белгиламай, туртина-туртина, қоқила-суқула тез юриб кетди. Жангларда ҳар он ўлим билан олишган йиғит, энди, гўрковликдан кейин, қорамтир, ваҳм ўрмонда танҳо қоларкан, илоннинг ўз оёқлари остида жилпанлаганини сезгандай бўлар эди. Лекин бир оздан кейин Бектемир ўзини тутиб олди. Ҳатто уни яна бояги лоқайдлик эгаллади. Қалин дарахтлар орасида, ботқоқларда кўрлардек туртиниш маъносиз эди. Ўт устига ўзини оғир ташлади, тош қотиб ухлади.

У, совуқдан ижирганиб кўзларини очганда, дарахтлар устида қуюқ туман сузарди. Бутун гавда зирқираб оғрийди; ўт тўшак ҳўл. Бошини, оёқ-қўлларини шинелга, гўё қопга бир нимани ниқиб тикқандай жойлаштиришга тиришиб, дўмпайиб ётди. Лекин баттарроқ жунжиди. Бирдан ўрнидан турди, енг учи билан милтиқни артиб, теваракда бурқиган туманга хомуш ва беҳол боқаркан, қулоқларига аллақайдан, узоқдан ит ҳуриши эшитилгандек бўлди. Ит бор жойда — турмуш бор, деган умид билан юриб кетди. Узоқ тентиради. Лекин бирон йўл қораси, ҳаёт аломати кўринмади. Очликдан ичаклари узилаётгандек сезиларди. Баъзи япасқи рус дарахтларидан нўхатдай қизил ва қора мевалар териб ошалади — тахир ва нордон. Сирка ичгандагидек қорнини шилиб юборди. Узоқда, сийрак дарахтлар билан қопланган қияликда қоп ва тугунлар орқалаган икки аёл ва бир чолнинг қораси кўриниб қолди. Фашистлардан жонларини, тақиртуқурларини олиб қочган шу ерлик колхозчилар бўлса керак. Бектемир бир зумда қанотланиб югурди. Улар кўздан ғойиб бўларкан, бутун кучи билан бақирди ва бошини дарахтларга уриб олиб, йиқила-қўпа чопди яна. Қиялик остидан кўлмак сувни чапиллатиб кечиб ўтди-да, юқорига тирмашди. Ҳансираб, томоғи қуриб, баландликдан теваракка қаради — ҳеч зоғ йўқ. У дадаси кетидан томошага отланиб боролмай қолган боладек, ўксизланди. Сарғайган ўтлар ва дарахтлар билан қопланган қияликка,

адил, кўм-кўк арчалар орасида ёнбошлади. Бу ерда ўрмоннинг муаззам манзарасини кўз билан кенгроқ сайр этмоқ мумкин эди. Қуёш осмоннинг катта қор далалари каби оқ булут парчалари жимгина сузган ва уфқлардан кўтарилган ётган қорамтир, нохуш булутлар орасидаги нафис, зангори саҳнга чиқди. Бирдан ўрмон чақнаб-ёниб кетди. Адил ва дилбар оқ қайинларнинг таналари кумушдай товланиб, ҳали тўкилиб битмаган олтин япроқлари кўз қамаштиргич ёрқин шуълалар билан ёнди. Бўйдор қарағайлар кучли қўлларини ёруғликка чўзгандай, яна ҳам азамат ва пурвиқор кўриндилар. Арчаларнинг тоза яшил мавжи нур билан ярқираб кетди. Новдаларда томчилар юлдузчалардек порлади. Ҳатто унда-мунда қўққайган ёски, говал тўнкалар ҳам офтобда исинган қари бобойлардек ёқимли, жозибадор туюларди. Пастдаги кўлмак сув ўз ойнасига толиб, чуқур пинакка кетган каби. Бектемир қудратли абадий кучга тўлгин рус табиатига берилди. Бунда бутун ер ҳаётнинг чуқур кетган, жўшқин кучга тўла, емирилмас томирлари билан чаплашиб олган. Чўпом Бектемир тоғларнинг муаззам, ваҳший тош тўлқинлари орасида танҳо яшаб, ўз фикрлари, ўз руҳига берилишга одатланган ва бундай ҳолларда у завқланарди, холос.

Ҳозир куз. Айрилиқ мавсуми ва ҳаётий кучларнинг бандлардан узилиш ҳам янгидан тўлқинланиш учун мудраш мавсуми. Шамол нафис япроқларни узади, ҳавода, эркинликда, бирпасгина улар билан ўйнашиб, эркалаб, сўнг ерга ташлайди. Бектемирга нотаниш қандайдир қушлар гала-гала бўлиб аллақайларга, узоқ, иссиқ диёрларга сафар қиладилар. Фироқ, жудолик ва узилиш чоғи... Лекин ўрмонда ҳаёт тўлқинсиз денгизнинг бутун салобати, қудрати билан нафас олади.

Қуёш булутларнинг юмшоқ, момиқ кўрпасида эркаланиб юмаланар, бундан ўрмон гоҳ ёрқин нур билан товланар, гоҳ мунгли кўлгага чўмарди. Новдалардан оналарнинг соғинч тўла юракларидан оққан кўз ёшлари каби томчилар томарди. Тўнғак орқасидан қўлоқлари диккайган қуён пайдо бўлди-да, коптокдек сақраб буталар орасига яширинди. Ҳамма ёқда ернинг чирик, лекин бақувват иси анқирди. Бектемир чувалган пайтавасини ечиб, болдирларини ишқалаб, қайтадан аскарчасига ихчам ўради. Кейин қўлларини бошига қўйиб, чалқанча ётди-да, мудраб кетди. Уйғонганда суяклари сирқираган, ўзини ланж туйди. Каскасини бошига тўнкариб, бир

инграб қўйди-да, теваракка ноумид қаради. Қаршида, сийрақ дарахтли иккинчи бир тепаликда, бир неча кишиларнинг — аёл ва эркакларнинг қорасини кўрди. «Душман зулмидан қочган қишлоқ аҳолиси», ўйлади ичида Бектемир ва юраги бирдан ҳовлиқиб, гўё ўз туғишганларини кўргандек, ўрнидан ирғиди. Югура туриб қичқирди: «Тўхтанглар!» Бироқ товуш эшитилмади шекилли, ҳеч ким қиё боқмади. Аскар дарахтлар орасидан, тўнгалардан ҳатлаб, қоқила-суқула чопди. Ҳансираб тепага тирмашди. Фақат жавдираган кўзларига ҳеч қандай инсон қораси чалинмади. Тили оғзига тиқилиб, бўғиқ-бўғиқ қичқирди яна. Урмонда ўз товушининг акс-садоси янгради, холос. Бектемир жаҳл ва ўқинч билан қўлини кескин силкитди. Иккинчи кун, тентирай-тентирай, тош йўлга яқин сайхонликка чиқиб қолди. Бу ерда бузилган аравалар, ўлик отлар орасида тупроққа қоришган бир неча одам гавдасини кўрди. Юраги шувиллаб, четланиб ўтаркан, 3-4 яшар қизчага кўзи тушди. Бектемир ўз кўзларига ишонмагандек, бир нафас жим қотди, кейин югуриб бориб қизчани кўтарди. Унинг кичик, тиниқ зангори кўзларига тимилади, толалари шамолда ҳилпираган майин, олтин сочларини силади. (Улим бўрони дарахтларни қулатибди-да, бу нозик ниҳолга шафқат кўрсатибди!) Қизча бирдан қичқириб йиғлаб юборди-да, оёқларини типирлатиб, ерга тушишга интилди. Бектемир уни астагина ерга қўйди. Қизча пилдираб чуқурча ёнида юзи билан мук тушиб ётган аёлга югурди-да, гўё ундан паноҳ тилагандек, унинг бошини кўтаришга тиришди. Бектемир ҳаяжондан, аламдан алақандай ўзгарган товуш билан сўради:

— Қизчам, бу сенинг онанг?! Мама-а? Мама?

Қизча ялт этиб қаради — унинг лўппи юзларидан томчилар юмаланарди. Бектемирга ҳамма нарса аён бўлди.

— Онанг ухляпти. Майли, ухласин, мен сени хуттага, папангга олиб бораман. Яхши! — деди.

Қаердадир самолёт товуши эшитилди. Қизча дарров Бектемирнинг тиззасини қучоқлади. Бошини унинг шиңели этагига яширди. Бектемир уни ердан узиб, бағрига босди-да, илдам юриб кетди.

— Қўрқма, папангга борамиз. Биламан, папанг яхши. У сенга қанд беради. Қанд, ах-ах, исладки...

Бектемирга қандайдир ёт ва хатарли туюлди. Улик отлар, куйгаң машиналар, пачақланган снаряд яшиқлари, ҳар нав механизм қисмлари ётган йўлда бир оз юраркан,

узоқда бир неча солдат қорасини кўрди, бирдан тўхтаб тикилди: немислар... Бектемир тездан ўзини пастанликка ташлади, югура-югура ўрмонга кирди. Ботқоқлардан, чаңгалзорлардан ўтиб, кечга яқин тўхтади. Қизчани ерга қўйди, қуруқ ўтларни юлиб қалин дарахтлар орасида «тўшак» ясади-да, қизчани ёнига ётқизиб ёнбошлади. Қизча ётсираб, қовогини солиб, тескари бурилди. Бектемир унинг совуқ қотган жажжи қўлларини пуфлаб-пуфлаб иситди. Юмшоқ юнг қалпоқли бошини силади ва очлик, дармонсизликка қарамасдан, бахтсизликка йўлиққан бу ғарибани — қанотсиз, қуйруқсиз ожиз қушчани овутмоқ истади. Шақ-шуқ қилиб милтиқни кўрсатди. Лунжини шишириб, бармоқлари билан худди ноғора чертгандай чертиб қандайдир ғалати товушлар чиқарди.

— Отинг нима? Айт, как звать? Айт, нима? Айта қол...

— Зиночка, — секин жавоб берди у гўё безътибор.

— А, яхши, Зиночка! — севиниб қичқирди Бектемир. — Энди қалин ўртоқ бўлдик. Қўлингни бер, Зиночка!

Қизча бирдан Бектемир тиззасига бошини қўйиб, эркалик, ялинчоқлик билан деди:

— Нон бер. Егим келяпти...

Бектемирнинг юраги эзилиб кетди. Бу қушча шу топдан ундан жон сўраса балки аямасди. Лекин нон қани? Халтасида нон тугул, ушоғи ҳам йўқлигини биларди. Ўзининг қорнини очлик таталаб беҳузур қиларди. Гўдакка нима деб жавоб беришни билмай, худди айбдорлардек бошини қуйи солди. Кейин қизчанинг елкасини қоқиб юпатишга киришди:

— Зиночка, нон эртага... Катта нон бераман. Қишлоқда бувим бор, ҳозир нон пишираётир. Ҳаммасини сенга бераман.

— А мама? Унга ҳам берамиз?

— Ҳа, сен берасан унга, — жавоб берди Бектемир дард билан.

— Ҳозир нима еймиз? — сўради қиз олтин киприкли зангори кўзларини жавдиратиб.

— Ҳозирми? Ухлаймиз...

Зина қовогини солди, бармоқларини тишлаб, лабини буруштирди. Самонинг булутлар сийрак зангорисимон саҳнида ҳали тўлишмаган қандайдир бешакл ой хира, рангсиз йилтиради. Бектемир гўё умрида ойни илк дафъа кўрган-

дек қизиқиб қаради ва қизчага тилсимли, ғалати ўйинчоқни кўрсатгандек бошини қимирлатиб:

— Биласанми, анов нима? Кўрдингми, чопаетир-а. Қаёққа боради?— деди..

— Луна,— жавоб берди Зина.

— Ўзбекча оймўма,— деб қулди Бектемир ва гўдаклар кўшигини эслади:

Оймўма пилла,

Қанотлари тилла...

Очлик ва ҳорғинликдан ҳатто сўзлашга ҳам мадори йўқ. Бектемирнинг кўзлари уйқунинг кучли сеҳрига қаршиликдан ожиз. У шинелининг бир томони билан қизчани ёпди-да, ёнбошлаб уйқуга кетди.

Бектемир кўзларини очганда ёмғир шиддатли ёғмоқда эди. Қалин дарахтлар ҳам пана бўлолмаган: шинель жиққа ҳўл; юзидан томчилар қуйилади, бўйнидан ичига ҳам сув оқиб тушган. Суякларига оғриқ. Қизча унинг бағрига суқилиб инграб ётарди.

— Зиночка!— деб қичқирди Бектемир ўрнидан туриб. Кейин у милтигини елкасига осди, бўш буюм халтасини қизчанинг бошига кийгизиб кўтариб олди. Кийимлари жиққа ҳўл бўлган қизча энди хийла оғирлашган эди. Оч бўридай увиллаган совуқ шамол юзини қамчилайди. Ўрмон ваҳимали гувиллайди. Баъзан Бектемир тиззагача лойга ботади. Каловланади, йиқилади. Гўдак йиғлайди. Шамол, ёмғир, ботқоқ, ўрмоннинг қўрқинч, ваҳм шовқини гирдобиде йигит ўзини забун сезди. Бектемир жуда кўп эртак биларди. Уларнинг аксариде қаҳрамон қуш учса қаноти куядиган, ҳар қадамда янги бир офат кутадиган, «борса келмас» йўлларда не-не азоблар, не-не машаққатлар чекарди! Лекин ҳозир Бектемирга ўз аҳволи уларникидан қулайроқ кўринмади. Ҳозир у, ўқ довули орасиде ўлиб кетмаганига пушаймон қилди. У бирон қишлоққа таваккал билан кириб, қизчани бирон оилага топшириш умидиде эди. Шунинг учун у тизза бўйи лой кечиб узоқ юрди. Лекин у ҳеч қанча йўл босмаганини фаҳмлади-да, тўхтади, панароқ жой қидириб теваракка аланглади. Кўм-кўк арча шох-шаббасидан учбурчак шаклида ясалган чайлачага кўзи тушди. Олдин қувонди. Шалвираб бир неча қадам отди. Хавфсираб яна тўхтади: «Кимники? Балки немис қо-

ровули... Майли, ёлғиз бўлса бас. Уни ўлдирмагунимча ўзимга ўлим харом бўлсин!»— деди-да, аста пусиб борди. Чайлада ҳеч ким йўқ. Гугурт чўпи ва махорка чекиндила-рига диққат билан қаради. Қизчани ерга қўйди.

— Энди дам оламиз. Дожда плохой, совсем плохой,— деди Бектемир Зинанинг совуқ, оқарган юзини силаб. Қизча индамади, у жуда нохуш эди. Бектемир эҳтиётдан, дастлаб милтиқни артиб, қисмларини тезда текшириб қўйди. Шох-шабба орасидан сув силқиб томчиларди. Ҳарна бошпана! Бир оздан сўнг шинелини ечди. Ботинка ва обмоткаларидан лойни тозалади. Кейин ташқари чиқиб, қайинларнинг қуруқ шохларини шарақ-шарақ синдириб юраркан, қизчанинг ногоҳ қаттиқ қичқирганини эшитди. Лой сачратиб югурди.

— Нима қилди, қўзичоғим? Қўрқдингми? Йўқ, мен шунда,— деди Бектемир.

Зина, бўғила-бўғила йиғлаб, гўё меҳрибонидан айрилаётгандай унинг тиззасини қучоқлади, Бектемирнинг қайғуси гўё ҳалқумига тиқилди. Йиғлагиси келди. Зинанинг ипакдай сариқ сочларини силади.

— Жим. Йиғлама. Ҳозир олов ёқамиз. Иссиқ бўлади.

Ўтинни майдалаб, роса диққат билан чайла ўртасига қалади. Қутичада уч дона гугурт чўпи. Чайла эшигини шинели билан тўсиб, тўнқайиб худди юрак ипини узгандай титраб-қақшаб гугурт чақди. Сўнгги чўп беҳуда кетмади. Пуфлашнинг зўри билан ўтин ниҳоят чарсиллаб ёна кетди. Бектемир ўт олдига Зинани ўтқазди. Ўзи ҳам чордана қурди. Олов ҳорғин ва оч баданига элитувчи бир ҳузур ва ором бағишлади. Котелокка ёмғир сувини тўлдириб ўтга қўйди. Ҳарна ичга иссиқ кирсин. Қизча котелокка тикилиб, севиниб, чучук тил билан қичқирди:

— Каша пиширасиз?

Бектемир индамади, хўрсинди. Кейин ўрнидан турди:

— Ўтир, йиғлама. Обед ясаймиз.

Теваракка айланиб, қўзиқорин қидирди. Бирпасда каскасини тўлдириб қайтди. Муштдай-муштдай юмшоқ қўзиқоринларни чўп сихига териб, ўтга тутди. Жизиллаб, буғланиб, қуришган қўзиқоринни қизчага берди. Ўзи ҳам бутун-бутун оғзига ташлаб турди. Бу кабоб унга жуда ширин туюлди. Зина ҳам иштаҳа билан еди. Бектемир бунни умрида биринчи марта тоғиши эди. Лекин қўзиқоринни баҳорда, савр ойида, ёққа қовуриб ейишларини эшитган эди. Кулиб, қизчани кўпроқ овқатга ундаб, деди:

— Яхши кабоб. Нондан яхши. Ол, ол.

Бектемир «кавоб»ни кўп пиширди, кўнгли айнигунча еди. Кейин гулхани авжлантириб, кийимларини қуритди. Болага эрмак бўлсин деб, ҳар хил «кўз бойлоқчилик» ҳунарлар кўрсатишга тиришди: чўғларни чаққонлик билан ҳавога отиб, илиб олди, кафтдан-кафтга ташлади. Бундан ўзи ҳам боладай овунди. Бир неча вақт юракдан дилгирлик кўтарилди.

Қоронғилик чўққисидан тушгандек туюлди. Гўдакни ухлатди, чўққа тикилиб изтироббахш ўйларга, хаёлларга берилди. Ўз қишлоғини, ували-жували, ҳар вақт қий-чув тўла оиласини ёдлади. Дўсти Асқар полвонни ва ўзга ҳам-қишлоқларини, Дубовни соғинди. Қизчага ачинди. Иложи бўлса, уни бировга топширмасдан ўз батальонига элтишга қарор қилди. Ёмғирнинг эзувчи шовқини, каскасига «чиқ-чиқ» томувчи ва бўйни орқали ичга оқаётган муз томчилар унинг руҳини эговлагандек бўлади. Гулхани сўндирмаслик учун оз-оз ўтин ташлаб турди. Бир маҳал узоқдан, аллақайдан, ёмғир ва шамол тўполонида қулоқларига ўқ садоси гира-шира етди. Бутун диққати билан тинглади. Отишма. Ҳар ҳолда сергаклик билан тунашга жазм қилди. Милтиқни тиззадан айирмади...

Эрталаб яна кўзиқориндан кабоб қилди. Фақат, бола емади. Ёмғир аллақачон тинган. Кўкда оқ булут қарвонлари ялқов сузса-да, қуёш ҳашамат билан чақнаб кўтарилди. Куз ўрмонининг ювилган, тоза, сарғиш-қизғиш олтинини ёлқинлатди. Томчилар суюқ оқ шуълалар каби чақнайди. Ўрмон ўз ҳуснига сеҳрланган каби муаззам ва мунгли бир сокинлик сақлайди. Онда-сонда қандайдир қушларнинг овози совуқ ва ёрқин ҳавода янграб жим бўлади. Бектемир кўксига енгилланиш сезди. Бокира куч ва гўзалликни табассумлантирган бу манзарада қондан, офатдан ва изтиробдан иш ҳам йўқ. Бектемир урушда қуёшни бўғувчи қора тутунлар, қонли тўзонлар, ипир-ипир қурумлар, даҳшатли ажал суронлари гирдобиде ботган ва тиниққан ҳолда кўрарди. Бу кунги қуёш унинг тоғларида, кумуш булоқларда юмалаган қуёшдек жонли, ёрқин, кўркам эди. Бектемирнинг руҳи офтобда бир сеҳрли қудрат туярди. Бир вақт, ёз куни, қуёш тутилганини мушоҳада этган эди. Қуёш кўлкага кирган сари муаззам тоғлар, қоялар, атласдек товланган адирлардан ранг, тур, ҳаёт сўнган, ҳатто сувларнинг шўх қўшиқлари тингандек туюлган эди. Шунда зоотехник югуриб келиб бир парча қора ойнани Бектемир-

нинг кўзларига тутқизиб, ҳодисани ҳовлиқиб тушунтира бошларкан, йигит эшитгиси келмай, қўлларини гамгин силкиб узоқлашган қуёшга ачиниб йиғлагиси келган эди...

Бектемир болани кўтариб кун чиқишга қараб дадил кетди. Лекин балчиқ, йўлсизлик уни тезда толдирди. Жарликлар, тепаликлар, кўлмак сувлар, чангалзорлар қийнади. Очликдан, ҳоринликдан қизча кўз очишга ҳам дармонсиз: аскарнинг елкасига бошини қўйиб, тебраниб борарди.

Кечга яқин, сийраклашган ўрмон орқали, йўл ва унда мунда сочилган қишлоқ уйлари кўринди. Дарахтлар ора-лаб илдам юриб, энг яқин ва энг чеккадаги уйга орқа томондан борди. Пастгина тахта девордан ошиб ҳовлига тушди. Аланглади. Жон асари йўқ. Рўзғор асбоблари турган жойида қолган. Хоналар берк. Бектемир орқадан ниманингдир «хўмм...» деганини эшитди. Тахта уйнинг ертўласида ҳайвон борлигини пайқайди. Лип этиб кирди — катта ола сигир турибди, елини тарсиллайди. «Қизчага бу — она сутидан ҳалол...» деб қувонди-да, соғишга чўққайди. Котелок йўқ, ё чайлада унутган, ё туширган. Сувдонга соғди. Тўлдириб, боланинг оғзига тутди: «Ич! Бу сут — дори бўлади». Бола ҳузур билан қулт-қулт ютди. Кейин қайта-қайта соғиб, ўзи ҳам ҳалқумига келгунча ичди, гўё баданига дармон югурди. Қизча жонланиб, «Колова? Колова?» деб, ётсираб пишқирган сигирга тегажаклик ҳам қила бошлади. Бектемир унинг қорнини чертиб: «Ётар энди, қорнинг мешдай шишибди» деб кулди-да, ташқари чиқди. Пичанхонага кириб, эшикни тамбалаб, қалин, майин ва хушбўй пичанга болани кўмди: «Ухла! Йиғлама!» Кейин Бектемир ҳовли эгаларидан бири сигирдан хабар олгани келса учрашиб, йўл-йўриқ сўраш умидида «тиқ» этган товушга қулоқ солиб ётди. Тунда чўчиб уйғониб, пичан-дан аста бошини чиқариб, ёт тилда маст қичқиришлар, машина моторларининг тўхтовсиз гумбурини, онда-сонда автомат очерелларини эшитди. Тонг қоронғисида пичанхонадан чиқди. Теварак тинч. Ҳаво туман. Узоқда гоҳ-гоҳ автомат очереди тараклаб қўяди. Бектемир ертўлага кирди — сигир йўқ. «Ё тунда эгалари олиб кетган, ё немис қассобларга ем бўлган!» деб ўйлади ичида у. Сувдондаги сутни болага сақлади. Уйқули қизчани пичан орасидан кўтариб ўрмонга югура кетди.

Дарахт бошларини тутундай чулғаган туман орасида узоқ тентиради. Бу кун қуёш ҳатто бирон минут ҳам «йилт» этмади. Бектемир кечаги йўл истиқомати билан



юришга тиришди. Ҳорғинлик соат сайин уни босар, ерга қоқар, қадами орқага тортилгандай туюларди. Гоҳо у гайри ихтиёрий равишда чўккалаб қоларди. Юзидан кир терни сидиради. Гўдакни ерга қўйиб ҳансираб, тиззасини лойга тирайди. Сўнг, сувдонга чўзилган гўдакка бир-икки қултум сут ичиради. Гапиришга дармони йўқ — қўли билан, кўзлари билан ишора қилади: «Бас!» Енгилланиш орзуси ҳаммадан кучли. «Керакли тошнинг оғирлиги йўқ» деган мақол, киши ўз гавдаси оғирлик қилган бир пайтда, бутунлай мантиқни йўқотган эди. Бектемир милтиқни ташлашга неча марта қарор этди, лекин ҳар гал воз кечди. Бусиз бизни немис эмас, бу ўрмонда тишсиз бўри ҳам гажиб кетади!»

Эртаси, кун оққандан кейин, бир тепача остида ҳўл, сариқ япроқлар устида ёнбошлади. Гўдак эса энг кейинги қултум сутни ютиб, бошини бўйни ичига олиб нохуш ўтирарди. Кўкда булутлар қуюқлаша бошлаб, майда ёмғир томчилари барглارни шилдиратиб, шувиллай бошлади. Бектемир гўдакка кўз қирини ташлади. Унинг юмалоқ юзи энди сўлғин ва бужмайган, касалларникидек сарғайган эди. «Бу чумчуққа бир ин топмасам бўлмайди, уволига қоламан», деб ўйлади ичида у. Шу аснода ёмғир ва шамол шовқини аралаш қандайдир товушлар эшитилди. Бектемир сачраб тиз чўкди, ҳансираб аланглаган кўзларини теваракка қадади-да, бутун ғазабини милтиқ тепкисига йиғди. Унинг ҳаракатидан қўрққан гўдак, титраган қўллари билан Бектемир қучоғига отилди. Уни йиқилган йўғон дарахтлар орқасига ўтқазди, лабларини қисиб, қўллари билан танбеҳларди: «Йиғлама!» Бектемир ўқ узишга ўнғай ва хавфсиз жойни кўзлари билан қидираркан, тепа бошида, шамолдан чайқалган ёш дарахтлар орасида рус жангчилари кўринди. Улар тўрт киши. Биттаси оқсайди. Русча сўзлар Бектемирнинг қулоқларига ёқимли сезилди. Бектемир қаттиқ қичқирди: «Братцы!» ва қизчани қучоқлаб қоқила-қоқила югурди. Улар Бектемирни солдатча сўкув ва ҳазил билан қаршиладилар. Бектемир русча лугатини ҳаракатлар, ишоралар билан қувватлаб, ўз саргузаштини ҳаяжонли сўзларкан, жангчилардан бири — ўнг қўлини бўйнига осган, чўтир башара, новча, бесўнақай жангчи, тоқатсизлангандай унинг сўзини кесди:

— Кимга айтаётибсан? Лаънати чекиниш йўли, азоби кимга номаълум. Биздан сўра! Қани, тамакинг бўлса чиқар.

— Ҳа, бир-бир тортсак маза бўларди,— деди ҳорғин, мудроқ кўзли бошқа бири.

— Э... бекорга эсимга туширдиларинг. Бир тортиш — бир умрга арзийди. Қани?— бошини сараклади Бектемир.

Гавдаси кичик, чўпдай ориқ, қандайдир инсон тоб бермас газаб ва машаққатлар чеккани бутун сиймосидан кўринган, юзини сариқ, дағал, кир соқол босган бошқа бири гўдакка қизиқди. Жонсиз, титроқ бармоқлари билан қизчанинг сўлғин, ўчиқ юзини силаб, уни гапга солди.

— Отинг нима, айт, қизчам, айта қол. Ну, ну, аразлама.

— Зиночка, гапир. Яхши амакиларинг-ку,— деди Бектемир гўдакни ерга қўйиб, толган билагини уқалади ва уни қандай топганлигини сўзлаб берди. Жангчилар узоқларда қолган митти-митти нуридийдаларини, туғишганларини эсладилар. Қўли ярадор дов жангчи деди:

— Меникилар, бирваракай учтаси, урушнинг биринчи куниеқ ерга кетди...— бу тўғрида Бектемирга илк гапиргани учун тушунтира бошлади.— Биринчи бомбаларини Гитлер бизга юборган, ука. Военкоматдан югуриб келсам, кўчамга кира олмайман — гишт, темир-терсак, тутун, ўт. Одамлар уйимизнинг тош-тупроғини ковламоқда. Шундан кейин қандай қилиб жинни бўлмадим, билмайман.

— Дўстим, ғам ёлғиз сендами,— деди Бектемир.— Ҳамма ғам дарёсига ғарқ бўлган...

Жангчилар ҳалиги кичкина, ориқ, юпун оқсоққа «ўртоқ майор» деб мурожаат қилардилар. Бектемирга майор ўзини жиддий ва буйруқдор тутгандек туюлди.

Бектемир:

— Уртоқ майор, ўлиб қолмасмикан. Жуда мурғак-да,— деди.

— Ҳечқиси йўқ. Ўлмайди. Руснинг томиридан бу, — деб жавоб берди у.— Менинг полкимнинг қизи бўлади. Хўш, кетдик.

Гўдак ҳеч кимга боргиси келмади. Кулишдилар. «Соқолли онажонингни шу қадар севасанми?» Йўлга тушишди. Ёмғир гоҳ шивалаб ёғар, гоҳ тинарди. Совуқ шамол ўрмонни ваҳимага тўлдириб қутурарди. Кир, юпун одамлар ҳансираб, каловланиб, букилиб боришарди. Очлик ва бениҳоя ҳорғинлик ҳаммани гаранг этган. Бектемир энди ўзига қандайдир куч кирганини сезди, кўнгли тинч ва ишонч билан тўла эди. Қаёққа кетишмоқда, йўл тўғрими,

хавфсизми, энди ўйламади. Лекин совуқ шамолда жун-  
жиб, мадорсиз тебраниб бораётган оқсоқ майорга ачинди.  
Учинчи жангчига — орада энг ёш ва энг тетик кўринган,  
камарига китобча қистирган йигитга — Глуховга секин-  
гина деди:

— Командирга шинель бериш керак. Меникини ол-  
син.

У бошини чайқади:

— Олмайти. Оғир бўлади, дейди.

— Сизларнинг командирларингизми? — деб сўради.

— Йўқ. Уч кун бурун, сенга ўхшаб, учраб қолди. Фа-  
шист асирлигидан қочган.

Бектемирга ҳамма нарса аён бўлди. Бир вақт Ду-  
бов разведкага борганда, шундай бир лейтенантни чала-  
жон ҳолда жарликдан топиб, қисмга опичиб келтирган  
эди.

Икки-уч соатдан сўнг дам олишга ўтиришди. Анча вақт-  
гача ҳеч кимдан садо чиқмади. Ёнбошлаб ёки бошларини  
лойли тиззаларига қўйиб, мудраб ўтиришарди. Баъзан,  
гўдак инграб, яна кўзларини ожиз юмарди. Бахтларига  
ёмғир тинди. Фақат, шамол дарахтлардан совуқ томчилар-  
ни уларга сепарди. Хийла вақтдан кейин Глухов турди ва  
майорга мурожаат этди.

— Бу ерда тунайдиганга ўхшаймиз. Мен у ёқ-бу ёқдан  
хабар олиб келай. Шу яқинда қишлоқ бор, ҳидини сеза-  
ётирман.

Майор рухсат этди, баъзи кенгашлар, маслаҳатлар бе-  
риб, хасталардек кўзларини юмди.

— Шошма, мен ҳам бораман, — деди Бектемир Глухов-  
га. — Разведкадан кўра қурсоқни ўйлаш керак. Бўлма-  
са, болага жуда ёмон бўлади.

— Чайнашга бирон нарса топмасак, эртага ўзимиз ҳам  
ердан бош кўтара олмай қоламиз. Қизчанг йиғлайди — сен  
борма. Милтигингни бер. Қалай, бузуқ эмасми?

— Касали йўқ.

Майорда иситма пайдо бўлди, алаҳлай бошлади. Уни  
шоҳ-шаббага ётқизиб, устига Бектемирнинг шинелини ёп-  
дилар. Совуқ шамол, нам ҳаво мадорсиз баданларни кучли  
зирқиратиб оғритарди. Ўрмонда бирдан қоронғилик қуюқ-  
лашди, совуқ ва рутубат кучайди. Ўт ёқишга қарор қилди-  
лар: «Фриц учун тунги ўрмондан кўрқинчлироқ нарса  
йўқ». Лекин шакли ғалати ва чиройли зажигалкадан ўт  
чақиш қийин бўлди. Ҳамманинг умиди кесилганда, зажи-

галкадан, мўъжиза қабилда, ўт чақнади. Гулхан теварагига хурсанд ўтиришди. Командирни ҳам шинелга ўраб, ўтга яқин ўтқазишди. Глуховнинг қайтмагани хотирни гаш қиларди. Майор гоҳ бирдан сачраб бошини кўтарар, алаҳлаш орасида Глуховни сўрарди. Зим-зиё кўкни хумга қамалган арилардай, самолётларнинг якнасоқ гувиллаши қоплайди. Улар ёнгин ва ўлим ташийдилар. Ҳамма бир-бирининг тиззасига бош қўйиб ухлайди. Бектемир дарахтга суяниб мудрайди, тиззасида қопга ўралган гўдак; гулханга оз-оз ўтин ташлайдилар.

Кун ёришганда майор турди, унинг туси жонсиз ва аянчли эди. Аммо, у фоз бўйнида ингичка бўйнида қилтиллаб турган бошини дадил ва бақувват тутишга тиришарди. Шинелни Бектемирга ташлаб, таибеҳловчи товуш билан деди:

— Раҳмат. Лекин ўз соғлигингни унутма. Тунда роса жаврагандирсан.

— Нега, ўт ёниб турди-ку, — деди Бектемир.

— А, биламан ўзбекларни. Сиз сахий қуёшда ўсгансиз, — деди-ю, бир оз ўйланиб, чирсиллаб ёнаётган гулханга суяк қўлларини тутиб, сўзида давом этди:— Бу ўтнинг ҳам онаси — қуёш. Дарахтлар қуёшнинг кучини қамрайди. Мана ҳозир ёниб, иссиқни бизга қайтаряпти. Тушунасанми, табиат жуда қизиқ ва доно...

Бектемирга, собиқ содда чўпонга, командирнинг фикри гоят ёқди. Соф, лола ранг ёлқинга термилиб, ҳалиги фикр ҳақида узоқ ўйлади.

Глуховни кутишди. Майор лой, чирик латталарни эҳтиёт билан ечиб, ярани очди. Ҳамманинг юзи буришиб кетди. Яра даҳшатли эди. Бектемир, ҳатто қарашга ботинолмай, юзини ўгирди.

— Қандай юрасиз?

— Бу ахир оёқ эмас-ку! — дейишди жангчилар нафасларини ичларига тушириб.

— Анча тузук бўлиб қолди. Ёзда қурт қайнарди бунда. Нёмис лагерида юзларча ярадорлар кун бўйи қурт терар эдик. Шундай сассиқ эдики, янги келганлар ҳушдан кетарди... Ҳавонинг қадрини билиш керак, болалар. Мана, ўрмон ҳиди — бундан ёқимли нарса борми? Бу ерда ўлим ҳам бахт. Бироқ фрицнинг гарданида ҳаққимиз бениҳоят кўп. Бир сўз билан — қасос. Бу орзу магнитдек ҳаётга тортади. Шунинг учун бевақт ўлимдан қўрқаман.

— Қасос! Ўзбеклар «хун» ҳам дейди. Яъни, қонга—

қон!— деди Бектемир. — Ким қасос олади? Биз эркаклар тўзғиб ўрмонларда каламушлардан ин сўраб юрсак, фашистнинг йўлини ким тўсади? Оналар, сингиллар майдонга чиқадиими?

— Чекиниш — ҳамма ёмонлик мана шу сўзда, — гапга аралашди кенг, мурабба юзли, қизил сочли, юмалоқ, пучатой бурунли жангчи Пахомов. — Албатта, баъзи вақтда чекинмасдан илож йўқ. Лекин чекиниш душманга яна ҳам қаттиқроқ човут солиш учун бўлиши керак, қопга тушиш учун эмас. Кейинги чекиниш шундай бемаъни бўлдики, ўйласам, у кун тош бўлиб ҳалқумга қадалади. Немис шовқин-сурон билан, қутурган итдек, атакага ташланди. Утни шиғаб берамиз-да, улоқтириб ташлаймиз, ярмиси ер тишлаб қолади. Тонгдан буён олтинчи атакасини қайтарган эдик. Фриц остонамизда тишини синдириб, энди тўкилган ҳаром суякларини даладан теришга киришди. Уртада чўкиб қолган танк учун бирпас қизгин бўғишдик. Қўшинларимиз ҳам бақувват эди. Мен онамга хат ёзишга ўтирдим. Сўзлар худди тўқимачи шоирникидай қуйилиб, бир-бирини бежаб тушади: Онажон, сени суяман, лекин Ватан — онадан азиз. Кўксим унинг меҳри билан тўла. Улсам, қайғурма, фахрлан. Мен мардларча ўламан! Ва ҳоказо... — хатни туморча қилиб турганимда, орқага чекинишга буюрилди. Наҳотки, бизнинг лақма лейтенантимиз душманни дўзахга ағдариш учун бирон айёр план тўқиган бўлса!— деб ўйладим. Йўқ, ваҳм сир очилиб қолди. Полк штаби билан алоқа узилган, дивизия штаби тор-мор бўлибди. Орқада душман парашютчилари хўжайин эмиш... гаплар рост бўлиб чиқди. Қуршовни ёриб, баттарига тушиб қолдик. Роса қон тўкишдик. Қирдик ҳам, қирилдик ҳам.

— Ҳа, бу ердагилар сендан озроқ кўрганми? Қариганингда набираларингга эртақ қиларсан, — деди узоқда қандайдир ёввойи мева чайнаб ўтирган Кудрин, зангори кўзларини олайтириб.

— Хоҳламасанг қулоғингга пўкак тиқиб ол!— деди Пахомов ноҳуш овоз билан. — Аввал мен ўзим иқрор қилай, суҳбатга ҳамма вақт иштаҳам баланд, атакага борганда ҳам, немис босиб келганда ҳам ёнимдагиларга гапириб қўяман. Иккинчидан, ким айбдор, буни билиш керак? Кейин, чекиниш деган сўзни барча каллалардан ҳам, уставдан ҳам ўчириш керак. Фрицни ўтхонага қамаб олишга ўрганишимиз лозим. Ҳали ўртоқ майор айтган қасосни мен шундай тушунаман.

— Тўғри, Пахомов,— деди Бектемир қизчани шинелига аста ётқизиб, ўз тиғзаларини уқалаб. — Олдинга бос, ёки доақал, бир жойда темирдай қоқил: ўлдир ё ўл!

Майор жангчилар берган латта-путталар билан оёғини боғлади. У жангчиларнинг техника ва тактика ҳақидаги мулоҳазаларига аҳамият бермагандек, чўғни титиб ўтирди-да, деди:

— Ҳарбий совет ёпиқ. Бир жуфт сўз ўзимга. Вазият, шубҳасиз оғир. Партия урушнинг энг бошидаёқ мамлакат катта хавф остида қолганини уқтирган эди. Немис урушнинг тарозусига бирдан ва бирваракай оғир тош ташлаб юборди. Бу бизнинг палламизни қаттиқ силкитди. Лекин тўнкара олмади. Олдинга босган сари, бизнинг муҳим иқтисодий районларимизни босиб олишига қарамай, душман мадордан кетяпти. Фриц ўз галабасидан ўзи рози эмас. Оғзини кўпиртириб мақтанади, аммо ичини шубҳа изғирини ялайди. Чунки Европада муваффақият қилганидек, бизни ҳам аниқ жадвал билан тез кунда тиз чўқтирмоқчи эди. Чиқмади. Уни соатлар, кунлар эмас, ҳафталар, ойлар алдаяпти. Фашист ҳайрон ва ғазабли. Кун сайин фашистнинг асаби ишдан чиқяпти. Мен буни лагерда сездим. Бир қарироқ немис бор эди. Бошқалардан ўлчовсиз юмшоқ эди; соғ асирларни тепарди, ярадорларга вовилларди, холос. Кейинги вақтларда шундай қутуриб кетдики, ҳамма жаллодлар унга нисбатан қўйдек ювош бўлиб кўринди. Бир кун ундан қитдай раҳм тилаган аёлларимизни қўндоқ билан саваб бақирди: «Сенларни қийнашдан роҳат нарса борми дунёда? Ботқоқларингда учинчи ўғлимни кўмдим. Бутун Европани забт этганда, уларнинг жимжилоғи ҳам қонамаган эди. Москва айбдор. Нега таслим бўлмайди? Шаҳарчаларнинг остонасида аҳмоқона қон тўкасанлар... Рус ерида бирокта томирларингни қолдирмаймиз?» Бу жаллоднинг психологияси мени, менга ўхшаш мажруҳ командирларни бениҳоят қувонтирди. — Майор хаста оёғини ўтдан нари суриб, оғриқдан юзини буриштирди. Унинг жонсиз ва мумдай сариқ юзида фикрнинг нури сирпанди. Мажолсиз ҳансираб давом этди у. — Шундай, душманинг иши пачава. «Блиц криг» кўмилди. Биз урушни душманни хирпаловчи, гангратувчи, қоп-қора қонга бўёвчи оғир курашга айлантирдик.

— Уртоқ майор, биз кимни кўмдик? Иблис крик ким у? — деб сўради Бектемир қизиқиш билан.

Ҳаммалари оқ кўнгиллик билан кулишди.

— Гитлер яшиндай бир зарба билан, худди дарахтни қулатгандек, мамлакатимизни емирмоқчи, бизни кишанламоқчи эди, — деб тушунтира бошлади майор. — Мана шу плани барбод бўлди. Энди уқдингми?

— Минг йил чақмоқ чақсин, улкан тоғ гердайиб тураверади, — деди Бектемир қатъий.

— Тўғри, йигит. Биз — тоғ, — маъқуллади майор. — Душман ҳам жуда кучли. Бутун Европанинг машинаси унга хизматда. Биз чекиндик. Даҳшатли чекиндик. Лекин мен чуқур ишонаманки, армиямиз ўтда чиниқди. Душман-чи? Чарчаяпти. Энди уни муҳим линияларда ерга михлаш керак. Рус қиши бир гувиллаб берсин, техникамизнинг, газабимизнинг кучини унинг қаҳрига қўшиб бир ташлансак, фрицнинг ҳолига вой! Ана шунда қувла, бос, ур, қир!

— Ах, гадина кўзларимиз остида ҳаром қотади! — деди Кудрин қалин лабини қисиб.

Қуёш булутлар орасидан гоҳо бир лаҳза йилтираб қўярди. Урмон жим ва ўйчан. Булутлар орқасидан душман самолётларининг таниш ва машъум садоси эшитиларди. Қиз инграб йиғлади. Майор сабрсизланиб ҳар ёққа тикилди.

— Глуховга нима бўлди-а? Наҳотки... — деди майор секингина.

— Бизнинг студентчамиз тинч ин қидиргани кетган экан! — деди Кудрин киноя билан.

— Бўхтонлама! Ундайлардан эмас у. Балки адашган, ё мадорсиз йиқилган. Қўлга тушганми, ким билади, — деди Пахомов тўнғиллаб.

— Уқиган йигит, китобли... — деди Бектемир.

— Кўрганмиз шундай китобхонларни... Бизнинг ротада биттаси бор эди, ярим профессор. Беш хил тил биларкан. Атакага кўтарилганда, у ўзини буғдойпояга, чуқурликка урарди. Охирида, бир кечада ғойиб бўлди. Фрицнинг товонини ялаётгандир...

— Йўқ, Глухов виждонли йигит. Биринчи қарашдаёқ мен туйган эдим. Ўлган бўлиши мумкин. Теваракда душманлар изғийди, — деди майор.

Кўп ўтмасдан ҳансираб Глухов етиб келди. Елкасида милтиқ, қўлида немис автомати. Ҳамма хурсанд ва енгил хўрсинди. Пахомов ер остидан Кудринга ўқрайиб қўйди. Глухов ҳамма чўнтақларидан картошка чиқарди-да, ўтга яқин тиз чўкди. Пахомов, картошкаларни ҳавас билан бир-бир ушлаб, ўтга кўма бошлади:

— Маза қиладиган бўлдик, Васька!

— Нука, гапир, бу ўлканинг тарихини... — деди майор автоматни завқ билан сиңчиклаб кўриб. — Дискада ўқ тўла эмас. Майли, пайти келганда биронтасини ҳам бекор кетказмаймиз.

— Ну-да, балли, Васька, — деди Кудрин айбдорча кулиб. — Мен иқрор бўлай, ўйлагандимки...а, сен ҳам овқат, ҳам ўлжа билан марҳамат қилдинг.

— Кеча бир қишлоққа яқин бордим, — деди Глухов хаяжон билан. — Баланд ва очиқ ерга жойлашган экан, киришга ботинмай, ўт орасида ётдим. Узоқда оқарган йўлдан немис машиналари, батареялари, тягачларининг кети узилмайди. Маст фрицларнинг қўшиғи, сўкиш... Асирларни олиб ўтишди. Кўплари ярадор, ярим яланғоч. Отлиқ конвой зўрқиратиб ҳайдайди. Уради. Одамлар йиқилдилар, яна зумда туриб чопадилар. Роса йиғладим. Бир вақт ёнимдан ағрайиб бир аёл ўтди. «Хола» деб имладим. Қўрқувдан кўзлари жинниларникидай, беҳуш... «Қишлоқда немислардан бўш уй йўқ» деди. Афтимга тикилиб: «Биламан, очсан, кун қорайганда келаман, кут», деб кўздан йўқолди. Қимирламай ётдим. Чиндан ҳам бир бўлак нон билан шу картошкани ташлаб кетди. Нонни кўриб, иштаҳам шундай очилиб кетдики, ўзимни тия олмадим. Бир бурдасини, иштаҳамдан базўр юлиб олиб гўдакка сақладим. Мана,— Глухов қўлтигидан кирланган, суви қочган нонни олди.

— Бугун тўйинг экан. Раҳмат де амакига, — деди Бектемир севишиб қизга. — Лекин ҳаммасини ема. Ёмон бўлади. Оз-оздан е.

Гўдакнинг кўзлари ёниб кетди. Нонни икки қўли билан маҳкам қисиб, чайнашга бошлади.

— Панароқ, илиқроқ жой қидириб далага чиқиб қолибман. Пичан гарами орасига кирдим. Шойндай юмшоқ ва пўстиндай илиқ. Уйқуга шўнғидим. Эсимни танигандан бўён шундай ширин уйқуни билмаганман. Гўзал тушлар кўрдим. Шовқиндан уйғониб, бошимни аста чиқарсам, кун ёришган; нарида икки немис аравага пичан ортапти. Бошимни ичга олиб, якка кўз дераза қилиб ётдим. Мана бири ҳайдаб жўнади. Иккинчиси—автоматини бўйнига таққан, сигаретни тутатиб, дам кўкка, дам ўрмонга тикилади, гўё рус ерининг табиати билан қизиқаётгандек. Гулзорга тушган чўчқадай нафратли кўринди у. Жимгина гум қилмоққа жазм этдим. Лекин пичоғим ёмон — қуш сў-



йишга ҳам қийналасан. У терс тўғанда атрофга куз тата-  
ладим: жон асари йўқ. Манов ўзбекнинг милтигидан ўқ  
уздим: юзи билан ерга қулаб тушди, лаънати. Ирғиб  
туриб отилдим. Қуролини шилдим-да, ура қочдим. Ўрмон  
хийла нарида экан, бўғила ёздим. Яхши, иш ўнгидан келди.

— Қулай келганда, ҳеч вақт иккиланмаслик керак. Ях-  
ши қилибсан, Василий,— деди майор.

— Улдирсанг, шодликдан юрагинг маст бўлади, — деди  
Кудрин.

— Айниқса, биринчи ўлдирганингда... — дея қўшиб  
қўйди Бектемир.

Бектемир милтигини артиб, меҳр билан силаб қўйди.  
Чўғ орасида пишган картошканинг ширин ҳиди қоринлар-  
ни таталади. Пахомов бармоқларини куйдириб, бирин-би-  
рин ўтдан олди-да, майорнинг олдига тўплади.

Майор қалтираган қўллари билан ҳаммага баравар тақ-  
сим этди. Унга яқин картошкани Бектемирнинг киссасига  
солдирди: «Қизингга алоҳида норма. Сақла. Мен айтганда  
ва менинг ёнимда едирасан», — деди илжайиб.

— Мен ўз нормамни ҳам болага беришга тайёрман,—  
деди Бектемир.

Ҳамма жангчилар майорнинг ўзи учун кўпроқ олиши-  
ни ўтиндилар. У рад қилди. Глухов ўз тегишининг бир қис-  
мини унга зўрлаб узатди: «Кечаги нондан сўнг мен отдек».

Иссиқ картошкани, лаб куйганига қарамай, ҳузур би-  
лан бирпасда еб қўйишди. Майор, ҳассасига суяниб инг-  
раб ўрнидан турди-да, йўлга бошлади. Унинг оёғига қараб  
секин юришди. Бугунги йўл нотинч бўлди. Узоқда итлар-  
нинг даҳшатли ҳовлаши, гоҳо айрим милтиқ отишмалари  
ва автомат очереллари ҳавода бўғиқ янграйди. Ботқоқлар,  
қўлмақлар кўп учради. Кечқурун қўққисдан душманнинг  
ўрмондаги аллақандай пункти ёнидан чиқиб қолишди. Фа-  
қат қоронғилик уларни фош этмади. Жарликда тунашди.  
Ўт ёқмадилар. Кечаги гулхан тушдек туюларди. Эртаси,  
душманнинг ўрмонда изғиган кичик тўдалари билан икки  
марта, узоқдан, қисқа-қисқа отишишди-да, усталик билан  
йўлни чалғитиб яширинишди. Тўпларнинг наъралари қу-  
лоқларга ғира-шира эшитила бошлади. Демак, фронт жил-  
ла узоқ эмас. Уйга яқинлашганда аравани тармашиб  
тортган отлардай, шахдам юришга киришишди. Эртасига,  
кун ботгандан сўнг, Пахомов билан Глухов разведкаси  
хавфсиз бир истиқоматни белгилаб келди. Яқиндаги бир  
дарёчадан ўтиш керак эди. Тунда, кўрлардек туртиниб,

дарёчага келишди. Пастда сув тун каби ваҳм, қора бир су-  
кунат билан оқарди.

— Чуқурлиги?— шивирлаб сўради майор Глуховдан.

— Таёқ тиқдим. Уртаси, балки кўкраккача... — жавоб  
берди Глухов ишонч билан.

— Кейин қаёққа бошлайсан?

— Бир чол дедики, бу томонларда фрицлар жуда оз,  
катта йўллар йўқ. Қаёққа бормайлик, бари бир, бу — «оқар  
тўсиқ»дан ҳатлашимиз керак. Эрта маҳаллий аҳолидан  
биронтаси йўл кўрсатар ахир, — жавоб берди Глухов.

— У томонлар менга таниш, — деди Пахомов қиялик-  
дан аста сирпаниб. Шинель ва гимнастёркаларини ечди-да,  
тугун қилиб бошқаларникига қўшди.

— Сен буни ол, — деди Бектемир Глуховга қизчани  
узатиб. — Мен ўртоқ командирни кўтариб оламан. Йўқ,  
ўртоқ майор, хўп денг, касалсиз. Сизни сув оқизиб кета-  
ди-я...

— Қизинг йиғлайди, мутлақ ун чиқармаслик керак, —  
деди майор. Лекин Глухов индамасдан, командирнинг қуш-  
дай энгил гавдасини елкага олди-да, секингина сувга туш-  
ди. Олдинда Кудрин билан Пахомов. Бектемир қизчани  
елкага қўйиб, совуқ тўлқинлар кўксигача сувга кўмилди.  
Қалтирайди, совуқ тўлқинлар баданини олмосдай тилди.  
Ногаҳон, қаршидан, жуда яқиндан пулемёт даҳшатли ва-  
риллади. Бу — худди қўққисдан минага қоқингандай бўлди.  
Бектемир Кудринга «ах» деб, қирғоққа яқин сувга шўнги-  
ди. Глухов сувни шапиллатиб орқага, қирғоққа отилди.  
Теваракда ўқлар «чув-чув» билан сувга шўнғирди. Бекте-  
мир ҳам каловланиб қирғоққа ташланди. Нам, силлиқ қия-  
ликдан сирпаниб, яна сувга «шалоп» этиб тушди. Оғиз-  
бурнига сув кириб, шалоплаб кўтарилди-да, бир қўли  
билан кийимини баландга — қирғоққа отди. У қичқириб  
йиғлаган гўдакни бир қўли билан қучоқлаб, қирғоққа тир-  
машди. Нариги томондан, баландликдан Пахомов ўлжа ав-  
томатдан душманга ўт очди. Лекин йиқилди шекилли, жим  
бўлди. Бектемир гўдакни чуқурга юмалатиб, эмаклаб Глу-  
ховга яқинлашди. «Нима қиламиз? Майор қалай?» — деди  
Бектемир. Глухов тишини қирсиллатиб «Тамом» деди.  
«Бас, милтиқни бер!» Шу пайт душман пулемёти жим бўл-  
ди, «Русь, сдавайся!» деб ҳуришди фашистлар бирин-кетин.  
Бектемир ерга ётиб товуш келган томонга отмоқчи бўлди.  
Чўмилган милтиқ отилмади. Душман яна шиддатли ўқ ёғ-  
дирди.

— Кудринга нима бўлди?— сўради Бектемир, ўзи билса ҳам, ғайри ихтиёрий сўкиниб.

— Сувда тошдек ботди... юр, шундай аҳмоқлик... бошимизни тўппа-тўғри ўтга урибмиз... Лекин дўстларни унутмаймиз.

— Командирни орқала!— деди Бектемир.

Улар ўрмонга етгунча, дам туриб, дам чўккалаб юришди. Душман пулемёти анчагача тинмади. Глухов дарахтга бошини уриб олиб, каловланиб йиқилди.

— Бас, тўхтаймиз. Бу ерга шайтон ҳам келолмайди,— деди Бектемир ҳансираб. У майорнинг жасадини ётқизиб, бошини тўғриларкан, қўлига қон ёпишди. «А, бояқиш бош! Нималарни кўрмадинг?» деди у алаҳсирагандек ўзича. Кейин ҳўл, оғир шинелини ва гимнастёркасини дарахтга илди. Қизча дармонсиз инграр эди... Унинг кийимлари жиққа ҳўл эди.

— Бутун гавдам муз, бошим ёняпти,— деди Глухов ўқчиб.

— Мен ҳам шундай... Шинелинг қуруқ. Зиночка ётсин,— Бектемир қизчани счинтирди-да, Глуховнинг ёнига ётқизди.— Яхшилаб ўра!

Гўдак ётсираб йиғлади. Бектемир юпатди: «Ухла, враталаб кўзингни очасан, сенга каттакон картошка бераман».

— Сен яланғоч қандай чидайсан?

Бектемир совуқдан безгакдай титрар, озган, қотган баданини панжа билан шақ-шақ урарди. Гугуртми ё зажигалками бўлса, ҳар қандай хавф-хатарга тупуриб, гулхан ёқарди албатта. Ниҳоят, шамолга қотган, қўланса, нам шинелини елкасига ташлади-да, гаранг ва ҳушсиздек мукка тушиб олди.

Эрталабки туманда улар найза ва ничоқ билан юмшоқ ерда гўр қазишга киришди.

— Яхши одам эди,— инқилаб гапирз бошлади Глухов.— Эски кадровик. Қаттиқ жангларда қатнашган экан. Лекин умрини немис лагернда эговлаган. Умрининг биргина толаси қолганди. Бу тола ҳам ўч олмоқ орзуси ва душманга нафрат билан тўла бўлгани учун, ўлимга қарши курашарди. Хўш, сен билан мени ким кўмади?

— Чиқмаган жондан умид... Ана, эшитяпсанми, урушнинг худоси уйғонди. Менинг бир дўстим бор эди, Асқар деган. Катта полвон эди. Артподготовка бошландими, «дўзахнинг эшиги очилди!» дерди.

— Дўзахнинг ўти ёлғиз одамларни қийнайди. Артиллерия тошни, темирларни чангга айлантиради, шаҳарларни ютади, — деди Глухов ҳорғин энтикиб.

Мурдани кўмишдан бурун ҳужжатларини ахтариб, унинг кийимларини катта диққат билан қайта-қайта тимирилди. Ёлғиз, унинг кўксидан бир парча кир халтача топди. Унда бир сиқим тупроқ. Иккала жангчи бир-бирига бир минут тикилиб қолишди.

— Тушундингми, — деди Глухов ғамгин бир тур билан. — Совет чегарасидан ёки ўзи туғилиб ўсган шаҳар, қишлоқдан чекинишга мажбур бўлганда, юраги хун бўлиб, энг кейинги пайтда, хотира учун бир ҳовуч тупроқ олган. Бу — аниқ.

— Тўғри айтасан, — деди Бектемир тупроққа тикилиб, — Аскар ўз ерини севади. «Табаррук» дейди ўзбеклар.

— Нима?

— «Табаррук» — русча қандай — билмайман.

Глухов халтачани командирнинг кўкрагига қўйди. Бектемир бунини бош тагига ёстиқчадай қўйиш кераклигини сўзлади. Глухов бошини чайқади:

— Ватанга севгини ўлгунча ўз юрагида ташидимиз, бу севгини кўксидан сақлаб, абадий ухласин! — деди.

Командирнинг бир ҳовуч суякдай, енгил гавдасини чуқурга туширишди-да, тупроқ тортишди. Муаззам ўрмон оғушида танҳо қабр пайдо бўлди! Глухов пичоқ билан бирпасда беўхшовгина юлдуз ясади, бармоқдай қизил қалам билан уни бўяди-да, ёгочга бириктириб, қабрга қадади. Кейин кафтдай тахтага тилиб ёзди, «Майор Иван Андреевич Дробов — жанговар солдат ва рус ерининг ватанпарвари».

Қизча, энди майорнинг буйруғисиз бир дона картошкани еб олиб, катталарнинг сирли ва даҳшатли ишига термилиб ўтирарди. Дўмбоқ устида пайдо бўлган ва шамолда енгил титраган ўйинчоқдай қизил юлдузча ҳам уни қизиқтирмади. Кетиш олдида жангчилар қабр тепасида бошларини ялангочлаб, бир нафас қотиб туришди.

Чошгоҳдан сўнг ҳаво очилди. Куз қуёшида япроқлар олтиндай мудрарди. Қаердадир, ўрмон ортидан қалин тутун бурқиб кўтарилди. Кўкда душман бомбардимончи самолётлари гала-гала изгирди. Жангчилар оёқларини базур судрашарди. Гоҳ узоқдан душман қўшиқлари, машиналар шовқини эшитиларди. Бутун аломатлар эҳтиёт ва ҳушёрлик кераклигини уқтирарди. Тез-тез дам олдилар. Кейин

қўзғалиш мушкул — гўё уларни ер тортади. Эртаси улар сайхонлик ёнида тасодифан бир болага дуч келишди. У ўн икки-ўн уч яшар, шапкасини қийшиқ кийган, юзи сепкил, эгни юпун, содда деҳқон боласи эди.

— Хўш, ўртоқ жангчилар, йўл бўлсин, — сўради у гўё ёрдамга ҳозирдек, жиддий ва мағрур.

— Узинг кимсан, ўрмоннинг хўжайинимисан, қани, икки ориз ақлли гап қил-чи, — деди Глухов қувониб.

— Биламан, шарққа йўл қидирасиз, мен билан юринг. Бундан бошқа яна қандай ақлли гап бўлиши мумкин? — деди бола.

Эски катта тўнғак ёнида ўтиришди. Бола индамасдан киссасидан бир сиқим махорка ва бир парча газета олди. Жангчиларнинг кўзлари ёниб кетди.

— Олтин бола экансан, совғангдан маълум, — деди Бектемир махоркани ўраб. Учовлон чекишди. Икки жангчи бармоқдай йўғон ўрамни ҳузур билан узоқ ва чуқур сўришаркан, бола ўз ишларини айта бошлади. Қуршовни ёриб чиққан қисмларга, ботқоқликларда тентиранган, адашган ёки душман қўлидан қоча билган жангчи ва командирларга йўл бошлаганини, бир гуруҳ жангчиларни хатарсиз ўтқазиб қўйганини айтди. Унинг сўзлари болаларча содда, санимий, лекин аниқ ва равшан эди.

— Фрицнинг қўлига тушмадингми, сира? — кулиб сўради Бектемир.

— Фриц ғирт аҳмоқ, — тамакини ташлаб, бепарво жавоб берди бола. — Алдаш қийин эмас. Кераксиз пайтда бекорга ўзини ҳушёр тутати, дўқ қилади. Аммо кўпинча бурнининг олдидаги хавфни сезмайди. Итларнинг беш-ўн-та сўзини ҳам ўрганиб олдим. Фойда беради. Яқинда ўртоғим Костяни отиб ташлашди. У тунда ярадор жангчини қишлоққа келтирганди. Нима қиламиз, дунёда бир ўлим бор. Бироқ мен хоҳлайманки, бошим фрицга жуда қимматга тушсин. Юринглар, оғалар, биз бу ерда бувимизнинг уйида эмасмиз. Аҳ, бояқиш қизча сўлиб қолибди-ку, қани менга беринг-чи.

Глухов, баъзи гапларни сўраб аниқлади-да, кулиб деди:

— Бошла, генерал, сен билан дунёнинг нариги чеккасига ҳам бориш мумкин.

Бола уларни тўқайзор жарга келтирди. Япасқи дарахтлар чангал ўсимликлар орасида ғуж ўтирган бир неча жангчилар янги меҳмонларни илиқ ҳазил билан қарши олдилар. Улар турли қисмлардан бўлиб, ҳорғин, юпун,

кыр-чир эди. Ярадорлари ҳам бор эди. Бири бошини тангиган, иккинчиси юз аралаш бурнини боғлагандики, ёлғиз кўм-кўк мудроқ кўзлари кўринарди. Бола навбат билан ҳамманинг қафтига тамаки тўкди.

— Ну, Миша, билмайман, қайси сўз билан сени мақтай. Кел, бир ўпиб қўяй... — деди тўмтоқ бармоқли, дов бир жангчи.

— Ҳай, живой, герой!— деди украинлик, боши боғлиқ жангчи.

— Михаил Иванович бўлсам эди, ўз қўлим билан кўкрагингга орден тақиб қўярдим!— деди яна бири.

Миша, уларнинг мақтовини эшитмагандек, кийимларини титиш билан овора бўлди. Қўлтиғидан, шимларининг липпасидан ўқлар чиқариб, сержантнинг — қора сочли, ўткир, йирик кўзли, бақувват грузиннинг тиззасига сола бошлади.

— Йўлдан тердим. Жуда кўп экан. Лекин хавфли товар. Фриц ёнингдан битта бўш патрон топса ҳам кўкрагингга бутун дискни бўшатади.

— Энди учта милтиғимиз бор. Уларга жон киради. Қалай, сенда ҳам борми, милтиғинг ишлайдими?— сўради у Бектемирдан.

— Ишламаса кўтариб юрармидим!— жавоб берди Бектемир.

Глухов сержантга яқин ўтириб, у билан жиддий ва секин гапириша бошлади. Бошқаларнинг оғизларидан тутун бурқарди. Бектемир қизчага сўнги картошкани берди. Қиз қуёшда роҳатланиб, тансиқ таомни еди. Серсоқол, тўла юзли, бир кўзли, қийшиқ киши мулойим товуш билан унга:

— Аҳа, болдай ширинми, лабингни ялаяпсан, қизгинам. Оғир кунда учрадинг. Бутун бир батальонни тўйғизардим. Мана энди ўзим ювиндига зорман, — деди.

— Ошпазмидинг?— сўради Бектемир.

— Ҳа.

— Бизнинг ҳисобдан семирган экансан-да!— дея ҳазиллашди бошқа бир жангчи.

— Оббо нонкўр!— ранжиб гапирди ошпаз. — Урушда менинг ишим энг қалтис санъат. Тушунмайдилар. Ўт остида, жон ҳовучлаб овқат тайёрла. Улим қайнаган жойга яна ўт орасида элт. Жангчига ўз вақтида овқат етказиш фронтни ўқ-дори билан вақтида таъмин қилиш билан баравар, балки афзал ҳам. Номимиз — ошпаз. Бўлмаса, неча

марта шахсан жангда қатнашдим, атакага бордим. Мен ўлим водийсида хизмат қилганман. Эшитганмисан шундай жойни. Унда ҳар икки томондан оққан қонни йиғса дарё бўларди. Бир кун бир сартарош билан бирга йигирмадан ортиқ автоматчиларнинг атакасини уч соат қайтариб турдик. Бўрсикдай чуқурга яширинган баъзи азаматлар акангизни кўрса, яна кўзини қисиб қўяди. «Оҳ, ошпаз!»

Қаердадир шиддатли пулемёт ва автомат отишмаси бошланди. Тўда секингина ўз жойини ўзгартди. Қоронғилик тушгач, йўлга тушдилар. Миша эҳтиётлик, лекин ишонч билан йўл бошлади. Бироқ қоронғилик, ботқоқлар, сувлар ҳаммани қийнади. Қоқиниб йиқилишар, оёқда мудрашарди. Кундузни дарахтлар остида ётиш билан ўтказишди. Миша тўғри ва хавфсиз йўл ахтариб, бир бўлак нон ва сир топиб келди. Бектемир қуён тутиб олди. Ошпаз ер остига ҳикматли ўчоқ ясаб, қуённи пиширишга киришди. Пастланиб учган душман самолёти пайқади шеклли, пулемётдан ўққа тутди. Самолётнинг товуши ўчгач, Бектемир чуқурдан чиқди-да, ошпазни чақирди. Лекин у ўчоқ олдида чўзилиб ётарди. Бир қўлида қуённинг чала пишган оёғи...

Шомдан сўнг, Бектемирнинг таъбирича, яна «қил кўприк» саёҳати бошланди. Сержант, агар душманга қўққисдан дуч келинса, аҳиллик билан жангга киришни, Миша эса қизчани олиб дарров яшириниши кераклигини таъкидлади. Шамол узоқдан ёнган қишлоқларнинг дудини ташиди. Миша тонг отмасдан ўз тарафимизга олиб ўтажagini ваъда қилгани учун ҳамма энг сўнгги мадори билан олдинга интилди. Чиндан, ғира-шира қоронғиликда уларни жангчиларимизнинг ҳаяжонли, огоҳлантирувчи овози тўхтатди. Бектемир беихтиёр қичқириб юборди.

«Братцы!»

Улар фронтдан хийла узоқ, аҳоли яшайдиган катта пункт ёнида, ўрмонда эдилар. Жангчилар ва машиналар кўп эди. Бектемир шодликдан ҳорғинликни, очликни ҳам унутди. Учраган ҳар бир жангчи билан сўзлашгиси, кўп нарсаларни билгиси келарди. Кейин нон ва колбаса топиб қизча билан наҳорлик қилди.

— Энди айриламиз, Зиночка. Сени ҳозир ҳамширага бераман. Сени қанд, сут, печенье билан боқади. Тушундингми? Майлими? Ну, айт.

Қизча хўмрайиб деди:

— Сен ҳам бўласанми?

— Йўқ, мен жанг қилишим керак. Мана бу милтиқ билан фашистни ураман. Фашист ёмон. У олабўжи.

— У учади-а?

— Ҳа, ерда юради, осмонда учади. Қора қаноти бор. Бектемир қизчаси билан санбатга яқинлашаркан, дам қадам ташлаб, дам тўхтаб, оғир сукутда хаёл суриб турган генералга дуч келди. Бектемир шошиб қизчани ерга қўйди-да, илдам олдинга отилиб честь берди.

— Қизча кимники?— сўради генерал кескин ва ранги ўчиб қалтираган гўдакни кўрсатди.— Ол, ол тезроқ қўлингга!— деб буюрди у.

— Тамом саргузашт, — деди Бектемир қизариб ва қизчани кўтариб олиб, — кўриш, Зиночка, кўриш, хороший дядя, — деди эркалатган оҳангда.

Қизнинг кўрқиброқ узатган кичкина нозик қўлини генерал мулойим табассум билан астагина ўпди. Ҳозиргина ётсираган қизчанинг жавдираган кўзларидаги кўрқинч бирдан йўқолди.

— Қани, гапир?— деди генерал Бектемирга.— Устинг, қиёфанг, жуда хårоб-ку.

— Узилиб қолдик, ўртоқ генерал, — деди Бектемир, текисроқ, дадилроқ сўзлашга тиришиб. — Фриц ҳалқалаб қисди-ю, аммо эплормади, бир илож қилиб қуршовдан қутулиб чиқдик, — деди ва қисқа қилиб уч-тўрт кунлик воқеаларни аниқ гапиришга уринди.

— Аҳвол шундай дегин, биламан, ҳаммасини биламан, оғир кунлар кечиряпмиз, — деди генерал ва қизчани эркалаб юзларини силади, юпатди. — Раҳмат, сенга, санбатга— ҳамшираларга топшир, тездан ювинтириб, қорнини тўйдирсин, — деди Бектемирга.

Бектемир честь бериб санбатга югурди.

Бектемир ертўлага кирди. Оқ фартуғи устидан боғланган камарга катта қин осган, кўзлари уйқусизликдан қовжираган, ёш бўлишига қарамай юзида ажинлари сезилиб турган аёлга қизчанинг таърифини юмалоқ-ёстиқ қилиб сўзлади. Аёл дастлаб «ортиқча дахмаза» дегандек елкасини қисиб қўйди-да, лиқилдоқ табуреткага ўтириб, манглайнни ушлади.

— Ё ўзларинг боқинглар, ё биронта гражданга берайлик, — деди Бектемир хўмрайиб.

— Биз қандай боқамиз, вазиятни кўриб турибсан-ку! Ҳар минут... — деди аёл ўрnidан қўзғалиб. — Майли қолдир... бир иложини қиламиз...



— Раҳмат,— деди Бектемир енгиланиб.— Лекин ўртоқ сестра, қачон ҳам қандай қилиб жойлаштирамиз?

— Хотиржам бўлинг, бундай етим қушчаларнинг ҳисоби йўқ. Ватан ўз болаларини онадан афзал парвариш қилади. Биз уни фронт ичкарасига юборишга ҳаракат этамиз. Қани, жажжи қиз, отинг нима? Кел менга, сенга конфет бераман. Мана, мана ол, — аёл қизчани қучоқлаб, ўпиб, сочларини силади.

— Фронт ичкарасига? Ўзбекистонгами? Мумкинми?— деб сўради Бектемир жонланиб.

— Сен Ўзбекистонданми? Мумкин. Эшитдимки, мингларча шундай болалар Ўзбекистонга жўнатилаётир деб.

— Ўртоқ сестра, — деди Бектемир ҳовлиқиб. — Ўзбекистонга жўнатилинг. Тўппа-тўғри бизнинг уйга... Онам бор, синглим бор. Бой колхоз. Овқат кўп. Қопда ун, хумда мой...

— Кириб-чиқаётган бошқа аёллар ҳам қизчани суйиб-эркалаб, Бектемирнинг фикрини тўғри ва имконли, деб билдилар.

— Адресингни айт. Бу — мумкин... — деди аёл қўлига қалам ва қоғоз олиб.— Чин ота бўлишга ҳаққинг бор.

Бектемир севиниб адресини шу қадар батафсил айтдики, аёллар кулиб юборишди. Тўппончали аёл қўпол этик-ли, кўкракдор, семиз ёш қизга буюрди: «Бу жўжани олиб бор, каша бер, лекин озгина. Иссиқ сув билан чўмилтир, кийимларига қара бит бўлмасин. Кейин ухлат».

Бектемир ертўладан чиққач, гўдакни ўпди, қўлчаларини силади:

— Зиночка, хайр, хайр, соғ бўл!— деди у титроқ товуш билан.

Гўдак лабини буриштириб йиглаб юборди ва севикли амакисига талпинди. Семиз ҳамшира қўпол этикларини дўқиллатиб илдам кетди. Бектемир, қўлини ҳавода силка-силка уларнинг қораси ўчгунча кузатаркан, кўзлари беихтиёр ёшланди...

Бу ерда ўз қисмларидан айрилган-адашган ва қуршовдан ёриб чиққан жангчилар кўп эди. Яна ҳар ёқдан тўда-тўда оқиб келмоқда эди. Уларнинг деярли ҳаммасида бошдан кечирган азоб-машаққат ва маҳрумиятларнинг даҳшатли изи равшан кўринарди. Баъзилари «борса келмас» йўлдан саломат чиққанларига ишонмагандек саросима, паришон эдилар. Бектемир ўз қисмини, ўз ўртоқларини узоқ суриштирди. Кейин шу ердаги қисмлардан бирига қўшилди. Рота командири лейтенант — олифта, ҳаммомдан ҳозир

чиққандай жуда озода, жуда келишган, жуда тирик йигит Бодров синовчан ўткир кўзлари билан Бектемирга бир зум тикилди-да, шахдам ва аниқ гапирди:

— Тугма, тугмангга қара. Уст-бошни тозалаш керак, бу нима? Кейин бир оз ухлаб ол. Гарчи уйқу чоғи бўл-маса ҳам.

Бектемир кийимини тозалади, тўнкага ўтириб тугмаларини пишиқ қалади. Ёдига гўдак тушди. Уни ўз оиласида қий-чув кўтарган тил билмас одамлар орасида кўрди-да, илжайиб қўйди. Бироқ баъзи андишалар хотирига келди: «Уруш вақти. Уйда эркаклар қолмаган бўлса, агар... аёлларнинг кўзи тор бўлади. Бир қушга ҳам дон керак, ҳам сув керак», деган гапни онаси кўп қайтарарди. Қогоз-қалам сўраб мактуб ёзди: «Дуойи салом, ҳурматли отамизга, меҳрибон онамизга, азиз акаларим — Тоҳир акамга, Шокир акамга, синглим Зайнабхонга, келин ойиларимга, укаларим, жиянларимга. Ширин амакимга, Тожиҳон холамга, поччаларимга. Сўз шуки, мен соғ-саломатдирман, сизлар ҳам ул ерда соғ-саломат бўлинглар. Пешанамга ёзилганини кўриб юрибман. Не-не кунларни кўрдик. У ёгини ўзингиз билурсиз. Асқар полвон ва Али акамлар бари саломат. Асло хавотир олманглар. Мен неча бор хат ёздим, лекин сизлардан дарак йўқ. Келиб тегмоғи қийин бўлса керак. Ушбу адресга ёзсангиз, шояд етиб келар. Ҳаммаларингизни соғиндим. Тушларимга кирасиз. Дуода бўлинглар, Гитlernи яксон қилсак, яна дийдор кўришурмиз. Меҳрибонларим, мен сизга бир жопли совға юбордим. Зиночка деган рус қизи. Ўзи етим, онаси бомба остида қолган. Мен у қизни ўлимдан қутқардим. Сизга ялинаманки, ўз болангиздай, балки ундан ҳам ортиқ севиб парвариш қилинглар. Ҳамма таниш-билишларга, ёр-оғайниларга саломимни топшиурсиз. Бектемир».

Туморча шаклида букилган катни почтабон келиши биланоқ топширди-да, кейин ертўлага кириб кетди.

## УНИНЧИ БОБ

Тунги жанг тўполонида Али тажанг бошқа қўшни қисмга аралашиб қолган эди. Эрталаб, қисқа, лекин ҳаддан ташқари шиддатли тўқинишда, қисм чекинди. У бир неча ёш тажрибасиз жангчилар билан орқага қайтди.

Отишма узоқлашгач, улар йўлга чиқиб, қай томонга боришни билмасдан юришаркан, ўрмон орқасидан, ногаҳон душман самолёти қора балодай вангиллаб чиқди. Али тажанг товушни эшитиши биланоқ, тош кўчани кесган кичкина, цемент кўприк ичига илондай жилпанглаб кириб кетди. Сув қуриган экан. Манглайини ёпишқоқ лойга қўйди. Пулемёт очередлари ва ғазабланган йиртқичнинг наъраси ҳавони ёрди. Али тажанг ўқларнинг виз-визини, тошларнинг чақнашини эшитди. Ҳамма ёқ жим бўлганида у кўприк остидан суғурилиб чиқди. У юзидан лойини сидириб теваракка кўз югуртирди. Тўрт жангчи ҳар ёқда юмалаб, қимир этмай ётарди. Али тажанг мурдаларни қалтираган қўллари билан кўтариб, четга, тоза ўтлар устига ётқизди. Кафтига бир сиқим тупроқ олди. «Бисмилло»ни уч марта ўқиди-да, тупроқни суфлаб ёш, туйғун жангчиларнинг устига сепди. «Ҳам қабр, ҳам жаноза бу», ўйлади ичида...

Қивралиб, туманликда ўчган йўл устида одамлар ва отларнинг ўликлари, пачақ машиналар, ўқлар, снарядлар сочилган эди. Узоқда, ўнг томонда, тепаланиб чўзилган темир йўл орқасида тутун ва аланга кўтариларди — станция ёнарди. Али тажанг сўл ёққа, өкинзорлар, тепалар, текисликлар билан товланган далага отилди. Атрофда ҳеч ким йўқ. Қаердандир, уфқ орасидан, тўпларнинг наъраси момақалдироқдек булутли самога ёйилар, қулоққа ғирашира чатиларди. «Бас!— деди ичида Али тажанг.— Қутулдим ўтхонангдан! Отам аскармиди? Онам бояқиш мени олов гирдобиде куйсин, деб туққанмиди?» У бир оздан кейин нафасини ростлади, сарғиш сийрак мўйловини одатича тишлаб осойишта кетди. У энди ўзини ҳар қандай ҳайҳуддан озод сездди. Унинг ёлғиз бир орзуси бор эди: уй, оила ўчоғи. Бу шундай кучли орзу эдики, Али тажанг ўз хаёлида уни қийин, лекин имконли деб топди. Ҳатто, шу кетишича, пиёда уйга жўнашга ҳам жазм қилди: қишлоқдан-қишлоққа, бекатдан-бекатга ўтади. Қимирлаган қир ошар, юрган оёққа йўл нима! Йўналишни суриштирмасдан юравериб кечкурун тошсиз, ўнқир-чўнқир кичик йўлга чиқди. Сал юрмай, йўл баландликка кўтарилди. Али тажанг кичкина, ўткир кўзлари билан атрофга қаради. Қаршида «Сигир қуйруқ» тепалик сиртида қишлоқ жойлашган, пастда жимгина сузилиб анҳор оқарди. Уйлар бири-бирига мингашгандай зич. «Ширингина қишлоқ экан», деб Али тажанг қадамини тезлатди. Қияликнинг этагида сувга

яқин уйнинг эшигини тақиллатди. Эшик қия очилди. Али тажанг майин, сариқ сочли, кичкина, ясси бурунли, қарашлари юмшоқ, жажжигина аёлни кўрди.

— Қаердан? Нима керак?— деб сўради аёл ранги ўчиб.

— Меники қизил аскар. Қисм йўқ. Кўп юрдим. Чарчадим — жавоб берди Али тажанг бошини эгиб.

Аёл тевааракка қуш боқиши ташлаб, имлади: «Қир!»

Али тажанг кириши биланоқ, уй бекаси эшикни ёпиб, занжирлади:

— Қандай қилиб қишлоққа келдинг? Кечадан буён қишлоқ лаънати немисларники.

Али тажанг қоронғи даҳлизда беканинг юзини яхши кўра олмаса-да, овозидан унинг ҳаяжонини сезди ва айни замонда ачиниш ҳис қилди.

— Қаёққа бораман, ҳамма ёқда фриц бўлса... Чарчадим.

— Тушунаман. Қийин. Қандай кунларга қолдик? Бу балонинг йўлини қачон тўсадилар!

— Хўжайка жуда қийин. Сафсем иш ёмон. Машинаси кўп... Яна ҳар биттаси — том баравар. Темирни ҳам, тошни ҳам ғажийди. Одам нима? Бир ҳовуч суяк... Эй, тушунасанми, хўжайка.

Али тажанг алам билан чуқур хўрсинган беканинг орқасидан ичкари кирди. Деразалари кичик, шифти паст, лекин саҳни кенг хона ўртасидаги оддий, ликилдоқ стол теваарагида беш-олти ёшли, сочлари оқ сариқ, кўзлари жануб самосидай тиниқ, юмалоққина ўғил бола ўтирарди. У ҳайрат билан бир зум тикилиб ғилдираксиз, пачоқ ўйинчоқ машинасини столга, гўё кераксиз нарасадай юмалатди-да, салмоқланиб сўради:

— Папамдан келдингми? Хат қани?

Али тажанг аскар ўғлини юпатишга киришди:

— Папанг, молодец, фашистни ураётибди. Хат ёзишга вақти йўқ. Сен ёз унга.

Кечадан буён уйга қамалган гўдакка эрмак топилган эди. Уруш, танк, самолёт ҳақида болаларча самимий қизиқиш билан саволлар ёғдира бошлаганда, онаси ман этди. «Володя, бас. Амакинг чарчаган», — деди у. Али тажанг сув сўради. Аёл рух чойнақда илиқ сув келтириб раҳмдиллик билан ичирди. Али тажанг каскасини олиб столга қўйди, шинель этаги билан кир юзини, пешанасини артиб стулга ташланди-да, қўпол этиги билан полни тақиллатиб,

оёқларини узатди: «Раҳмат, хўжайка, раҳмат. Қийин замон. Сенинг хўжайининг ҳам фронтдами?»

— Ҳа, фронтда. На хат, на хабар бор. — Сокин жавоб берди аёл. — Чидашга тўғри келади, бошқа илож йўқ. Энг катта ғам — лаънати немис. Манов бола бўлмаса эди, мен ҳам аллақачон кетган бўлардим.

Али тажанг сариқ мўйловини беихтиёр чимдиб, аёл сўзларининг мағзини чаққандай, кўзларини сал юмди, бошини сал қимирлатгани ҳолда пинакка кетаркан, бека столга нон ва сут келтирди, ошамоққа ундади. Али тажанг, миннатдорлик туйғуси билан, кўзларини бекадан узмай ошар ва унинг саволларига дудуқланиб, яримта-юримта жавоб берарди:

— Мен... Жуда узоқдан. Ўзбек... Ҳамма ўзбеклар фронтда... Тўртта болам бор. Маржа ҳам бор. Сендақа...

Овқатдан сўнг жангчи яхшилаб бир кекирди, уни бирдан уйқу босиб келди. Иложи бўлса, ўзини полга ташласа-да, тошдек қотса. Лекин ийманиб, кўзларини уқалади, парда билан қопланган кичкина деразага, деворларга, жиҳозларга қаради. Занжирга бир парча ғишт, катта бир калит осилган оддий девор соатдан бошқа буюмлар кўзларига хира чалғиди. Унинг шу он қишлоқ чойхонасидаги занжирга катта жўхори сўтаси боғланган соат кўз олдига келди. Далада иш қизғин паллаларда салқин чойхонада кўк чойнинг кайфини суриб, ҳангамага берилган одамларга чойхоначи Турди пучуқнинг: «Ҳой, яхшилар, дунёда соат деган нарса ҳам бор», деб кесатишини эслади. Шу аснода кўчадан отликлар чопиб ўтди. Салдан сўнг мотоцикл худди дераза остидан ўтгандек кучли пат-пат билан кечди. Бека деразага аста келиб парданинг бир чеккасини кўтариб, кўчага қараб қўйди. Бслаларча қизиқиш билан ашикка югурган Володяга онаси бармоғи билан таҳдид қилиб, кейин Али тажангга деди: «Лаънатилар кўпайиб қолди шекилли. Кеча кун оққанда бир гала мастлари қишлоққа нағма чалиб, шовқин-сурон билан кириб келди. Кўп одамлар уйларини ташлаб, эрта биланоқ ўрмонга қочишган эди. Бир итни отиб ўлдиришди. Қизларга тегажаклик қилишди. Қишлоқ советининг идорасини алғов-далғовини чиқаришди. Магазинни талон қилишди, лекин уйларга киришмади. Кечқурун кўплари қаёққадир йўқолди. Қолганлари бутун кеча овқат пишириб, автоматдан отиб чиқишди. Овқатга чўчқадан баттар ўч экан немис. Бир кечада еган тухумларининг пўчоғи бир қоп бўлади дейишади.

— Нафси бузуқ ҳайитда ўлади, дейди ўзбеклар.— Али тажанг ҳаракат билан қийналиб тушунтирди.— Ҳозир немиснинг ҳайити. Текин овқат. Қусгунча сйди...

Дераза аллақандай илгаридан белгиланган шарт билан тақиллади. Бека эшикка югурди. Али тажанг уйқу босган ҳорғин кўзларини уқалаб, қулоқ солди. Даҳлизда бека оналарча кимнидир койиди: «Қайда тентирайсан? Ҳозир шундайки, ёнингдаги қўшнингга мўралашга ҳам ботинмайсан!» Хаёл ўтмай бир қиз кирди. У ҳаяжонли эди, унинг кўкимтир беретка остидан тошган жингалак тўлқинли кумрол кўркам сочлари қарийб бутун пешанасини қоплаган эди. Оппоққина, тўлғингина юзлари ҳаяжон ва ташвиш жилвасини ифода этарди. У дастлаб Али тажангни кўрмагандай, эскигини, лекин тоза, тиззасига қадар етмаган қисқа енгил кўкиш пальтосини ечиб миҳга илди, береткасини жавон устига ташлади, бармоқлари билан кўркам сочларини, одатича, беихтиёр таради-да, кейин буларни кўз қири билан кузатиб турган жангчига юмшоқ, лўппи, майин, қўлини узатди ва бошдан-оёқ унга разм солиб, столга ўтирди. Али тажанг, негадир уялган, ийманган каби бошини қуйи солди.

— Уртоқ жангчи, чекиняпмиз-а? — деди бирдан қиз. Али тажанг индамади, бошини ҳам кўтармади. Лекин қи-мирлатиб қўйди.

Бу беканинг синглиси Надя эди. Онадан саккиз ёшида етим қолгач, ота ҳамма вақт командировкада юргани учун опаси Надяни ўз бағрига олган эди. Надя пишиқ ва туйғун қизча эди. У ҳамма совет болалари каби эркин, шўх, жасур бўлиб ўсди. Тўққиз ёшида бўйнида пионер галстуги лолалай ёнди. Мактабда ҳар хил тўғаракларга қатнашди, ўн тўрт ёшида комсомолга кирди. Ҳар хил вазифалари, керакли-кераксиз узун ва шовқинли мажлислари кўпайди. Дарсларда аълочи бўлса ҳам, синфда унча-мунча бўш келмайдиган, олдинги толибалардан эди. У ҳар қандай илм соҳасига кирса, яхши гайрат, жиддий ҳаракат орқасида муваффақият қозонишга қаттиқ ишонарди. Лекин у ҳам ихтисос танлашда муайян қарорга кела олмаган: дам унинг хаёлини санъат оламининг сеҳри банд этар, дам юраги Москва ёки Ленинграддаги машҳур илм муассасаларининг лабораториясида улуғвор, жиддий, лекин содда-парижон-хаёл, ғалати қилиқли олимлар қўл остида ишлаш орзулари билан лим тўларди. Бу йил баҳорда ўн етти

ёшда ўнинчи синфга кўчган эди. Аммо бу йил кўзда уларнинг мактаби битлиқи, бадмаст немис солдатларга макон бўлди.

Бека синглисига жангчини таништирди — қаердан, ким у, қандай қабул қилди ва ҳоказо. Ниҳоят, секингина шивирлагандек деди: «Билмайман, бу ўзбекни қандай асраймиз. Тилни ҳам жуда ёмон билади. Ўз қисмини топишига ақлим етмайди».

— Ҳечқиси йўқ,— деди Надя қўлини силтаб.— Ҳозирча яширамиз. Бизникилар жуда узоқлашиб кетган. Оғир тўплар овози ҳам эшитилмайди. Лекин жуда аҳтиёт бўлиш керак. Лаънатилар тинч халқни осиш, уйларни ёндириш учун бирон баҳона қидирадилар. Ҳар қадамда одамларни синайдилар. Солдат автоматни ўқталади, лекин сен жим тур, бўлмаса пешанангдан отади.

— Биз русларни куч билан тиз чўктирмоқчи. Катта йўлдан ўтаётган тўп, танк, машина ва солдатларнинг сони беҳад дейишади кўрганлар,— деди бека хўрсиниб.

— Бошинг айланиб кетади!— қистириб қўйди Али тажанг.— Техникаси зўр. Аммо солдати дов юрак эмас, темир қўргоннинг орқасида туриб шовқин солади.

— Аҳа, ҳамма шундай дейди,— деди бека.— Бизникилар темирнинг кучини англамаган эканлар. Билмадим, ниманинг кучига ишонишган! Мужикнинг гавдасигами? Жаҳлигами?

— Қўй, бунақа беҳуда гапларни!— деди Надя ранжиб, бизда ҳам куч бор. Етмаганини ясайдилар.

— Заводлар қани? Немис бомбалади, қолганига чангал уришди... — бека панжаси билан йиртқич ҳайвоннинг чанг солишини қилди-да, куйиниб ўрнидан турди.

— Гигантларимизнинг ҳаммаси кўчирилган. Улар ҳозир темир йўлларда, Узоқ Шарқда югураётир,— деди Надя сокинлик ва ишонч билан.

— Маруся, кел, биз ўртоқ жангчини яширайлик,— деди Надя жилмайиб.— Ҳар он фрицлар эшигимизни тақиллатишлари мумкин.

— Қаерга?

— Даҳлиздаги ертўла-чи?

— Жуда зах. Нафас олиш қийин. Яна бир камчилмиги шуки,— деди бека, ингичка сарғиш қошларини чимириб,— йўталса, қулоққа чалиниши мумкин...

Али тажанг бужмайган пешанасини қашиб ўз ичида ўйлади: «Бу бечора аёлларга дардисар бўлиб нима қила-

ман? Замоннинг оғирлиги ҳам буларга етиб ортарди. Мен туфайли яна фрицнинг газабига йўлиқмасинлар...» Опасингил жиддий гаплашиб туришаркан, Али тажанг уларнинг ёнига келди. Ҳар иккисининг елкасини қоқиб миннатдорчилик билан мурожаат этди:

— Спасибя, хороший человек ви. Беспокойса ненадо. Чуть-чуть темно — я уйду.

— Йўқ, биз сени одамхўрлар қўлига тушишингни истамаймиз. Қандай мусибат бўлса бирга кўрамиз,— деди бека.

— Совет жангчиси — кўзимизнинг қорачиги, — деди Надя меҳр ва ёшлик ҳарорати билан. — Ўзингни ёт сезма, ўртоқ ўзбек, қуёшли ўлкамизнинг жангчиси! — Али тажангни қўлтиқлаб, Надя ҳовлига чиқди. Чоғроқ ҳовли икки томондан баланд тахта девор билан ўралган эди. Қолган томондан қамич томли, эски оғил ва омборхона қаторлашган эди. Қиз, энг четдаги ярим хароба саройнинг эшигини очиб, Али тажангни киргизди. Ҳар хил тақиртуқур ва уюм-уюм пичан орасидаги ҳужрани кўрсатди. Шу вақт тўшак кўтариб бека келди. Ўзи аввал ҳужрага кириб, ерга қалин пичан ёйди, устига тўшакни солди. Али тажанг учун бу ўрин пардек юмшоқ туюлди. Аёллар: «Бемалол дам ол, хабар олиб турамиз», деб эшикларни ёпиб чиқишди. Али тажанг, зим-зиё қоронғида, пардек юмшоқ туюлган тўшакка чўзилиши биланоқ уйқуга кетди...

Бу оқшом, гарчи теварак тинч бўлса ҳам, кечагидан кўра қўрқинчлироқ, эзувчанроқ туюлар эди. Бека ўзини овутиш учун бирон бекорчи юмуш қидирар, Надя эса керосин лампани стол ўртасига қўйиб хомуш ва дилгир ўтирарди. Қадим замон тарихига оид дарслик китобини гўё саводсиз киши варақлагандай варақлаб, яна ёпиб қўйди. Унинг бошиңи фалокатли кунларнинг саволлари тиканли темир чамбара каби сиқиб олганди. Унинг юрагида қўрқув эмас, хўрланган она юртнинг дарди, мағрур совет одами-нинг ор-номуси мавжланарди.

— Менга шундай туюладики, — деб гап бошлади бека уйда куймаланиб, — гўё бутун қишлоқда ҳаёт ўчган.

Шу вақт яқингинадан автомат очереди кечани ёрди.

— Ана фашист келтирган музика! — деди Надя ташвиш билан деразага қулоқ солиб.

— Қўни-қўшнилардан биронтаси ҳам эшикдан бош суқмайди-я.



Надя индамади. Бир оздан сўнг гўё ўз-ўзига савол бергандек, секингина: «Нега биз уларга ҳатто мўраламай-миз?» — деди.

Ҳақиқатан ҳаёт бирдан даҳшатли равишда ўзгарган эди. Қишлоққа немис-фашистлар келгунча бўлган ҳаёт бир туш каби кўринарди. Дуруст, уруш оғирликлари, анво мусибатлари, айрилиқлар, хунук хабарлар, маишат ташвишлари, таҳликалар, ваҳималар кун сайин кишиларни кўпроқ эзмоқда эди. Лекин совет қонуни, маҳкамаси бор эди, куйинчак, миришкор, ғайратли бошлиқлар шу ўртада эди. Ёшлар ишга кетаётганда ёки оқшомлари ишдан қайтаркан, майдонда, колхоз клубида тўпланишиб қўшиқлар айтишарди. Кечалари қўшни аёллар бир-бирлариникига йиғилишиб, гурунг қилишарди, бирпасда йиғидан кулгига, кулгидан йиғига ўтиларди.

Улик сукунатда соатнинг «чиқ-чиқ»и ёмғирли қоронғи тунда худди бошга томчилаган чаккадай, юракка совуқ ва нохуш, ҳатто машъум уриларди. Надя кўзларини соатга тикди: тўрт ярим. Соат адашган. Кўпинча вақтни тўғри белгилайдиган Надя бутун фикрини, сезгисини ишга солса ҳам, шу онда кун қачон қорайганини эслай олмади. Стрелкани тўққизга миндириб, бирдан қўлини силтади: эрта ишга, ўқишга ёки мажлисга кечикишдан кўрқадими!

Бека кундузи тайёрланган боршини иситиб келди; овқатни ҳамиша соғлом иштаҳа, қошиқ-вилкаларнинг шақир-шуқури, кулги ва жонли сўз билан ошайдиган опасингил кайфсиз ва иштаҳасиз емоққа киришаркан, дераза аста тикиллади. Қандайдир таниш йўтал эшитилди. Надя сапчиб туриб эшикни очди. Ҳарсилаб Яшкин бобо кириб келди. Аёллар уни азиз меҳмондай қувонч билан қарши олдилар. Яшкин бобо баланд бўйли, суюкдор, қошлари ўсиқ, кам соқол, ингичка чўзиқ юзи серажин, жиддий, ростгўй чол эди. Уч ўғли армияда эди. Улардан иккитаси, оилалиги шаҳарда яшарди, чол бўйдоқ, кенжаси — хушчақчақ гармончи, тракторчи ўғли билан бирга қишлоқда эди. Буниси ҳам фронтга кетгач, қишлоқда сўққабош қолганди. Яқиндан буён сельпо магазинида қоровуллик қила бошлаганди.

Бека чолга борш қуйиб, ғамхўрлик билан қистади:

— Ич, бобо, совумасин, қорнинг очдир.

Чол бармоқлари ўқлогидай узун, кўмирчиникидай йилтираган қора қўли билан нон ушатиб оғзига ташлади-да,

боршни хўриллатиб ичиб, Надяга ўткир, ичига ботган кўзларини тикди ва бирдан дағал овоз билан:

— Нега сочингни қорақўл мўйнасидай жингалак қилдинг? Яхши эмас. Кийимни ҳам мумкин қадар ёқисини кийиш керак, — деди.

Надя дарров тушунди. Елкасини сал қисиб деди:

— Сочим ўзи шундай — табиий. Билмадим, бундан ортиқ яна қандай содда кийиниш мумкин. Нима қолди энди юзларимизга кўмир суртамизми?

— Бўлмасам-чи! — қуюқ қошларини чимирди чол. — Ҳаммаси ҳам аёлларга овчи итлардай ташланади, на уят бор, на номус...

— Кеча эркин эдик, одам эдик, бугун қулдан баттар бўлдик. Ақлимга сигдира олмайман. Қачонгача, бобо? Наҳотки... айт, бобо, умидинг борми? — деб сўради бека йирик, порлоқ кўзларини ҳаяжон ва дард билан чолга тикиб.

— Мен сени бошқача хотин дердим... — деди чол тамшаниб, махоркадан сарғиш, кир мийғи остидан кулиб гапирди. — Етим бузоқдай маърайсан...

— Шу ҳам гап-у, уф, сенинг тилинг... — деди бека қошиқни тарелка четига уриб.

— Бобо, умидинг борми, эмиш? Бу қандай савол? — салмоқланиб сокинлик билан давом этди чол. — Умидим кечагидан бугун бақувват, эртага яна бақувватроқ бўлади. Мен кўриб турибман бу ғолибларни! Йўқ, мен рус кишига ишонаман. Унинг руҳи дўстга қуёшдай илиқ, душманга қишимиздай даҳшат. Рус ерини забт этадиган куч йўқ, худога шукур, рус осмони шундай кенгки, бир тарафини қора булут босса, иккинчи тарафидан кўтарилган бўрон қора булутни саваб ҳайдайди... Ҳамиша шундай бўлган, ҳамиша.

— Айтганинг келсин! — деди бека енгил хўрсиниб.

Шу сўзларинг учун, бобо, мен сени қиём билан меҳмон қиламан. — Ўрнидан шўх қизчадай сачраб турди Надя, — а-жо-йиб, хунбўй ва хушхўр...

— Қани, ол, ол, — деди чол кулиб, — аччиқ кунларда жиллақурса оғзимиз ширин бўлсин.

Надя пиёланинг тагидай тарелкачаларга олча қиём солиб, бирини чолнинг олдига қўйди, кейин катта мис чойнакда шақиллаб қайнаб турган чой келтирди. Бу кунга оид бўлган ҳар хил қизиқ мавзуларда гангир-гунгир суҳбат бошланди.

Чол қиёмни бир стакан чой биланоқ тамомлаб, умрида учраган кулгили воқеалар, тасодифлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қила кетди. Ҳамма ёқ жимжит. Ора-чора узоқдан автомат очереди қисқа-қисқа янграб қўярди. Лекин эгачи-сингил бунини эшитмагандек, унинг даҳшатини гўё унутгандек, кулишар, чол билан ҳазиллашар эди. Чол бир замонлар, йигитликда, чиройли ва гоёт айёр лўли қизига хуштор бўлгани ва лўлилар кўчи орқасидан узоқларга тентирагани тўғрисида сўзларкан, ногоҳ яқиндан автомат тарақлади. Сал ўтмай, бошқа ёқларда ҳам, боғ қўрувчиларнинг тартарагидай қисқа, узун очерелар узила бошлади. Бека беихтиёр ўрнидан туриб кетди-да, ранги оқарди.

— Партизанлар босганмикан?— деди Надя шод хўр-синиб.

— Ҳеч нима йўқ, нотинчланманглар!— деди чол пинагини бузмай, — бунда бир сир бор. Қараб тур ҳали, пулемётдан ҳам отади...

— Кучини намойиш қилмоқчи-да, қуриб кетгурлар,— деди бека қовоғини солиб.

— Йўқ, кечирасиз, ожизлигини кўрсатаётир, — деди чол айёрча кулиб.

— Қандай? Эгачи-сингил бирдан сўради.

— Немис қўрқяпти!

— Кимдан?— Бека лабини буриштирди.

— Биздан! Сендан, мендан, Аниса холадан, белсиз кампир Матруша Криловнадан, анови чўлоқ Яковдан қўрқади... Ишонинг менга, тунда немис қуён бўлиб қолади, мен кечаёқ синаганман. Шундай қилмаса ҳам бўлмайди-да, руснинг товуғи немиснинг хўрозини қочиради ахир!

— Сен жуда баланддан келяпсан. Сўзда ботирлик осон, — деди бека қўлини силкиб.

— Нега сўзда? Мен қуруқ сўзнинг душманман. Аммо етти ўлчаб, бир кесин керак. — Чол ўз бармогидай йўғон ва узун қилиб ўралган махоркани тутатиб қаттиқ аксирди-да, айёр, чиройли лўли қиз ҳақидаги чала қолган можаросини бошлади. Аёллар яна аввалгидек берилиб тинглашди. Лекин ҳикоя энг қизиқ, кулгили ерда узилди: кўчадан, нақ дераза қаршисидан, маст қийқириқ ва немисча қўшиқ эшитилди. Ҳамма бир зум жим бўлди. «Ит ўйини, булғалашиб ўтади кетади», деб шивирлаб, чол яна сўзини давом эттирган эди, шу он эшик ларза билан қаттиқ тақиллади, дераза остидан этикларнинг қўпол дукури эшитилди. Эга-

чи-сингил чўчиб ўрнидан туришди ва изтироб, нафрат билан эшик томонга қарашди. Надя гўё сувуқ қотгандай, шошиб-пишиб пальтосини кийди. Чол махоркани сўриб, қалин тутун буриқситди, қолдиғини полга ташлаб, этиги билан эзди.

— «Оч эшикни!»— деб чол боши билан эшик томон имо қилди бекага.

Бирпасда уй ичи қўпол дукур, тер ва ичимлик ҳиди, пишқириш ва қулоққа михдай қадалаётган ёт сўзлар билан тўлди. Немислар бешта эди — автомат осган тўртта солдат ва бир ефрейтор. Новча, ориқ — ўнг юзида йилтираган доғи бор, узунчоқ бошли ефрейтор олдин хонани айланиб, деворларга, буюмларга кўз югуртириб чиқди-да, кейин аёлларга, чолга совуқ, масхарали назар ташлади.

— Бу ким?— Немисча акцент билан қийналиб русча сўради бекадан.

— Бу бизнинг қишлоқдан, қўшнимиз? Бу — синглим,— жавоб берди бека, сал ҳансираб, лекин дадил.

— Эр бор? Қаерда у?— сўради ефрейтор. Аёлнинг иродасини кесиш учун, кўзларини пичоқдай қадаб.

— Ҳамма каби фронтда у!— жавоб берди бека кўзларини сал тушириб.

Надя столга суяниб, бошини сал қўйи қилиб, сокин турарди. Ҳар он сайин қўрқувнинг маъносизлигини англаб, дадиллашар, бутун вужудини қандайдир табиий ғурур тўлдирётганини сезар эди. Лекин солдатларнинг ҳаммаси, кўкимтир каскалари остидан, кўзларини ҳаёсиз илиқш билан унга тиккандек туюлгани учун, қиз бошини сал орқага бурди. Холадай қаққайган новча ефрейтор чолга бурилди ва унга бошдан-оёқ мароқ билан разм солди. Кейин у солдатларга қараб, чол тўғрисида нимадир тайинлади. Улар хахоләшди.

— Ҳозир кеч-а?— деди ефрейтор ва қўл соатини чолга кўрсатди-да, давом этди.— Бунда нима қиласан? Уйинг бор, кампиринг бор, қизларни бизларга қўй. Ну, жўна! Тез!

Чол индамади. Фақат серажин, этсиз юзи бир зум асабий қийшайди, махоркадан кир-сарғиш дағал соқоли, мўйлови титраб кетди. У махорка қолдиғини полга ташлаб, этиги билан эзди: «Хўш, қизларим, хайрли кеч»,— деб эшик томонга кеккайиб, дадил юрди.

— Хайрли кеч, Яшкин бобо, бизга кириб тур,— орқасидан қичқирди Надя.

Ефрейтор столга ташланди. Столдаги идиш-оёқларга жирканч билан қаради. Бека стол устини дарров йиғиштирди ва клеёнкани латта билан илдам тозалади. Солдатлар автоматларини комод устига қўйиб, стулларни қалдиради, қисирлатиб ўтирдилар. Ефрейтор столда турган «Қадимий замон тарихи» дарслигини қўпол, кир бармоқлари билан варақлади-да, бир неча варақни шартта йиртиб олиб, ёғимлаб шинелининг чўнтагига суқди ва аскарча шахдам одим билан ташқарига чиқиб кетди. Надянинг юзлари титраб кетди. Кошки китоб билан бу вақшійларнинг бошларига урилса! У тишларини қисиб деразага суйанганича қотди. Ғазаб ва алам тўлқини ҳалқумини бўғар эди. Опаси кўзларини маънодор қисиб қўйди-да, китобни олиб, буфет устига ташлади.

Кенг елкали, катта сопол товоқдай беўхшов юзли, паст жағи олдинга туртиб чиққан солдат оғзидан сўлагини оқизароқ консерва банкаларини миришкорлик билан очиб ташлади, бошқалари столни нон, тухум, колбаса ва ҳар хил ширинликлар билан тўлдирди. Солдатлар овқатларнинг кўриниши ва ҳидидан бетоқатлангандай қўпол ботинкалари билан гурсиллатиб ер тепниб, кафтларини ишқалай бошладилар.

Мана ефрейтор эшикдан ўшшайиб кирди. Новча, ориқ ва гувала бош ефрейтор бемаъни, аблаҳона гердайиш билан ўтириб, узун оёқларини чалиштирди. Бека довдираб, стакан, пичоқ, вилка ва бошқа идиш-оёқларни бериш билан банд эди. Надя орқасини ўгирган ҳолда дераза ёнида қотган. Қизнинг оёқлари ожиз, ғазабдан титрарди. Немислар вилкаларни шақирлатиб, пишқириб, ичишга, ҳайвондек чайнашга бошлаганда у бошини қуйи солиб, даҳлизга чиқди ва қоронғида туртишиб бурчакдаги эски яшикка ўзини ташлади. Бир оздан кейин ёнига опаси келиб ўтирди. Бир қанча вақтгача улар жим қолишди. Фақат бека гоҳ бошини деворга аста уриб қўярди. Лекин уй ичида шовқин, дукур борган сари кучайди. Буфет ва комоднинг очилгани эшитилди.

— Хўжайинлик қилишяпти, безорилар!— дея шивирлади бека дард билан.

— Уйлама, таловчилардан бошқа нима кутардик?— сепкин деди Надя оҳиста ва давом этди, — жангчидан хабар олмадик-ку. Очиққандир, бояқиш.

— Мен ҳали чол кетгандан кейин олиб кириб бафуржа тўйинтирмоқчи эдим. Энди мумкин эмас. Ишқилиб мут-

таҳамлар тинтув қилмасин-да! Шуни ўйлаб ўтирибман. Қўрқаман.

— Бу итлар ейди, ичади, қорнини шишириб ётади. Эрталаб жўнайди. Мен ҳали гапларини чала-чулпа фаҳмладим. Менимча, хавфланишга ўрин йўқ.

Нимадир полга тушиб чил-чил бўлди. Қаҳқаҳа портлади. Шу он бирдан боланинг чинқирган овози эшитилди. Бека сакраб туриб хонага отилди. Каравотда Володянинг ранги қум ўчган, кўзлари аллақандай қўрқинчли чақчайган эди. Она маҳкам бағрига босди, ўпди. Юмшоқ, сариқ сочларини силади ва эркалаб овутишга киришди. Стол атрофида маст, чайқалиб ўтирган солдатлар эътибор бермади. Ефрейтор маст кўзларини қандайдир ҳайвоний ҳирс билан бекадан узмади. Ҳатто бузуқларга хос ҳаракат билан ишора қилди. Бека қалтираб, кескин тескари бурилди ва болани ётқизди-да, унинг бошига энгашиб ўтирди. Кимнингдир чайқалиб, унга яқин келганини сизди, юраги шув этиб қимирлашга ҳоли қолмади. Бир зумдан сўнг қандайдир мойли ва қўпол қўллар унинг юзларини пайпаслади ва бошини юқори кўтарди. Бека, гўё қотилнинг пичоғини ўз бўғзида сезган одамдек, жон ҳолатда сапчиб турди, титраган, қуриган лаблари билан секин деди:

— Уят эмасми? Сиз — яна командир! Сўрайман, мени тинч қўйинг, болани қўрқитманг.

Ефрейтор немисчалаб, ниманидир қичқирди. «Каравот керак, бўшат!» Бир қўли билан болага, бир қўли билан эшикка ишора қилди. Шу он югуриб Надя кирди: «Нима бўлди?»

Ефрейтор сал гандираклаб чекилди. Бека индамасдан боласини кўтарди-да, ҳансираб эшикка юраркан: «Юр, тез чиқ», деди Надяга. Қиз соатга қараб эшикка буриларкан, жуда ёш, бақувват, қорамтир сочлари эски пилоткасидан тушган, теқис, тоза юзида шилқимлик жилваланган, афтидан, солдат шинели кийган студент илдам унинг йўлини тўсди ва қизарган кўзларини сузиб, жилмайиб дастурхонга даъват этди. Надя бепарвогина, раҳмат, истамайман, деди. Солдат бирдан қўлларини ейди ва ялтоқлик билан деди:

— Баришња, бир минут биз билан ўтиринг. Суҳбат қилишамиз, жишжа ичинг. Биламиз, руслар яхши ичади. О, ҳаммаси ичади. Сизга француз виносини бераман, у жуда яхши вино, қизларнинг юзини гулдек очади, юрагини яшнатади. Сўрайман, марҳамат...

Солдат қизнинг тирсагидан маҳкам ушлади.

— Йўқ, беҳуда овора бўлманг, — деди Надя, бутун иродаси билан ўзини сокин тутишга тиришиб. — Бошим огрияпти. Ҳозир ҳеч нима истамайман. Қўйиб юборинг мени.

Солдат қўймади, ўжарлик билан олдинга итара бошлади.

— Кучингизни менга кўрсатасизми? Фойдаси йўқ. Билинг, менда ҳам куч бор. Мен — одам! — бир силтаб тирсагини бўшатди-да, даҳлизга югурди, уйда хахолошди. Стакан синиши, маст қийқириқ, дукур ва нағма садоси эшитилди.

Даҳлиз қоронғи, зах, совуқ эди. Яшиқни Володя банд этган. У қуруқ тахтада ётолмасдан гингширди. Бека пичирлаб, душманни қарғади. Надя бурчакка тиқилиб, узоқ тек қотди. Бутун ҳаёт бўш, бемаъно туюлди. Опаси туртина-туртина гугурт қидирди. Тополмади. Челакка қоқиниб сувни ағдарди, ниҳоят, шалоқ табуреткани топиб, деди: «Ма, ўтир. Мадордан кетмадингми?» Улар бошларини совуқ деворга қўйган ҳолда, жунжайиб ўтиришар, уйга бош суқишга юраклари зир титрарди. Хона ичида шовқин ва қаҳқаҳа тинмасди.

Ҳорган, ожиз, руҳан эзилган Надя енгил пальтосига ўралиб, мудраб кетди. Лекин бирдан чўчиб, кўз очди. Қаршисида электр қўл фонари аллақандай даҳшатли йиртқичнинг тунда ёнган кўзидай машъум боқарди. Қиз бир зум энтикиб, қотиб қолди-да, қичқирди: «Ким бу?» Мудраган опаси ҳам талваса билан ўрнидан чўчиб турди. Ҳўкиздай пишиллаган немиснинг бадбўй нафаси Надянинг димоғига урилди. Солдат ўзини қизга ташлади. Қучоқлаб гашқарига судради.

— Баришняя, нимношка гулай, — дўнғиллади у, маст чайқалиб.

— Сен кимсан? Солдатмисан? Ҳайвон бўлсанг, ўлдир, лекин таҳқир этма! — Солдатдан қизни айириб олишга тиришди ҳансираб бека. Солдат ботинкаси билан тепди. Бека, гўё ўнг оёғи ушалгандай, инграб йиқилди. Надя нафрат ва ғазаб билан солдатнинг чангалидан қутулишга уринди. Солдат уни деворга михдай қоқиб эзғилай бошлаганда, қиз унинг бетига тупурди. Солдат жаҳл билан уни туртиб юборди. Надя даҳлиздаги қақир-қуқур устига қулаб тушди. «Урис, чўчқа!» дея бақирди солдат ва кўча эшигини очди. Шу вақт ичкаридан гуриллаб бешқалар чи-

қишди. Ҳаммаси шунда остона тагида ўтирди. Надя кафти билан бурнини беркитди. Немислар хонага кириб, қаравотларни тақирлатиб, ағанашди. Эгачи-сингил даҳлизда бурчакка қисилиб, гўё поёни йўқдек чўзилган, оғир кечанинг ёришини мижжа қоқмай, титроқ билан кутишди.

Эрта билан ғира-ширада немислар уйни тарк этишди.

Новча, ориқ, қуйи жағи осилган ефрейтор эшикда жилмайиб, «яна кўришганда рози бўласан-а?» дегандай хира, бемаъно қизарган кўзларини бекага безориларча қисиб қўйди.

Аёлларнинг ранглари касалникадай ўчган эди. Энди улар ўзларини гўё бутунлай сиртмоқдан бўшаган каби енгил сезсалар ҳам, ҳали кўзларида қўрқув равшан жилваланди. Немисларнинг қораси ўчар-ўчмас бека кўча эшигини қулфлаб олди. Хонага кириши билан димоғига бадбўй ҳид урди — у бир қўли билан бурнини қисиб деразани очишга мажбур бўлди. Уй ичи ифлос ва ивирсиқ эди. Гўё бу уйда одамлар эмас, чўчқалар тунаган! Бека то уйни саранжом қилгунча, лаби пичирлашдан тинмади — келгинди зўравонларни қарғади. Уйда ўтиришдан ҳазар этиб, кичкина оила даҳлизда нонушта қилди. Кейин, опасининг эътирозига қарамай, Надя ўз ўртоқларини кўриб келиш учун, эски-туски кийимларини кийиб, кўчага отилди.

Бека ҳовлидаги эски саройни очди-да, ҳужрани тикирлатди. Али тажанг йўталди-да, кўзларини уқалаб, ташқари чиқди: «Издирас». Бека ундай қандай ухлаганини сўради. Али тажанг кулиб жавоб берди: «Жуда яхши. Ҳозир уйғондим. Уйқў — роҳат. Қизиқ тушлар кўрдим...» Бека бир тарелкада қовурилган картошка, бир бўлак нон келтирди. Али тажанг олдин юз-қўлини обдан ювди-да, пичанда чордона қуриб нонушта қиларкан, бека энгашиб сирли ва ҳазин товуш билан тунги воқеани айта бошлади. Буюк даҳшатларни кўрган Али тажанг лоқайд тинглади: «Ёв келди, бало келди, — деди у секин. — Ё бўйсун, ё ўл, дейди немис. Баччагар жуда қора ёв. Хўжайка, сенга катта раҳмат. Сен жуда яхши хотин экансан. Лекин бугун кечаси кетайми?»

— Қаерга? Немиснинг қўлига тушаман десанг, кетавер. Менга ташвиш ва қўрқинч озроқ бўлади.

Али тажанг хотинини синамоқ учун айтган эди. Катта йўлда ҳайдалиб кетаётган асирларни узоқдан кўргандан буён, асирликдан ўлимни афзал билган эди. Беканинг самимияти учун ташаккур айтди. Қўлини кўксига қўйди. Бека



унга эрининг эски кийимларини кийишни, бирон бахтсиз ҳодиса рўй берганда, душманга уни, ўз эри каби кўрсата-жагини кенгаш берди. Али тажанг бу ҳийладан рози бўлиб, кула-кула қоронғи ҳужрага тикилди.

## УН БИРИНЧИ БОБ

Фронт ҳамширалари меҳнат ва ташвишга қарамай, деярли ҳамма вақт ярадорларга самимий севги ва ғамхўрлик билан, балки ўз туғишган ҳамширасидан ҳам афзал муомала қилишарди. Улар орасида «ўқ ўтмаслар» кўп эди. Солдат бир зум бўлсин бошини кўтаришга имкон тополмаган участкаларда бу қизлар ярадорларни — дов йигитларни олиб чиқишарди. Лекин аскарча кийиниб, тўппонча осган баҳодир қизларнинг камтарлиги ҳайратомуз. Улар ўз шонли ишлари ҳақида сўзламас эдилар.

Рашид арра билан яқинда қирқилган дарахтнинг силлиқ тўнкасида хомуш ўтирарди. У Бектемирнинг қўшни қишлоғидан, Бектемирнинг яқин дўсти эди. Ҳозир фронтда улар бир полкда, аммо айрим батальонларда эдилар.

Гоҳ-гоҳ олисдан катта бўш хумни тепгандагидек, артиллерия гумбурларди. У янги ярадорлар келганда «бизникилар йўқмикан?» деб диққат билан кўздан кечирарди. У ҳаммадан кўпроқ ўз элатлари учун хавфсирарди: гўё бир бешикка беланиб, бир кўрпада катта бўлганлардек, бир қишлоқда униб-ўсган ўз яқинларини, балки, қайта кўриш муяссар бўлмас! Кеча «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланиб, суратлари газеталарда босилган Ксения Орловани чақирди. Қиз шартга тўхтади ва қошларини чимириб, пилоткали бошини снгил ва чироқли эгиб тикилди. Бу узун бўйли, қизғиш сочли, олтин заррасидек сийрак сепкили болаларча маъсум юзига ҳусн қўшган, шўх, ёқимтой, ажойиб ҳаракатчан қиз — жасурлиги, фидокорлиги билан денг қозонган эди.

У худди душман окоплари ёнидан, ҳар парчаси ўққа тутилган жойлардан ярадорларни олиб чиқар эди.

— Бўшмисан? — деб сўради Рашид эски таниш ва ўктам йигит тури билан.

— Қандай, фронтда вақт етишадими? Нима керак, айт, ярим соат вақтим бор, — жавоб берди Ксения кулиб, гўё жангчи эрмак қидирганини гумонсираб.

— Гаплашамиз, жуда зерикдим, — деди Рашид кулиб.

— Йўқ, раҳмат. Бу гапларни урушдан кейинга қолдирайлик, қора кўз дўстим!— деди Ксения эрка мағрурлик билан.

— Шошма, ҳазилни ҳам билмайсанми? Менга хат ёзиб бер. Унг қўл ишламайди, мана,— илтимос қилди Рашид.

— Бу — бошқа гап. Хат — жангчининг маънавий қуроли. Жиддий қуроли. Давай, давай, ҳозир ёзиб ташлаймиз,— деди-да, қиз бир зумда аллақандай қоғоз топиб келди. Рашиддан сал нарироқдаги бошқа бир тўнкага ўтирди.

— Хўш дўстим, сен қаердан? Қачон ярадор бўлдинг, қора кўзим? Айт, кимга ёзамиз, хотининггами? Ёки суйган қизга? Шундай чиройли хат ёзиш керакки, ҳамиша юрагига босиб юрсин, ҳар кун ўқисин. Тўғрими?

— Хотин йўқ, онажонимга ёз!— деди Рашид, оғир фронт шаронтида ҳам тоза, ҳаётбахш руҳни йўқотмаган қизга меҳр билан кўзларини сузиб.

— А, сен севганмисан? Яширма, биламан сиз эркакларни...

— Севаман, тўғри,— жавоб берди Рашид, кўзларини хаёлчан ва ғамгин сузиб.

— Яхши, севмак керак. Севгисиз ҳаёт, нима десам, ҳидсиз гулга, қуёшсиз кундузга ўхшайди. Чиройлими севганинг? Қора кўздир у ҳам? Мен ҳам, тўғриси айтмай, қора кўзларни севаман. Лекин менинг Сашамнинг кўзлари зангори. Фақат шундай гўзал, шундай тоза, худди жануб самосидай ёлқинли... Тушуняпсанми сўзларимни? Лекин у ҳам жуда узоқда, у ҳам жангда, лекин ерда эмас, денгизда у...— Ксения Орлованинг кўзларида бир зум дард кўлкаси жилваланди.— Хўп, қани, айт, нима ёзай, менинг вақтим зиқ.

— Азиз онажонимга салом, опам Ҳакимага салом,— Рашид ўйлаб, салмоқланиб сўзлай бошлади.— Синглим Наимага салом. Укажоним Ҳошимхонга ва келинойим Шарофатхонга салом...

Қиз қоғозни тиззасига қўйиб, тез-тез ёзаркан, жангчига тикилди: «У ёғи яна...»

— Амаким Холмат акага салом. Колхоз раиси Маҳмудовга салом...

— Бу қандай хат?— кулди Ксения бошини силкиб.— Ишларингни, аҳволингни баён қил. Йўқ, хатни бизда бундай ёзмайдилар!

Рашид унинг сўзини эшитмагандай давом этди:

— Самандар акага салом! Бу киши колхоз бригадири!  
Яна Қори почтамга салом, яна...

Ксения қалам учини тишлаб сабрсизлик билан қичқирди:

— Уҳ, ўртоқ жангчи, умримда бундай хат ёзган эмасман. Ўйлаб кўр, ахир бутун қишлоғингнинг халқини санаб чиқдинг-ку.

Рашид қўлини силтаб, жиддий тушунтира кетди.

— Хат ҳам кўз, ҳам қулоқ. Саводли одам ўқийди, ўз номини кўради, саводсиз — қулоғи билан эшитади. Салом — совгадан азиз. Сен нимани тушунасан? Ёз, дўстим Қодиржонга салом. Бу киши чойхоначи. Қачоң келсанг, аччиқ кўк чой тайёр. Бир кўзи ғалайроқ, лекин сўзга чевар. Ёз, звено бошлиғи Содикжонга кўпдан-кўп салом.

Ксения узил-кесил эътироз этди:

— Бах! Бошқа қоғозим йўқ. Қара, бир бет саломинг билан тўлди.

— Баришна, Содикни қўшиб қўй. Майли, охиргиси. Нега десанг, қишлоқда у биринчи одам. Гектаридан 90 центнердан пахта берган-а. Англайсанми, тўқсон!

Қиз бошини чайқаб, номлож ёзди-да, бирдан жангчига тикилиб, деди:

— Ҳа, шошма, суюкли қизингга нега салом айтмадинг? Оти нима? Энг қизгин ва юракдан биринчи салом унга бўлиши керак эди. Нима, сен уни дарров унутдингми? У, бечоранинг бутун юраги, эс-ҳуши сендадир.

— Бу хатда унинг номи бўлмасин, яхши эмас, — жавоб берди Рашид.

Ксения кўзларини ола-кула қилди:

— Нега? Ораларинг бузилганмиди?

— Йўқ? Бизда шундай закон, — жиддий жавоб берди Рашид. — Бу ялпи хат. Қўлдан-қўлга ўтади. Қизнинг номи ёзилса, ота-онаси, ўзи ҳам хафа бўлади.

— Ҳеч нима англамайман...

— Уят бўлади, биласанми, уят! — деди кулиб Рашид. — Хўп, ёз: Мен худога шукур соғ-саломат юрибман. Сизларнинг саломатлигингизни тилайман. Биз урушдамиз. Аммо турган жойимизнинг номини билмайман. Ҳамма ёқ қарагайзор. Кийим қалин. Овқат ёмон эмас. Аммо сизларни жуда соғиндим. Ҳозир хат ёзмай туринглар. Негаким адрес ҳали аниқ эмас. Ўғлингиз Рашид.

— Нималар деяпсан? Ярадор бўлганингни айтмайсанми?

Рашид қўлини сиотаб кулди:

— Иссиқ юртга совуқ хабар юборгим келмайди.

— Тўғри. Уларни ташвишга солиш яхши эмас. Аммо оз-моз ёзиш мумкин эди.

— Майли, ёз, — деди Рашид, — уч-тўрт кундан буён бир жойда ётибман. Бир қўлимнинг мазаси йўқ. Хавотир олманглар.

Қиз қоғозни туморча шаклида буклаб, адресни ёзди ва ўрнидан туриб, жангчининг елкасига қўлини қўйиб, ғамхўрлик билан:

— Хайр, ўзбекистонлик ўртоқ. Хатни мен ўзим ҳозир жўнатаман, ишонасанми? — деди.

— Жуда яхши. Раҳмат, сестра, — деди Рашид. Қиз юмшоқ йўлларда қушдек сакраб дарахтлар орасида кўздан учди. Рашид, шўх, хушчақчақ ва жасур қиз билан гўё суҳбатни давом эттираётгандай руҳи енгиллик сезиб, хаёлчан, аста кетди. У янги келган бир неча ярадорлар орасида ўз ротасидан бир жангчини кўриб қолди. Ярадорнинг боши дока билан қалин ўралган, юзи бўздек оқ, кўзлари гўё иситмаси бордек ёнарди. У югуриб бориб, ҳол-аҳвол сўрашди. Кейин элатлари ҳақида суриштирди.

— Уринбоев Бектемир биз билан кеча контратакага кирган эди, — деди ярадор ҳансираб. — Кейин кўздан йўқотдим. Билмадим, нима бўлди экан. Қаттиқ жанг қилдик. Ротадан кўп киши ҳалок бўлди, — ярадор даҳшатли картиналарини эслашини истамагандек, кўзларини дард билан маънодор юмиб қўйди. Бу хабардан Рашиднинг юраги тилингандек бўлди. «Наҳотки ака-укадек яқин ва меҳрибон Бектемирдан мангулик айрилди у!» — бу фикрдан ранги ўчиб, титраб кетди. Чодирга кириб ётди. Ногоҳ осмон самолётларнинг машъум шовқини билан тўлди. «Ҳаво! Ҳаво!» қичқиришди ҳаяжонли товуш билан ташқарида. Ҳамма ўзини чуқурларга, қалин ўрмон ичига урди. Ҳаммада бирдан жонни сақлаш сезгиси, энг кучли инстинкт ҳоким бўлди. Бошини кўтаришга ожиздек кўринган оғир ярадорлар ҳам бу кучнинг қанотида учди. Гумонсираган душман, ҳар ёққа бир неча кичик бомба ташлади-да, ўқ ёмғирин билан ўрмонни бир оз «тараб» ғойиб бўлди. Битта ҳамшира оғир ярадор бўлди — уни замбилга солиб ертўлага олиб киришди. Икки от нобуд бўлди. Кабинада қолган таваккалчи шофёр машина рулига бошини қўйиб, худди ухлагандек қотиб қолибди. Буни хийла кейин билишди. Рашид шофёрни бирон соат бурун,

машина атрофида айланиб, у ёқ-бу ёғини тўғрилаб, ҳамширалар билан қўполгина, бироқ ранжитмайдиган равишда ҳазиллашаётганини кўрган эди... Лекин энг даҳшатли ҳол тунда воқе бўлди. Рашид уйқу аралаш ўрнидан, гўё ёнғин ёки зилзила рўй берган вақтдагидек, қандай турганини ва ташқарига отилганини сезмай қолди. Ўрмон ичи шундай қоронғи эдики, Рашид кўп вақтгача ҳеч нимани айира олмади, фақат одамларнинг асабий, ҳаяжонли шовқинини эшитди, безовта, шошқин саросима ҳаракатини сизди. У худди кўрдек ўзини гоҳ дарахтларга, гоҳ пишқирган отларнинг бошига уриб олди. Машиналар қаердадир, тор йўлларда, худди қамалга тушган йиртқичдек ваҳимали хириллар, шофёрлар эса, ҳар вақтдагидек шумтакаларча кимнидир, нимагадир, беғараз сўкишарди. Рашид бу говғанинг сабабини тез англади: ошиғич чекиниш. Ҳансираган, вазифа учун ўтга, сувга ўзларини отишга тайёрдек фидокорона ишлаётган ҳамшираларнинг узуқюлуқ гапларидан Рашид душманнинг яқинлигини, қуршовда қолиш аҳтимоли борлигини пайқади-да, гўё уни биров ўлим оғзига ем қилиб ташлаб кетаётгандек, бутун вужудини даҳшат қоплади. Бутун ғайрати билан у бирон машина ёки аравага, жила бўлмаса, осилишга уринди. Гўё одамлардан тортиб отларгача — ҳаммада бу қўрқинч сезгиси ҳоким эди. Ҳамма бу ўрмондан — хушбўй, сокин ва душмандан уларни ўз оғушида сақлаган маскандан қочишга, қанот бўлса учишга интиларди. Алалхусус қаттиқ ярадорлар, ҳамширалар ёлғиз уларга парвона бўлишларига қарамай инграшар, ялинишар, йиқила-қўпа уринишарди... Душманнинг ўрмон орқасидан бошлаган миномёт ўти остида санбат ўрмонни тарк этди. Рашид ярадорлар тигиз жойлаштирилган машинанинг бурчагида сиқилиб тиз чўккан эди. Ўрмондан чиқишгач, катта йўлда карвон улоқдан сийрак ўққа тутилди. Бошлардан учган рангли ўқлар қаердадир йўқоларди. Ярадорлар оғриқдан инграр, баъзилари талваса билан нималарнидир қичқирар эдилар. Эрта билан улар қандайдир станцияда тўхташди. Тонг туманида атрофдаги деразасиз бинолар ситилган кўзлардек машъум боқарди. Вокзал перронини ғишт ва тупроқ уюмлари, куйган ёғочлар қоплагаҳди. Паровозлар пачақланган, ағдарилган, саломат қолганлари шерикларидан ҳурккан каби, буғ тўлқинларига кўмилиб, асабий дардчил қичқириб, ҳансираб юришарди. Рашид ўзини машинадан отди. Уюшган оёқлари худди жонсиздек эди. Бир қўли билан тиззалари-

ни, болдирларини обдан ишқади. Паижастига қорамтир қон ёпишди — яралардан оққан қон машинани булаган. Кўзлари қисилган, юзлари ҳорғинликдан мумдай жонсиз сарғайган медицина ходимлари ҳолсизларга ошиғич ёрдам кўрсатишга тиришди. Хароб ва емирилган станцияда аянч, бахтсиз, мадорсиз тўда-тўда одамларни — аёллар, болалар, чолларни кўрди. Ҳар нав тугун, қоп ва чамадонлар юки остида тошбақадай оғирлашган граждaнларнинг кўзлари Шарққа қараб чўзилан рельсларда эди.

Ярадорларни ажойиб тезлик ва тартиб билан санитария вагонларига жойлаштирилди. Рашид танбурда, соғ қўли билан вагоннинг темир тутқичини ушлаб, юзида билинар-билинемас ифодаланган ички табассум билан узоққа, ниқобланган санитар машинаси ёнидаги фигурага қаради: оқ фартуғи устидан белига катта тўппонча тақиб олган ва профессорнамо, серсоқол, кўзойнакли бир киши билан алланималар ҳақида жиддий гаплашиб турган қиздан — Ксениядан кўз узмади. Ундан айрилишга юраги ўкинар, шу дақиқада ҳар қандай хавф-хатарни у билан бирга кечиришни ўзи учун бахт санарди. Поезд жўнашга тайёр эди, ёширт юми устида турган темир йўл формасидаги ёшгина аёл қичқириб кимгадир сўнгги буйруқлар бермоқда эди. Енгил туман орасида қуёш шуълаларида энди очилган само машъум ғувур билан тўлди. Қаердандир, яқиндан, зениткалар шиддатли ўт очди. Станцияда одамлар жон ҳовучлаб, йиқила-қўпа, калхатдан қочган жўжалардек ўзларини ҳар ёққа урдилар. Рашид самолётнинг қанотини бир зум кўриб қолди. У ўзини ерга отди-да, ёширт уюмлари, бузуқ деворлар орасида сакраб, яширинишга тушди. Аллақандай хунук инграган бомбалардан унда-мунда тупроқ уюмлари кўтарилди. Ҳаво яна бирдан жим бўлди. Унда-мунда юмалаган гавдалар кўринарди. Рашид ёнаётган вагонга югураркан, замбилда Ксенияни элтардилар. Жангчи яқин келиб алам билан чақирди: «Ксения Орлова!» Қовоғи солиқ, юзи тошдек ҳиссиз замбилчи тўнгилади: «Нега бақирасан? Ухлаб ётибди».

## УН ИККИНЧИ БОБ

Изғирин ҳуштак чалиб, қотган ердан эрмаган қировни учирар, барглари раҳмсиз узар, солдатларнинг кир, илматешик, куйган шинелларини юлар эди. Бироқ дарёчанинг

қирғоқларини мустаҳкамлаш билан банд бўлган солдатларнинг юзларидан тер қуйиларди. Асқар полвон пилоткасини олиб, терни артди-да, гўё Ўзбекистон жазирамасида пахта чопиқ қилаётгандек, бир оз елпинди ҳам. Ҳаммага ўхшаб шу кунлари у ҳам дилгир ва тунд эди. Бу, умуман, фронт ҳаётининг оғирлигидан эмас, балки чекинишнинг солдатлар руҳидаги маънавий эзилишидан эди. Яна ҳар хил «миш-миш»лар, кўпинча товушсиз, ёлғиз кўзларнинг имоси, лабларнинг бурилиши, юзларнинг қийшайиши, бармоқларнинг ҳаракати ва ҳоказо билан тарқалиб турарди. Айниқса, турли сабабларга кўра ўз қисмларидан узилган айрим «дайди»лар ҳар хил сассиқ сўзларни таратарди.

Қуршовдан чиққандан буён бу ерда кеча-кундуз истеҳком ишлари қайнайди. Николайнинг умумий мудофаа режасига биноан, дарё бўйида душманни қаршилаш керак. «Фрицни бу ерда роса урамиз, жонли кучини, техникасини мажақлаб, тинка-мадорини қуритамиз!» деган фикрни ҳар бир жангчининг миясига қуйишни истар, ҳар муносабат билан бу фикрни уқтириб ўтишга тиришар эди.

Асқар полвоннинг юрагини қонатган нарса — ўз элатларидан айрилиқ ҳисси эди. Али тажанг асир тушган деб гумонсирар, Бектемирни нечундир ҳалок бўлган деб ўйларди. Ҳаммадан кучли ҳис, тоқатни тоқ қилувчи дард — оиласини соғиниши эди. Уйдан чиққандан буён ҳали биронта хат олгани йўқ. У баъзан кўзларини юмиб қизчасини, онасини, хотинини шундай дард билан ўйлардики, ўзини, ҳатто бутун борлиқни унутаёзарди. У кўпинча тинч вақтларда оилага, уй-жойга, ўзининг бевафолигига ачинарди. Нега ҳар куни ишдан қайтганда қизчасини кўтариб соатларча эркалатмади? Нега хотинига — меҳнаткаш, ювош, боадаб, камсўз аёлга баъзан арзимаган нарсага, баъзан бутунлай сабабсиз жаҳл қилди? Тили дуодан тинмаган меҳрибон онанинг ҳурматини етарли бажо өтдими? Тевараги қалин, баланд пахса девор билан ўралган кичкина эшикли ҳовлида кўркам тераклар остида шалдираб оққан сув, ёз кунлари ҳузурбахш супа ва унинг ёнидаги гулзор, бақувват ёғочлар билан томдан баланд кўтарилган ток — ҳаммаси энди қандайдир эришилмас бахт тимсоли бўлиб туяларди. Яна қизчасини ўпиш, бағрига босиш, ўша шалдираб оққан сувдан бир қултум ичиш, токдан ўз қўли билан бир шингил узум узиш унга насиб бўлармикан? У ҳар ҳолда ишонмаса ҳам, лекин тирик қайтишни жуда орзу қиларди. Асқар полвон тушга ишонарди. Алоқ-чалоқ туш

кўрса, бутун кун кўнгил ғаш, паришонҳол юрарди. Қисм-да бирон жангчига хат келса, ҳаяжон билан тинглар ва ўзида йўқ қувонарди... Асқар полвон узун мўйловлари ҳар бел урган сайин жўхори попугидай ҳилпираган Дубовга қаради, унинг сийрак, лекин чуқур чизиқлар кесган қаҳрли юзи оғриқдан буришиб кетарди. Асқар полвон ачинди, Дубов яқинда тирсагидан ярадор бўлган эди. Ярани энгил фаҳмлаб, қисмдан узоқлашмади. Асқар полвон унга яқин бориб, аста деди: «Оғрийдими? Сен қўя қол!»—«Зарари йўқ, аламдан яхшироқ ишлайсан...»—«Қўлни чангдан сақла!» Дубов бир илжайиб деди: «Немисни қириш учун йўсин кўп».

Кечга яқин Асқар полвон штабга чақирилган Николинга ҳамроҳ бўлди. Чунки унинг отбоқари шўх, айёр Суворов (фамилиясидан киноя қилиб, жангчилар ўзаро уни генерал дейишарди) бетоб эди.

Асқар полвон тўриқ отда гердайиб капитаннинг ўйноқи бўз оти орқасидан елди. Улар тошсиз қатқалоқ йўлда бир оз юриб қишлоққа киришди. Кўчалар жимжит, уйлар бўшдек туюлди. Қудуқ бошида кўркам соқолли чол билан бесўнақай семиз, юмалоқ бир хотин отлиқларга ҳуркак ва ачинган назар билан тикилиб, алланима тўғрисида шивирлашди. Қишлоқдан чиқиш билан капитан отини сўлга — ўрмонга йўналган йўлга кескин бурди. Полк штаби олдида Николин отдан чаққонлик билан тушиб, жиловни Асқар полвонга тутқазди. У ғайри шуурий равишда этикларига, шинелига кўз югуртди-да, бошини тик тутиб бир неча қадам қўйган ҳамон, ертўладан полковник чиқиб қолди. У, қисқа бўй, калта оёқ, гирдигум, йирик кўзли, соқол-миёйқлари ҳозиргина қирилгандек йилтироқ юзли, чайир, чамаси қирқ ёшлардаги киши эди. Николин тик қотди, унинг буйруғи билан келганини аниқ чертиб сўзлади. Полковник хўмрайиб, титраб бақирди:

— Сволочь, 20-тепаликни қолдирдинг? Шарманда, жиноятчи!

Николининг туси бўздек оқарди:

— Ну, ўртоқ полковник, ахир мен... ахир мен... — деб шошиб, ҳаяжон ва жаҳл билан ўзини танита бошлади. Полковник ўз хатосидан ўнғайсизланиб, «Кечирасиз, кечирасиз мени... деб ўз пешанасига шартта урди ва Николинни қўлтиқлаб ертўлага — генерал ҳузурига бошлади.

Асқар полвон отларни дарахтларга боғлади, эрмак учун уларни бир неча вақт силаб-сийпади. Кейин бошини қуйи



солганича «Қора сочим» қўшиғини ичида куйлаб, олтин барглар гиламида аста-секин юраркан, яқиндан кимдир қаттиқ қичқирди: «Стой!» — Асқар полвон, «серзарда биронта командирдан гап эшитадиган бўлдим», деб ўйлади шекилли, турган жойида қотиб қолди, солдатчасига кескин унга бурилди-да, ўн қадамча нарида қаршисида хахолаган Бектемирни кўрди. Дўстлар қучоқ очиб, бир-бирига отилди. Иккиси ҳам ҳаяжонли эди. Асқар полвоннинг кўзларига ёш тўлди:

— Соғмисан, Темирим! Тушимми, ўнгимми? — деди.

— Олисдан сени кўрган ҳамон кўзларимга йшормадим... Айтадилар-ку, «кафан кийган кетади, кафалак кийган келади», — деди Бектемир Асқар полвоннинг елкасига қўлини ташлаб.

— Али тажанг беном-нишон кетдими?

— Қинғирнинг йўли ҳам қинғир бўларкан... На ўлиги, на тириги маълум, — жавоб берди Бектемир. — Хўш, ўртоқлар қалай, бизнинг Дубов бардамми?

— Сен билан ҳамтовоқ ва ҳаммайдон бўлганларнинг бир талайи энди йўқ... — Жавоб берди Асқар полвон отлар томон аста одим отиб. — Дубов саломат. Оғир пайтларда, ё бирон нарсадан хафа бўлганда сени йўқлаб қўяди...

Дўстлар ерда ётган тўсинга ўтириб секин сўзлашдилар. Бектемир ўз саргузаштини қисқа ҳикоя қилиб бергач, Асқар полвон бир оз сукут қилди, кейин баталён бошидан кечирган даҳшатли воқеаларни сўзлаб деди:

— Хотирингдами, эртакларда «борса келмас» йўлни танлаган аждаҳолар, девлар билан олишган, тилсимларни бузган азаматлар, фаҳмимча, ҳеч нима кўрмаган экан. Ботқоқликларда уруша-уруша, қон тўка-тўка, ўт чайнаб, балчиқ сув ичиб, ҳамон қуршовни ёришга тиришдик. Очликдан, ҳорғинликдан, ғам-ғуссадан қимирлашга дармон қолмаганда, қандайдир бир рота билан алоқа боғлаб қолдик. Сулайган одамлар умидланиб, қуриган ариққа сув келгандай, бирдан жонланиб кетди. Бир кун тонгга яқин, ёмғир савалаб турганда икки ёқдан фрицни бир уриб бердик... Эсхонаси чиқиб кетди!

— Командир тошни тишласа ғажийдиган одам. Фикри равшан. Юрагидаги олов ўлганида ҳам ўчмайдиган олов, — деди Бектемир шавқ билан.

— Бизнинг Николин — командирларнинг сараси! — деди Асқар полвон фахрланиш билан. — Қўрқиш нима эканини билмайди, аммо ақл ўлчови билан ҳаракат қилади.

Бекорга «ура!» деб, ғурра олишни истамайди. Үзидан аввал жангчини ўйлайди. Дўкни ҳам билади, юпатишни ҳам. Агар командирларнинг ҳаммаси шундай бўлса эди, иш бошқача тус оларди.

— Бу, шубҳасиз...— деди Бектемир жиддий ўйланиб,— жангчилар ёмон командирни яхши қилолмайди. Аммо яхши командир ёмон жангчини яхшилаши мумкин. Кеча бир майорни эшитдим, отишибди.

— Топшириқни бажара олмабдими?

— Баттарроқ!— жавоб берди Бектемир овозини сал пасайтириб. — Одамларни ўтга ташлабди-да, душман қисиб қолганда, машинага ўтириб, баччағар, ура қочибди.

Асқар полвон жирканч билан ерга тупурди.

— Бизники жаҳаннамдан саломат олиб чиқди, — деди у ингичка мўйловини бураб. — Мана алҳамдулилло, иккимиз дийдор кўришдик.

Дўстлар айти бир вақтда қўлларини беихтиёр бир-бирларининг елкаларига ташладилар. Қандайдир, мағрур ва шу билан бирга, руҳларининг бутун самимиятини, севгисини ифодаловчи табассум жангчи элатларнинг қаҳрли, қорайган, қаттиқлашган юзларини қоплади. Улар ҳаяжон билан, сўзсиз, узоқ тикилишди. Аччиқ шамол инграб, сўнгги, сийрак барглари уларнинг боши устидан учирарди. Дўстлар, беихтиёр қалтираган дарахт тепасига чўккан булутларга, қатқалоқланган чиркин йўлларга қарадилар. Соғинч ҳислари юракларни она юрт ёди билан тўлдирди. Туғишганларни, ёр-биродарларни, таниш-билишларни йўқладилар. Ҳатто Асқар полвон ўзини ҳар вақт кесатиб юрадиган рақиби, курашда ғирром, лекин мақтанчоқ «Гупчак полвонни» ҳам кўргиси келгандек тилга олди.

— Гўрсўхтани армияга олганмикин? Қайси фронтда пишиллаб юрган экан? Бояқиш чакки одам эмасди...

Бектемир хат-хабар йўқлигидан шикоят қилди-да, қандайдир нохуш бир илжайиш билан деди:

— Ҳисоблаб қарасам, акаларимнинг болалари йигирма битта экан...

— Қий-чувлари бутун қишлоқни гаранг қиларди... — қистириб қўйди Асқар полвон.

— Асли чурвақа, — давом этди Бектемир. — Билмадим, дадалари урушга олинса жўжалар қийналиб қолади-да. Хат бўлса эди, ҳамма чигаллар ечиларди. Балки кетмакет ёзишаётгандир-у, мана бу ўт гирдобиди чир-чир айлаиб юрганимиздан бизга келиб тегмаётгандир.

— Тўғри, жангчилар ўз қисмини тополмай юрганда, туморча қоғоз сен билан мени қайдан топсин? Аммо, Темирим, уйдан икки энлик хат олмасдан таним тупроққа қоршса, дунёдан роса армонда кетаман-да!

— Қўй, хуноб бўлма, бош омон бўлсин! — деди Бектемир. — Ана мени чақиршияпти. Қўшни эканмиз — мен ўтаман. Болаларга салом айт!

Шу пайт буларнинг олдидан югуриб кетган ҳамшира бирдан ҳовлиқиб орқага қайтди-да, йигитлар олдида кескин тўхтади:

— Салом, оғалар, сўзларингиз қулоғимга ўтдай тегиб кетди, — деди табассум билан ва Асқар полвонга қўл узатди. Асқар полвон ҳушини йўқотгандай бақрайиб қотиб қолди, қизнинг узатган қўлини ирғиб ўрнидан турган Бектемир икки қўллари орасида сиқди:

— Ёпирай, ўзбек синглимиз... Қайдан келдингиз, Тошкентданмисиз, доктормисиз! — сўради Бектемир шошиб.

— Йўқ, оддий ҳамшираман, тошкентликман. Икки ҳафта чамаси бўлди келганимга.

Энди ўзига келиб, шошиб, қизариб ўрнидан турган ва қўл узатган Асқар полвонга қиз кулиб қўлини бераркан, Полвон қайта-қайта:

— Баракалла, раҳмат, шунча узоқдан келдингизми? Ўзбекистон қалай? Тавба, — деди тикилиб.

— Ўзбекистон ўзингиз кўргандагидай — дала ҳарда иш қайнаб ётибди, — жавоб берди қиз.

Келишган толма бўйли ва ингичка қолаги йирик қора кўзлари учқунли Олтиузолмай ҳаяжон ва ҳайратда қолган йигитнинг дейишни билмай, бир зум сеҳрлангандалар. Кейин, Асқар полвон Бектемирга:

— Ажойиб қизларимиз бор. Жазирлари таърифга сиғмайди, — деди.

— Офарин сингилларимиз ичида юриш ўзи қаҳрамонлараб.

— Йўқ, йўқ, аф қиял ҳаммамиз жангчи. Хўш сиз? — сўради қиз.

— Уруш даҳшатлиб. — Чекиниб кетишистлар беҳисоб юбориб турибди.

— Шундай, аҳвол оғир, — деди Олтиной дадил ва жиддий тусда: — Қаттиқ, қонли жанглар бўлади, лекин фашистни эзиб, ағдариб, Берлинга тиқиш керак, ўқтингизми? — Асқар полвонга ва Бектемирга қараб: — Албатта енгамиз, балки бизлар ўлармиз, аммо азиз Ватанимизда албатта ғалаба бўлажак, — деди қиз гоҳ кучли ҳаяжон, гоҳ сокин ва жиддий билан.

— Пахта қалай, хабарингиз борми? — сўради Бектемир, шошиб, бирдан.

Кулиб юборди Олтиной.

— Пахта яхши, план албатта тўлади, халқ фидокорона ишламоқда.

— Ундан-бундан бир оз гаплашдилар. «Ўзбекистондан ҳам қуроллар келаётган эмиш, тўғрими?» — деб сўрадилар ва қизга кетма-кет турли саволлар ёғдирдилар. Қиз қатъият билан қисқа, аниқ жавоб берарди.

— Мен кетдим, ишим кўп, ярадорлар кўп, — деди бирдан Олтиной.

— Хайр, жиян, омон бўлинг. Эҳтиёт бўлинг, — деди Асқар полвон меҳрибонлик билан хайрлашиб.

Бектемир айрилгиси келмай, солдатларча қадам отиб кетаётган қизга эргашиди:

— Санбатга, бир кун олдингизга бораман, хўпми? — Бектемир, секин уялинқираб.

... ораси яқин, марҳамат, — деди қиз мулоғим, билан, қўлини узатиб. Улар хайрлашарканб бир он тикилиб қолдилар. Уларнинг ҳаяжон ва самимий табассум тошар эди. лутли, қоронғилашган кўкда яримта кемин қайдадир отилган тўп садолари. Қизнинг сочини шамол енгил тўзғитади. ирнинг оғир сўлиши эшитилар, шарди. Олтиной қиз қалбининг фаҳмлади ва бир он илиқ секин қўлини йигит қўлидан

... бир бўшлиқ сезган-трак дарахтлар орасида нар қучоғида ўксиниб

амлардек паришонин ҳаракати билан

курсига ишора қилди. Кейин у ўз ихтиёрига келган, кийимлари яп-янги, юзлари топ-тоза, ёшгина иккита лейтенант билан узилиб қолган суҳбатини давом эттирди. Николин гапга қулоқ солмасдан, кенг, пастаккина, нари-бери ясалган ва бурчакда гуриллаб ёнаётган печкага қаради. Чирик ҳиди анқиб турган ертўлага кўз югуртаркан, гоҳо бўйчан, ориқ, бир кўзи қисикроқ, қуюқ қорамтир сочли генералга зимдан синовчан қараш билан боқиб қўярди.

Биринчи учрашишдаёқ унинг феълнинг баъзи жиҳатлари капитанга мойдай ёқиб тушса-да, бошлиқларнинг қай материалдан ясалганини жанг пайти кўрсатади, бугун эмас, эрта-индин баҳоси маълум бўлади, деб қўйган эди. Ҳозир эса унинг узун қирра бурни ёнидан юпқа лабларининг бурчакларига қадар чўзилган чуқур чиқиқлар ва у сўзлаётганда ичидан тошиб келган ҳаяжон ҳам Николинга ёқарди. Бироқ узун қўлларини артистчасига ўйнатишини, баъзан ғурур билан бошини кескин кўтариб қўйишини нуқсон деб биларди.

Генерал Александр Васильевич Соколов лейтенантларнинг қўлларини маҳкам сиқди. Кейин папирос чекиб тутун булутини буруқтириб, стулга аста ўтирди.

— Сиз дунёда нимани сеvasиз, капитан?— деб сўради генерал жиддий, лекин қадрдонларча.

— Масалан, қай маънода?— деди Николин, кутилмаган савол қаршисида шошиб.

— Маълум, табиат кишининг юрагини бирон нарсага ёки машғулотга кучлироқ мойил қилиб яратади. Мен балиқ тутишни севаман, тирикчилик ўтказиш учун эмас, анчайин эрмак учун. Тинчгина оққан бир дарёчанинг бўйида соатларча танҳо ўтириб, аллақандай чиройли ўйларга толасан, қандайдир ҳақиқатга яқинлашгандек бўласан, руҳинг ҳам тонгги самодек пок ва равшан бўлади... Майли, мени идеалист деб ўйлашингиз мумкин.

Генерал папиросини тутатиб, кўзларини йироққа хаёлчан тикди. Николин илжайиб бир нафас сукут қилди-да, ўзининг суюкли машғулотлари ҳақида гапиришга мўлжаллаганда, генерални телефонист чақирди. Генерал томоғини қириб узоқ сўзлашди. Кейин батальонлардан хабарларни қабул қилди. Ниҳоят яна ўрнига ўтириб, худди Николинни ҳозиргина кўриб тургандай гап бошлади:

— Хўш, аҳвол қалай? Фрицни кутаётирмизми?

— Уни ўз қонига белаш учун кутаётирмиз.

— Душман мана шу ердан ёриб ўтиш учун, — деди генерал харитани кўрсатиб, — куч тўплаётибди. Агар уддасидан чиқса, у вақт бизга дуч келади. Тўғри, бу ерда кучларимиз оз эмас. Янги дивизияларимиз тайёр. Немис бу ерда ўз бошини ёради. Лекин аччиқ тажрибаларни ҳисобга олиб, хавфнинг кўзига дадил қарамоқчи бўлсангиз, ўйлангки, эртага — бўрон! Шунда марра — сизники.

— Жуда тўғри! — деди Николин манглайини буриштириб. — Шунинг учун эҳтиёт ва сергакмиз.

— Яна ҳам кучайтириш керак, — деди генерал бармоқлари билан столни чертиб. — Орқамизда Москва! Пойтахтнинг дарвозабони — биз. Ҳар бир жангчининг ўрни, қурсли ҳар бир ўт нуқтаси, ҳар бир кириш, ҳар бир чиқиш йўллари кунт билан, синчиклаб текширинг. Ўзим ҳам бориб кўздан кечираман. Бир нарса борки, усиз ҳамма тайёрлик — бир чақага арзимаёди. Бу — жангчининг юрагидаги ўт, руҳининг тетиклиги. Бу нарса, ўзинг биласан, урушнинг отаси. Бу бўлмаса, бамисоли болтанг бор — сопи йўқ, тўй тайёр — куёвжон йўқ... Мендаги маълумотларга ва ўзимнинг мушоҳадаларимга қараганда, баъзи бир қисмларда аҳвол жилла қониқарли эмас. Орада қуёнлар бор, қуёнлар... Сўнгра, манав оғир чекинишлар, қуршовда қолишлар баъзи жангчиларнинг юрагига умидсизлик, тушкунлик ҳисларининг лойқасини қолдирган. Бу лойқа битдан ҳам, очликдан ҳам ёмон!

Генерал кескин ҳаракат билан чеккасига тушган сочларини тўғрилаб, сал титраган қўлини папирос қутисига узатди.

— Мени энг кўп қийнаган масала — шу, — деди Николин кўрагини столдан кўтариб. — Менда фрицни саваган ва ўзлари ҳам унинг темир таёғини, макру ҳийласини яхшигина синаб кўрган болалар бор. Булар орасида, сиз айтгандек, лойқа руҳлар ҳам учраб қолади. Бироқ кўпчилиги уруш гардини кўрган кишилар... Булар орасида ҳозирги пайтнинг масъулиятини тушунадиган, душманга **газабдор**, онгли жангчилар оз эмас. Аммо битта-яримта маҳлуқлар борки, кўрқоққа ип илон бўлиб кўринади дегандек, улар фашистни балойи азим, ҳеч куч уни даф этолмайди, деб ўйлайдилар... Табиий, бу нарса уларнинг тилида эмас, ичиди...

— Ҳим... Масала аён, — деди генерал хўмрайиб. — Ўтмас қуролни чархлаш керак — кесадиган бўлади. Бу — тарбия билан мумкин. Фрицни зирқиратиб қувганимизни,

бутун-бутун дивизияларни қон қақшатиб қирганимизни ҳикоя қилиш керак. Уқ, найза, гранатанинг кучига ишонтир. Пулемёт, агар у жасур одамнинг қўлида бўлса, нимага қодир эканини англа.

— Солдатни буюртиш мумкин эмас, уни яшаш, мақсадга жавоб берадиган йўсинда қўйиш керак. Жангчи билан ишлашда пича тажрибам бор. Жангчида ирода ва ишончни кучайтириш учун тиришаётирман.

— Во, во, — деди генерал кўрсаткич бармоғи билан таъкидлаб. — Бу — асос. Бу — солдатнинг асосий томири. Жангчи бу билан фашист тугул, шайтоннинг ҳам жонини суғуриб олади, — генерал соатига қаради. Тутундан бўғилгандек папиросини чала чекиб, жаҳл билан ерга отди-да, қаҳва буюрди. Николин, бошқа масала бўлмаса кетишга рухсат этасизми, деб сўраган эди, генерал шошма дегандай қўлини силкиди.

— Бир стакан қаҳва ичинг.

Николин сумкасидан дафтарча олиб, эсига тушган баъзи тадбирларни, ёлғиз ўзи тушуна оладиган қилиб лўнда қайд этаркан, генерал нохуш оҳанг билан дўриллади:

— Совиб қолади!

Капитан дафтар-қаламини тезгина сумкага тикиб, қайноқ қаҳвадан ҳўлади.

— Соз, соз! Кофе тайёрлашни биларкан. Ҳамма гап шунда, — деди Николин лабини ялаб.

— Сизга тавсия қиламан: тез-тез ичиб туринг бундан. Мен шу билан тирик — уйқунинг кушандаси бу.

Николин қаҳвани майда ютумлар билан ичиб битирди-да, рухсат сўраб ўрнидан турди ва одатича бир зум лабини тишлаб ўйлаб турди-да, кейин генералга мурожаат этди:

— Бу ерга яп-янги, йилтираб турган нарсалар келаётирми?

— Артиллерия! — деди Соколов фахр билан.

— Менга ҳам тегар, албатта, — деди Николин ҳаяжон билан.

— Қўмондонлик ихтиёрида туради. Душман қайси участкага зарбли мушт кўтарса, ўша ерга ташланади.

— Мен катта, муҳим йўл устида турибман. Демак, олмаққа ҳаққим бор, — деди Николин астойдил.

— Албатта, албатта, — деди генерал ва капитаннинг қўлини маҳкам сиқди.

Николин қатқалоқ, машиналар чуқур ариқчалар ясаган йўлларда отини лўкиллатди. Кавалерист бўлмаганидан, отда қовушмагандай кўринарди. Йўлда тоғ-тоғ юк ортган, оғир лапанлаган машиналар, ҳорғин одим ортган тўда-тўда пиёда аскарлар борарди... Чуқур сойлик устидаги ёғоч кўприкдан ўтгач, Николин сўлга, қалин ўтлари чириган кенг текис далага қайрилиб, отни секинлатди-да, орқага сал бурилди:

— Ҳа, Ашуров, қалайсан, гезарибсан, шамол қаттиғ-а?

— Каскамни ҳам учирмоқчи... — деди Асқар полвон, гажир қора отини ортда ўйнатиб.

— Рус қиши келяпти, — деди Николин ҳар сўзини таъкидлаб. — О, бу даҳшатли куч! Қишнинг муз чангалида бутун ер қақшайди. Немис-чи? Чумолидай қирилади!

— Яхши, — деди кулиб Асқар полвон. — Уруш ҳам демак, тез тамом бўлади?

— Билмайман... — жавоб берди Николин иккиланиб, кейин шовқинли шамол ўйнаган далага кўз югуртириб давом этди:— «Кўпкарни» сеvasанми? Отларда қозоқлар эчкини тортқилайдилар-ку.

— А, улоқ! Улоқ! — деди Асқар полвон кўзлари ёниб жонланиш билан. — Улоқни Фарғонада томоша қилинг! Йиқиласан, ўн марта думалайсан-да, яна отга миниб қува берасан. Жуда қийин ўйин.

— Сен ўзинг қалай, улоққа дадил кирасанми?

— Оз-моз, — жавоб берди Асқар полвон, айёрча кулиб: — Бултур колхоз тўйида каттакон бузоқни икки юз отлиқ орасидан олиб чиққан эдим...

— Балли азамат!— деди Николин бошини чайқаб.— Немисни ҳайдагандан кейин шундай улоқ ташкил этамизки, ундоқ улоқни тарих, тушунасанми, тарих кўрмаган бўлади!

— Мана бу саз!— дея қичқирди Асқар полвон ҳаяжонланиб. — Уша куни катта далада проба қиламиз — ўзбекча «кураш»ни кўрганмисиз? Жуда қизиқ бўлади, ҳамма ўйин бир чақа. Уҳ, кураш!

— Кўрганман. Курашчимисан?

Асқар полвон бошини ғурур билан, маънодор қимирлатиб, тасдиқлади.

— Ие, йигитларга ярашадиган ўйинларнинг ҳамма кузурлари сенда экан-ку, азамат!

Асқар полвон болаларча қизиқиш ва оқ кўнгиллик билан ўзбекча курашни тушунтиришга киришди. Шамол



ғазаб билан инграр, отлар бошларини ўжарча силкиб пишириб олдинга, узоқда қорайган ўрмонга интиларди. Николин эгарда қия ўтириб, жангчининг тили ожизлик қилганда, қизиқ ва жонли ифодаловчи ҳаракатларига диққат ва мароқ билан лабларининг бурчакларида ўйнаган табасум билан боқарди. Асқар полвоннинг мардлигини, садоқатини, содда, самимий юрагини командир кўп марта синаган эди, ичида уни севарди, лекин у ниҳоятда вазмин, беҳаракатчан кўринарди. Ҳозир уни яна кўпроқ севиб қолди. Жангчи ҳам ўзида йўқ хурсанд эди.

Команда пунктига яқинлашганда Николин бирдан отини тўхтатиб ерга сакради-да, жилловини Асқар полвонга тутқазди ва папиросни лабига қистириб, тез ва енгил юриб кетди. Қоронғилик қуюқ эди, ой хира мўраларди, у баъзи ўт очиш нуқталарини яна синчиклаб қаради ва роталарга борди. Рота командирлари ҳар ерда уни ҳар вақтдагидек, катта ҳурмат ва ҳайиқиш ифодалаган тур ва ҳаракат билан қаршиладилар. Улар унга аҳвол ҳақида аниқ ва лўнда рапорт бердилар. Бўлинмалардан бирида Николин қандайдир руҳсизлик, өзувчи бир сукунат ҳукмронлигини сезди. Жангчилар худди бир-бирларидан ётсирагандай қовушмас эдилар. Баъзи жангчилар саволларга, нима кераги бор дегандек чала-ярим, зўраки жавоб беришди. Николин кичкина гулхан олдида чордона қурган жангчига диққат билан кўз тикди. У бошини қуйи солганди. Шуълада қорамтир ёноқлари йилтираган кенг юзида сўнгги умидлари барбод бўлганларнинг изтиробини ёнарди. Николин астагина унинг ёнига чўққайди.

— Йўлдош!— деди капитан секингина. Жангчи чўчиб бошини кўтарди, ёнида командирни кўриб, ўрнидан туриш-турмаслигини билмай қолди. Николин унинг тиззасини босди. — Утир. — Жангчи оловга лоқайд хомуш тикилди.

— Қиз қувишни кўрганмисан? Ўзинг қувганмисан?— сўради кулиб Николин.

Жангчи — қорақалпоқ илжайиб қаради, лекин индамади.

— Ҳа, отни ҳайдолмасдан, қизга етолмагансан-а, халқ олдида қиз роса қамчилаган... Шундайми?

— Йўғ-э, аёлдан қамчи ейиш йигитга ўлим-ку, — деди бирдан жонланиб жангчи. — Рост айтайми, бир марта калтак едим, ўзи-да, қортолдай ўткир қиз эди-да! Бироқ мен ўйинда етти марта ютиб чиқиб, обдон ўпганман қиз-

ларни. Вой-бўй, қандай сулув қизларни! — бошини лиқиллатиб, узоқ кулди жангчи.

Николин тиззасига уриб, хахолади. Жангчилар, нима ҳақда гап кетаётганини билмай, қизиқиш ва ҳайрат билан қарашарди. Николин ўрнидан туриб, қорақалпоқларда халқ байрамларида бўладиган миллий ўйинлардан «Қиз қувиш»ни жуда муфассал ва жонли равишда ҳикоя қилиб берди. Жангчилар қизиқ чўпчак тинглаётган болалардай жим, берилиб тингадилар. Улар орасидан кимдир қичқирди:

— Қосимбеков, ҳар бир қизни неча мартадан ўпгансан?

— Ҳисобини сўрама, мазасини сўра! — жавоб берди Қосимбеков. Яна кулги янгради. Николин базмни қизитишга моҳир жўрабошидай таклиф қилди: «Уртоқ жангчилар! Қани, қўшиқ айтамизми? Ҳаммаларингиз биласизми?» Бир неча ёш жангчилар бирваракай қичқирди: «Биламиз». Николин қўлларини дирижёрдай ҳаракатга солиб, севимли рус қўшиғини ўзи бошлаб юборди. Биринсирин ҳамма руслар қўшилди. Қўшиқ ўсди, овозлар борган сари қувватлироқ янгради. Қўшиқ тугаган ҳамон янгисини бошлаб юбордилар. Ниҳоят, Николин нафасини ростлаб, ҳаммага кўз югуртирди. Ҳаммада баланд руҳ сезди. Қосимбеков тўхтовсиз куларкан, ёнидаги жангчига ниманидир уқтирарди. Кимдир қичқирди: «Худо ҳаққи, қўшиқдан кейин исиб қолдим!» Николин қўли билан ишора қилиб, шовқинни тиндирди.

— Қўшиқ қишда солдатнинг руҳи учун — гулхан. Ёзда эса, қўшиқ худди баҳор шамоли. Шунинг учун фронтда шароит имкон берса агар, — таъкидлади у жиддий тур билан, — куйлаш керак. Хўп, эртага келаман, менга тамом янги қўшиқ айтиб берасизлар, дурустми?

Жангчилар сўз беришди. Старший сержант гурур билан арз қилди: «Орамизда шонр ҳам бор. Буюрамиз, жанг ҳақида ўтли шеърлар тўқиб ташлайди».

Николин совуқ ва тамаки тутуни билан тўла ертўлада рота командирлари билан вазият ҳам шу кеча қилинадиган ишлар тўғрисида сўзлашди. Кейин разведкачилар группасини чақирди, гранаталар ва сигнал учун ракеталар билан қуролланган, фидокорликка тайёр, хавф-хатарни менсимас жангчилар ўрганиб қолган юмушларига бораётган бўлсалар ҳам, кўзларидаги ички ҳаяжонни яширолмас эдилар. Бу

руҳий ҳодиса Николинга яхши маълум эди. Николин ва-  
зифани яна аниқлади.

— Шамоллабсан, сен қол, — деди капитан ора-сира  
йўталаётган бир рус жангчига.

— Ҳуртоқ капитан, мен ҳаракат қиламан...

— Кўряпман, йўталинг ертўлани силкитмоқда!

— Ҳа, тўғри, қишлоққа кирганда бир аксирсанг, ишни  
пачава қиласан! — деди разведка командири — кичкина,  
зуваласи пишиқ, младший лейтенант Котов.

Николин қўлини силкиди ва секин, кейин тетикловчи,  
ундовчи овоз билан:

— Муваффақият тилайман сизга! — деди.

Ертўлага сукут қуюлди. Николин аччиқ тутунда жон-  
сиз липиллаган жинчиरोқни тўғрилаб қўйди. Бадани увуш-  
ди. У елкасига шинелини ташлаб, табуреткага ўтирди-да,  
стулга тирсагини тираб, икки қўли билан пешанасини қис-  
ди. Унинг фикрларида қайноқ қаҳвани севадлаган генерал-  
нинг сўзлари, кўрсатмалари, тунов кун муҳим қишлоқни  
душманга осонлик билан бериб қўйган бўшанг майорни  
жаҳл устида сўккан полковник, оператив картада қизил  
ва кўк чизиқлар, катта-кичик ҳаақачалар, ҳар хил ўт очиш  
нуқталари, Москвага қатъий сакраш учун ўзининг ҳамма  
техникаси ва ваҳший кучларини бир жойга тўплаётган  
душманни қарши олиш андишаси айланарди. Бурчақда  
қичқираётган телефончи қизнинг жаранг овозидан кўзлари-  
ни очди: «Бинафша! Бинафша! — мен, мен. — Туя! Туя!»  
фронтда алоқа учун бир-бирига бундан баттар қовуш-  
майдиган сўзларни у саноксиз кўп эшитган бўлса-да, нечун-  
дир, ҳозир ажаб туюлди: «Бинафша — Туя» — уруш мап-  
тиқи!

Асқар полвон овқат келтирди. Николин кўрмагандек,  
хомуш ва ҳорғин равишда папирос тутатарди. Аранг исит-  
дим, яна совуб қолади, деб котелокни капитан олдига сур-  
ди. Николин гавдасини орқага ташлаб, жангчига кўзлари-  
ни айёрча қия тикиб, деди:

— Но, нима дейсан, шариятни оз-моз бузамизми?

— А, шарият? — тушунмади Асқар полвон.

Николин кулиб бармоғи билан томоғини чертди.

— А, ҳозир, ҳозир! — Асқар полвон қоронғи даҳлизга  
отилди. Яшиқдан шишани олиб тагига бир урди-да, даст-  
лаб бир қултумини ўзи шошиб ютди. Мўйловини яхшилаб  
артиб, стаканни тўлдирди.

— Ҳозир бизда ҳам итадилар буни, деди Асқар

полвон стаканни командирга узатиб. — Утган йил колхоз тўйида ҳазил-ҳазил билан чолларга ҳам ичиргандик.

— Сизда қариялар яхши. Хўп, ўшалар учун!

Асқар полвон дўсти Бектемирни кўргангани айтди.

— Қайси у?

— Уринбоев-чи. Соғ-саломат. Учинчи батальонда экан.

— Жасур эди. Яхши, жанг қилаверсин.

— Хафа у. Хўжалик қисмига тушибди. Бизга олинг, ўртоқ капитан.

— Ҳа, увол, қартолни тележкага қўшиш!

Бирдан ташқарида дукур ва шовқин эшитилди. Зум ўтмай бир неча жангчи даҳлиздан бировни тепиб киргишиди.

— Жосус! Жар ёқасидан ушладик, — деди ҳансираб бир жангчи.

— Сал қолди қўйиб юборишга. Кийимини қаранг! — деди иккинчи жангчи.

Николин овқатни кескин нарига итариб ўрнидан турди, қайишини тўғрилади-да, қизил асқар формасидаги ўрта яшар, кўзлари кўк, мийиғи қора, от жағ одамга хўмрайиб тикилди. Фашистнинг бутун сиймосида ожизлик, аянч билан ичида бурқиган ғазаб дуди жилваланарди. Асқар полвон, жосус ҳам одамга ўхшармикан, дегандай, бўйнини чўзиб, яқиндан қараб турарди.

— Қани берироқ кел-чи, Гитлер қушининг патини бир юлиб кўрайлик! — деди Николин столга қўлларини қаттиқ тираб, лабларини қийшайтириб.

Эртаси кечга яқин Бектемир келди. Дубов уни маҳкам қучоқлади.

— Мен сени алақачон рус тупроғига кўмиб қўйган эдим, — деди у, — энди она Москва йўлларида фрицни бирга қувлар эканмиз-да! Хурсандчиликка томоқни ҳўллаб олиш керак эди, фақат мана қара, бўм-бўш! — Дубов сувдонини кафтида ўйнади. — Юз грамм — қайда! Авжи ичадиган фасли келганда қуриди-қолди.

— Топилади, ғам ема! — деди Бектемир ёнига уриб, — ҳамма вақт чанқовлигини биламан-да.

Улар ташландиқ саройга киришди. Юмшоқ, хушбўй дичанда ёнбошлаб, арақ билан асқар ҳасрати, қийин турмуш, уй-жой соғинчи туйғуларини ўртоқлашишди. Асқар полвон элатини — Ҳошимжонни бирга олиб келди. Жангчи — собиқ муаллим — яқинда младший лейтенант бўлибди.

— Илмингиз бор, тил биласиз, бир вақт қарабсизки— полковник!— деди Бектемир хурсанд бўлиб.

— Ука, бу унвондан мамнун эмасман, — деди Ҳошимжон. — Илгари ёлғиз сўққа бошимга жавобгар эдим. Энди — кўп жонга. Қанча кўтарилсанг, шунча масъулият кўп, талаб кўп, туртки кўп, «Лашкарбоши уста бўлса, душман оёғи осмонда бўлади», деган эски гап бор. Кўпчиликка бош бўлиш учун, биродар, тадбир ва фикр керак.

— Хат-пат олдингизми уйдан?— сўради Бектемир.

— Йўқ, — жавоб берди Ҳошимжон. — Бўронга йўлиқиб ҳалок бўлган қушлардай, хатлар ҳам бу оташ бўронида куйиб кул бўлди шекилли. Оила, дўст-ёронларни кўрсам, ўша кун кайфим тарақ.

— Балли, мен ҳам шунақа, — деди Бектемир кулиб. — Бир кун худди Насриддин Афандидек, тушга ишонсам бўладими?! Эшитганмисиз, Насриддин Афанди тушида хўроз кўтариб бозорга борибди. — Неча пул?— деб сўрабди харидор. — Икки танга, — дебди Афанди. — Бир танга!— дебди харидор. Хўжа Насриддин, йўқ, дебди-ку, бирдан уйғониб кетибди. Қараса, на хўроз, на харидор бор. Дарров кўзини чирт юмиб майли, қўлингни бер, миркам икки бўлса бўлсин!— дебди Афанди. Ўрмон ёқасида жунжиб ухлаб қолсам тунов кун: сўлим боғ, ҳаводор супа, сув шарқираб оқяпти. Дадам бечора боғдан бир сават анжирни келтириб қўйди-да, ол ўғлим, деб елкамга қоқди. Бошимни силади. Рапидадай бир анжирни оғзимга отаётганимда, кўзим очилди-кетди. Дарров юмдим, тамшаниб анжирхўрлик қилмоқчи бўлдим. На ота, на анжир. Ғуғ-ғув изғирин!

Элатлар хахолаб кулишди. Ҳошимжон Дубовга таржима қилди. У ҳам кулди: «Аскар — шу-да. Тушдаги ўпиш — унинг учун бахт ва ишқ!»

— Бўрон қачон тинади?— деб сўради Асқар полвон соддадиллик билан.

— Қачон?— хўрсинди Ҳошимжон. — Ҳозир ўт бўрони Ғарбдан келаётир, — қўли билан Ғарб томонга ишора қилди у. — Москвага етказмасдан уни ўчирсақ, кейин бошқа бўрон бошланади. Шарқдан Ғарбга жуда емиргич бўрон. У бизники. «Қонга — қон, жонга — жон!» Ҳозир ёлғиз душманни қиришни ўйлаш керак. Қанча тез қирсақ, қанча кўп қирсақ — уруш шунча бот тугайди.

Қаергадир, яқин ўртага устма-уст икки бомба тушди. Ташландиқ ёғоч уй қаттиқ силкинди.

## УН УЧИНЧИ БОБ

Али тажанг қишлоқда кичик уйдаги чуқурга тиқилди қолди. Нима қилсин? Ташқарига чиқай деса, немисдан қўрқади. Душман асирларга қандай муомала қилишини у биларди. Оналар, болалар, чоллар, кампирлар яшаган типтинч қишлоқларнинг кулини кўкка совурган, йўлларда битта-яримта ўткинчига, ярадорларга, ҳатто далада ўтлаб юрган сигирларга ҳаводан ўт ёғдирган душман асирларга қандай муомала қилишини яхши биларди. Яна соппа-соғ бўлиб туриб, душманга ўзини топширишни номардлик ҳисобларди. Отанг—эл, онанг—эл. Эл қай томонда бўлса, киши шул томонда бўлиши керак. Бутун халқ Совет ерини қўриқлаш учун оёққа турди. Ота-бобоси бошпана кўрмай, эгни бут бўлмай, бойларнинг эшигида жафо чеккан бу қашшоқ — Али Ерматов — Совет давлати соясидагина одамлар қаторига қўшилди: уй-жой, боғ, ўнлаб туёқ қилди, ўғилчалари велосипедда учади; қизлари эса шойига беланди. Айқириб оққан канални эмиб йилдан-йилга яшнаган, уфқларга ястанган қолхоз далаларида хўжайинларча кўкрак кериб юради ўзи. Бу эркин, бу ҳаётни ким берди унга,— Али тажанг ўйлай бошлади. У биринчи кунларда, жаҳаннамдан қутулганимга минг шукур деб, қоронғи, зах чуқурда, пичан устида уйқуга берилган эди. Зерикса, атрофи тахта девор ва эски оғил, пичанхона, омборхоналар билан ўралган ҳовлига чиқарди Қўллари, кўзлари дарров юмуш қидирарди. Ягона қари қўнғир сигирнинг тагини тозалайди ёки болтани синдирадиган тўнкаларни ёради. Ҳовлига тор коридор билан уланган, фасади кўчага қараган уйдан бека чиқиши билан айбдордай бўйини қисиб, ўз «ғамхона»сига жуфтақ отади. Бека жуда меҳрибон. Али тажанг таҳсин ўқийди: «Одамгарчиликда расо экан. Бундақанги аёл етти иқлимда топилмайди. Уруш тамом бўлса, бу «борса келмас» йўлдан уйга тирик қайтсам, Ўзбекистоннинг дилбаржон шойиларидан бир чамадон юбораман. Боғнинг жамиқи меваларидаги гилосдан тортиб то анжиргача — ҳар хил меваларидан, бутун ёз бўйи посылка қилганим бўлсин!» Бека овқатдан қисмади. Кундан-кунга яхши боқарди. Қишлоқда ва атрофда рўй берган воқеалардан тез-тез хабардор қилиб турарди. Кўп вақт қийнала-қийнала тушунтирар, Али тажанг юзини тириштириб, бутун борлиги билан тинглар эди. Бека, одатда, аста юриб келадиди-да, қоронғи пичанхонага бошини тиқиб секингина, «у»

ни жуда ингичка қилиб, чўзиб дейди: «узбек!» Аммо дили худди мана шу чуқурдай қоронғи, хафагазак бўлган Али тажанг, ковакдан мўралаган сичқондай, бошини чиқарарди. Бека ҳар сафар кўрган ёки эшитган воқеаларнинг мазмунига мувофиқ сўзлар билан душманни таърифлаб, қарғаб, сўз бошлайди.

Али тажангни ваҳм ўйлар босарди. Вазияти чиндан ҳам оғир эди. У ёлғиз ўз боши учун хавфсирамасди: «Таваккал, пешанадагини кўраман!» Бироқ унинг туфайли бутун бир оила — меҳрибон бека, унинг суқсурдай синглицси, севикли ўғилчаси (бека ҳар сўзида ўғлига бўлган меҳрини таъкидлайди) ҳалок бўлиши мумкин. Тўғри, беканинг муомаласида ҳеч қандай норозилик, ҳеч қандай ташвиш сезилмайди. Лекин бу хавфни у ўйламаслиги мумкин эмас. Фақат мардлигидан, одам қадр-қимматини ҳар нарсадан юқори қўйганидан оғирликка дош бераётир-да, деган хулосага келади Али тажанг. Ниҳоят, пайт топиб бу ердан қочишга қарор қилади: «Ўрмонга шўнгисам бас. Юра-юра бирон хавфсиз жойдан бош чиқараман, ё партизан азамаларга шерик бўламан!»

Бир кеча қишлоқда даҳшатли тўполон кўтарилди — немисча шанғирлаш, тартибсиз отишмалар, граната портлашлари эшитилди. Али тажанг қулоқларини диккайтди. Бу ҳар соядан ҳуркиб, ҳар ёққа ўқ сочадиган немис қоровуллари ва маст-аласт «ғолиблар»нинг қутуриб кўтарган ғалваларига ўхшамасди. Али тажанг ҳовлига отилди. Тун совуқ ва зим-зиё эди. Узоқда, отишма давом этаётган жойда, нимадир ёнар, қоронғиликни ўпирган ўт яллиғида луд бутлукдек бурқиб кўтарилар эди. Отишма сусайиб, олислашди. «Партизанлар босди шекилли. Душман яна баттар қутуради», — деб ўйлади Али тажанг ва юрагига пичоқ қадалгандай бўлди. Бека чиқиб қолармикан деб кутди. Лекин уй томондан ҳеч қандай товуш эшитмади. Яширинган партизанларни тутиш баҳонаси билан фашистлар ҳозир бутун уйларни тинтишлари мумкин. Али тажанг қочиш тўғрисида жиддий ўйлади. Ботинмади. Бека билан кенгашиш керак, бу кеча ҳар қадамда немисга дуч келиши аниқ. Шунинг учун, у ҳар эҳтимолга қарши, инига кирмасдан девор тагига бориб ўтирди. Немислар бу уйга тинтув учун ногаҳон босиб киришса, девордан ошиб, ё қочиб қутулишни, ё бу уйдан хорижда ўлишни истади. Немислар тонг ёришгунча пулемёт ва автоматдан ўқ ёғдириб чиқди. Али тажанг яна инига кирди.

Бека ҳар кунгидан жуда кеч чиқди.

— Қорнинг очгандир, — деди у нон узатиб. — Тунги шовқиндан хабардормисан? Партизанлар келди. Қишлоқнинг нариги чеккасида, катта йўлга яқин жойда душмanning анча машиналарини, юklarини емиришди. Бир талай немис қонга беланиб ўлди. Бири офицер экан. Баттар бўлсин! Тўнғиз фашистга бу ҳам оз. Улар учун рус ери— заҳар, офат!

— Ҳозир қалай, тинчликми? — дея сўради Али тажанг куюниб.

— Ҳаммани эрталаб майдонга йиғди, — деди бека бошини тебратиб. — Бир қарич болаларгача... Ҳамма ёқда пулемёт. Каттаси бўридай увлади. Қишлоққа ўт қўяман, деди.

— А? Ўт? Милтиқ қаерда? — газабланди Али тажанг.

— Кўмиб қўйибман, нима қиласан?

— Бекорга ўтда куямизми? — кўкрагини муштлади Али тажанг.

Бека унинг кўзларига тикилиб бир нафас жим қолди. Али тажанг даҳшатли эди!

— Собиқ колхоз раисини — қари, ювош одам — отди. Ун етти яшар гармонист Мишани осди. Даҳшат! Яна неча қишини қамоққа олди. Улар ҳам ўлгандан баттар бўлади.

Бека бошини оғир эғди.

— Хўжайка, — деди Али тажанг аёлнинг қўлига қўлини сал теккизиб. — Бир планим бор: партизанларга кетаман. Тезда. Фақат сен кенгаш бер. Фақат кенгаш. Аралашма. Уйда тинч ёт. Қандай қилиш керак — кенгаш бер.

Бека бошини кўтарди. Кўзларига ёш тўлган эди:

— Яхши! — деди у дадил. — Йўл топамиз сенга.

Эртаси оқшом Али тажанг «зиндон»дан чиқди. Урмон орасида хийла юргандан кейин, Яшкин бобо бирдан тўхтади:

— Утир, дам олайлик, тил билмас! — деди чол хавфдан қутулган одамларга хос хўрсиниш билан. — Тунда бу ерларга немисни олтин билан ҳам имлай олмайсан. Қара, ютаман дейди табиат!

— Партизан яқин бўлса, юрганимиз яхши.

— Йўлнинг бошидамиз, иним. Партизан айёр қуш бўлади, ҳар ерга ин қуравермайди, — деди чол ва ўтириб махорка ўрай бошлади. У, тўғриси, партизанлар масканини билмас эди. Уч-тўрт кун бурун ёлғиз ўзи далада пичан ўраётганда, қўққисдан пичан орасидан милтиқли бир нота-



ниш одам хўмрайиб чиқиб келди. Яшкин бобо дастлаб чўчиди. Лекин дарров фаҳмлаб, айёрча кулди-да, бирор топшириқ бўлса, сидқидил билан бажаришга тайёрман, бошлиқларингга айт, деб уқтирди. Буни қишлоқда фақат бекага шипшитган эди. Кеча аёл Али тажангни партизанларга элтишни илтимос қилгач, бошини қашиб, рози бўлди: «Душман қийнаган шў кафтдай қишлоқда бир аскарни шунча вақт яшира олибсан, ақлинг бажо, ҳа, арслон юрак экансан!» деб мақтаб ҳам қўйди. Ҳозир совуқ тунда, қўрқинчли гувиллаган ўрмонда Али тажанг билан у-бу тўғри-сида сўзлашаркан, партизанларни осонгина топа олишга сира гумон қилмасди. Чол ўзининг узоқ умрида бу ерларнинг жонли харитасини миясига жойлаб олган эди. Ҳақиқатан, эртаси чошгоҳда Али тажангни тўппа-тўғри партизанлар масканига бошлаб келиб, ҳаммани ҳайрон қолдирди:

— Мана, генерал, сенга бир Осиё қаҳрамонини келтирдим, — деди у партизанлар отрядининг бошлиғига. — Яхши жой топибсан. Биламан, табиат бу ерни худди партизанларнинг закали билан ясагандек. Шунинг учун ҳам юрагим шу ёққа чопди, ҳайрон бўлма!

Отряд бошлиғи Василий Ефимович Курочкин, юм-юма-лоқ, сўл кўзи қисқроқ, сичқон думидай ингичка мўйловли киши эди. Бу собиқ зоотехник, дастлаб чол билан айёрча сўзлашди-да, шамолдан сақланиш учунгина нари-вери ясалган ертўла бўсағасида турган Али тажангга яқинлашиб, хотинларча ингичка овоз билан гапирди:

— Но, Тошкент — нон шаҳри! Партизанлик қилиш учун келдингми? Партизан ҳаёти ширип эмас. Мана бундай бўласан! — йўғон, кир муштумини сиқди у.

— Бошим сизники! — деди Али тажанг ва энг яхши партизан бўлажagini ўзига хос қизиқ ва маънодор ҳаракатлар билан тушунтирди. Курочкин қалин юнг рўмолини кўзларига қадар тушириб ўраган йўғон гавдали бир аёлга буюрди: «Овқат беринг, жой кўрсатинг, дам олсин».

Яшкин бобо командир билан якка қолиб узоқ сўзлашди-да, қишлоққа жўнади. Курочкин ертўладан чиқиб, қисқ кўзларини яна баттарроқ қисиб, қув ва мамнун табасум билан анчагача чолнинг орқасидан қараб қолди.

Рашид кичкина, осойишта рус шаҳарчасида даволанди. Ярадорлар тиғиз жойлашган касалхонанинг ҳар нав доридармон ва жароҳат ҳидларидан омукта исига ҳам тез кў-

никди. Унинг ва у билан ётган жангчиларнинг яралари унча оғир ва хавфли эмасди. Кун оралаб уйга, қишлоққа бир туморча хат юборарди. У кўпинча деразадан кўчани, кичкина, гавжумгина майдон ўртасида қаққайган милиционернинг ҳаракатларини томоша қиларди. Оқшомлари Насриддин Афанди латифаларини айтиб русларни кулдирарди. Унинг латифаларининг кўплигига ўртоқлар ҳайрон. Яна ҳафтада бир топқир маҳаллий артистлар келиб, ўз санъатларидан жангчиларни баҳраманд қилдилар.

Кўп ўтмасдан, Рашид қўлини бўйнига осиб, шаҳарга чиқа бошлади. У бир кун кечга яқин сменага чиққан ёшгина ҳамшира билан паркка кирди. Қум сепилган тоза йўлларда қарийб ҳеч ким йўқ: изғирин азим дарахтлардан олтин барглари узади. Улар, бу жимжитликка гўё ичдан хурсанд бўлгандек, скамейкага ўтиришди. Қари адабиёт муаллимининг қизи, бадий техникум студенткаси Клара уруш бошлангандан бери кўнгилли равишда ҳамшира бўлиб ишларди. У хаёлчан, экзотик ҳаётни севарди. У кўпинча Ўзбекистоннинг табиати, карвонлар, қум саҳролар, «пахта дарахтлари», Самарқанд миноралари ва ҳоказолар ҳақида сўрарди. Қора кўз, бароқ қош жангчи, соғлом қўлини қизнинг елкасига қўйиб, шавқ билан, тошиб сўзларди. Улар узоқ қизгин бир бўсадан кейин, уялинқирагандай, жимгина туриб кинога кириш учун боғдан чиқарди.

Рашид кино кассаси олдида бирдан қичқириб юборди: «Камол!» Ёш, ингичка, бўйдор лейтенант бир зум тикилди-да, ўзини Рашидга олди.

— Рашид аками? Епирай, тавба, нима қилиб юрибсиз?— деди Камол ҳаяжонланиб.

Бу Бектемирнинг укаси эди. Рашид худди дўстини кўргандай хурсанд бўлди. Ҳамқишлоқлар деворга томон бир оз четланиб, дарров ўз можароларини ҳикоя қилишга бошладилар. Камол душманни тўпчи батареясида чегарага яқин районда қарши олган эди. У Белоруссияда яраланиб, кўпгина госпиталларда ёта-ёта, ниҳоят, шу шаҳарга тушган ва шифо топган.

— Яхшиман кинога келганим, — деди у ғалати зажигалка билан папиросини ёндириб. — Эртага фронтга жўнайман. Аҳвол оғир. Москва хавф остида. Бари бир фрицни улоқтириб ташлаймиз. Хўш, Бектемир акам қалай? Дурустми?

— Мен жангдан тез чиқдим. Элатлардан ҳеч хабарим йўқ. Тирик бўлсалар бас. Уйдан хат-пат борми?— деди Рашид.

— Бу ерда бир хат эдим, — деди Камол ва чўнтагини ушлаб қўйди. — Ҳаммаси соғ-саломат экан. Дадам ҳосилот раиси бўлибди. Сингдим Асалхон бригадир. Беш оғанидан иккиси қолибди — Тоҳир акам, Шокир акам. Ҳованов қиз сизни чақираётибди-ку, бўш келмайсиз-а!

Рашид қизариб кулди.

## ЎН ТУРТИНЧИ БОБ

Жанглар кун сайин даҳшатланди. Октябрь зирҳли бўрон, ўлим қасирғаси билан келди. На кундуз тиним бор, на кечин. На ер бир зум зарбадан, на осмон бир дам бало шовқинидан холи. Совет дивизиялари, полклари, батальонлари темир ва ўт тошқинига қарши кундан-кун зарбаси ошган, ғайрат, фидокорлик, ғазаб билан курашар, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир тепалик аҳоли яшаётган ҳар бир пункт, ҳар қарич ер учун душман тишини қоқиб, орқага тисланар, яна омонсиэроқ ражиш учун қуролини, ғазабини, нафратини чархлаб турар эди. Орқада Москва! Чекиниш мумкин эмас. Бироқ фашистлар темир кийимини ҳар кун янгилаб, қат-қатлаб ҳамон олдинга интиларди... Жанг орасидаги қисқа «тинчитиш» пайтларида элатлар сўзлашарди: «Кайф қалай?» деб сўради Асқар полвон.—«Жойида. Лой-хўрлик қилдингми? Башарангни арт!» дерди Бектемир.—«Танкка вэтиёт бўлиб ўрмала, отмиди у, ёлидан тутиб олсанг!»— дерди Асқар полвон.—«Хўп, бу гал ғазабимнинг тизгинини сенга тутқазиб қўяман». Кейин ҳозиргина ўлганлар, оғир ярадор бўлганлар тўғрисида гаплашардилар. Асқарнинг юрагига нимадир қадаларди: балки тирик қолган дўстлар, бирпасдан сўнг улар тўғрисида ҳам шундай сўзлашажақлар.

Бектемир эрта билан бошини кўтариб, ҳамма ёқни оппоқ кўрди. Шамол қорни кўзларга игнадай ўрарди. Биринчи қор. Бектемирнинг руҳи негадир ўксинди. Ўзбекистонда биринчи қорнинг тантанасини эслади. Кишилар дўстларга шошиб-пишиб «қорхат» ёзадилар, ҳаяжон ва ҳийла билан уни топширишга тиришадилар. Қочишлар, қувишлар бошланади. Кейин хатда таърифланган зиёфатлар тузилади. Болалар кўчаларни, тепаликларни шовқинга тўлдириб, оқ момиқда юмалайдилар, қор бўрони ўйнайдилар. Ўтган йил

Ўзи ҳам колхоз фермасининг бошлиғи Алижоннинг хатига мувофиқ, думбаси саватдай қўйни сўйиб, ўртоқларини чарлаган эди. Бир уй тўла йигит-яланг... Дутор, ашула, аския. Улардан кимлар қолган экан қишлоқда?

Асқар полвон, қорни чангаллаб қўлларини тозаларкан, кулимсираб:

— Эсингдами, мен уйланганда, авжи никоҳ куни қалин қор ёққанда. Бизнинг ерларда ундай қор жуда сийрак бўлади. Гўшангада хотинимнинг илк сўзи шу бўлди: жоним, хурмачанинг тагини роса ялаган экансиз-да!

— Сен нима деб жавоб бердинг?— қизариб сўради Бектемир.

— Менми, — кўзларини сузиб ўйлади Асқар полвон.— Қор эмас, акаси, ун ёғяпти, мўлчилик бўлади,— дедим.

— Ана холос, топган гапингга қара!

— Хўш, сен нима дердинг?— жиддий тикилди Асқар полвон.

— Тўйимизда қор — кўнглимизда баҳор!— чўзиб айтди Бектемир кулиб.

— Фозил бахшига шогирд бўлганмисан, сайраяпсан,— деди Полвон ҳазил билан дўстининг юзига бир чимдим қор отиб.

— Ҳа, айтгандай, сен Олтинойни яна кўра олдингми, йўқми? — деб сўради Асқар полвон бирдан жиддий оҳангда. — Попукдай, зап келишган қиз-да.

Бектемир эндигина чангаллаган қорни ташлаб юборди ва тўлқинланиб кетган юрагини босишга тиришиб, секин қаддини ростлади.

— Э, оғайни, хаёлимда ёлғиз у. Албатта учрашаман деган умид-орзу ҳамиша кўнгилда, — қизариб ерга тикилди Бектемир.

— Момикдай оппоқ, дилбар қиз. Арзийди хаёлингни ўғирласа. Фашистнинг жиғини эзиш керак, деб ёниб сўзлагани хотиримда. Ақли ҳам расо, доно қиз, — деди Асқар полвон одати бўйича сўзларни салмоқлаб.

Уй ва хаёлга ғарқ бўлган Бектемир бир зум сукут этди, кейин оғир хўрсиниб, секин сўзлади:

— Дўстим, чиндан бутун жондан севаман ўша қизни. Лекин асло иложим йўқ. Бу уруш ахир, ишқ ва ошиқликнинг жойи эмас, дейман ўзимга, аммо кўнгилда ҳамиша ўшанинг хаёли... Албатта, бир фурсат топиб санбатга бораман, топаман уни,— деди Бектемир. Унинг юзларида гоҳ кучли ҳаяжон, гоҳ сокин жиддийат жилваланади.

— Мабодо кўрсанг, мендан ҳам салом айтишни унутма,— деди Асқар полвон маънодор табассум билан.

Қадди-қомати келишган, қирра бурун, қошлари қалам билан чизилгандек ингичка, қоп-қора кўзлари ҳамиша жавдираб турадиган алоқачи Азимов қаёққадир бора туриб, бирдан шу топда элатларга қайрилди. У фронтга яқинда келган эди. У этигининг қўнжида сивизга олиб юрарди. Тунов кун душмanning бир-биридан кучли ва қонли олти атакаси мардона даф этилгач, дудли сукут учида ногоҳ най товуши, майин ва ҳазин оқа бошлади. Уни чуқур воронкада ўтириб Азимов чаларди. Ҳамма мамнун ва хаёлчан тинглади. Ҳатто сўнгги нафасини олаётган оғир ярадор, жасур Голубкиннинг кўзларида ҳам ҳаётнинг оний нашлаб кетгани.

— Ҳа, қуёш болалари, қиш қутлуғ бўлсин!— деди Азимов шўх кулги билан. — Ҳали бу учқуни. Рус қиши, ҳў, жуда қаттиқ бўлади. Оёқни, кўкракни иссиқ туттиш керак. Қани шу пайтда қайноққина, аччиққина чой бўлса!

— Ичимизга худди ёз киргандай бўларди-да!— деди Асқар полвон томоғини қириб.

— Ана, ҳозир оловда чўмилтиради!— деди Бектемир лабини тишлаб ва қорли окопчага ётди.

Бирпасда жанг бошланиб кетди. Ҳар кунги тартибда немис атакаси. Олдинда етти танк, орқада автоматчилар, ёнларида мотоциклчилар, яна орқада уч танк, уларнинг паноҳида пиёда гуруҳи ва ҳоказо. Жангчиларнинг сийрак сафи темир ва ўт қасирғасини тетик қаршилади. Ёнган учта танк, ўнлаб ўлик қолдириб душман тез чекинди. Лекин сал ўтмай, кучга-куч қўшиб, яна ҳужумга отилди. Қоронғи тушгунча қаршиб тўхтовсиз атакалар билан сиқингани давом эттирди. Янги қор ҳар қасрда кўлоб-кўлоб қон билан бўялди. Бутун кеча қишлоқ бошида қийғос жанг билан ўтди.

Ҳаво очиқ эди. Қуёшда чақнаган қор кўзни қамаштирарди. Қишнинг кўркам кийими билан безанган ўрмонда чуқур, ёрқин ва улуғвор сукут ҳукм сурарди. Ёлғиз партизанлар даргоҳидагина ҳаёт, худди кул босган чўғдай, аста ичдан таптани таратарди. Али тажанг Вера Петровна билан узун, йўғон қарағай харини арраламоқда. У ҳамиша шундай ишларни севарди. Гоҳ-гоҳ кафтларига тупуриб, қулочларига зўр бериб: «Но, Петровна, давай, давай!» деб аёлни қистарди. Арранинг бўғиқ товуши, аста-аста қаппайган қипиқ уюми, текис арраланган ғўлалар унга завқ

берарди. Вера Петровна — дуркун, кучли, камгап, содда аёл, чарчашни билмас эди. Партизанлар рўзғори қарийб ёлғиз унинг зиммасида. У Курочкиннинг қариндоши. Эри фин урушида ҳалок бўлган. Бева колхозда ҳалол меҳнат қилиб, тирикчилигини дуруст ўтказар, ёлғиз қизини ўқитиб, кейин Москвага юбориб мутахассис қилмоқ умиди билан бахтли эди. Немислар улар яшаган катта посёлкага бало-қазодай бостириб кирган куни, даладан сигирини ҳайдаб қайтаётган ўн беш яшар қизчаси гитлерчи учувчининг пулемётдан отган ўқи билан қурбон бўлган эди. Она ягона қизчасини бир жуфт ёш қайин ўртасига кўмди.

Али тажанг партизанларнинг хавф-хатарга тўла, қаҳрли, фидокорлик, чидам, жасорат талаб этувчи ҳаётига жуда тез кўникди. У «партизан» деган сўзни қандайдир турур билан айтарди. «Партизан бор, немиснинг иши пачава. Нега дейсанми? Думи бўш эмас. Тўғри, илоннинг бошини янчиш керак. Аммо унинг думидан босаверсанг, бора-бора сулаяди. Кейин ғарч эзасан бошини. Иш тамом!»— деб тушунтирарди шерикларига. Отрядда ҳаммаси бўлиб ўттизга яқин киши бор эди. Битта қирғиз, икки-учта украин, бир озарбайжонлик, бошқаси руслар — аксарият шу ўлканинг колхозчилари эди. Қув, ичидан пишган, фидойи, жасур, ғамхўр командирни ҳамма севарди. Партизанлар бўш турмас, қарийб ҳар кун қора қушнинг патини юлардилар. Али тажанг поезд составини ағдариш, кўприкни портлатиш, душман мотоциклчилари тўдасини тор-мор қилиш каби бир неча жиддий операцияларда қатнашди. Унга Курочкиннинг эътиқоди ошди. Али тажанг қоронғида, энг оғир йўлларда ҳормасдан, ишонч билан юра оларди. Керакли вақтда қатъий ва айёрча иш кўрарди...

— Бас, етар, чарчадинг, — деди Вера Петровна тиззасини ишқалаб ўрнидан тураркан.

— Узинг терладинг. Мен эртагача ишлайвераман.

— Кўйлақларингни бер, юваман, — деди аёл.

— Узим юваман.

Қаердадир бир нима шитирлади. Али тажанг қулоқларини диккайтириб қаради. Қизғиш-малла ранг тулки оловдай ёниб, бир зумда тўқайга шўнғиди.

— Шуба, шуба!— қичқирди Али тажанг ҳовлиқиб.

Вера Петровна бошқача тушунди. Душман оралабди, деб ўйлади. Ранги ҳам ўчиб командирга югурди. Ертўладан Курочкин югуриб чиқди. Қўлида милтиқ, кўзлари чақчайган, лаблари газабдан қийшайган эди.

— Қани, ким? — дея сўради Али тажангдан.

Али тажанг ҳеч нима тушунолмасдан бақрайиб қолди.

— Қани шуба? Қандай одам?

— Йўқ, одам эмас, — жавоб берди Али тажанг ва тулкининг русчасини билмаганидан, кулиб ўзича тушунтира бошлади: «Тўртта оёғи бор тез юради. Думи кагта, чиройли. Шуба ясайсан. Яхши, иссиқ бўлади».

— А, тулкими, — дея қўл силкиди Курочкин ва Петровна билан учовлон қотиб-қотиб кулишди...

Али тажанг ертўлага кирганда ҳам ўзини тия олмади. Ҳозир қоровулликдан қайтиб, исиниб ўтирган дов йигит сокин бақувват қирғиз Бегимқулов бошини ҳайрон кўтарди. Али тажанг воқеани айтиб берди. У ҳам тиззасига ура-ура кулди.

— Тил керак экан, Али ака, тил! — деди у жиддий, — тил билмаслик бу урушда бизни кўп қийнайди.

Ертўланинг ис босган деворидан унга Ленин қарайди — шундай содда, шундай яқин ва самимий. Али тажанг узоқ термилиб ўйлаб қолди: колхознинг номи ҳам Ленин. Унинг икки йил бурун план билан қурган уйда ҳам Лениннинг сурати бор. Ўғилчаси китобчасидан Ленин тўғрисидаги қўшиқни шод янгроқ овоз билан ҳар кун ўқиб, суратга қараб-қараб қўярди. Али тажанг, гўё ўғилчасининг ёқимтой товушини эшитаётгандай бўлди-да, оғир хўрсиниб қўйди.

Азиз Ленин, отамиз,  
Дилда сен юлдуз порлоқ.  
Ҳур Ватан севгинг учун  
Баҳодир қўшин чақмоқ.

Борамиз улуг йўлда,  
Ҳудудларни ошароқ.  
Ҳар саҳар, янги сафар,  
Ҳилпирар қизил байроқ.

Бу сўзларни фикран қайтараркан, кўзлари ҳаяжондан ёшланиб кетди: «Худо азиз ва улуг яратган уни, бутун халқларнинг отаси у, ҳамма аскарларнинг жони у. Узоқ Ўзбекистонда, унинг уйида — Ленин. Бу ерда, одам оёғи тегмаган бепоён ўрмонда, партизанларнинг айиқ инига ўхшаган ертўласида ҳам — Ленин. Ана халқ муҳаббати», деб ўйлади Али тажанг. Бир оздан сўнг у аста мудраб кетди, тушида ҳам ўғли билан қўшиқ сўзларини такрорлади.

Тунда Курочкин ўн икки кишини саралаб «ишга» бошлаб кетди. Қор кучли оёқлар остида ғарчилларди. Ўрмонни оғир ва совуқ жимжитлик қоплаган. Дарахтларнинг оппоқ қор либосида юлдузларнинг сарғиш-зангори нури ўйнардди. Ички ҳаяжон юриш суръатини оширар, руҳларни бир-бирига яқинлаштирар, ҳар кимнинг кечинмалари, ўйлари, гўё сўзсиз ҳам аёндай. Олдинда Курочкин билан отрядда энг ёш, чаққон ва зийрак Коля Михайлов борарди. Юриш борган сайин мушкуллашарди. Дарахтлар, тўнкалар, илдизлар, чатишган буталар, чангалзорлар, чуқурликлар тинкани қуритарди. Али тажанг мўйна шапкасини кўзларига қадар бостириб кийиб, юмала-қўпа борарди. Баъзан чуқурликка гуппа йиқиларди-да, Бегимқуловга аста дерди: «Эҳтиёт бўл, таги ботқоқ экан, иним». Уқтин-ўқтин Курочкин тўхтар, юлдузларга сирли қарар, чексиз, қоронғи ўрмонга қулоқ солгандай бўлар эди. Кейин Коляга нимадир шивирларди. Бу эса юракларда мажҳуллик ҳисларини қўзғатиш билан бирга сафарга қандайдир тантанали маъно берарди.

Отряд катта йўлга чиқишдан олдин жарликда тўхтади. Курочкин соатига қаради. Коля Михайлов чўққайиб, электик фонарча нурида қоғозга кўз югуртди — бу унинг кундуз чизиб кетган плани эди. Яқиндан, сийрак дарахтлар орқасидан автомат тариллади. Отряд жардан чиқиб, йўл четида — чуқурчада, буталар остида тош қотиб ётди. Коля билан Али тажанг икки томонга эмаклаб кетди. Бир оздан кейин белгили, маънодор ҳуштак бирдан ҳаммани олдинга югуртди. Бирпасда катта сарой даҳшатли ўт гирдобига ботди. Гранаталардан силкинган хоналарнинг эшиклари ва дарвозаларидан, худди емиргич зилзилада қолганлардан баттароқ ҳолда, немислар ўзларини отдилар. Катта қўранинг ҳар тарафидан тартибсиз ўт ёғдирардилар. Бегимқулов даҳшатли совуққонлик билан душманни қувлар ва отарди. Али тажанг тоғ юкли зўр машиналар тагидан ота бошлаган немисларга гранаталар улоқтирди.

Курочкин ёнгин чулғаетган уйдан кимнидир елкасида кўтариб чиқди-да, бўғиқ овоз билан: «Орқамдан!»— дея қичқирди.

Ўрмонга киргандан сўнг, Али тажанг ботир партизан қари Чумаковнинг ҳалок бўлганини пайқади. У қорга чўккалаб мурданинг кўкракка тушган қуюқ соқолини меҳр билан силади: «Пок, яхши одам эдинг, бобой!»



## УН БЕШИНЧИ БОБ

Камол Уринбоев йўлакай Москвага кирди. Машиналарнинг юкида, шофёрларнинг юзида, қуролланган майдонларда дарвозаларига даҳшатли уруш келаётган мард шаҳарни кўрди. Москва улугвор ва газабли эди. У баррикадаларда ҳам, «ёж» сим тўсиқларнинг темир тиканларида ҳам, Пушкиннинг ўйга тўла жингалак бошида ҳам шуни туйди. Катта биноларнинг юзлари масхарабозларнинг юзларидай, ғалати шакл олганди. Камол, гўё эртақлардаги бир кўзла, соқоли тўқсон қулоч тасқараларни кўз ўнгида кўргандай, беихтиёр тикилиб қоларди. Москвада ҳарбийлар гуж-гуж эди. Полклар, батальонлар ўтарди. Ҳарсиллаган бир кампир корзинасини ерга қўйди, одимларида қудрат барқ урган аскарларга, гўё ўз ўғлини қидиргандай диққат билан бир-бир тикилди. Кейин у рўмолининг учи билан кўзларини артди-да, секингина: «Фашист Москвани кўриб бўпти!»— деб қўйди шивирлаб.

Камол бултур сентябрда Москвада бўлганди. У кунлар унинг энг бахтиёр кунлари бўлди. Бутун кундуз ва тун бўйи алла-паллагача юрар, чарчаганини ҳам сезмас эди. Кўча ва майдонларнинг суронли мавжлари, «Большой театр»нинг ажойиб ва сеҳргар санъати, стадионларнинг олаговур ҳаяжони, кутубхоналарнинг улугвор сукунати, чироқларнинг маржонлари билан Москва унга жуда ёққан эди. Ҳар кун юра-юра Қишлоқ хўжалик Виставкасига келар, Ўзбекистон павильонида кабоб, сермой палов ер, устидан бир-икки чойнак кўк чой ичар, фарғоналик қари ошпаз билан бир шингил аския қилар, кейин яна кезиб кетар эди...

Камол хотираларга берилиб, Қизил майдонга чиқиб қолди. Қадим Кремлнинг салобатига ярашган бу кўкракдор саҳнда, совет халқининг ва армиянинг бу муқаддас шарафгоҳида, Камолни улугвор ҳислар қучиб олди-да, у одимларини секин, юмшоқ ташлаб юрди. Ленин мақбарасидан, гўё уни илк дафъа кўргандек, узоқ вақт кўз узмади. Бирдан бутун борлигини эзгу бир титроқ қоплади. Юракка қандайдир ўткир найза қадалгандек оғриқ сезди. Ахир бу ерда Ленин ётибди. Қандай қилиб разил ёв Москва ёқасига сурилиб келди! Камолнинг қоронғилаша бошлаган кўзлари бирдан ёришиб кетди. Йигит қари тарих муаллимнинг сўзларини эслади. У бир вақтлар Самарқандда ўқиркан, муаллим қадим замонларда Шарқда бўлиб ўтган

урушда бир шаҳар жуда катта қўшинга қарши ўзини қаҳрамонларча мудофаа қилганини ҳикоя этиб, шундай изоҳ берган эди: «Гап, ёлғиз дарвозада эмас, дарвозабонда. Шаҳарнинг дарвозабони, яъни қўшин бошлиғи баҳодир эди». Партия дарвозабондир. Москвага ёв бошини суқа олмайди!

Камол кечга яқин Арбатга яқин кўчадаги кўримсизгина эски бир бино олдида тўхтади. «Худди шу уй, фақат аллақачон Тошкентга жўнаб қолгандир». Бироқ кучли ички овоз йигитни қоронги зинадан учинчи қаватга кўтарилишга мажбур этди. Кампир эшик очди.

— Салима Ҳасанова уйдами? — деб сўради Камол. Кампир йигитга бошдан-оёқ тиклиб, кейин қичқирди. «Салимочка!»

Сочлари тўзиқ қиз югуриб чиқди, мамнуналикни билдирган қандайдир бўшашиш билан: «Камол аками! Келинг. келинг», — деди. Камол кўришиш учун қўлини узатади.

— Йўқ, остонада кўришмайдилар! — деди рус тилида.

Камол кичкина табуреткага ўтирди. Унғайсизлангандай, шапкасини қўлига олиб, гўё тозаласмоқчи бўлиб чертиб-чертиб қўйди. Қорачагина, зуваласи пишиқ, кўзлари кулимсираган қиз шошиб-пишиб уйчасини, камтар рўзгорини йиғиштириш билан овоза эди. Камол бу студентка билан бултур виставкада танишган эди. Бир-икки марта кинога, бир марта футболга боришганди. Камол уни орасира эслар ва эслагиси келарди. Салима сочларини тузатди-да, дераза ёнига, йигит қаршисига ўтирди. Унинг наздик бурун катаклари ички ҳаяжонини билдирарди.

— Ўҳў, артеллерист, лейтенант! — деди Салима бошини ҳазиломуз буриб, қия қараш билан. — Хўш, ҳеч ақлимга сиғдира олмайман, қайси шамол сизни бу кулбага учирди? Ўзбекистондан келяпсизми? Аҳвол қалай?

— Сиздан эшитайлик. Мен ўн ойдан буён бу томонлардаман. Э, қандай кушларни кўрмадик! Ўлим водийларидан ўтдик. Қирдик, қирлидик.

— Чекиниш, қуршов... азоб-уқубат. Тушунаман, — деди Салима уҳ тортиб.

— Ҳозир энг оғир пайт. Просто даҳшат, — деди Камол. — Ё ўлим, ё ҳаёт — бошқа чора йўқ!

— Биласизми, Москва тоғдай қалъа! Гитлернинг бу ерда боши ёрилади. Шаҳар атрофида халқ қандай истехкомлар яратди. Ахир, мана шу эшик очган кампир ҳам ишлади-да!

— Уқишни битирдингизми? Ёдимда бор, архитектура институтида ўқирдингиз, шекилли.

— Ҳа, битирдим, лекин чаласи бор, — дея жавоб берди Салима. — Диплом топшириш олдида уруш бошланди. Ҳамма ишни папкага солдим қўйдим. Ана ётибди... Заводда ишлаяпман. Кеча-кундуз иш, ўқ-дори чиқарамиз. Кўпинча цехда тунаб қоламиз. Хат-пат бормикан, деб бир соат бурун келгандим. Хат йўқ, лекин қаҳрамон элатим келди! — Салима дурдай чиройли тишларини очиб, ширингина кулди.

— Хат олиб турасизми?

— Онда-сонда, — деди Салима ўрнидан туриб, шкафни тимирскиларкан. — Ойим, кел, дейди. Касал. Икки акам фронтда — бири Ленинградда бўлса керак, бирини билмайман. Келинойимнинг бола-чақаси кўп. Яна устига иккита етим болани боқишга олишибди. Етимлар Ўзбекистонга ҳам жўнатиляпти-ку. Тўрт яшар ўғил болага «Хушбахт», уч яшар қизчага «Зебинисо» деб от қўйишибди. Бирам яхши отлар. Машҳур шоиранинг оти-я. Эшитганмисиз, унинг бир шеърини Ҳалима Носирова жуда қийиб айтади, — Салима столга талинкаларда ёнғоқ, майиз, бодом қўйди ва тик туриб давом этди. — Уйимизга шу квартирадан беш киши кўчиб борган. Яхши кутинглар, деб хат ёздим. Қадрдонлик-да. Тошкентда нарх-наво баланд эмиш. Гап кўп, қани, олинг, Ўзбекистондан совға, соғиниб қолгандирсиз.

Камол бақувват тишлари билан ёнғоқларни қарс-қурсе чақиб, олтин рангли бармоқдай-бармоқдай майиз билан ея бошлади. Салима кичкина деразага қалин парда тушириб чироқ ёқди-да, курсини Камолга яқинроқ суриб ўтирди. Салима ўтган ёз бир неча вақт худди акасидай бирга юрган бу кучли, содда, тўғри кўнгил элатининг шундай мусибатли кунларда қидириб келгани учун хурсанд бўлди. Салима тўймагандай, ёки соғинтириб кетиб қоласиз-а, дегандай йигитнинг сузук кўзларига, бичими келишган юзларига қараб-қараб қўярди. Камол ҳам шодликдан яшнардди. У бу оддий ишчи кийимидаги очиқ кўнгил, ақлли қорача қизда юртининг илиқлигини, ҳуснини туярди. Бошидан кечирган изтироблари шу минутларда бутунлай унутилган эди.

— Ҳарбий форма сизга жуда ярашибди! — деди Салима.

— Передовойда кўрсангиз — бошда каска, ис босган, кир-чир, юз-кўзлар қизарган — нима дердингиз!

— Яна ҳам яхшироқ кўринардингиз. Ҳозир йигит ҳусни қаҳрамонлик, — деди Салима.

— Яхшисиз Салимахон, жуда бахтлиман, сизни учратдим, — деди Камол самимий ҳаяжон билан ва қизнинг илиққина қўлини силаб давом этди. — Москвани эсласам сизни кўрардим. Ҳаммаси ёдимга тушарди, метрода адашганимда қидирганингиз, кинода ўтирганимиз, яна...

— Эслармидингиз? — кўзларини айёрча қисиб: — Шунинг учун хат ёзган экансиз-да! — дея киноя қилди қиз.

Йигит қизариб кетди. Қизнинг кинояси, гинаси ўринли эди. Йигит гап мавзунини ўзгартиришга тиришди. Аскаррий ҳаётдан ҳам қизиқ, ҳам фоже баъзи эпизодларни ҳикоя қилди. Салима энгагига қўлини тираб, диққат билан тинглади. Қаердандир зениткалар товуши қулоққа чалинди. Бир зумдан сўнг қаердадир бир неча бор гумбурлади. Дераза дириллаб кетди. Улар бир-бирига жим, маънодор боқишди. Қиз қўл соатига кўз ташлади. Камол дик этиб аскарчасига ўрнидан турди. Салима ишчи блузаси устидан қалин телогрейкасини кийиб, бошига кубанкасини бос тирди.

Улар кўчага чиққанда тим қоронғи эди. Машиналарнинг чироқлари жинчироқдай хира нур сепарди. «Москва кечаси юракни хуноб қилади. Кўр бўлгур душман шундай шаҳарни кўр қилиб қўйди», — деди Салима туртиниб, Камолни қўлтиқлаб. Тун ва айрилиқ эзгандай жим кетишди.

— Завод яқин қолди. Раҳмат, — дея тўхтади Салима.

Камол ичида хўрсинди. Титроқ овоз билан: «Хайр, Салимахон, хайр. Соғ бўлинг», деб қизнинг қўлини қисди.

— Хайр, Камол ака, — деди қиз унга суқилиб. — Ўзбекистон қуёши учун душманни қиринг. Битта ҳам қолмасин!

Камол қизни аста қучоқлади. Гўё бутун Ватанни ўз бағрига олгандай ҳис этди у.

— Йигитга Ватан учун ўз қонини тўкишдан ортиқ шараф йўқ! Москва учун, Кремль учун ўлсам, она олдида бурчини бажарган ўғил бўламан... — деди Камол тўлқинланиб.

— Галабадан сўнг Москвада учрашайлик! — деди қиз ёқимли овоз билан.

Элатлар айрилишди — бири фронтга, бири заводга кетди...

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Совуқ кун сайин қаҳрини оширади. Ер тош қотган, қор мойланмаган аравадай ғижирлайди. Узоқда, фронт орқасида, тунни ёритган булутлар орасидан самолётлар жангини хўмрайиб томоша қилгандан сўнг, Асқар полвон қўлига кухлаб, нафасини қисиб:

— Бек, бурним худди гаримдори билан ишқалагандай ачишяпти-ку, — деди.

— Рус қишининг тиши энди чиқаётган эмиш. Майли, тезроқ вояга етсин! — деди Бектемир.

— А? — кўзларини олайтирди Полвон. — Онанг қор бўронида туққанми сени?

— Онам саратонда, ер тандирдай қизиганда туққан, — деди Бектемир кулиб. — Лекин сен немиснинг ҳолига бир қара. Оч арвоқдай қалтирайди. Рус қиши фрицнинг душмани. Душманнинг душмани — менинг дўстим...

— Рост айтасан, Бекчам, — жиддий гапирди Полвон. — Мен ҳам пайқаяпман, тўнғиз қўпқур совуққа ожиз экан. Бироқ яланғоч сувдан тоймас, дегандай кун сайин баттар қутурмоқда...

— Шошган ўрдак ҳам боши билан шўнғийди, ҳам думи билан... — деди Бектемир.

Қулоқчин остидан маъюс, сокин, хаёлчан кўзларини милтиратиб Ҳошимжон Саидов сўзга аралашди:

— Яна қиш тўғрисида. Боболаримиз совуққа чидамли бўлишган. Бобир мирза Самарқандни олганда чунон қаттиқ қиш бўлганки, ҳеч таърифга сиғмайди. Бобир шунда бир қарич музни ёриб, шўнғир экан. Ҳам шоир, ҳам подшо-я! Агар хоҳласа бутун бир кўлни иситиб беришлари мумкин эди унга.

— Қачон ўтган у азамат? — сўради Бектемир қизиқиб.

— 1430 йили, чамамда, вафот этган, — ўйламасдан жавоб берди Ҳошимжон.

— Менинг бир амаким бор. Ёши етмиш олтида шекилли, — деди Бектемир жонланиб, эътироз билан.

— Аҳ, балойи азим чол-да! — қистириб қўйди Полвон бошини чайқаб.

Бектемир кўзлари билан дўстининг таърифини маъқуллаб сўзида давом этди:

— Сочи тим қора, қошлари ўсма бир хотини бор. Бирон тун ундан айрилмайди чол. Туп десанг музлайдиган

совуқларда ҳам, сахарлаб, иссиқ тўшакдан кўйлакчан чиқади-ю, қор кечиб катта ариққа югуради. Музлаган бўлса, қўли билан урса ҳам ёради ахир. Уч марта шўнғийди. Сувдан ҳар бош кўтарганда «Лоиллоҳо иллобло!» деб қўяди яна. Кейин артинмасдан дингиллаб уйга, хотинининг қўйнига чопади.

— Ҳа, у чол туяни тузламасдан ютадиганлардан...— деди Асқар полвон.

Ҳошимжон кўкрагига қўл тиқди. Қизил чарм муқовали дафтарчага ингичка қалам билан ёзди ва юзи нурланиб дона-дона ўқиди: «Туяни тузламасдан ютади».

— Ҳа, нега ҳайрон бўласиз?— елкасини қисди Ҳошимжон элатларига қараб. — Мени телба деб ўйларсизлар, балки. Йўқ, мен халқ сўзларини, ибораларини, мақолларини тўплайман. Бу ерда Ўзбекистоннинг турли қишлоқларидан, қулоққа чатилмаган бурчакларидан келган жангчилар йўлиқиб қоляпти. Улар гоҳо худди анқонинг тухумидай нодир сўзлар, мақоллар айтиб юборадилар. Шундай дурдоналарни тоғ-тош ошиб қидира-қидира соқоллари оқарган профессорларни биламан. Тунов кун, жар ёқасида бўлган жанг тингач, артиллеристларга боришга тўғри келди. Лоқайд, содда бир ўзбек хиргойи қилиб тўпни артаётир. Қулоқ солсам, жуда қадим ашула. Ҳар бири минг олтинга арзийдиган сўзлар. Ёзиб олдим. «Нима қиласиз?» деб сўради йигит. «Суриштирма, номинг тарихда қолди. Фалон йили, фалон урушда, фалон жойда тўпчи Турғунбоев бу қўшиқни булбулдай сайраб берди, деб ёздим, тушундингми», дедим. Илжайиб, хурсанд бўлди.

Асқар полвон билан Бектемир дафтарчага меҳр билан қараб қолишди.

— Китоб қиласизми?— деб сўради Бектемир.

— Албатта, — жавоб берди Ҳошимжон. — Бу тўғрида китоб ёзаман.

Йигитларнинг киприклари қировланган қовжироқ кўзларига оғир ўй чўкди. Улар қаҳри сукутда олдинга, воронкалар билан қопланган дала ортида қорайиб кўринган ўрмонга қарадилар. Ҳошимжон энгашиб ўз ротасига кетди. Қаердадир ўнг томонда, қорли дала фонида ғира-шира кўринган қишлоқ уйлари орқасида жанг борарди — гўё тоғлар портаётгандек кучли, туташ гумбур тинмасди. Гавдаси миқти, шижоатли, лекин юмшоқ кўнгиш қозоқ Султонқулов танкка қарши милтиқни олдиндан тайёрлаган «ин»га енгил кўтариб кетди. Ёқаси қўпол мўйнали қисқа

тери пўстин кийиб, белини сиқиб боғлаган Николин гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда тез-тез пайдо бўлар, кул ранг папоқла бошини тик тутиб сокин одим ташлар, унинг юзида гоҳ қаҳр ва ғазаб булути тошар эди.

Генерал Москва четидаги ўрмонда кичкина бир тахта уйда танҳо ўтирарди. Уйқусизликдан унинг кўзлари қовжираган, ҳорғин, мудроқ. Лекин у ҳамиша ҳушёр, сергак эди. У гоҳ пиёда, гоҳ машинада олдинги линияга борар, истеҳкомларни текшириб кўрар эди. «Москва эмирилмас қалъа, бир одим орқага силжиш йўқ, ёвни шу ерда бўғамиз, жаҳаннамга ағдарамиз!» дерди у аскарларга.

Бугун ҳам қаттиқ, даҳшатли жанг бўлди. Пироварди фашистлар яна ўн саккиз танкни майдонга ташлаб, автоматчиларни ҳужумга ташлади. Аскарларимиз танкка қарши милтиқлар, гранаталар, бутилкалар билан моҳир, аҳил, жасуруна қаршилиқ кўрсатдилар.

Генерал ҳорғин эса-да, кўтаринки руҳда, хурсанд ўтирарди.

— Хўрак совуб қолди, иситайми?— деб сўради ҳамиша чаққон, ҳамиша тетик, серғайрат ва серфаҳм Ваня.

— Қорин жуда оч, тез бўл!— деди мулойимгина кулимсираб генерал ва шинелини ечиб қозиққа илди.

Ҳорғин, мудроқ ўтирган генералнинг бирдан столдаги конвертга кўзи тушди. Таниш, чиройли ёзилган хат. Бу хатни Олмаотага кетаётган хотини ёзган эди. Володяси энди ўн яшар бўлди, бўронаи бир кун туғилган эди. Икки энлик илиқ сўз билан хотини Володянинг ўн ёшга тўлганини эслатган. Генерал хатга қайта-қайта кўз югуртди ва кулимсиради. Хат ўн кун йўл босибди. «Тавба, уруш уруш...»— деб қўйди ўзига. Хотини Москвадан қисқа-қисқа хатлар ёзиб турарди, бу хатда у: «Олмаотага кетаётибмиз, хайр, лекин эҳтиёт бўл, душманни енгиб, эсон-омон кўришайлик!» деган. Генерал тинч ҳаёти, оиласини эслаб, бир лаҳза хотиралар, хаёллар огушида сокин ўтирди.

— Мумкинми, жиндай арақ қуйсам?— деб сўради Ваня овқатни генерал олдига қўйиб.

— Майли, лекин иккимиз ичамиз, — деди генерал. Ваня шишани чаққон очиб, стаканни тўлатиб қуйди.

— Қани, ичинг, совуқ... Яхши бўлади, — деди.

— Ўзингга ҳам қуй, менинг Володям ўн ёшга тўлибди, ammo хат ўн кун муқаддам ёзилган, тушундингми?

— Э, иш ҳали шунақа, денг?— дея Ваня дарров кичкина стаканга тўлатди ва қўлига олиб генералга тикилди.

Генерал соғлиқ ва тинч ҳаёт ҳақида қисқа гапирди-да:  
— Қани, ич, дўстим!— деди уриштириб.

Генерал вақти чоғ, мамнун ҳолда иштаҳа билан овқатни энди еб турган эдики, бир гуруҳ офицерлар кириб келди.

— Оҳо, иш жойида-ку!— деди бири стаканларга назар солиб.

Генерал кулиб ўрнидан турди.

— Марҳамат, ўтиринглар, — деди саломлашиб.

Генерал, полковник ва капитанлар ўтириб, қисқагина оператив мажлис ўтказдилар-да, истеҳкомларни кўриш, кузатиш учун жўнаб кетдилар.

Бир неча кундан бери душман янги ҳужумга ўтган эди.

Душман ғазаб билан ҳамон полк ортидан полк, дивизия ортидан дивизия ташларди. У еттинчи ноябрда бутун совет халқининг юрагига ғамнинг қора заҳрини қуйиб Москвада, Қизил майдонда таитана қилмоқчи эди. Уғри чучварани хом санайди. Еттинчи ноябрь куни совет халқининг қаҳрамонлик тарихига ўлмас шон билан кирди. Ленин мақбараси устида Сталин сокинлик билан парад қабул этди, партия халқ бургутларини қаҳрамонлик руҳи билан нурлантириб зафарга йўллади. Мана икки ҳафта ўтди, душман гурраланган бошини Москванинг тош остонасига ҳамон урмоқда. Москва атрофидаги гигант жанг майдонида дивизиялар, минглаб танклар бўғишади, қорли бўронларда ўлим гирдоблари увлайди. Узоқда Берлин ўз мотамини шодиёна фаҳмлаб, жаҳонга ногора қоқади. Унинг генераллари жаҳаннам ўти орқали, ўғриларча Москвага мўралайди. Лекин Москва бўронлар орасида негизлари ер шарининг марказига тиралган муаззам метин қоядай мағрур туради. Бу ерда партиянинг даҳоси қутурган, муттаҳам, такаббур фашист армияларига қора кунини тайёрлар эди.

Урмон орқасидан самолётлар учиб чиқди. Улар чўқилгани келаётганини Бектемир ички бир ҳис билан сизди. «Бошингни аҳтиёт қил!»— дегандай кўз қисди Асқар полвонга. Улар энди ҳаво ҳужумларининг қўрқинчларига ўрганишган. Самолётлар қордан, ердан, қондан хамир ясаб тез қайтди. Фақат, қизил юлдузли лочинлар қувиб етиб жангга мажбур этди. Осмонни бепоён майдонида бир-бирларини узоқлашишга қўймай, улар гир айланар, гоҳ тик юқорилаб, гоҳ пастга балиқдай шўнгиб, ғазабкор ҳужум қилардилар. Лекин бу вақт ерни танклар силкита бошлаганди.



Улар оғир лапанглаб, баъзилари тўппа-тўғри, баъзилари ўннга, сўлга кескин бурилиб, ўт ёғдирар ва ёриб ўтиш учун темир гавдаларини олдинга отар эдилар. Танкка қарши тўплар, танкларни яқин, гўё мана-мана сапчиш билан босиб, янчиб кета оладиган масофага келтириб, омонсиз ўтга тутардилар. Жангчилар гранаталар ёғдирарди. Бектемир устидан танк ўтиб кетди. У ботмон тупроқ ва қорни бошидан, елкасидан ағдариб, чуқур окопдан кўтарилди. Гранаталар шодасини ирғитди. Танк, гўё ичи ёрилгандай тўхтади, оловга ўралди... Олдинга чиқарилган тўплар танкларни уради, жангчиларни ҳимоя қилади, яна ўз-ўзини мудофаа қилишга мажбур бўлади.

Олдинда, қорайган далада танклар бурқиркан, жунжиған немис пиёдалари қорга юмалаб қоча бошлади. Лекин орқадан, буталар билан сийрак қопланган тепалик томонидан душман автоматчилари ногаҳон шиғаб ўт очиб қолди. Жанг беҳад даҳшатли қизиб кетди. Руслар буюк ғазаб ила контратакага отилди. Асқар полвон воронкадан воронкага ўтиб отар эди. Унг томонга, унга яқин снаряд тушди. Асқар полвон гангиб, бош кўтарди. Оғзидан қоп-қора лой тупурди. Жанг ўт ва ўлим гирдобига ўралиб узоқлашганди. Асқар полвон нима қилишини ҳали ўйлашга улгурмаганда, ҳансираб, совуқдан кўкариб келаётган бир гуруҳ немис автоматчиларини кўрди. Тишини тишига қўйиб, милтиқдан ўт очди. Иккитаси муккаси билан ағдарилди, бошқалари чаққонлик билан ерга ётди.

Асқар полвон воронкага яхши жойлашди. Асқар гўё Бектемирга бир нимани айтмоқчидай, сўлга, ўннга қаради. Ўзидан нарироқда бир каска тўмпайиб ётибди, яна нарироқда — узилган бир қўл... «Рус, сдавайся!» — яқинроқдан бегона ва ғазабли товуш эшитилди. Полвон устма-уст икки граната улоқтирди ва сабрсизлик билан бошини бир зум кўтарди. Уч немис қорда сирпанарди. Орқага эмаклаб, бошқа воронкага тушиб олди. Немислар худди аввалги жойни мўлжаллаб граната ташладилар. Асқар полвоннинг юзига қатқалоқ парчалари келиб тегди. Фашистлар «қурбон»ни кўрмоқ учун бошларини кўтарганларини кўрди. Милтиқдан ўт очди. Жони чиқаётган солдатнинг бўкириши эшитилди. Аччиғи чиққан душман граната ташлади, қалин ўқ ёғдирди. Асқар полвон сўнгги гранатани отди-да, бутун вужуди ғазабдан тўлганиб кетди. Фашистлар ҳар ёқдан ура бошладилар. Асқар полвон узоқ — то сўнгги ўққача — отишди. Полвон ғазаб ва аламдан гўё кўкариб кетди. Тиз-

залари титради. Пешанасини бир зум тупроққа тиради. Кўз олдидан қизчаси ўтди. Эслаш оғир эди: «Нега Бектемир йўқ?» Унинг учун дўсти гўё мўъжизакор бир кучга эга эди. Асқар тутунланган кўзларини атрофга югуртди. Немислар ҳақкам-дуккам отиб, жим бўлган воронкага аста, маккорона эмаклаб келишарди. Улар бирдан «ўти ўчган бу ўжар русни» балки тириклайин олмоқчи эдилар. Асқар полвоннинг сабри тугади, худди кўп вақт ўтиб қолгандек туюлди. Гўё ернинг ўзи итқитгандек, аллақандай ички туртки билан, ногоҳ Асқар душманга отилди. У қандайдир даҳшатли товуш чиқарди: «Ур-ҳа-ҳа-ҳа!» Кўзлари олайган, қора, дов йигит милтиқ қўндоғи билан фриц бошига туширди. Ендан иккинчисининг бўйнига урди. Яна узоқ, ваҳший қичқириб ефрейторни найзалади ва бирдан овози ҳам кесилди, қонга беланиб чўккалаб қолди...

Танклар ва артиллерия ёрдами билан Николин контратакага ўтиб, душманни узоққа суриб ташлади. Дубов қўли билан олисдан Бектемирни имлади. У бошини эгиб чўққайиб ўтирарди. Бектемир Асқар полвоннинг чавоқланган гавдасини аста қучди. Унинг юзи таниб бўлмас даражада мажақланган эди. Бектемир кўзларини енг учи-га суриб, пешанаси гурра Дубовга қаради. Дубов ўзи сўриб турган махоркасини Бектемирнинг оғзига қистирди: «Қаҳрамонона ҳалок бўлди, азамат», — деди Дубов мўйлов остидан.

Асқар полвонни тепалик бағрига кўмишди.

## УН ЕТТИНЧИ БОБ

Кун хира, эзгич эди. Қиём чоғи бўлишига қарамай, уйни шом олди қоронғиси босгандек. Анна Ивановна қўлларини ожиз ва гамгин қовуштириб, сал кўзгалса гижирлайдиган табуреткада ўтирар, ичи пишиб, ўқтин-ўқтин хўрсиниб қўярди. Уғли Володя полда, эски ўйинчоқ машинанинг ғилдирақларини бирин-кетин ғилдиратар ва ўзи маъносини билмаган, кирган-чиққан немислардан эшитган қандайдир немисча сўзларни айтиб қўяр, кейин бирдан қайрилиб сўрарди: «Мама, қачон бизникилар келади? Майдонда байрам бўлади-а?» «Келишади, келишади, албатта...» — жавоб берарди она хомуш ва паришон ҳолда. «Ушанда қаҳрамонларни кўрсатасанми менга?» — деб сўрайди Володя,

рангсиз юзига тошган болалик қувончи билан. Она боши билан «хўп», деб жавоб беради.

Қишлоқ ўғри кирган уйдек яланғочланган эди. Душман чигирткадай, аҳолининг қўр-қутини еб битирмоқда эди. Анна Ивановнанинг рўзгорини тебратиб турган қари сигирни ҳам немислар бекасининг кўзини бақрайтириб ҳайдаб кетган эдилар. Қишлоқ кундан-кун кўпроқ бўшай бошлаган — одамлар аста-секин қаерларгадир бош олиб кетардилар. Уч кун бурун Яшкин бобо осилди. Қаердадир коммунистлар яширин ташкилотининг курашга даъват қилувчи варақаларини тарқатишда айблаганлар уни. Чол ҳеч кимни тутиб бермаган. Минг хил қийноқ билан сулайган бобо дор остида ўзини дадил тутган. Ўша куни ҳаммани майдонга ҳайдадилар. Лекин Анна Ивановна ўлимга рози эди-ю, қадрдон, сирдош чолнинг бошини дорда кўришни истамади. У қўлида корзинка, ўғлини етаклаб, қишлоқ орасидаги полизга югурди: бир шима бўлса, очман, қор остидан картошка қидираётирман, деб баҳона қилади. Шундан бери ҳали майдон тарафга боргани йўқ. У ерни ҳатто эслашдан ҳам қўрқади. Кейин немислар тунларда кўпроқ уникида қўнадиган бўлиб қолди. Ичида ёлқинланган ғазаб ва нафратни яширишга тўғри келди. Ҳамма вақт оёқда хизматга тайёр туришга мажбур. Яна душманнинг бемаъни кулги ва ҳазилига тиш илжайтириш, бақиршига, дўқига кўзларини пастга тушириш, жимгина узоқлашиш керак. Буни у қўрққанидан эмас, болалари туфайли қиларди. Фалокатли кунлар ўтар дер, довулли тунда индаги қушчалар учун қайғурган она қуш каби, у ҳам болаларини сақлаш учун жафо чекар эди.

Деразадан Анна Ивановнанинг кўзи бир зум Кандаловга тушиб қолди. Юраги орзиқиб, ҳалқумига кела ёзди. Бўшашиб кетди-ю, яна ўзини тутди-да, пичирлаб уни қарғади. Кандаловни немислар қишлоқ оқсоқоли қилиб кўтарган эдилар. У на собиқ қулоқ, на савдогар бўлган. Революцияга қадар шу атрофда помешчикнинг кучери, уларнинг товоғини ялайдиган исқирт бўлган. Кейин бирон ишнинг бошини тутмай ҳар нав майда-чуйда юмушлар билан шуғулланган. Бирон жойга ишга кирса, тезда қувилар, ё ўзи ташлаб кетар эди. Кейин силлиқ тараган чўққи соқолини ямлаб, хира кўзларини ўйнатиб, чиқиқ елкасини қисароқ, кўринганга: «Бошлиқлар билан чиқишолмадим. Мумкин эмас ахир...» дер эди. Кандалов бирон мажлисга кириб қолса, докладчи қайси мавзуда гапирмасин, қўлини кўта-

риб, раис рухсат бермасданоқ, асосий масалага ҳеч алоқасиз, пойма-пой саволлар беришни севарди. Халқ аччиқланиб мажлисдан чиқариб юборишни талаб этмагунча ёки ёнидагилар зўрлаб ўтқазиб қўймагунча алжирайверарди. Мана шу кунларда у қишлоқда гўё ўзи бек, ўзи хон, гўё чумчуқ лочин ролида. Уйларга зуғум билан киради. Уй ичини зимдан бир-бир кўздан кечиради. Кейин ўйга ботгандай, бир нафас жим қолади-да, кўрсаткич бармоғини ҳавога бигиз қилиб: «Мен бир масалани ҳал қилмоқчиман. Лекин принципиал!» деб сўзлай бошлайди. Ниҳоят, алдов билан, дўқ билан аёллардан бирон нарсани юлишга тиришади.

Анна Ивановна ундан ҳайиқмасди. Кўчада дуч келса, унга бўлган нафратини бирон нозик ҳаракат билан сездиришдан завқланарди ҳатто. Ҳозир унинг шарпасини деразанинг хира ойнаси орқали кўриши биланоқ, юраги зирқ этишининг сабаби шундаки, Анна Ивановна ҳозир ваҳм хаёллар гирдобига ғарқ бўлган эди. Кечадан буён синглиси Настя ғойиб. Бу ҳеч бўлмаган ҳодиса. Опадан яширарлик сири йўқ эди, шекилли. Кейинги кунларда қиз зиндондан баттарроқ бўлган ҳаётда жондан безганлигини опа яхши билса-да, бироқ рухсатсиз, кенгашсиз бирон қалтис қадам қўя олишига ақли бовар қилмасди. Настяни қандай шароитларда тасаввур этмасди! Бирон жойда, ўрмонда фашистлар томонидан ҳақоратланиб, ўлдирилган бўлса... Ғамдан, ҳорғинликдан йиқилаёзарди опа. Узун тунда мишжа қоқмай, «тиқ» этса эшикка қулоқ солиб ётган эди. Қайдан, кимдан суриштирсин? Нариги кўчадаги Яша Бубликнинг уйига қиз кейинги вақтларда қарийб ҳар куни чиқиб, узоқ ўтириб қайтарди. Ҳар сафар у ердан нечундир руҳи тетикланиб келарди. Бублик букри челақ, примус ва шунга ўхшаш асбоблар тузатарди. Немислар унга эътибор бермаганди. Бублик асбоб-ускуналарни эшиги олдига олиб чиқиб, ўз ҳунари билан овора эди, немисларнинг олдида нарх жўнидан атайлаб аёллар билан ортиқча жанжаллашар, асабийланар эди.

Анна Ивановнани кичкина букрининг қоматдор, сочи пахмок, шаддод хотини қарши олди.

— Уста уйда эмас. Билмайман, қаёққа йўқолди, — деди у жиддий.

— Настя? — сўради тикилиб Анна Ивановна.

— Қайдан билай? Қизиқ хотинсиз-а, балки бирон жойда немисча ўрганаётгандир!

— Худодан қўрқ, Дуня, уят эмасми? — деди Анна Ивановна куюниб.

Букрининг хотини Анна Ивановнанинг изтиробларини, ҳаяжонини кўриб, юпатмоқчи бўлди.

— Топилиб қолар. Бўри ейдим... — деди букрининг хотини қандайдир сирдан дарак берувчи бир оҳангда, кейин гапини бўлишни истаб, ҳовлига чиқиб кетди.

Анна Ивановна ҳушсиздай эди, уйга қандай қайтганини сезмади. Кейин, дарддан лўқиллаган бошини қисиб ўйлади: «Букри билан қайга боради? Нима бало сир?»

Шу вақт, Настя Бублик билан қишлоқдан ўн беш километр узоқда, қалин ўрмонда ўтирарди. Улар қишлоқни кеча оқшом тарк этишди. Қоринлари ҳам оч эди. Чўнтакларини тўла сувда пишган картошкалар бирин-бирин оғизларида эриб тугай бошлаганди. Қалин кийинганидан Бубликнинг букри билинмас, айиқ терисидан ясалган пахмоқ қулоқчинда қандайдир хаёлий, ғалати бир махлуққа ўхшарди. Оёқларида чориқ, Бубликнинг хотини берган узун, кенг қўсқи пўстинни кийиб, белини аргамчи билан сиқиб боғлаган Настя содда, дўлвор деҳқон қизининг ўзгинаси эди. Ўрмонда бошпана қидириш фойдасиз. Шамол дарахтларда йиртқич ҳайвондай увлайди. Бублик билан қиз «чирс-пирс» қилиб тутаққан кичкина гулхан олдида, кўзлари ола-қароқ, лекин аҳил ва жиддий сўзлашардилар, бажаришга азм қилинган хавfli ишнинг ҳаяжони билан юраклари тўла! Рухлари баланд — кўтаринки эди... Ҳаккам-дуккам соқоллари орасида тутун ўрмалаган Бублик, кислота ва ўт таъсирида гадир-будурлашган бармоқларини ўз одатича, қисирлатиб, дам потенциал қувват ҳақида, дам иш бажарилгандан сўнг ҳеч нима кўрмагандек, қишлоққа қайтиш тўғрисида гапириб, ҳар жумладан кейин қизарган, ҳорғин кўзларининг мунчоқларини айёрча ўйнатиб қўярди.

Бублик ёшлиқдан газеталарни кўп ўқирди. «Халқаро аҳвол» — унинг касали эди. Бу соҳада қишлоқ активлари билан баҳслашувни ҳамиша севарди. Қишлоқда, кичкина, ис босган дўконхонасида ўтириб, жаҳон миқёсида ўзича ҳар хил сиёсий комбинациялар тўқирди. Уруш бошлангандан унинг даҳшатли бўлишини, ҳатто анча муболага билан тасаввур қилмишди. Чунки рус халқининг ботирлигига, немисларнинг техникасига баланд баҳо берарди. Совет тупроғида фашистларнинг ёввойиликлари ҳақидаги хабарларга кўп вақт ишонмади. «Ҳамма гап техникада!» — деб ўз-

Ўзига ўжарларча уқтирарди у. Туғилгандан бошлаб, қарийб тарк этмаган қишлоққа душман киргач, кўзи очилди. Эртасига кўчадан аллақандай бўшашиб, сарғайиб қайтди. Примусда шўрва қайнатиб, дераза олдида думи тулкини-кидай кўрмак, мўйловлари узун, бўрсиқдай мушукни — худди ўз қорнидан тушган боладек, овунчоғини тиззасида силаб узоқдан немис солдатларининг қилиқларини қизиқиб томоша қилаётган хотинига деди: «Наҳотки булар немис бўлса-а? Истилочилар! Ҳеч қандай қонун-қоидага тўғри келмайдиган ишларни қилишяпти. Фронтда қон ич, қон қус! Лекин тинч қишлоқда нега мунча қутурасан!» Хотини пичинг қилиб, хўрсиниб деди:

«Айб ўзингда, биронта шалоқ тележка ҳал тополмадинг, узоқ иссиқ Осиёга кўчиб кетардик!» Кейин у ўрнидан турди. Мушукни эрининг қўлига тутқазди, обедга тайёрланиб, эрини юпатишга тиришди: «Куйма, дастлаб душман шундоқ қилади. Ҳаммаси пўписа... Ҳали бир офицери ўтди, шундай келишган, топ-тоза, одимлари шундай ўлчовли...» Уч кундан сўнг аёлнинг ўзи худди шу офицернинг халққа қилган муомаласини кўриб, орқасидан ўлим қувлагандай, майдондан ўтакаси ёрилиб қочганди, қўрққанидан касал ҳам бўлиб олганди. Шундан кейин Бублик бомба ясашга киришди. Гўё немисдан ўч олиш учун ўзига қурол йўқ каби, ўжар орзу уни эгаллаб олди. Кечалари қаттиқ ўй билан кечади. Ёлғиз ўз қўли, ўз фикри, ўз материаллари билан ясаyajак уни! Бу сирни гўё хотини унинг кўзларидан уқиб билаётгандек чўчир эди. Фақат, сир фикридан ишга кўчганда, яшириш имконсиз, ҳатто хавфли бўлиб кўринди. Ихтирочи ертўлага қамалиб, ишларкан, хотини тўрт кўз билан қўриқлаши, турли сигналлар воситаси билан хавф-хатардан уни хабардор қилиши керак эди. Хотин чиндан ҳам мақташга сазовор туйғунлик ва ҳушёрлик билан ўз ролини бажарди. Хотин хаёл сураркан, гўё тоғларни ҳам қўпора оладиган бир жаҳаннамнинг портлашини эшитаётгандек баъзан чўчиб, ўрнидан туриб кетарди. Бублик матонат билан ишлади. Ҳар бир деталь устида ўйлаш, яшаш, бузиш, тузатиш ва унинг шароитида ҳал этмоқ мутлақо имконсиздек бўлган масалаларни ечиш учун урина-урина озиб кетди Бублик. Ихтиро амалга ошишига гумони қолмагач, буни катта натижа берадиган шаклда қўллаш масаласи уни жиддий банд қила бошлади. Ниҳоят, бирон ватанпарварни жалб этмоққа қарор қилди. Хотини бундай ақл, жасорат, фидокорлик талаб қиладиган ишга драмай-

ди. У қўрқоқ ва асабий. Ҳаммадан кўра Настя дидига кўпроқ тўғри келди. У қизнинг отаси билан қадрдон, опасига ҳурмати баланд эди. Настяни ақлли ва олижаноб, деб биларди. Ўтмишни ўйлаб, хотирлаб, Настянинг унга бўлган муносабатларида кўнглини оз-моз хира қиладиган бирон пайт топмади. Қизнинг кўзларида, сўзларида Бубликнинг жисмоний нуқсонидан кинояни эслатувчи бирон ифода ёки ожизлиги учун қандайдир раҳм, қизганиш, қалбаки хушонад сезмаган эди. Настя гўё унинг айбини кўрмаган, эсламагандек муомала қиларди. Иззат-нафси ғоят сезгир Бубликнинг одам саралашада бу жиҳат, табиий, катта таъсир кўрсатган эди. Бироқ қув Бублик итоаткор қизни узоқ вақт синади, кейин сирни очди. Настя ўзида йўқ хурсанд бўлди: Бублик қоронғи ертўлада ғазабини бомбага жойлаяпти. Рус ерида немиснинг умри қисқа. Бироқ Бублик таклифида хом хаёллиқ, романтика кўрди қиз: «Кураш учун орзу ва ирода керак. Булар борми, душманни отиш учун милтиқ, тўппонча, қўпориш учун гранаталар топиш имконсизми? Уқимаган оддий қишлоқ мастери бомба ясайман, деб бекорга вақт ва куч сарф қилмайдимиз?» — ўйлади, лекин бу гумонини айтиб, Бубликнинг ғоят самимий, фидокорона, ёлқинли ҳисларини сўндиришдан, уни хафа қилишдан қўрқди. Лекин ҳақкам-дуккам соқолли энгагига қўлини тираб, тиришган, сарғайган юзларига бутун диққатини тўплаб, қизнинг бутун ҳаракатларини кузатган Бублик Настядан гумонни туйди: «Албатта, бомба примус ё зажигалка эмас, мен ҳам профессор эмасман. Бу — оддий рус кишисининг аҳтироси. Ҳар ҳолда, менинг ясаганим чинакам жонли нарса... — деди у маънодор йўталиб, ғурур билан. — Ҳозир бутун ҳунарни, бутун уқувни ишлатиш замони. Рус одами ёлғиз ботиргина эмас, у — корсоз».

Настя юрагида жўшган, қутулишга йўл қидирган ғазабни орқасида бу фикрга бирпасда шундай берилиб кетдики, унинг хаёли Бубликнинг сиймосида ажойиб қаҳрамонни кўрди, ҳаяжон билан унинг қўлини сиқди.

Бомба тайёрлангандан кейин ундан қандай қилиб яши фойдаланиш тўғрисида жиддий баҳslashдилар. Уни қишлоқда қўллаш қулайроқ бўлса ҳам, кейин душман бутун қишлоқнинг кулини кўкка совуради, деб бу фикрдан воз кечдилар. Ҳар қандай қишлоқдан узоқда, йўл устида душманнинг мумкин қадар катта тўдасини емирмоққа қарор қилдилар. Бубликнинг тасаввуридан юқори даражали офицерлар билан қуршалган такаббур, серсавлат генерал-

гина ўтарди. Қоронғи тушгандан сўнг, қаерда учрашишни қизга уқтириб, терс йўл томон уйдан чиқаркан, ранги қум ўчган, титраган, новча хотинининг бошини букиб узоқ ўпди.

Бир соатдан кейин Настя уни далада, эски бузуқ тегирмон олдида учратди. Бублик қопга ўралган оғир нарсани унга тутқазди. Сўлдан, кўприк томондан гоҳ-гоҳ пулемёт товуши эшитиларди. Улар ўрмон сари ҳарсиллаб тез юришди. Ўрмон ичкарасида, зим-зиё қоронғида чўққайиб, гингшиб кечани ўтказишди. Тонг қоронғисида яна йўлга тушишди. Кейин чуқурликда гулхан ёқиб исинишди. Бублик разведка учун кетди. У узоқ вақт қайтмади. Настя қаттиқ ташвиш тортди, тутилиб қолдими? Ё адашдими? Енгиллик ва чаққонлик учун пўстинини ечиб, баланд дарахтларга тирмашиб чиқди, ҳар ённи кузатди. Ниҳоят, Бублик, ҳориб, каловланиб қайтди ва бошини ноумид чайқади ҳансираб.

— Хўш, нима? Иложи йўқми? — Бубликнинг кўзларига яқиндан тикилиб сўради Настя.

— Йўлда қатнов зўр. Машиналар, танклар... Бироқ ёндашиш имконсиз. Тўпга солиб отамизми? — жавоб берди Бублик.

Настя ҳам бирдан бўшашиб кетди, энди нима қиламиз, дегандай Бубликка қаради-қолди. Лекин у индамай, ҳансираб, кул босган ўтни тита бошлади. Настя вазифа қандай қийин ва қалтис бўлмасин, ёлғиз ўзи бажаришга тайёрлигини айтди ва бомбани яна бир топқир тушунтиришни ўтинди. Бублик сийрак тишларини кўрсатиб, киноя билан кулиб қўйди. Қиз ундан чинакам ранжиди, ўз ичида уни кўрқоқ деб қарғади. Бублик зимдан қараб, ўнғайсизланди: «Қизчам, шошма, шошган кишидан ақл қочади. Етти ўлчаб бир кес. Мен шароитни яхши ўргандим. Қуролни ҳам яхши биламан — ўз фарзандим у...»

— Хўп, фарзандингизга темир йўлни кўрсатмайсизми? — деди киноя аралаш Настя.

— Мана бу идея! — бошини кўтариб, ялт этиб қаради Бублик. — Бутун бир эшелонни — хотинлар ҳузурида айтиб бўлмас сўзни айтиб қўйди-да, ўнғайсизланиб ўтни пуфлашга киришди.

Бир оз бурун Настянинг таклифини роса муҳокама қилишганди. Фақат ҳорғинликдан Бублик йўлга тушишга эринар, бағрини ўтга тутиб, эзмалик қиларди. Ниҳоят, у кўҳна циферблати айнаган йирик соатига қаради. Йўл мадори деб иккитадан картошка ейишди-да, кўзғалишди.



Йўл беҳад оғир бўлди. Дармонсизликдан йўлни адаштирдилар. Эртаси кун оғанда темир йўл қораси кўзларига гира-шира кўринди. Настя дарахтга тирмашиб, йўл қоравулларининг ҳаракатини обдан кузатди. Ярим кечага яқин улар темир йўл полотносига эмакладилар. Рельслар гувилларди. Состав яқинлашарди. Қизнинг юраги гуп-гуп урарди. Бублик оғир ҳарсиллайди. У нимадир дейди. Настя эшитмайди. Ихтирочи қочиб улгурмаса? Настя Бубликни пастга итарди. Унинг «фарзандини», ота айтганича кўмди-ю, қиз пастга шўнғиди, ўқдай учди. Фақат, даҳшатли портлаш ва гулдуросни эшитиш билан мукка йиқилди. Қорда ҳам пешанаси гўё ёнарди. Бошини кўтариб, Бубликни қидирди. Орқада ўт туюқарди. Бубликни кўрмади. Лекин у ёнгинасида экан, эмаклаб келди. Улар яна югуришди. Ҳавони патир-путур отишма қоплади. «Бас, дам ол. Тутиб бўпти! Орқага қара, қизчам, ажойиб иш бўлди!»— дерди Бублик ҳансираб, Настянинг қулоғига...

## УН САККИЗИНЧИ БОБ

«Қари келса ошга, ёш келса ишга» дегандек, Камол Уринбоев юкли машинадан сакраб тушди-ю, ўт ичига кирди. Кузатиш пунктида бўлган майорнинг олдига боргунча ўзини бир неча марта қорга таппа ташлаб, артиллерия оташидан сақланишга тўғри келди унга. Урмон ёқасида, жилла баланд бўлмаган тепадаги кузатиш пунктида, бир неча кичик командирлар билан турган майор ўт сусайгандан сўнг югуриб тушди. Камол ўзини бутун қоидага мувофиқ танитди. Юмалоқ, бақувват, кенг елкали, калладор майорнинг кўзлари, ёввойи мушукнинг кўзларидай ўсал, кўм-кўк олов чақнатарди. Камол унга ёқмаганлигини сездди. Майорнинг арпа бўйи дағал соқол билан қопланган, кирроқ кўринган юзидан кинояли қийшиқ табассум бир оз ўчди. Жуда ёш, хом ва бўшанг, деб ўйларди гўё. Камол майорнинг диққатини жалб этиш мақсадида ўз вазиятини ўзгартиришга тиришмади. Аксинча ўнг елкасини сал тушириб, яна ҳам беғамроқ кўринишга интилди. Майор тўппонча нусха жажигалкасини ёқиб папиросини асабий сўра бошлади-да, ерга қараб дўрилади: «Обстановка... ҳим. Шундайки, ҳамма оғирлик артиллерияга тушган... Камол: «Шундай бўлиши ҳам табиий. У, ахир — худо!»— деди.

Команда пунктида, тутун ҳалқалари орқали майор йўгон қаламини қўлда енгил ўйнатиб, шароитни бирпасда

кўрсатиб ўтди, ҳам вазифаларни тушунтирди. Ҳаш-паш дегунча, бурчакда кўзларини милтиратиб, бўғиқ товуш билан айни сўзларни такрорлаб, қичқирган телефончини тупроқ босиб қолди — юқорида мина ёрилган эди. Ёш, лекин жуда новча рус йигити сўкиниб елкасини силкиб, қоқинди-да, яна аппаратга қичқира бошлади. Майор тўзондан йўталиб, пишқириб, гап тамом, дегандек столга қалам учи билан нуқта қўйди. Кейин қандайдир оғаларча бевоситалик ҳисси билан деди: «Хўш, жўна энди, фрицга бир музика чалиб бер, ажал музикаси!»

Икки тўпни олдинга суриб, тўғри мўлжал билан немис танклари, пиёдалари, машиналарини уриб беришга тўғри келди. Тор участкада ёриб ўтиб, муҳим йўлга сакрамоққа жинничасига интилган душманни ҳар қандай йўл билан, нима бўлмасин, тўсиш ва улоқтириб ташлаш керак эди. Камол Уринбоев тезда ўз ролига кирди, ўз жанговар руҳини, кайфиятини топди. Шундай чоғларда у, бир ўлим бор, йигитнинг шохи синмасин, дерди ва акаси чавандознинг сўзларини хотирлади: «Улоққа босиб бормасанг, босилиб кетасан». Командир портлашлар, ўқ дўллари, дуд ва ис орасида тўпдан тўпга ўтар, расчётдаги жангчиларни руҳлантиради, тезликка, ўчакишга, фидокорликка ундарди.

Танишишга, синашга ҳали улгурмаган шоввозларнинг қоп-қора ис босган юзларидан қайси хақнинг ўғли эканликларини фаҳмлар ва гоҳ-гоҳ қичқирарди: «Туркман, сўл ёқдагиларни ур, Ашхобод учун, яна, яна!» Ёки, «Армани, бўш келма, пешанасини мўлжалла! О соз!»

Немислар ўсалланиб сурбетлик, тихирлик билан босиб келишга ҳамон интилардилар. Қоп-қора кўмир терга ботган, ҳансираган жангчилар, командирлар яраларидан оққан қонларга парво қилмасдан, темирни қизигида бос дегандай, шиддат билан, жиддий, чаққон, мардона ишлардилар. Ҳалок бўлганларни дўстлар аста кўтариб биронта чуқурга ётқизишар уларнинг ишларини ҳам ўз зиммаларига олар эдилар. Далада ўликлар, синиқ темирлар ва куйонди ҳиди қолдириб, душман ўзини орқага отди...

Шу кун чакалак ёқасида давомли, шиддатли ўчакишган артиллерия отишмасида, замбараклар теваракдаги дарахтларни қийратган, темирни гажиган, ерни қўпорган отишмасида, Камол ўтни мардона ва гўзал бошқарди, ақли, иродаси билан душманни бениҳоят яксон қилди. Шундан кейин бу янги ёш командирга бутун батареянинг ихлоси ортди. Олдинги кузатиш пунктдан қайтиб, юзини

қотган, ғарчиллама қор билан обдан ишқалади-да, пешанадор, чорпахил, қўпғир сочли, юзи тўла, кўса, кўзларининг боқиши мулойим ва самимий Терешченко — ўз ёрдамчиси билан шох-шабба устида овқатланишга ўтирди. Нарёқда махоркани буруқтириб дам олаётган — ўт, сув кечган икки рус жангчи — снряд етказувчи ва ўқловчи — гап орасида, командир тўғрисида бўлса керак, қистириб ўтишди: «Чакки эмас, ўтга чидами бор экан». Терешченко жилмайиб, Камолга кўз қисиб қўйди. Камол, ҳеч нарса эшитмагандек ёки унга алоқасиз гапдек эътибор бермаган бўлди. Лекин ичидан албатта қувонди у. Қаердандир унинг қаршисида жангчи пайдо бўлиб қолди — бўйи теракдай, ориқ; шинели тиззадан, этсиз юзи кўкарган, катта ёшли киши: «Ўзбекмисиз, ука?» — сўради кўзларини жавдиратиб.

— Ҳа, — жавоб берди Камол бепарво.

— Ассалом! — қўлини ихлос билан узатди жангчи, — бормисиз, элат. Ўзим ҳам узоқдан ўзбек боласи дедим-а! Кўзимга жуда иссиқ кўриндингиз... — қўлларини кўксига қўйиб таъзим билан турди у.

— Қаердасиз? Ким қошидасиз? — деди Камол ноҳуш овоз билан. — Ҳар қачон ўзингизни аскарча тутинг. Нима юмушдасиз?

— Сартарошман, ўртоқ командир, — жавоб берди у тик қотиб, кўзларини бир нуқтага тикиб.

Камол бурилиб илжайиб қўйди-да, ҳол-аҳволини айтиб беришни сўради.

— Илгари атлас тўқирдим, ука, а, ўртоқ командир, — деб бошлади у. — Камина марғилоңлик. Ўзингиз биласиз, хонатласки, офтобда ўн хил олов бўлиб ёнади-ю, кўзни олади. Ҳунарлар орасида бу энг нозик, мушкул иш... кейин диққинафас бўлиб қолдим-да, колхозга гулчи бўлдим. Гулни яхши кўраман, болаликдан... Колхоз боғида бир гулзор ясадимки, таърифини шоирлар қилса мумкин... Минг ранг, минг ҳид... Кеча-кундуз булбуллар маст сайрайди. Уруш бошланди. Сартарош бўлдик. Уруш ели бу ерларга учириб келтирди мени.

— Бунақа ҳам ҳунарингиз борми? — Қани, марҳамат, — деди Камол кулиб овқатга таклиф қилди ва қизиқиб, элатини гапга солишга тиришди.

— Бу — ота касби, — жавоб берди у. — Ёшлигимда кўзим пишиб қолганди. Тирик одамга қирқ ҳунар ҳам оз, ука, йўғ-э, ўртоқ командир.

«Аҳамияти йўқ, бемалол гапираверинг», дегандай Ка-

мол кўзларини қисиб, боши билан ундаб қўйди ва ўтиришга таклиф қилди.

— Биронта чалдиворга ўт тушса, ўзингизга маълум, бизнинг ёқларда ўчириш учун бутун маҳалла челақ кўтариб югуради, — деди у. Узун оёқларини букиб аста чўққайиб: — Беор, тўнғиз қўпкур ёв шундай азим мамлакатнинг кулини кўкка совурмоқчи. Бинобарин, бутун халқ, ёшу қари фидойи бўлиб қўзғалиши керак.

— Жуда тўғри айтасиз, — деди Камол. — Ҳар ким ўз ҳол-қудратига яраша иш кўрсатиши керак.

— Баракалла! — деди сартарош. — Мана мен устара ўйнатаман, а, сиз гумбурлатиб тўп отасиз. Бир кун Сулаймон пайғамбарга оламдаги жамики жониворлар, арслондан то чивингача совға келтирибди. Албатта филнинг совғаси бошқа, пашшаники бошқа. Шунда бир чўлоқ чумоли чигиртканинг оёғини совға қилиб келтирган экан.

— Сўзни қияр ёкансиз, хўш яна? — деди Камол кулакула овқатни ҳам унутиб.

Сартарош ағдарилган қайиндан бир чўпни синдириб олиб, қорга аста-аста аллақандай шакллар чизиб ўйлади ва махорканинг ҳалқа тутунларига хаёлчан боқиб ўтирган Терешченкодан тамаки сўраб олди. Нос йўқлиги, у берадиган кайфнинг ўзгачалиги тўғрисида гапира-гапира «козья ножка»ни жуда усталик билан ўхшатиб ўради.

— Бир арзим бор сизга, — деди сартарош тутунни қўли билан ҳайдаб, ўқчиб. — Ҳунарнинг ёмони йўқ. Филдай азамат рус йигитлари келади, юзлари кирпитикандай; устари шир-шир қўйиб, кейин атирни ёмғирдай уриб берсам, худди ҳаммомдан чиққан қизнинг юзидай очилиб яшнаб кетади. Ўзим ҳам хурсанд бўлиб қоламан. Бу ҳунарда мен беҳабар анча мушкул пардоз-андоз томонлари бор экан. Айниқса, командирлар нозик халқ: поправка, подполька, польбокс, полубокс, ёжик, ҳоказо дейди. Яна бир бало исмлари бор — тилим ҳам келишмайди. Менинг бир мусулмон қишлоқ сартарошича уқувим бор эди: пўстдумбани тозалагандай бошини қириш, қайчи билан соқолни чимдиш, шароитга мувофиқ мўйловнинг арайшини олиш... Бир баркамол рус уста билан уч кун бирга бўлдим — жамики сирни ўрганиб олдим. Энди генерал келсин, ишимдан рози бўлиши аниқ! Бироқ бунга кўнглим ҳеч тўлмайди. Сизга бир арзим бор...

— Хўш эшитайлик, — жиддий қулоқ солди Камол.

— Сартарошлиқни ташласам... — деди уста. — Негаки,

мен ҳали бундан зўрроқ ишга қодирман. Мен чўлоқ чумоли эмас. Сиз ҳайрон бўлманг. Эзманинг бўш-бўғов гапи эмас бу. Мен шунқордай йигитларнинг отасиман: катта ўғлим осмонда — лётчик. Энг баобрў генераллардан биттасининг хизматида эмиш. Кичигим сиз сиёқли қадди-қомати келишган бола — танк ҳайдайди. Булар бари совет замонининг мевалари. Илгари бизга ўхшаш камбағал ерда ҳам бош кўтариб юролмасди. Совет ерга хўжайин қилди, жўжаларимизни бургут қилиб осмонга ҳам кўтарди, — сартарош қор баррасига ўралган ўрмон устида, гўё ўғлини қидиргандек совуқ, ложувард осмонга меҳр билан, юрак билан бир зум кўзларини тикиб, давом этди. — Совет олдида бурчимиз беҳад, ука. Ҳаммасини тушунасиз, кимга ваъз қиляпман! Энди мақсадга келайлик: катталар билан гаплашсангиз-да, мени бошқа бир юмушга ўтказсангиз.

— Қандай юмуш? — сўради Камол планшетидан ниманидир қидириб.

— Йигитбоп юмуш-да. Масалан, отлик аскар. Шу дуруст. Бўпти, бир от, бир қамчи — ёвни бос! — деди уста руҳланиб, қизғинлик билан.

— Уҳў, иш катта-ку, — деди Камол ҳазиломуз.

— От — кишининг қаноти. Пиёда қўшинда қийналиб қолсам керак. Ҳозир пиёдалар оёқ билан эмас, кўпроқ кўрак билан судралади-ку.

Камол жанговар руҳли бу қари элатга ҳозирча ўз ишини астойдил давом эттиришини кенгаш бериб, яхши отлик аскар бўлиш учун узоқ вақт машқ ва таълим зарурлигини уқтирди.

— Ҳали суягим жуда бақувват, — деди уста ориқ, суяқдор елкаларига бир зум разм солиб. — От миниш ўзбекка мушкул эмас. Боболаримиз от оёғи остида ёнғоқ ўйнаб катта бўлган. Улоқчи бўлмасам ҳам, улоқ жангини роса кўрганман.

— Тўғри, — деди Камол кулиб. — Новчароқ отга минсангиз, бошингиз ўрмондан бир газ ошади. Лекин фронтда иш кўрсатиш учун, албатта от ўйнатиш ёки танк ҳайдаш шарт эмас. О, ҳали сизга балки тўғри келмагандир, шундай пайтлар бўладики, генералдан то ошпаз, сартарошгача бари қўлига қурол олиб душманга, ўлимга ўзини тикка отади. Ёдимда бор, урушнинг илк ҳафталари эди. Кунтун қийғос жанг. Аҳвол танг вақтда ошпаз Мухин — биз уни дядя Мух дердик — пулемётга ўтириб, немисларнинг бир батальон солдатни ерга михдек қадаб қўйган.

Уста мўйловини чимдиб ҳайрон тинглади. Камол, яна суриштириб кўрай, балки биронта отлиқ қисмга сизни тиркаб қўйишар, деди. Уста тиззасига суялиб ўрнидан турди. Камолни дуо қилгандай, ингичка иягидан жўхори тукидай осилган сийрак, майин, оқ аралаш қўнғир соқолини силаб қўйди-да, бошларини ўзбекчасига қайта-қайта силкиб, сал энгашиб тез-тез одим ташлаб жўнади. Камол шилдираган, кусурлаган, қандайдир ёқимли, нозик ҳид таратган шох-шабба устида ағдарилиб, элатининг орқасидан узоқ қараб қолди ва кейин бошини ўгириб, Терешченкога гапнинг хулосасини айтиб берди. У бошини салмоқдор қимирлатиб, илжайиб деди: «Азамат, асл одам. Нима бўпти, немисдан битта отни қўлга тушириб миндирамиз қўямиз уни».

Батареяда тинчлик ва ором йўқ эди.

Камолнинг бургутлари, ҳамма совет тўпчилари сингари, ҳар ерда, ҳар қачон душманни олов бўрони билан қарши-лаб ажойиб, мўъжизадор жонбозлик кўрсатардилар. Улар душманни омонсиз урардилар. Душман ҳам уларни оз урмас эди. Лекин тўпларнинг темир хартумларини пачақлаган снарядларнинг портлашлари уларнинг иродаларини синдиришдан ожиз эди. Кези келганда, азаматлар милтиқ билан, граната билан, темир парчалари билан душман устига отилар, тўздирар эдилар.

Камол бир оқшом артиллеристлардан ҳар ишга чевар, индамас Трофимов ясаб берган ғалати лампочка нурида хат ёзишга киришди. У қизларга умрида хат ёзмаган эди. Боягина унда бир китобга етадиган фикрлар, ҳислар бор каби эди. Айниқса, хатни бошлаш учун ўзича сеҳрли, ёрқин сўзлар топиб қўйган эди, ҳозир бўлса буларнинг кўпи хираланиб йўқолди-кетди. Баъзилари эса бемаъни ва келишмагандек туюлди. «Салимаҳон!»— ёзди-да, болаларча қалам учини тишлаб, ҳўллаб ўйлади. Салима туйғун кўзларининг қоп-қора бодомларини ноз билан ўйнатиб, гап тинглааркан, чиройли бошини одатича, худди ўсма қўяётган қиздек сал мойил қилиб, кўз олдида пайдо бўлди. Камол папирос чекди. Соатига қаради, майорга учрашиш вақти яқин. Қаламини яна олиб, тез-тез ёза бошлади: «Салимаҳон! Кечирасиз, шунча кечикиб ёзаётирман. Жангга кирганимга олти кун бўлди. Мен келдим-у, бир неча соат бурун ҳалок бўлган бир рус капитанининг ўрнини олдим. Унинг ботирона ишлари тўғрисида жангчилар жуда қизиқ ҳикоялар айтиб беришди. Шундан буён ўт

ичидаман. Менинг дўстларим жангда темирдай чидамли,<sup>1</sup> яшиндай ёвуз, лекин ўзаро аҳил ва меҳрибон бир оила.<sup>1</sup> Салимаҳон, сизнинг сўзларингиз юрагимда, уларни оқлашга қасд қилганман. Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас — боболаримизнинг бу ҳикматли гапига ишонингиз. Сизнинг кичкина уйингизда кечирилган қисқа вақтнинг бир секундини яна кечирсам кошкийди. Ҳамма вақт ёдимдасиз. Мен учун ҳам бир снаряд от деб турасиз. Ёв бошига ағдарилган ўтда сизнинг ҳиссангиз оз эмас. Сиз чўнтагимга солган майизни тунов кун оғир жангдан сўнг беш-ўнта жангчига оз-оз бўлиб бердим. Кимдан, деб сўрашди. «Суюкли қиздан» дедим. Аскарларга ҳангама учун эрмак топилди. «Турмушингиз майиздай ширин бўлсин!» дейишди. Салимаҳон, бу сатрларни ўқиб мени койиманг. Мен уларнинг сўзларини айнан кўчирдим. Икки энлик хат ёзсангиз, юрагим Ўзбекистоннинг баҳоридай яшнаб кетарди.

Соғинчли салом билан  
Камол Уринбоев».

Камол қоғозни туморча қилиб бирдан соатига қаради-да, одатича тиззага урди. Адресини ёзмай, команда пунктига, майорга югурди...

Серзарда, талабкор майор Калашников кечиккани учун унга бақирмади. Гўё билмаганликка солди, ҳатто бир парча шоколад ҳам қистирди қўлига кўзини қисиб. Уринбоев ҳақидаги фикри тамом ўзгарган эди. Кеча штаб билан телефонда сўзлашаркан, ғурур билан: «Вазифани нон шаҳрига топшираман. Боплайди у», деб қўйганди. Камол ҳам уни ўз сўзлиги, мардлиги, ўлимни менсимаслиги учун ичда ҳурмат қиларди. Тун қоронғисида ҳам қоқилмай-суқулмай, тез ва дадил юрувчи, ҳар нав тўсиқлардан қушдай енгил сакровчи командир билан узоқ юрди. Куйгак, кимсасиз қишлоқларнинг қоп-қора, яланғоч уйларида шамол ваҳимали увларди. Олисда, тепалиқда немис танки ёнарди. Камол қаердан чиқмасин, беихтиёр кўзларини гирдобланиб кўтарилган пахмоқ оловга тикарди, Унинг учун жуда оддий бўлган бу манзара, нечундир бу сафар аллақандай машъум, фавқулодда ва сирли туюларди. Гўё танк эмас, туманли кечада бало ўзи бурқигандек. Камол ўрмонликдан чиқаркан, яна унинг яллиғини кўрди. Қаердадир бизнинг оғир артиллерия қудратли, салобатли, тантанали гүмбур билан кечани силкита бошлади,

— Фрицнинг иши хароб. Тинкаси қуриётир, — деди Камол.

— Равшан. Ҳозир тушида капут деяпти. Яқинда ўз қулогимиз билан эшитиб қоламиз, — деди-да, майор маънадор кулиб қаради Камолга.

Батальонларнинг команда пунктларида Камол тутунга тўйиб, ўз қисмига алла-паллада ҳорғин қайтди-да, керакли топшириқларни уқтириб, қуюқ ўрмонда нашъали гулхан олдида чўнқайди. Утни бир қанча жангчилар қуршаган эди. Уларнинг илгариги касб-кори, ҳатто оилаларига қадар биларди энди. Уларнинг баъзилари тамаки тортади, баъзилари кир-чир қўллари билан нон ва колбаса ейди, оқ кўнгиллик билан ҳазиллашишади, ўлимдан, қондан узоқ, қизиқ ва чиройли мавзуларда сўзлашишади, хаёл суришади. Камол нафис ҳид таратиб чарсиллаб ёнган алангадан жони роҳатга фарқ бўлиб гурунгни тинглайди, гоҳо-гоҳ ҳазилга аралашади. Мамлакат ичидан совғага келган ва бинафшага ўхшаш майда гулли яп-янги тўқ кўк шоҳи тамаки халтачаси ипакчилик тўғрисида ҳангамага сабаб бўлди. Камол кўзларини сузиб, диққат билан тинглади. Сибирлик жангчининг ипак тўғрисидаги тасаввурдан қаҳ-қаҳ кулди: «Сўзни бизга беринг, ипакчилик усталари! Энажоним ҳар йил давлатга қанор-қанор пилла топширади!» деди у. Гулхан яллиғида чақнаган кўзлар командирга тикилди. Камол кўкнори уруғидай майда уруғдан нина учидек қурт пайдо бўлиши, тут баргларини ошаб, болаларнинг семиз, бўғим-бўғим бармоқлари қадар ўсиши, пилла ўраши ва ниҳоят, ўзи капалакка айланиб, ипак қобиқни ёриб чиқиши ва ҳоказо — ўзгаришлар доирасини тушунтирди.

— Ростми? — сўради бир жангчи бошини тебратиб.

— Немисни қириб, урушнинг тезроқ тугатайлик, Саша, бизникига келсан, кўрсатаман санга. Бу олтин ҳунар, — деди Камол фахрланиб.

— Тўғри, эртакка ўхшайди. Кўриш керак экан, — деди жангчи хурсанд.

Гулхан атрофи аста-секин бўшади. Камол мудроқ босган кўзларини ишқалаб, боши қуйи хаёл сурди: яна Салима. Энди у сирти қора тоғдай, ичи ёп-ёруғ ва шовқинли заводда кўк блузкали, енглари шимарилган, қалин жинглак сочларини бош орқасига қора калавага ўхшатиб ўраган қизни станок олдида ғайрат билан, самимият билан ишлаётган ҳолда кўради... Йигит хатни юбора олмаганидан хафа: кошки ўзи бирров бориб кела қолса! Камол чек-



қасига қўлини тираб мудроқ ўтирди. Юзини гулхан тандирдай қиздирар, орқа суяқларини изғирин эзғиларди. Сартарош Мирхолиқнинг товушидан кўзлари очилиб кетди. «Келинг, уста, ҳорманг!» деди ҳомуза тортиб Камол. Сўзамол ва шинаванда элат ўтга бағрини бериб яйрагач, сайрай бошлади. Кейин қўлтиғидан газета ўралган бир нимани олиб, тиззасига қўйди:

— Қазига тобингиз борми? Мана, оғзингизда эрийди, ичингизда гулхан ёқади бу.

— И-я, қайдан олдингиз бунини?— иштаҳа билан қазига қараб деди Камол. — Ҳа, сиз от минишга эмас, қазига ишқибоз экансиз. Сирингизни билиб олдик, уста.

— Асло ундай эмас, — кўзларининг оқини ўйнатди Мирхолиқ. — От аскарнинг қаноти дедим-ку. Урушда аргумоқнинг туёғини ўпсанг арзийди... Гап бундай: тунов кун кўз олдимда от нобуд бўлди. Ажаб хушсурат эди. Қани, айтинг, ерда чиригани дурустми, қази бўлгани? Рус халқи эмас экан. Ёш ва семиз от — бизда лазиз таом. Жикқа мой жойларини кесиб олиб, ичакка тиқдим. Қишда пўстин кийма, қази е...

— Бас, япроқланг.

Уста Мирхолиқ сопига тошлар ишланган чиройли, ўткир пичоқ билан қазини бирпасда япроқлади. Камол яхшигина еди.

— Бир нуқсони шуки, зираси йўқ. Нос йўқ ерда зира не қилсин?— деди носхумор уста пешанасини сиқиб.

Камол лунжини тўлдириб сермой, тузи пастроқ қазини тез-тез ошаб, қоғоз билан лабини артди-да, «раҳмат» деди. Уста яна ўша арзини баён қилди. Камол нима жавоб беришини билмасдан кулиб деди:

— Алпомишнинг отидай бир учқур от топайлик олдин.

— Миёна бўлса ҳам майли, ука, гап одамда, — деди Мирхолиқ жиддий.

— Ана холос. Узингиз от аскарнинг қаноти дейсиз-ку. Қанот бақувват, толмас бўлгани яхши-да!

Уста бир нафас аграйиб қолди. Кейин макканикидай майин, сийрак соқолини ямлаб гулханга ёғоч ташлади, пуфлади, ўқчиди, кейин этсиз, бурушиқ юзини бирдан кулги босди:

— Урушда ёмон от ҳам фойда беради, — деди у ишонч билан. — Андак сабр қилинг, тушунтираман. Бир ҳикояча бор. Искандар Зулқарнайн Доро деган бир подшо билан жанг қилган бурунги замонларда. Ҳар икки ёқда лак-лак

қўшин. Байроқларидан ерга кун тушмас экан. Катта жанг олдидан эрталаб Искандар олтин совутларини кийиб, тоғдан ҳам ирғиб ошадиган бир отда майдонга чиқибди. Аскарларни кўздан кечирибди. Ҳаммасида кишнаган, сувлигини чайнаган ўйноқи отлар... Булар орасида ёлғиз бир йигитнинг оти пастаккина, ориққина, ювошгина экан. На кишнайди, на ер тепади. Искандар ғазаб билан йигитнинг тепасига борибди: «Э қўрқоқ, э номард, уялмадингми шу отни мингани? — дебди. — Шу от билан қандай жанг қиласан?» дебди. Йигит жавоб берибди: «Эй олампаноҳ, яхши отларга миниб олишганлар, қўрқоқлар!» Искандар ҳайрон бўлиб дебди. «Бу сўзингнинг маъносини айт!» Йигит дебди: «Ев сал устун келса, учқур отларда қочиб қолишни ўйлайди улар. Менинг мақсадим қочиш эмас, балки ана шу отда ёв билан роса қиличлашиш!» Бу гап Искандарга ҳам маъқул бўлибди. Хўш, энди нима дейсиз?

Камол кўпни кўрган, кўп эшитган баъзи қари одамлар мураккаб масалаларни ўзига хос мантиқ билан, ибратли мисол билан, «қиссадан ҳисса» йўсинда ҳал қилганларидек, эътиборсиз кулиб қўйди. Лекин уста Мирхолиқнинг ўз мантиқи билан фахрланганини сезиб, унинг жиғига тегишни истади:

— Амаки, биз бу ердан душманни ура-ура қилиб, қувмоқчимиз. Бунинг учун чинакам аргумоқлар керак-да!

— Олдин ёвнинг белини синдириш керак. Белсиз ёвни аргумоқ эмас, хачир билан ҳам зир қувиш мумкин, — деди уста қўлини бепарво силкиб.

Камол хахолаб кулиб: «Сизни мот қилиб бўлмас экан, балосиз, бало!» — деди.

Уста кетгандан кейин Камолни қаттиқ мудроқ босди. Кўзларини ишқалаб, ўрнидан туришга бир неча бор ҳаракат қилди. Бироқ оғир ҳорғинлик, элитувчи уйқу уни йиқитди.

Терешченко келиб, аҳа, иссиққина жойда, юмшоққина пичан устида зўрласам ҳам ётмаган эдинг, дегандек дўстона табассум билан тўхтади, дарров ўз шинелини ечиб ўтдан нарироққа, плаш-палатка устига солди-да, қудратли қўллари билан Камолни даст кўтариб аста ётқизди, ғамхўрона ўраб-чирмаб қўйди. Кейин юпқа, кул қоплаган чўғ уюмини аста титкилади, бирдан ёдига тушган содда, самимий қўшиқни секин, жуда секин айтиб, бошини куй оҳангига қи-мирлатиб ўтирди.

## УН ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

Фронтда ҳамманинг оғзида 28 панфиловчининг шони зикр этиларди. Ҳалок бўлган қаҳрамонларни жангчилар гўё ўз қанотларида, худди тирсақлари тегиб тургандай сезардилар. Баъзилар улар орасида ўз қадрдонларини, ватанларини топишга интилардилар. Бектемир Дубовга деди:

— Она сутини оқлашибди, азаматлар! Бошда бир ўлим бор, шундай ўлиш керак!

— Ҳа, булар бахтиёр одамлар, — деди Дубов мўйлови-дан қировни артиб. — Ўз қўллари билан исмларини тошга битиб кетишди. Кеча бурнини тортиб окопда жунжиган жангчи бугун — бутун дунёнинг тилида... Мана қаҳрамон-лик! Мана одам!

Гапга учинчи рус жангчи Попов аралашди. Совуқ қотган оёқларининг оғришидан сепкилли ориқ юзини қийшайтириб деди у:

Бироқ аҳвол шундайки, бир вақт қарабсан, лаънати герман бизни Москва кўчаларига тикиб қўяди-да!

— Жанглар узил-кесил бўляпти. Лекин ўша танкёқар панфиловчиларга ўхшасанг, у вақтда германни биз элтиб тикамиз Берлин кўчасига! — деди Дубов таъкидловчи овоз билан.

Жангчи Дубовнинг қировли мўйловининг асабий қимирлаётганини сезиб, юзини ундан ўгирди, фикрига шерик ахтариб, Бектемирга савол билан қаради.

— Тошимиз кундан-кунга оғирлашяпти, Попов, — деди Бектемир ҳазиллашиб, унинг қорнига муштини ниқтаб. — Халқ яп-янги тўплар, яп-янги танкларни шигаб бериб турибди-я, кўзми, пўстакнинг йиртигимиз? — жаҳл билан бошини лиқиллатди Бектемир. — Суф санга-е...

Попов тиржайиб ерга қаради, оёқларини ишқалаш билан овора бўлди.

— Менга қара, — Поповнинг елкасидан юқори тортиб деди Бектемир. — Бугун немис олти марта атака қилиб, олтмиш қулоч жой олди. Уртоқ Николайнинг ҳаракатидан, кўзларидан билиб турибманки, тезда немисдан қўшимча билан юлиб оламиз...

— Капитанамиз олтин... — деб қўйди қизариб Попов.

— Йигитларимиз чиндан қаҳрамон, — деди Бектемир, — қорақалпоқ болани кўрдингизми? Шоввоз, бугун тўртта фашистни қириб ташлади. Балли, қорақалпоқ халқига.

Икки соатдан кейин немислар, кутилмаганда, бўронли ўт, танк десантлари, ваҳима қўзғатиш учун ҳар нав даҳшатли сурон билан мудофаа участкасига ташланганда, Попов гранаталар шодаси билан индамасдан ўзини танкка отди. Танк ёниб кетди. Ўзи ҳам парчalandи...

Тонг совуғида жунжиб Бектемир окопда ўтирарди. Жангчиларнинг нафасидан туман бурқийди. Киприклар, мўйловлар, соқолларда кўркам қиров гуллари. Ер жаранглайди. Бектемирнинг исқиртланган, қора-сариқ тус олган юзини гоҳ-гоҳ изтироб ғижимлаб қўярди. Унинг сўл кураги зирқираб оғрийди. Қўлини қимирлатганда, бошини бурганда оғриқдан «им» дерди ичида. Тунги жангда рота немис окопларини босаркан, қийғос хунрезликда немис уни оғир бир нима билан уриб қолганди. Бектемир тишини тишига қўйиб, уни дарров найзага олди. Гоҳ найзада, гоҳ граната билан немисларни топтаркан, ҳеч қандай оғриқ сезмаганди.

Ҳар вақтдагидек, серташвиш-шошқин Ҳошимжон Саидов югургилаб келиб қолди: «Тирикмисан? Тунда кўп одам ишдан чиқди, айниқса, бизнинг ротадан. Ўзим ҳам минг ўлиб, минг қутулдим...» — деди у элатининг ёнига ўтириб.

— Анов дафтарингиз қаерда? — сўради Бектемир.

— Хўш, нега керак бўлиб қолди? Иссиқ овқат сўра, «обизамзам» сўра! Юзинг карам баргидай кўкариб кетибди, — жавоб берди Саидов оғаларча ғамхўрлик билан.

— Ҳазили йўқ, — деди Бектемир. — Тунда душманга етмасдан ётиб қолдик. Бошни ердан жиндай уз-чи! Оёқларим бутунми экан, деб гоҳ қимирлатмоқчи бўламан. Жонсиздай, тош қотган. Қизиқ, бирдан ёдимга дафтар тушса бўладими? Ҳошим акага бир нима бўлса, ўзи билан бирга ўчади-кетади, деб жуда ачиндим. Шу вақтгача айтмаганим учун, ўз-ўзимни сўкдим... Дафтарни сақлаш чорасини кўринг. Умримиз қил устида. Халққа қолсин у. Яна ўзингиз биласиз. «Дўст сўзини ташлама, ташлаб бошинг қашлама!» деган гап ҳам бор.

Саидов уйқусиз кўзлари оғриқдан дудланган бу содда аскар руҳининг гўзаллигига, асслигига ҳайрат қилиб, сукут этди.

— Бир амаллаб уйга юборинг, офатдан нари... — деди Бектемир.

— Хотиржам бўл, иним, — деди Саидов табассум билан. — Дафтар заршуноснинг қўлига тушди. Ўзимнинг ҳам бошим осмонга етди.

— Ким у? Қани, эшитайлик, — деди Бектемир жонланиб.

— Бир олимга омонатга бердим. Дурустми? Тасодифни қара. Ўтган кун санбатга йўлакай кириб чиқишга тўғри келди. Бу ерда москвалик домламни кўриб қолдим. Ун икки тил билади. Ўзбекчани қияди. Худди ўзбекдек аския-бозлик ҳам қилади. Бир вақт Тошкентга келиб, бизга лекциялар ўқиган эди. У вақтда мен аспирант эдим... Яъни шундай давр эдики, овқатим ҳам, уйқум ҳам китоб... Бир кун уни уйга таклиф этдим. Кечқурун, тақиллаган эшикни очиш учун қари амаким чиқибди... Олим унинг қўлини ўзбекчасига сиқиб, ўз қўлларини кўксига қўйиб дебди.

Сенга бор эса сўз билурдин мазоқ,  
Ўзим сари боқма, сўзим сари боқ.

Кейин, бу устоз Навоийнинг ҳикматли гапларидир, деб тушунтирибди амакимга.

Бектемир хурсанд, кулиб ўзича байтни қайтарди.

— Ажойиб рус олими. Большевик, — давом этди Саидов қизиқиб. — Ҳа, санбатга кирсам, ярадорлар орасида домла ўтирибди. Бошида қандайдир эски қулоқчин, эгнида телогрейка, белидаги қайишга битта китоб қистирилган. Бир оёғи тиззагача бинт билан қалин ўралган. Мени ўтирган жойида қучоқлади. Гаплашдик. Москвадан кўчишга таклиф қилишган экан, унамабди. Халқ лашкарлари билан фронтга келибди. Ўзбекистондаги шогирдлари, дўстларининг илмий ишлари билан қизиқди. Дафтарни кўрсатдим. Дарров варақлаб, кўз югуртириб чиқди. «Инжу, инжу!» деб қўйди ҳаяжон билан у. Мен, олиб кетинг буни, тирик қайтсам, оларман, ё бирга ишлармиз, насиб қилмаса, у вақтда ўзингиз фойдаланарсиз, дедим. Сариқ мўйловини одати-ча чимдиб ўйлаб қолди: «Мен ҳали кетмайман!» деди. А, оёқ? Жуда жиддийга ўхшайди-ку, дедим. Кинояли кулди у: «Сизнинг оқсоқ Темур дунёнинг ярмисини олган. Чўлоқ профессорга фронтда бирон юмуш топилмайдими!» деди. Касалхонада ўқиб, кейин хотинига юбориш учун дафтарни олиб қолди. Энди кўнги тинч...

— Қулинг ўргилсин иш бўлибди. Домлангиз ҳам одамнинг одами экан! — деди ўз взводи-га шошган Саидовга Бектемир, худди олимни кўз олди-га келтиргандай ўзича бошини чайқаб.

Ҳар вақтдагидай, кулимсираб Азимов келди. Унинг ингичка, чиройли юзи сарғиш ва шишинқирагандай эди.

Бектемир уни жондан севарди, бирон нарса билан унинг кўнглини кўтаришга интиларди. Азимов ўтирмасданоқ, у қутичада чиройли сигарета тутди, ишлар бошқача-ку, дегандай кўзларини олайтирган элатига деди: «Разведкачилардан ошнанг бўлса, ишинг йирик!» Азимов қалин, қўпол қўлқопини ечиб, чўнтакка тикди. Узун, ингичка, чиройли бармоқларида сигаретани айлантириб, лабига олифталарча қистирди.

— Роса маза қилдим — беш соат ухлабман-а! — деди у мақтаниб. — Яна қаерда денг, қизларнинг землянкасида!

Бектемир лабини ялаб, хўш, қандай сир ўтди, дегандай қулоғини тутди. Азимов сигаретани бир-икки қаттиқ сўргач, жирканиб, юзини буриштирди: «Пуф, бундан хазон чеккан яхши! Танк билан тўпнинг йўғонини ясашга зўр берибди-да, фашист лаънати». Бектемир унинг фикрига қўшилди. Элатларни кейинги жанглар эпизодлари беихтиёр эгаллади. Азимов алоқачилар ишининг оғирлиги, кейинги уч-тўрт кун ичида бошидан минг-минг снаряд, мина учганлиги ҳақида гапирди-да, яна қизлар ёдига тушди:

— Яхши қизлар, уларнинг бир тола сочи учун жон берсанг арзийди, — деди у хафаланиб. — Олов маликалари! Кеча бирини кўмдик. Вера. Ўт ичида, балиқ сувда сузгандай дадил, чаққон юради. Узуқни тез топар, тез уларди. Мен гоҳ ҳазиллашсам, ёнидан кичкина суратни чиқаради — учувчи кийимида бир йигит. Ким билади, балки, манави шунқорлардан бирими? — Азимов совуқ, хира кўкимтир осмонга гамгин ва хаёлчан қаради. Бир гала самолётлар Ғарбга томон жуда баланд учар эди.

Шу орада қиров мўйловини осилтириб ҳаллослаб Дубов пайдо бўлди. Санбатга бормагани учун Бектемирни оғаларча пўписа билан койиди. Кейин Бектемирнинг гапига қулоқ солмасдан тезроқ наҳорлик қилиб олишга қистади ва котелогини қор билан тозаларкан, ўз-ўзига дегандай, қиров мўйловини шилдиратиб, секин сўзлади: «Актив мудофаа, маъноси шуки, тинчлик йўқ. У келмаса, сен борасан! У келса ҳам, борасан!» деди кулиб Азимов.

— Шунақами? Хўп, майли! — Бошини кескин қайириб, ҳазил товуш билан деди Дубов.

Бектемирнинг қошиги ҳали котелок ичида шахдам ўйнаркан, связной келиб уни Николин чақирганини қандайдир мағрурлик билан билдирди. Бектемир нима гап бўлиши мумкин дегандай Дубовга тикилди. Лунжи овқатга тўла дўсти ёлкасини қисди. Связной бутун ҳаракати билан

сабрсизланганини намойиш қиларди. Азимов ўйчан, сокин деди: «Махсус топшириқ. Белни маҳкам боғланг!»

Қишлоқ орқасида, команда пункти олдида Николин шамоллаган бўғиқ товуш билан бир группа жангчиларга— ҳаммаси бошдан оёққача қордай оппоқ кийим кийгани учун узоқдан худди қишда болалар қордан ясаган фигурадай кўринарди — ниманидир уқтирар, қўлларининг ҳаракати билан ниманидир тушунтирар, таъкидлар эди. Бектемир аскарчасига одим ташлаб унга яқинлашаркан, Николин бирдан маънодор илжайиб, қўлини кескин силтаб, пастакки-на блиндажга киришга ишора қилди. Бектемир кирди-ю, оғзида папирос, чўян печка ёнида ҳурпак сочли, сариққина, юмалоққина телефончи қиз билан гаплашиб турган йигитга ўзини отди. Улар ўзбекчасига бир-бирларининг орқаларини юмшоқ силаб, индамасдан узоқ қучоқлашишди. Оғанин юракларининг гуп-гуп урганини эшитардилар. Кейин ҳаяжондан ранглари оқарган, бахтдан кўксилари тўла, тиллари тутуқ, титроқ табассум билан, «Қаердан?», «Қачон?», «Тинчликми?», «Ёпирай!», «Анавини қаранг!» каби оддий узуқ-юлуқ сўзлар, иборалар билан гаплаша кетдилар. Қиз деворга суяниб, уларнинг тилига тушунмаса ҳам, маъносини уқишга тиришгандек, ингичка, сарғиш қошларини чимирган ҳолда кулиб турарди. Камол акасини табуреткага ўтқазди, папирос тутди. Ўзлари тўғрисида қарийб ҳеч нима демасдан, юракларининг ҳамиша соғинчи бўлган, туғилиб ўсган ерлар, оила ўчоғи ҳақида сўзлашдилар. Бектемир бирдан сўради:

— Қаердан топдинг мени?— Бектемир ҳайрат билан бошини чайқади.

— Сиз-чи? Капитандан сўраш керак!— жавоб берди кулиб Камол. — Энди англадим. Кеча мен унга сурат кўрсатган эдим. Эсингизда йўқми, узоқ йили тўрт оғайни сурат олдирган эдик-ку?

— Ҳа-ҳа. Ёдимда, — деди Бектемир бошини қашиб, — қани, бу ёққа чиқар.

Камол дафтарча орасидан суратни олди. Бектемирнинг кўзлари ёниб кетди, титроқ қўлларида ушлаб суратга тикилиб қолди. Ҳатто шу аснода югуриб кирган Николинни ҳам сезмади. Камол унинг қўлини самимий қисди, раҳмат айтди.

— Узун чопонда, гулдор дўппида бўлса ҳам, дарров танидим мана бу ботирни. Темир юрак жангчи бу!..— деди капитан қўлларини ишқалаб. — Жўрттага айтмадим

сизга. Кутилмаган учрашув бўлсин, дедим. Мен ўткир сезгиларни севаман. Қалай, хурсандмисан энди, қандай совға берасан?— Бектемирга мурожаат қилди капитан.

— Совға?— шошиб қолди Бектемир.— Нима хоҳласангиз, жонимни ҳам аямайман.

— Жонинг ўзингга буюрсин. Менга кўпроқ душманни қир! Хўпми?

— Ўртоқ капитан, бу яхши иш, бажараман,— деди жонланиб Бектемир.

Камол папиросни лаби бурчига қистириб, тўймағур қараш билан акасига — содда, кучли, чиниққан жангчига қарар ва тунов кунги қаҳрамонлиги учун Николин Бектемирни «Қизил Юлдуз»га тақдим этганини эшитиб қучоқлагиси, ўпкиси келар, яна ўзини тийиб ичидан хўрсинарди. Капитан столга ўтиб, харитага шўнғиди, унга халақит бермаслик учун кўрмиш-кечирмишлари ҳақида биродалар аста сўзлаша бошладилар.

— Ўртоқ Ўринбоев, бир минутга мумкинми?— деди Николин бошини харитадан кўтармасдан. Бектемир укасига қўлини чўзди:

— Гап адо бўлмайди. Омон бўл, ука, — деди Бектемир Камолнинг кўзларига тикилиб, меҳрибон овоз билан.

— Хайр. Яна кўришармиз... — деди Камол унинг қўлини қўйворгиси келмай.

— Насиб бўлсин!— деди Бектемир.

Қуёш тоза ва ёрқин чақнарди. Урмонлар бошида туман эрирди. Оёқлар остида ғарчиллаган қорнинг оқ ёлқини, кўлмакларда муз ойнаси кўзни қамаштирарди. Бектемирнинг қизигаң юзини совуқ жизиллатиб ялади. Кураги остида оғриқ зирқиради. Лекин унинг руҳи ғусса гирдобидан холи, нурга, орзуга тўла эди. Шу чоқ унинг хаёлини Олтиной забт этди. Қизнинг илиқ табассуми, ёқимли муомаласини соғиниб оғир хўрсинди. Ажойиб, гўзал қиз, деди ўз-ўзига ва ширин севги хаёлидан маст юриб кетди. Теваракда пулемёт садолари кесик-кесик янграб турмаса, гўё у учун фронт ҳам йўқ каби эди. Ногоҳ команда пункти орқасидан бир қанча командирлар олдида серсавлат, вазминқадам генерал чиқиб қолди. Бектемир ўзини сезмаганга солиб, юмушга шошилгандек тез юриб кетди. Анча нарига бориб, бурилиб қаради. Генерал Шарқ томонда, дарахтлар ортида кўкимтир туман орасидан қаққайиб кўринган аллақандай минорага бармоқлари оппоқ бинт билан боғланган қўли билан ишора қилиб, теваракдагиларга ниманидир ту-



шунтирди-да, тўдани ичкарига бошлади. Бектемир оёқлари билан ер тепиб хийла вақт турди. Катта командирлар кенгашга кетган бўлсалар, балки укам чиқиб қолар, деб ўйлаган эди. Лекин умиди синди. Бошини мағрур тик тутиб, тез юриб кетди. Кўз олдида Камол, фикран у билан суҳбатни давом эттирарди. Унинг бошида унутилган, ўчган узоқ хотиралар тирилди. Дарахтларга тирмашиб, инлардан қуш қидирганлари, ҳовузнинг музида яхмалак отаётганларида юпқа муз қарс ёрилиб Камол сувга ботганда, унинг бармоқларини ушлаб қолиб тортаркан, сирпаниб ўзи ҳам шаппа тушиши; укани қидириб муз тагидан уни олиб чиқиши. Кейинги йилларда ҳар ёз Камол таътилда қишлоққа қайтаркан, тоғ саёҳатлари, қовун полизларини кезишлар, ов... «Чинакам командир — туриши, сўйлаши, кийими. Мана ҳозир генерал билан кенгашяпти», — ўйлар ва қувонарди. Мана у окопга қандай тушиб қолганини сезмай қолди. Блиндажда Дубов этигини қуритарди.

— Хўш, юзингдан учқун ёғяпти? — деди у бошини кўтариб, қизиқиш билан.

Бектемир ҳарсилларди. Каскасини олиб юзига қараганда тоза, йилтироқ пешанасини артди: «Укамни кўрдим. Старший лейтенант. Бало! Болалигидаёқ арқонсиз дарёнинг кенглигини ўлчарди-я...» Кейин, аста қўлтигини ковледи-да, суратни дўстининг тиззасига қўйди: «Томоша қил!» Дубов кўзларига яқин тутиб, маъқуллаб бошини чайқади: «Бутун батальон!» Бектемир суратни қалин қоғозга ўради, ип билан чандиб, кўкрак чўнтакка солди, устидан силаб-силаб қўйди.

Дам ўтмасдан, взвод командири бўғиқ товуш билан қичқирди. Жангчилар жойларини эгалладилар.

Душман атака бошлади. Улар бугун яна сурбетроқ, қутурганроқ, ўсалроқ ҳаракат қилдилар. Кар қиладиган ғайри табиий шовқин, тинмаган ўт қуюни, қалин техника ва пиёда кучи билан отилар эдилар. Душман катта йўлга кўндаланг бўлиб ётган муҳим пунктни нима қилиб бўлмасин босиб олишни, кейин олдинга сакрашни истарди. Бизнинг авиация ва артиллериямиздан то найзамизгача, жангчимизнинг муштига қадар — бутун куч ҳам бутун воситаларимиз душманнинг бу ниятини чиппакка чиқаришга қатнашди. Ўт ва ўлим қасирғаси қишлоқни қамради. Кўчаларда ёнган уйларнинг, порохнинг аччиғи, бўғувчи дуди орасида қиёмат жанг кетди. Миналар, снарядлар зарбидан пастак уйлар тегирмон тоши остига тушган ёнғоқдай эзи-

ларди. Гиштин бинолар оғир болга билан чақилган тошдай ушалади. Бектемирнинг устига ҳавода чирпиниб, фоже қалдираш билан бир тахта тунука келиб тушди. Жаҳл билан кўтариб, улоқтирди уни.

— Худодан қалқон сўраганмидик?— деди Дубов бақриб.

— А?— қичқирди Бектемир.

Дубов, анчайин гап, дегандек қўлини силкиди. Дўстлар ерга ётиб, душман автоматчиларига отишар, қалин, қаттиқ қорда эмаклашар, энқайиб сакрашар, худди қандайдир юрувчи ўт очиш нуқталари каби тўхтовсиз оташ пурқар эдилар. Ҳамма жангчиларда нафрат ҳоким, нафратнинг тиши билан немиснинг ҳалқумини, танкнинг бронини ғажишга тайёрдек эдилар. Ҳатто ярадорларнинг инграшларида, қарашларида жангдан чиқиш заруриятидан шикоят, қониқмаган ғазаб ва нафрат алами туюларди.

Дубов ва Бектемирга связной Николин чақираётганини хабар қилди. Шу ерда, ўқ довул орасида ҳам, у маънодор, сирли оҳанг билан билдирди. У капитанга бўлган алоҳида ҳурматини таъкидлаш учун шундай қиларди. Йўқса ўзи камтар ва олижаноб йигит эди. Дўстлар новча, бесўнақайроқ бўлса ҳам, жаҳаннам ўти орасида юришнинг, эмаклашнинг пири бўлган связной орқасидан кетди. Сигирқуйруқ пастак тепалик бағрида қорга чўккалаб жангнинг боришини кузатган капитан сокин эди. Взвод командири, кўзлари чақиндай ёнган, лаблари кўпик, бурун катаклари ис билан тўла ўспирин йигитча бу азаматларни шу вақтда нима қилар экан, дегандек қошини чимирди. Сийрак дарахтлар бошида ўқлар ғизиллар, тарашадай қотган новдаларни синдириб туширарди. Нарироқда иккинчи рота командири плаш-палатка устида боши, пешанаси билан бинтга қалин ўралган ҳолда ётарди. Уни ҳозир келтирилган экан. Баъзан у нордон мева егандагидек, юзини буриштириб тишини қисирлатиб қўярди. Дубовга махорка йўқлиги маълум бўлса ҳам, чўнтагини ковлаб-ковлаб қўйди. Бектемир менда ҳам йўқ, деди ачиниб жиддий ва кимда бор дегандек атрофга кўз югуртирди.

— Иккита танк келиб остонада кўндаланг пойлаб турибди,— деди Николин сокин.— Хўш? Шу моментда кенгашишдан иш яхши. Уларни яксон қиламиз-а? Вазифа осон эмас!

Дўстлар учқунланган кўзлари билан ялт этиб бир-бирига қаради.

— Танкларни яксон қиламиз!— деди Дубов, ўзига хос бўлмаган, қандайдир, майин оҳанг билан.

— Топшириқни бажарамиз!— деди Бектемир руҳланиб.

Николиннинг кўкраги тўлишгандек туюлди: «Ватан сизни унутмайди»,— деди у кетишга ижозат бериб.

Дўстлар гранаталар, ёнувчи модда қуйилган шишалар билан эмаклашди. Олдинда Дубов. У оғир ҳарсиллаб, отдай пишқириб гавдасини судрайди. Бектемирнинг совуқ-қотган оёқларида чидаб бўлмас оғриқ. Қани чўғ бўлса-ю, жўхорини кабоб қилгандагидек, қўрга кўма қолса! Дўстлар гоҳ даҳанлари, бурунлари билан қорни эзгилаб жим қотардилар. Миналар қор ва ерни совирарди. Тажриба ва инстинкт уларни хавфсиз жойга элтиб ташлади. Лекин мўлжалга тез бориш керак. Дўстлар яна қор чангаллаб илгариладилар.

Немислар қишлоқни босиб олиш учун учинчи марта уринганда, биринчи ротани Николин ўзи қарши атакага кўтарди. Портлашлар, ўқлар орасида дадил ҳаққалаб кимни сўкиб, кимни ардоқлаб, олдинга суриларди. Унинг услуги дарров сезилди. Жангчилар ҳар қандай балодан даф қила билувчи сеҳрли кучга суялгандай ишонч, қатъият билан ҳаракат қилар эдилар. Жангнинг қизиғи бошланиши билан Николин ярадор бўлди. Бесўнақай ва содда связной ҳам бир сержант уни жарга келтириб, елкасини бўйин аралаш боғладилар. Николиннинг юзини газаб ва оғриқнинг доғи қоплагандек эди. «Қандай бемаъни кўргилик!— алам билан ёниб ўйларди у. — Катта ишнинг арафасида-а!» Унинг кўз олди қорайди. Етиб жим қотгиси келди. Лекин иродага таяниб, боши эгик ўтирди. Ҳушини йўқотишдан кўрқди ҳам санбатга олиб кетишга ҳозирлик қилинаётганини сезди. Бирдан кўзларини очди, жанг бораётган томонга тикилди. Тутун ва портлашлардан бошқа нарса кўрмади. Лекин жангнинг тарозисини, у ёқ-бу ёқ бўлиш пайтини у, ҳамма вақтдагидек, ўзига хос сезги билан туйди. Оғзига бир парча қор ташлади. Ёнган, қуруқ ҳалқумидан мой ўтгандек бўлди. Унинг ниятини сезгандай сержант ва связной кетишга ялинишди. Николин уларга, бунда нима қиласанлар, дегандек, жаҳл билан қаради-да, ўрнидан турди.

— Комиссар командирлик қиляпти. Ахир сизга мумкин эмас, — деди астойдил связной.

— Ярангиз ҳазил эмас. Йиқиласиз ахир, — деди Николинни аста суяб сержант.

Николин уларга қаттиқ гапиришга оғзини очди-ю, бироқ ҳеч нима демади. Марш, дегандай ёниқ кўзлари билан олдинга ишора қилди.

Олов ва тутун орасида жангчилар командирни кўрдилар.

— Капитаннинг онасига раҳмат, — деди Бектемир Дубовга.

— Капитан учун биттадан граната отайлик-а! — деди Дубов.

Жангчилар ҳадсиз руҳланди. Ҳалими менсимасларнинг атакиси кескинлашди, ўт бўронланди. Тиш-тирноғи билан ҳар қарич ерга ёпишган, чекинишга эмас, ҳар минут босиб-янчиб ўтишга уринган немислардан чидам, тоб қочди. Жанг сурони қишлоқдан узоқлашгач, Николин тинкаси, чайқалиб йиқилди.

## ИГИРМАНЧИ БОБ

Ҳаво даҳшатли совуқ. «Туф!» деса ях тушади. Қор бўрони тун-кун тинимсиз қутуради. Рус қиши — қаҳратон қиш авжида. Асрларни кўрган кўм-кўк дов арчалардан бошлаб то бир қарич нафис болача арчаларга қадар барчаси муҳташам қор либосида кўркам ва мағрур турадилар. Бироқ фашистлар ўзларининг юпун кийимларида ночор ва ожиз ҳолда эса-да, Москва сари иштилари эдилар. Лекин Москва пўлатдан қуйилган тилсимли қўрғон каби метин ва зўр ирода билан курашмоқда. Жангчиларимиз фашистларни техника — танк, авиация ва турли даҳшатли пулемётлар ёрдами билан ҳамон қириб, топтаб янчмоқда давом этадилар. Қаҳрамон аскарларимиз ҳалими писанд этмайдилар. Москва енгилмас ва емирилмас бир тоғ каби муаззам турар. Атрофи бақувват, пишиқ мудофаа ҳалқаларга ўралган. Москваликлар — ёш-қари, барчаси кеча-кундуз уйқудан, роҳатдан воз кечиб, минг азоб ва қийинчиликларга дош бериб шаҳарни маҳкамлади. Дабдаба билан Европани босиб ўтган немиснинг тиши Москва бўсағасида синди, ушалди. Улар ҳамон янги ва янги дивизиялари, минглаб танк ва самолётлари билан жаҳаннам оловини ёғдирсалар-да, бизнинг халқимизнинг, жангчиларимизнинг иродасини бука олмадилар, синдира олмадилар. Нафрат ва ғазабимиз, қин ва ўч юракларимизда жўшарди. Энг ёш қизларимизга қадар қурбон бўлишга, осилиш ва отилиш-

га рози бўлдилар-ку, аммо душман йўлини тўсдилар. Москвага киришга йўл бермадилар. Бутун совет халқларининг кучи бир забардаст муштга тўпланиб етди.

Декабрь ойлари даҳшатли жанг билан кечмоқда. Қалтираган, юпун, кир, ифлос фашистлар орқа қилган зўр техникаси емирила бошлади. Бу буюк урушда жанг мактабини ўтиб улгурган, пўлатдай тобланган пишиқ аскарларимиз, янги уринмаган қалин кийимли ва яхши қуролли дивизияларимиз барчаси фашистларга зўр ҳужум, тарих кўрмаган дев ҳамлага тайёр эдилар.

Бектемир ва жангчилар гулхан олдида гурунглашиб ўтирадилар.

— Уртоқ ботирлар, биз энди бундан кейин чекиниш деган гапни билмаймиз, — деди Дубов махорка тутунига ўралиб. — Душман саваламоқни энди биздан кўрсин. Гал бизники. Чангалимиздан битта фашист ҳам тирик қочолмайди. Оёқсиз, қўлсиз, бошсиз ифлосларга рус ери мазор бўлсин! Буюк халқимизнинг, муқаддас Ватанимизнинг, мектин партияимизнинг буйруғи шу! Ҳужумга ўтамиз, ғазабларингни қайрай беринглар!

— Офарин! — қичқирди Бектемир. — Немисни инига тиқиб, кейин зўр тантана қиламиз.

Аскарлар кўтаринки руҳ билан суҳбатда давом этардилар. Мана жангчилардан бириси, Васильев дўнғиллаб деди:

— Немис қўймайди, ҳали кўп ёпишади, техникаси баланд унинг.

Жангчилар пичинг ва киноя билан фашистларни ҳар хил муболағалар билан кўпиртириб ҳазил қила бошладилар.

— Фашист деганда жони томоғига келади Васильевнинг. Қўйинглар, қўрқитманглар бечорани, — деди Дубов мўйловини бураб.

— Ҳа, нима дейсан, нон ва туз тутиб, дарвозани очиб берайлик бўлмаса, — деди ғижиниб сибириялик бир жангчи.

— Йигит юракли бўлиши керак, дўстим, — деди Бектемир. — Қарияларнинг яхши сўзи бор — қўрқмас қирқ йил қирғинда юрса, қилич ўтмайди.

Гулхан атрофида аскарлар давраси тобора сиқилиб борарди. Совуқдан увишиб махоркани тез-тез тортар, баъзи командирларнинг жонбоз-жонкуярликлари, айрим жангчиларнинг қаҳрамонликлари ва ниҳоят олди-қочди турли гаплар ила суҳбатни узмай ўтирардилар.

Хира тонг отиши билан бирдан жанг бошланиб кетди.

Артиллерия — жанг илоҳи, азамат, хилма-хил, каттакичик, ажойиб маҳобатли тўпларимиз ишга тушди. Ер ва осмонни зилзилага солиб титратди. Улуғвор эди булар. Техникамизнинг ажойиб ижоди жангчиларимизнинг қаҳрамонликлари билан пайванд бўлиб фашистларни толқон этишга киришди. Жангчиларимиз ҳужумга отилди. Қаттиқ, чидамли, қонли жанглар ясаб, қишлоқ, шаҳарларни озод этиб, илғори сурилди.

Артиллериямиз душман устига жаҳаннам ағдариб даста-даста танкларини, карвон-карвон автомашиналарини яксон қилиб, фашист махлуқларни қира кетдилар.

Яқинда ноябрь кунлари Москва остонасига етган, баъзи жойларда ҳатто артиллерия отиши масофасида зафар ишончи ила турган душман олдида ҳам совет халқи титрамади, ишончини йўқотмади. Балки баъзи бир, Москва томон бўлди, деган қўрқоқ, уятсизлар, аблаҳлар бўлгандир. Аммо бундайлар виждонсиз инсон қиёфасини йўқотган олчақандир.

Мана кунлар келди, жангчиларимиз, қаҳрамон шер йигитларимиз, Ватанга юракларида меҳр-садоқат ҳисси тошган қизларимиз зафарга ишонч билан олға босдилар. Улар бу йўлда ўлимдан қўрқмас, фидокорликлари афсонавий, ёлғиз жонини азиз Ватанга қурбон этишга ҳозир, гарчи қурбон бўлсалар-да, пешаналарига шон, абадий боқийлик ёзилган халқнинг суюкли ўғил-қизлари эди.

Бу зўр ҳужум, буюк юришнинг биринчи кунларидаёқ зафар қувончи кенг юртимиз узра чақмоқдай тарқалди. Халқ буни ҳар он, ҳар нафас қатъият билан кутиб турарди. Буюк Ватан урушининг муҳим ва кескин босқичига ўтганимиз ҳаммага аён эди.

Аскарларимиз кундан-кун немисларни поймол қилиб олға бордилар. Бутун тактикамизнинг, жанг маҳоратимизнинг мақсади фақат фашистларни ҳалқада бўғиш, қириш бўлди.

Ҳар ёнда разил душманнинг ва емирилган техникасининг гуж-гуж жасади.

Жангчиларимизда гурур тошар. Бектемир энди жангларда пишган эски солдат. У хурсанд, дўстлари билан ёнма-ён олға юрди.

Қишлоқда даҳшатли жанг давом этмоқда. Фашистлар девордан, туйнукдан, деразалардан ўқ отар, аммо аскарла-

римизнинг фавқулодда ҳужуми қаршисида ожиз ва ночор ҳолда тўда-тўда асирга тушар, кўча-кўйлар, уйлар, омборлар уларнинг ўликлари, ярадорлари билан тўшалар эди.

Бектемир бирдан йиқилди. «О, аблаҳлар!» деди тишларини қирсиллатиб, ғазаб ва нафрат билан. Яқиндаги бир ҳамшира дарҳол кўтариб, пастак уйга олиб кирди. «Наҳотки шу бемаъни ўқ йиқитди менн...» ўйлади Бектемир хомуш, мадорсиз ҳолда атрофида йиғилган ҳамшираларга кўзларини жавдиратиб, қизларнинг бириси дарҳол беозор, аммо чаққон ҳаракатлар билан ўқ ўтган сондаги ярани дорилаб боғлади:

— Ҳеч қиси йўқ, лекин тоза ётасан, — деди Бектемирнинг пешанасини оҳиста силаб, онадай илиқ, меҳрибон боқиб. Бектемир миннатдор кўзларини юмди. Оғриқнинг зўрлигидан, қоннинг кўп оққанлигидан у ҳолсизлашган, ранги ўчиқ, мадорсиз ётар эди.

Уй оғир-енгил ярадорларга лиқ тўлган. Тагин янги ва янги ярадорлар келтирилмоқда. Бири инграган, бири бақирган, бири ҳушсиз ётарди. Ҳамширалар тўхтовсиз чаққон, қатъий ҳаракатлар билан яраларни боғлаб, бир-икки оғиз шифобахш илиқ сўзлар, меҳрибон боқишлар билан уларга ором беришга тиришар, фидокорлик билан биринчи ёрдамни кўрсатар эдилар.

Бектемир оғриқни ютишга, енгилга тиришиб, тишини тишига қўйиб, мадорсиз кўзлари юмуқ ҳолда ётар эди. Ҳарсиллаб югурган ва уйга кирган ҳамон дўсти олдида чўққайган Дубовнинг иссиқ нафасидан у кўзларини катта очиб юборди.

— Нима бўлди сенга? — деди Дубов шошиб, аммо ташвиш қўрқинчини яширишга тиришиб ва қимирлагиси, кўтарилгиси келган Бектемирнинг елкасига оғир, бақувват қўлларини оҳиста қўйиб қучди:

— Қани, кўрай, э... зиёни йўқ, соғаясан. Аммо дўстим, икки-уч ой ётиш лозим бўлади. Хайр, азизим, зўр жанг билан олдинга кетяпмиз. Хат ёз, дарагингни бериб тур, — деди ва дўстининг лабларидан қаттиқ, қайноқ ўпди.

— Хайр, дўстим, ўлмас, абадий хайр... — деди оҳиста Бектемир оғриқ ва қайғудан ўпкаси тўлиб.

— Ундай дема, Берлинга иккимиз бирга борамиз, — деди Дубов кулиб ва эшикда яна бир зум тўхтаб қайрилди, меҳрибон табассум билан яна бир хайрлашди-да, тез чиқиб кетди. Қани, ҳозир Олтиной бўлса ёнимда, дедди ичида Бектемир, соғинч ва ҳасрат билан. Майли, омон бўл

син унинг ҳар қадами хатарли; жангларда пишиб, ярадорларга шифо бериб, шафқат ила хизматда юргандир, эҳтимол кўришармиз, деди ва юзида шодлик ҳам табассум жилваланди.

Шу тобда ҳовлиққанича алоқачи Азимов етиб келди:

— Тавба, эшитдим-у, югурдим, сизга не бўлди, ярангиз жиддийми? Тезроқ жўнаб қолинг, — деди ва бир ярадор ила машғул бўлаётган ҳамшира билан шошиб-пишиб гаплашди-да, Бектемирни кўтариб, кўчага чиқди. Кўп ўтмади, бурчакдан чиқиб ғизиллаб келаётган тез ёрдам машинанинг йўлини тўсди. Ярадорларга лиқ тўла машинага ҳамшира ёрдами билан Бектемирни авайлаб тиқиштирди.

— Дўстим, — деди Бектемир, — мабодо кўрсанг Камолни, биласан-ку, кўрган эдинг, ётиғи билан айтиб қўй, салом дегин, — ялинди.

— Хўп, хўп, ташвиш қилманг. Хайр, уруш-да, бу авжи уруш, — деди ва машина қўзғалиб улгурмасдан алоқачи кўздан ғойиб бўлди. Бектемирнинг оғриғи даҳшатли. Совуқ нафасни кесадиған изғирин. Булутларга қизил югуриб, хира қуёш ботмоқда. Машина катта йўлда учар эди.